ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ МАРКАЗИ

“АХСИКЕНТ” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ

НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ

# ШОҲ МАНСУР ЗИЁРАТГОҲИ

ФАРҒОНА – 2025

www.ziyouz.com kutubxonasi

**УЎК:693.554**
**КБК:38.626.1**
**Н 13**

**Нодиржон Абдулаҳатов. Шоҳ Мансур зиёратгоҳи Фарғона – 2025 "Classic"- нашриёти-2025. 268-бет.**

**Масъул муҳаррир:**
**АШИРБЕК МЎМИНОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

**Тақризчилар:**
**ТОҲИРЖОН ҚОЗОҚОВ**
**Тарих фанлари номзоди, доцент**

**НАЖМИДДИНОВ ЗАФАР ҲОШИМЖОНОВИЧ**
**тарих фанлари номзоди**

**ИНОМЖОН ТЕШАБОЕВ**
**Психология фанлари фалсафа доктори (PhD)**

Ушбу китобда Фарғона водийсидаги машҳур зиёратгоҳлар ҳазрат Шоҳ Мансур, Шайх Носуриддин ва Ошиқ Юсуф мозорлари билан боғлиқ халқона қарашлар, ривоятлар ҳамда зиёратгоҳ ва улар жойлашган манзил, авлод-аждодлар тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Қолаверса, мазкур асарда Туркистон халқлари тарихи, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб туҳфадир.

Монография тарих, диншунослик, манбашунослик, агиография, маданият ва тасаввуф, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

*Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази методик кенгашининг* ***08.11.2025*** *йилдаги* ***№8*** *сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.*

**© Н.Абдулаҳатов.**
**"Classic"- нашриёти-2025.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА

Муқаддима ўрнида............................................................................4
Марғилон зиёратгоҳлари..................................................................18
Шоҳ Мансур зиёратгоҳи билан боғлиқ қўлёзмалар.................46
Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий насабномаси...............................48
Шоҳимардон насабномаси...........................................................65
Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу..........................................67
Ҳусни хулқ..........................................................................................75
Муҳаммад ибн Ҳанафийа розияллоҳу анҳу..............................78
Муҳаммад Ҳанафийанинг зурриёдлари.....................................89
Муҳаммадийлар силсиласи.........................................................93
Волидаи-муҳтарама.......................................................................95
Туркистон хўжалари зиёратгоҳлари..........................................99
Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоят.........................106
Шоҳ Мансур қабристони вақфномаси......................................122
Шайх Носуриддин қаддасаллоҳу сирраҳу.....................................124
Шайх Носуриддиннинг устозлари............................................162
Шоҳ Мансур авлодларининг кароматлари..............................165
Ҳазрат Саййидул Ошиқин насаблари.......................................177
Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи.............................................................181
Ҳазрат Шоҳ Мансур авлодларига тегишли нодир қўлёзмалар ваҳужжатлар..................................................................................205
Хулоса.............................................................................................242
Мазар Хазрат Шах Мансур..........................................................244
Mazar Hazrat Shah Mansur............................................................249
Зиёрат одоблари............................................................................255
Фойдаланилган адабиётлар.........................................................259



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Алҳамду лиллаҳи Роббил аламийн. Вал ақибату лил муттақийн. Вас солату вас саламу ала хойри холқиҳи Муҳаммадин ва аъла алиҳи ва асҳабиҳи ажмаийн.

Алҳамду лиллаҳиллазий навваро қулубал арифина би нури жамали затиҳи ва сифатиҳи ва шароҳа судурол – василийна бизуҳури жамали азоматиҳи ва аятиҳи ва аҳроқо нуфусал – муштоқийна била маъатил мушоҳадати ва муъаянатиҳи ва аскаро асророл муҳиббийна би рашоҳати роҳил – маҳаббати ва тажаллиятиҳи. Вас-солати вассалому аъла Росулиҳи Муҳаммадин султон ил-анбияи вал мурсалийна ва саънади бурҳонил – авлияи вал муттақийна ва шамиъал – музнибийна вал мутиийъийна, вужудуҳу раҳматан лил аламийна ва аъла алиҳит – тойийибийнат-тоҳирийна ва асҳабил-лазийна ҳум шумулсул – иҳтидаи ва нужубул иқтидаи ила явмид дийн[1].

Фарғона водийсидаги машҳур зиёратгоҳлардан бўлган ҳазрат Шоҳ Мансур ва Ошиқ Юсуф мозорлари тарихида тўғрисида ёзишга киришар эканмиз, узоқ вақтгача ўйланиб юрдик. Бу масъулиятли ишни уддалай олмасдан, уялиб қолмасмикинмиз? деб. Бироқ, улуғларга бўлган чексиз эҳтиром ва мавзуга бўлган қизиқиш бизга сира тинчлик бермади. Агар ёзмасак, қалбимиз таскин топмаслигини тушуниб етганимиздан сўнг, улуғ зотларнинг "Ҳар нарсага

[1] Таржимаси: Борлиқни яратган Аллоҳга мақтовлар бўлсинки, зоти ва сифати, жамоли нури билан маърифат соҳиблари – орифларнинг ва нозик дилларнинг юракларини нурафшон этмиш, азаматининг буюк зуҳури ва аломатлари билан восилларнинг – Ҳаққа етишганларнинг қалб кўзини очмиш, мушоҳада чақини ва эътибори билан муштоқларнинг кўнгилларига ўт ёқмиш, муҳаббат бодасининг томчилари ва тажаллиси билан севгувчиларнинг дилларини маст қилмиш.

Набий ва расулларнинг султони, авлиёю муттақинлар бурҳонининг (ҳужжатининг) санади-суянчиғи, гуноҳкору итоатгўйларларнинг шафоат қилувчиси, мавжудлиги оламлар учун раҳмат бўлган Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадга, ул зотнинг покиза оилаларига ҳамда Қиёмат кунига қадар тўғри йўл қуёшлари ва йўлчи юлдузлари бўлмиш саҳобаларига Парвардигоримиздан раҳмат ва саломлар бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳлиё бўлавермай, қўлдан келганича ёзавериш керак" деган сўзлари бизга далда бўлди. Энг асосийси – қоғозга битилгани. Тарих муҳиблари ундан истаганларича ва имкониятларидан келиб чиқиб фойдалансинлар.

Ушбу зиёратгоҳлар тўғрисида китоб ёзиш борасида илк бор 2004 йилда Япониянинг "Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази" ва "Тойота" фондининг ҳомийлигида "Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш" (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни тадқиқ этиш чоғида М.Савада (Тойама университети), Ш.Ясуши (Чуо университети), Я.Кавахара (Япония илмий тараққиёти жамияти) ва Ж.Сугавара (Токио университети) сингари бир гуруҳ япон олимлари ҳамда устозимиз таниқли шарқшунос олим Аширбек Мўминов ҳамроҳилигида Шоҳ Мансур мозорини зиёрат қилган чоғимизда ният қилган эдик. Зиёратдан сўнг бир муддат Ўзбекистон Марказий Давлат архивида олиб борган изланишлар давомида ҳазрати Шоҳ Мансур ва унинг авлодлари билан боғлиқ вақфномаларга келган вақтимиз улуғ зотлар, валий инсонлар ҳақида ёзиш осон эмаслигини тушуниб етдик. Бинобарин, азизлар ҳақида бир нималар ёзсак ҳам, том маънодаги сийратлари, ботиний ҳолатлари ҳамиша сирли бўлиб қолаверади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи манбаларда "валийларнинг ҳақиқий даражалари охиратда билинади" деб айтилган.

Шундай бўлса ҳам, валийлар набийлардан кейин алоҳида хислатли, кароматли инсонлар сифатида халқ орасида обрў-эътиборга лойиқ бўлишганки, валий зотлар ҳақида тазкиралар ва маноқиблар ёзиб келинган. Бундан буён ҳам ёзилаверади. Соликлар, тариқат йўлчилари учун маънавий озуқа булоғи бўлиб қолаверади. Жумладан, "Насойим ул-муҳаббат"ни ўқиган инсон ҳар бир шайхнинг ўзига хос ва мос илми, даражаси ва сир дунёси борлигига



www.ziyouz.com kutubxonasi

амин бўлади. Тасаввуф ҳақида айтилган ҳикматли сўзлари мурид ва мухлисларни ҳамиша тафаккур ва мушоҳадага ундаб туради. Валий зотлар ортиқча таъриф-тавсифга муҳтож бўлмасалар-да, аммо улар ҳақида эҳтиёт бўлиб фикр билдириш фойдадан холи эмас...

Яшаётган қишлоқ ва шаҳарингизда валий зотлар, эл ардоқлаган алломалар дафн этилган зиёратгоҳлар мавжуд бўлса, шубҳасиз, сизда уларни яқиндан билиш имкони туғилади. Ёшликдан кўнглингиз улардаги яхши фазилатларни сезгандек бўлади. Аммо негадир истиҳола ё тажрибасизлик қилиб, улар ҳақида эшитган билан ривоят ва ҳикоятларни ёзишга журъат қилмайсиз. Лекин вақт ўтиб бориши билан улғая борганингизда, сиз билган улуғлар ва уларнинг авлодлари ҳам ғаниматлиги, уларнинг сирли жиҳатларини кашф қила бошлайсиз.

Азизларнинг ҳаётига узоқ умрлик тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда назар соласиз. Шунда безовта қилган фикрлар, илоҳий туйғулар сизда улар ҳақида бир нималар ёзишга ундайди. Ёзганда фойдаси бўладиган жиҳатларни ўйлаб астойдил ишга киришасиз[2].

Биз ҳам шу боис, ҳазрат Шоҳ Мансур зиёратгоҳи тарихини ўрганиш баробарида унинг авлодлари бўлмиш Шайх Носуриддин, Ошиқ Юсуф ва уларнинг тариқат пиронлари, шогирдлари ҳақида, ҳақида эшитганларимизни ёзишга бел боғладик. Бу борада Шайх Фаридуддин Атторнинг муборак сўзларини ёдга олдик: *"Валийларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ва барча ҳолат-ишларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садоқат қалбларимизга Аллоҳ солган муҳаббат нури каби порлоқ, буюк зотларга таъзимимизни юзага келтиради. Аллоҳ таолонинг муборак номларини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиё*

[2] Ўроқхон (Раъфиддинхон) ҳожи шайх Назруллахон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. – Т.: "Мовароуннаҳр", 2005. 6-7-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Аллоҳ ёдини унутмаган зотлар учун валийлар ҳаёти намунадир".*

Аслида, улуғ зотлар ҳақида сўз айтиш бизнинг вазифамиз эмасдек туюлади, чунки тариқат пиронлари бўлмиш дўсти Худолар ҳақида бирон бир сўз айтишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ўша зотлар мақомидаги ориф зот, жилла қурса, бу зотлар ҳақида кўп манбаларни ўқиган илм аҳлларидан бўлиш керак. Лекин у зотларга бўлган ғойибона муҳаббат бизни бу соҳада сўз айтишга журъат берди.

Олий мақсадимиз Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг хонадони бўлмиш аҳли байтга мансуб ва унинг маънавий меросхўрларидан бири бўлган нақшбандия тариқати силсиласини улуғ намоёндаси ҳазрати Шайх Носуриддин (қ.с.) нинг ўзига хос маънавий ҳаёти, руҳияти, фаолияти, ва унинг пиру устозиларининг турмуш тарзи, панд-насиҳатлари, ахлоқ-одоби, феъллари, кароматларини имконият даражасида тилга олдик. Ушбу китобда зеҳнимиз ва баҳсимиз доирасидан четда қолган мавзу юзасидан узрлимиз.

Қадимда яшаб ўтган донишмандлардан бири: "Ўзингдан ҳам узоқ яшамоқчи бўлсанг ва авлодларини ҳурматини қозонмоқчи бўлсанг, ўзингдан кейин яхши оила ва яхши китоб қолдир," деган эди. Нима бўлганда ҳам буюклар ҳақида ўзининг самимий сўзларини келажак авлодлар учун ёзиб қўя олган инсонлар умри боқийдир. Бу борада табиб, тарихчи, адиб ва шоир бўлган Маҳмуд Ҳаким Яйфоний-Хўқандийнинг (1850–1930) ушбу сўзлари диққатга сазовордир: "Агар сиз дунёда иккинчи марта яшашни истасангиз, билганларингизни ёзиб қолдиринг". Сайийдлар фахри Алихонтўра Соғуний "Тарихи Муҳаммадий" китобида айтганидек: "Инсон умри ўтар, ёзган сўзлари қолар".

Бугунги кундада жамиятда соғлом эътиқодни шакллантириш, уни такомиллаштириш ҳамда кишилар турмуш тарзига сингдириш, баркамол авлод тарбиясида



www.ziyouz.com kutubxonasi

валий зотларнинг маънавий меросидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Зеро, валий зотлар халқни мутаассиблик ва ақидапарастликка берилмасдан, халқ хизматини қилиб, Ҳақ ризолигини олишга, хайрли ва эзгу амаллар қилишга даъват этишган.

Илм-маърифат ривожланган жамиятда эзгулик, яхшилик, инсонийлик, ишонч-эътиқод, поклик илдиз отади. Дунёвий илмлар инсон тафаккурини чархласа, диний билимлар инсон қалби, руҳининг қуввати бўлади. Дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштирган инсон ҳар жиҳатдан комил бўлади. Ҳадисда "Бу дунёни деб охиратни, охиратни деб бу дунёни унутманг" дейилганки, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирган жамиятнинг келажаги буюкдир.

Азиз-авлиёлар маънавият дарғаларидир. Жамиятда соғлом муҳит бўлиши учун пок руҳ, мустаҳкам эътиқод, тўғри маслак зарур. Иймон қанчалик мустаҳкам бўлса, эътиқод шунчалик собит бўлади. Ёш авлод қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларни бой маънавий ва маданий мерос, тарихий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдиришда юртимиздан етишиб чиққан азиз-авлиёларнинг, шу жумладан, мазкур китобда номлари зикр этилган азизларнинг юксак ахлоқий фазилатлари ва ҳаёт тарзлари ибрат намунаси бўлади. Маърифатли жамиятнинг пойдевори буюк аждодларимиз қолдирган тафаккур сарчашмалари, маънавий мероси асосида қуриладики, келажак авлоддлар залворли илдизлари, мустаҳкам томирлари бўлганидан фахрланишади.

Халқимизда "Оч қолсанг бозорга, тўқ бўлсанг мозорга бор" деган ажойиб бир ҳикмат бор. Бу ҳикмат замирида теран ҳақиқат яширин. Яъни, ҳар бир инсон улуғлар ёки аждодлари дафн этилган мозорларни зиёрат қилар экан, у ўзини қийнаётган саволларга шу жойлардан жавоб топгандек



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлади. Айниқса, “Худонинг дўстлари” деб аталувчи улуғ зотлар бўлган валийлар номини ёдга олиш, уларнинг файзи осори қутлуғ, сербаракот қабрларини зиёрат қилиш ҳар доим савобли ишлар жумласидан ҳисобланган.

Эътироф этиш жоизки, валий зотлар инсонлар қалбини шамдек ёритиб, халққа беминнат хизмат қилишган. Шунингдек, илм бериш, адашганларни тўғри йўлга солиш, мискинларга саховат кўрсатиш, бева-бечораларга ҳиммат қилиш, етимлар бошини силаш, ғариблар кўнглини шод қилиш, жамики махлуқотга меҳр-шафқат назари билан қараш авлиёуллоҳга (Аллоҳнинг валийси, дўстига) хос фазилат бўлган. Валий зотлар бўлган, бор ва кейин ҳам бўлади, то ҳаёт бор экан, улар миллатни соғлом эътиқод асосида иш кўришда, халқни Ҳақ ва ҳақиқат томон даъват қилишда раҳнамолик вазифасини бажараверадилар.

Аждодлар маънавий мероси бебаҳо бойлик ва тенгсиз хазинадир. Унинг замирида аждодларнинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олийжаноб инсоний фазилатлари мужассамдир. Зеро, бу хазина нафақат ўз даври, шунингдек, келажак авлодлар маънавий ҳаёти учун мустаҳкам замин бўлади. Жумладан, валий зотларнинг пок эътиқоди, илму ирфон йўлидаги фидойилиги, камтарлик, хокисорлик, самимийлик каби фазилатлари ёш авлодда аждодларга чексиз ҳурмат- эҳтиром туйғуларини кучайтиради.

Марғилонда ўтган саййид авлодларидан Валихон тўра авлодлари қўлида сақланувчи “Равзат ул-ансоб”[3] асарида жумладан, шундай келади:

*“...Аммо баҳд, билгил ва огоҳ бўлгилким оят ва ҳадисдин сўнг бузургворларнинг сўзларини эшитмоқнинг савоби бисёрдур ва саҳиҳ саййид насаблар кароматлари ва хориқи одатларининг*

[3] 2002–2007 йилларда Японияниng “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар чоғида “Равзат ул-ансоб” қўлёзмасининг уч нусхаси аниқланди. Ҳозирда қўлёзмалардан бири Марғилон шаҳри, Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадонида сақланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ихлос бирла эшитса, неча фойдалар ва манфаатлар ҳосил бўлур. Аввал улким, толиб муридлар эшитса, талаби зиёда бўлур ва ҳиммати қавий бўлур. Иккинчи улки, кишини кўнглида ғурур ва димоғида кибру даъвоси бўлса, буларнинг сўзлари кўнглидаги кибрни ва даъвосини ботил қилур ва ўз нафсини яхши ва ямонини ўзига кўрсатилур ва Худо йўлиға ихлос бирла кирар ва кўр ва ботин бўлса, ботин кўзи очилур. Кўнгли мусаффо ва равшан бўлур".*

Ушбу тадқиқотда Марғилондаги ҳазрат Шоҳ Мансур ва унинг авлодлари бўлмиш Шайх Носуриддин ҳамда Ошиқ Юсуф ҳақида ҳикоя қилишни ният қилдик. Чунки уларнинг тарихи ҳақида эшитган ва яхши билганлар ҳозирда дунёдан ўтиб, қабристонларда мадфундирлар.

Атоқли ислом намояндаси, улуғ олим Алихонтўра Соғуний[4] ўзининг "Тарихи Муҳаммадий" асарининг сўзбошида айтибдурлар: *"Билмак керакким, ҳар бир мусулмон боласи, хоҳи эр киши, хоҳи хотун киши, хоҳи ёш, хоҳи қари, мана шу тубандаги тўрт нарсанинг тарихини билиши албатта лозимдур. I. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихлари. II. Қуръон карим тарихи. III. Дини ислом тарихи. IV. Каъбатуллоҳ тарихи".*[5]

---

[4] Алихонтўра Шокирхожа ўғли (тахаллуси Соғуний; 1885. 21.3, Тўқмоқ — 1976.28.2, Тошкент) — дин ва жамоат арбоби, уламо. Арабистон(Мадина)да ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. Чор маъмуриятининг ерли аҳолини мардикорликка олиш сиёсатига қарши чиққанлиги учун подшо махфий полицияси таъқибида бўлди. 1916 йилдаги қўзғолон шафқатсизларча бостирилгач сиёсий муҳожир бўлиб Қашқар(Хитой)га кетди, кейин Шарқий Туркистон (Ғулжа ш.)га борди. Омма орасида ҳуррият ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли 1937 йилда Хитой маъмурлари томонидан ҳибсга олиниб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. 1941 йили адлиявий тафтиш натижасида озод қилинди. 1944 йили 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, Алихонтўра Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди. Миллий қўшин ташаббускори бўлди ва унга қўмондон этиб тайинланди. 1946 йили июнда шўро айғоқчилари томонидан махфий равишда тазйиқ билан Ғулжадан олиб чиқиб кетилган Алихонтўра умрининг охиригача Тошкентда яшади. Алихонтўра Соғуний Аҳмад Донишнинг "Наводир-ул вақое", Дарвиш Али Чангийнинг "Мусиқа рисоласи", шунингдек "Темур тузуклари" каби асарларни таржима қилди. Алихонтўранинг "Девони Соғуний" шеърий тўплами, "Тарихи Муҳаммадий", "Туркистон қайғуси", "Шифо ул-илал" ("Хасталиклар давоси") ва бошқа асарлари бор. Алихонтўра Соғуний тарихий меъморлик обидалари ва қадимий қўлёзмаларни сақлаб қолишда жонкуярлик қилган. Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо қабристонига дафн этилган.

[5] Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Биринчи китоб. Тошкент, 1991. 6-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз сўз юритмоқчи бўлган Марғилондаги Шоҳ Мансур зиёратгоҳи ҳам айнан юртимизда ислом динининг жорий бўлиши тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги билан аҳамиятлидир.

2007 йили айни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйини нишонлаш тараддуди арафасида эдик. "Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари" китобини нашрга тайёрлаётган чоғимизда хонадонимизга икки мўйсафид отахонлар кириб келдилар. Маълум бўлишича, ака-ука Эрали ҳожи ва Йигитали ҳожи Эгамбердиевларнинг ташрифи ҳам Марғилон зиёратгоҳлари билан боғлиқ эди.

Маълум бўлишича, Эрали ҳожи ва Йигитали ҳожи Эгамбердиевлар умр бўйи қўлидан келганича ёрдамга муҳтожларга ёрдамини аямаган Марғилоннинг саховатлари инсонларидан эканлар. Улуғлар айтганидек: "Билгилки, саховат мақтовга лойиқ феълдир. У инсонга сайқал берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси яхши номлилик, эзгулик берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси дўстларнинг кўпайишидир. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ!" Байт:

Кимда гар сахийлик одати йўқдир,
Яхшилик кутмоқнинг ҳожати йўқдир.

Ака-укаларни етти ёт бегона кишиларга ҳам бирдек кўрсатган меҳрибончиликларини тилга олар эканмиз, бу борада улуғларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

Фузайл ибн Иёз айтадилар: "Бизнинг назаримизда юксак мақомга эришганлар кўп намоз ўқиш, ёхуд доим рўза тутиш билан бу даражага чиқмаганлар. Балки, улар қалблар саховати, кўнгиллар мусаффолиги ва умматга яхшилик соғиниш билан шу даражага етганлар".



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фузайл ибн Иёзнинг ҳузурида бир одамни мақтаб гапиришади. Шунда у: "Бу мақтовга аризигулик иш эмас, уни суриштирингчи қариндошига борди-келди қилармикан, ғазаби келганида ўзини босиб олармикан, биродарига яхши муомала қилармикан, агар шундай бўлса, уни яхши деса бўлади", – дедилар.

Муҳаммад ибн Восеъ: "Киши суҳбатдошига яхшиликни илинмагунича эҳсон мақомига эриша олмайди", – деганлар. Ҳатто баъзи салафлар қўйларини сотиб олаётган харидорга, бунга яхши муомала қилинг, чунки у бизникида бир муддат турган", – деб тайинлашлари ҳам шундан.[6]

Абу Бакр Музаний: "Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) бошқа саҳобалардан намози ёки рўзаси билан эмас, балки қалбидаги нарсаси ила устун бўлган эди. Унинг қалбида Аллоҳга муҳаббат ва бандаларига хайрихоҳлик бор эди", – деган. У зотнинг ўзлари: "Аллоҳ таоло дўзах ўтидан сақлашини истаган кимса мўминларга дилдан меҳрибон бўлсин", – деганлар.

Яна учрашувга қайтсак.

Сўзни Йигитали ҳожи бошлади: *"Биз яшаётган маҳалланинг қабристони Шоҳ Мансур деб аталади. Қабристон ичида Шоҳ Мансур ҳазратларининг қабрлари ҳам бор. Анча вақтдан буён хароб ҳолатда ётибди. Акам Эрали ҳожи билан бирга маҳалламиз аҳли шу жойни обод этиш ниятидамиз. Бироқ зиёратгоҳнинг тарихидан яхши хабардор эмасмиз. Имкон бўлса, шу табаррук жойни обод қилишимиз баробарида зиёратгоҳ тўғрисида батафсил маълумот берувчи рисола ҳам чоп этилса деймиз. Чунки кўпдан бери зиёратга келаётганлар биздан мозорнинг тарихини сўрайдилар".*

Афсуски, Эрали ҳожи ва Йигитали ҳожиларнинг ушбу илтимосларини бажаришга имконимиз ўша вақтда бўлмади.

---

[6] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Абдусаммад охунд Қоил Марғиноний. – Т.: "Noshir", 2014. 231-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки олдинда илмий ишимизни ниҳоясига етказиш турар эди. Шу сабабдан бир муддат барча диққат-эътиборимизни номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга қаратдик. Шунинг баробарида Шоҳ Мансур зиёратгоҳи билан боғлиқ маълумотларни тўплай бошладик. Эътироф этиш керакки, маълумот тўплаш осон кечмади.

Шундай қилиб бу хайрли иш учун зарур барча маълумотларни излаш ва йиғиш иши бошланди. Масофанинг узоқ-яқини, ахборотчиларнинг кекса-ёшлиги биз учун муҳим бўлмади. Мақсад қандай қилиб бўлса ҳам маълумот йиғиш эди. Ўша даврда чоп қилинган баъзи китоблар, баъзи вақтли матбуот нашрларини ҳам имкон қадар назардан четда қолдирмадик. Ҳазрати Шоҳ Мансур авлодлари яшаган ва дафн этилган зиёратгоҳларни аниқлаб, улар ҳақида ҳам тадқиқот ишларини олиб бордик.

2017 йилнинг 12 октябр куни бизни Шоҳ Мансур зиёратгоҳига таклиф қилдилар. Бу ерда ўн йил аввал хонадонимизга ташриф буюрган Йигитали ҳожи Эгамбердиев билан кўришдик. Йигитали ҳожи бизни кўриб беҳад хурсанд бўлиб кетди. Чунки шу куни Шоҳ Мансур зиёратгоҳини таъмири ниҳоясига етганлиги муносабати билан эҳсон қилиниб, элу юртга ош берилаётган экан. *"Акамиз Эрали ҳожи бу кунларга етиб келмади. Сизлар билан кўришганимиздан сўнг кўп ўтмай оламдан ўтдилар. Унинг орзуси ҳам, армони ҳам Шоҳ Мансур зиёратгоҳини обод қилиш эди. Хайриятки, фарзандлари, яъни жиянларим Бахтиёржон, Ихтиёржонлар оталарини васиятларини рўёбга чиқаришга бел боглаб, фарзандларимиз билан бирга Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Наманганлик усталар томонидан зиёратгоҳни асли кўринишида қайтадан барпо қилдилар. Қабристондаги барча қабрларни ҳам таъмирлатдилар. Мана шундай хайрли ишларнинг шукронасига бугун маросим ташкил қилган эдик. Сизларнинг ҳам бунда иштирок этишларинг ғоят хўб иш бўлди"*, дея бизни дуо қилдилар ҳожи ака.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хатми Қуръон ўқилиб, дуойи фотиҳадан сўнг қайтар чоғимизда ўша айтилган китобни тайёрлашни ният қилдик. Ҳазрати Эшон Ҳувайдо "Роҳати дил" китобини аввалида айтганидек:

*"Кўнгилда айладим ушбу баҳона,*
*Дедим бўлса бу мактубим нишона.*
*Чу мандин қолсам дедим ёдгори,*
*Китобим кетса ҳар шаҳру диёри.*
*Ўқиб шояд ёронлар ёд қилғой,*
*Дуода руҳи поким шод қилғай".*[7]

Чиндан ҳам биз ўн йиллар аввал кўрган харобалик ўрнида маҳобатли зиёратгоҳ қад кўтарган эди. Энг муҳими, худди қадим ҳолатининг айнан кўринишини эслатарди. Бу ишларнинг барчаси Эрали ҳожи Эгамбердиевнинг фарзандлари Бахтиёржон ва Ихтиёржон томондан амалга оширилган бўлиб, уларнинг нафақат зиёратгоҳни балки бутун қабристонни ободонлаштириш борасидаги хайрли ишларини кўриб кўзимиз ҳам дилимиз ҳам қувончга тўлди.

Дарҳақиқат кўпни кўрган донишмандлар "Саховат билан дунё саодатини топса бўлур", дейдилар ва бунга мисол тарзда Арастунинг Искандарга берган жавобини келтирадилар. Искандар Арастудан сўради: "Дину дунё саодати нима нарса туфайли бўлур?". Арасту деди: "Саховат ва эҳсондан".

"Жавоҳир ул-иморат" деган китобда ҳикоя қилинишича, қачонки сахийликда номи машҳур бўлган Ҳотам Тоий вафот қилганларидан сўнг узоқ йиллар ўтиб уни дафн қилган жойлардан сел оқиб ўтади. Бир неча марта сел келгандан кейин, Ҳотам Тоийнинг қабрини ювиб кетиш эҳтимоли пайдо бўлади. Ўғли уни бошқа жойга кўчирмоқчи бўлиб, қабрни очганда, кўрсаларки, Ҳотам Тоийнинг ҳамма жасади

---

[7] Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам / Тадбил қилувчи, нашрга тайёловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Рўзиматзода. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2011.35-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

чириган, лекин ўнг қўли чиримай қолибди. Одамлар таажжубда қолади. Шунда бир доно киши: “Бу ишга ҳайрон бўлманглар. Чунки Ҳотам шу қўли билан мискинларга эҳсон қилар эди. Хайру-саховат туфайли қўли саломат қолди”, деган экан.

Эҳсон ва саховат ҳам ахлоқи ҳамидалардан саналиши кўпчиликка маълум. Қуръони карим ва Ҳадиси набавийййада бу билан боғлиқ оят ва ҳадислар кўплаб келишидан уларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни, улуғлиги англашилади. Аллома Қойил Марғиноний бу борада: *“Ҳаётинг борича эй банда ахтаргил ибодатни, ғарибу бенаволарга қилиб хайру саховатни”*, дея кишиларни саховатга чақирадилар ва бу сабабли киши халқ ва Холиқнинг ризоси, ғарибу бенаволарнинг дуосига эришишини айтадилар.

Биз китобимиз аввалида бежиз саховатдан сўз очмадик. Чунки ушбу китобнинг чоп этилиши ҳам саховатли тадбиркорларининг бевосита амалий ёрдамида амалга оширилди. Чунки мазкур тадқиқотни нашрга тайёрлаган бўлсак-да, бироқ молиявий сабаблар туфайли чоп этиш ишлари орқага сурилмоқда эди. Азизларимиз ҳар бир ишни ўз вақти бор, деганларидек, вақти соати етди шекилли Яратганнинг ўзи бизга шундай марҳамат кўрсатди.

“Иннамал аъмалу биннийяти”, яъни “Банданинг ҳар бир қилган ишлари унинг ниятига қараб бўлур”, деган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига амал қилиб, ушбу китобни тайёрлашга киришдик.

Кўпдан бери Шоҳ Мансур ҳазратларининг авлодларидан бўлмиш замонасининг машҳур соҳиби ҳол авлиёси Шайх Носуриддин ва унинг фарзанди аржуманди Саййид Ошиқ Юсуф алайҳи раҳмалар тўғрисидаги эшитган ва билганларимиз бизга тинчлик бермай келаётган эди. Шу хайрли иш баҳонасида уларни ҳам ҳаёти ва фаолиятларини, сурати ва сийратларини яратишга ҳаракат қилдик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадқиқот ишлари нафақат Марғилон балки Наманган вилоятининг Косонсой туманларида ҳам давом этди. 2005 йили Косонсойга қилган ташрифимиз чоғида биз илк бор ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларидан бўлмиш Юсуфхон Эшон (Ошиқ Юсуф) зиёратгоҳида бўлган эдик. Сафаримиз чоғида бизга ҳамроҳлик қилган Юсуфхон эшон авлодларидан бўлмиш содда ва дилкаш инсон Маҳмудхон Худойбердиев зиёратимиз ниҳоясида косонсойлик бир гуруҳ тадбиркорлар биз билан кўришмоқчи эканликларини айтиб қолди. Улар билан бўлган самимий суҳбатимиз чоғида ҳазрати Шоҳ Мансур ва Юсуф эшон тарихига доир китоб чоп этилса ва бу борада қўлидан келганича кўплар қаторида ёрдам беришга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Буни қарангки, ўша суҳбатимиздан кўп ўтмай тасодифан косонсойлик суҳбатдошларимиз билан Тошкентда кўришдик. Улар бизни илмий ишларимиз билан қизиқиб, ҳазрати Шоҳ Мансур ва унинг авлоди билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихини ўрганишимизга астойдил киришимизни қайта-қайта илтимос қилишиб, бўлажак китоб ишига учун беминнат ёрдамларини сира аямадилар.

Яқинда биз учун азиз ва мўътабар, кеча-кундуз эл-юрт ташвишини қилувчи фидойи инсон косонсойлик Ўзбекистон халқ ўқитувчи Немаътуллоҳ Холматов ва ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларидан бири Маҳмудхон Худойбердиев билан кўришган вақтимиз мазкур китобимизнинг тақдири билан қизиқдилар ва суҳбат охирида “Албатта ушбу китобга ҳомий топамиз”, деб хайрлашдилар.

Неъматжон амаки ва Маҳмудхон аканинг бу гапларидаги самимийликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Чунки бу ҳазрати инсонлар зиёратгоҳлар юзасидан олиб борган изланишларимизда бирининг ёши тўқсонга яқинлашиб қолганига ва иккинчиси зиммасига юклатилган ишларига қарамай азбаройи тарихга қизиқишларидан баъзан ҳатто қишнинг қаҳратон чилласида ҳам ёзнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

саратон палласида ҳам тонг саҳардан кечгача бизга ҳамроҳлик қилдилар. Уйларининг тўридан жой беришиб, топганини биз билан баҳам кўрдилар.

Буни қарангки, китобнинг тақдири уларга сира тинчлик бермади ва тез орада сўзларининг устидан чиқдилар. Неъматжон амаки бизни қўли очиқ, мурувватли инсонлар билан учраштирди. Улар китобнинг қораламаси билан танишгач, "Астойдил бел боғланглар: Китобларингизни чоп этишда ёрдамга тайёрмиз. Агар ёшларимиз бундай тарихий китобларни кўп китоб ўқиса, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросидан хабардор бўлиб, камол топса, бу қандай яхши!" дейишиб яхши тилаклар билан дуога қўл очдилар. Дуолар ижобат бўлиб, китоб ҳам нашриётга берилди.

Қадимдан ҳар бир ёзилган ва ёзилажак китоблар дили пок, эзгу ниятли инсонларнинг яқиндан кўмаклари туфайли дунё юзини кўрган. Китобимиз аввалида биз ҳам ушбу китобни чоп этишда яқиндан ёрдам берган Ғуломали Мадумаров, Йигитали ҳожи Эгамбердиевдек эзгу қалб соҳибиларига, Аллоҳдан беҳисоб ажру мукофотлар тилаб қоламиз.

Муаллифдан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАРҒИЛОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Барчага маълумки, Қудрати илоҳий биз билган моддий оламдаги барча нарсада зуҳур кўргузади ва тажалли топади. Шулардан бири — ёзув ва унинг зуҳури — китобдур. Китоб бизга шаън аждодларимиз ҳақида хабар берувчи восита ҳамдир. Китоб орқали уларнинг ҳаёти, хавориқи одат ва кароматларидан огоҳ бўламиз. Дини ислом тарихи, буюк алломалар, азиз- авлиёлар тўғрисида билимлар оламиз.

Айтишларича, Бухоро, Самарқанд, Тошкент сингари қадимда қўшни шаҳар ва қишлоқлардан Марғилонга келаётган зиёратчилар шаҳарга яқин келганларида, худди аввал таҳорат олгач, икки ракат намоз ўқиб, сўнгра одоб билан кирар эканлар. Бу шаҳар ва унда истиқомат қилаётган азизларга кўрсатилган ғойибона эҳтиром бўлган. Дарҳақиқат улуғларимиздан эшитганларимизга кўра, илм-маърифат, илоҳий файзлар кони Марғилоннинг улуғ зотларига бўлган юксак ҳурматнинг рамзи сифатида фирдавснишон Марғилон томонга қараб оёқ узатиш ҳам беодоблик саналиб келинган экан. Марғилоннинг қадимги қабристонларида Ислом динига зийнат берувчи саҳобалар, тобеин ва табаъ тобеинлар, фақиҳлар, воизлар, зоҳидлар, буюк шайхлар, садрлар, қозилар, валоят соҳиблари, тариқатнинг муршиди комиллари, Марғилон ҳимоясида жон берган марди майдонлар дафн этилган. Байт:

Ҳеч адо бўлмас десам,
Ётган азизлар сони йўқ.
Қай бирин изҳор этай
Саф айламак имкони йўқ.
Чашми ботинда тирик,
Зоҳир назарда қони йўқ...
Ким тавоф этса аларни,
Кўнглида армони йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ҳақда Муҳаммадумар Умидий – Ҳавойий. “Тарихчайи туроний”[8] асарида қуйидаги таърифни келтиради:

“Камина мусаннифи авроқ Марғилон шаҳридан бўлғоним учун килки фасонатарози суханпардоз, тўти янглиғ шакар резлиғ ҳангомасида ба иродаи вожибу-л-вужуд, сўз гуҳарини назм силкига манзум этиб, Марғинони фирдавснишон арўсиларини кокили мушк афшонига тумор ўрнида зеварбонлиғ айлоғони:

Килки саводи анбари сар-сар хиром,
Бу ила қўяр равзаи сўз сори гом.
Ҳар сухан ҳусниға сунбул сочиб,
Хулди барин гулшанидек гул очиб.
Қайси сухан гавҳаридур жонбаҳо,
Маъдани нақдинаи султон баҳо.
Сўз дегали килки иборатбаён,
Бўйла ёзиб тил этардир аён.
Деди зиҳи! килки мулки ҳумо ошён
Балдаи фирдавснишон Марғинон.
Хоки абир, оби гулоби беҳишт,
Аъни гулобики, шароби беҳишт.
Лойи ифор, анбари заъфарфишон,
Анда шажарлар ҳамма Тўби[9] нишон.
Санг резаси чунки нужуми фалак,
Тобқуси жаннат ила андин малак.
Қалъа василигида чу даври жаҳон,
Кунгираси қурси билан ҳаминон.
Тоқи баланд оли иморат фузун,
Қаср ила айвон ҳамма фирдавсгун.
Неча қабила мутаваттин бўлуб,
Ҳар бири ўз жойида сокин бўлуб.
Маъдани исломим шаръдур,

[8] Муҳаммадумар Умидий. Тарихчайи Туроний. / Табдил, таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2013. – 420 б.

[9] Тўбий – жаннатдаги дарахт номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чун шажари илм амали фаръдур.
Кони фазилат ҳамма мардумлари,
Зикри Худо деярға вали тиллари.
Мадрасаю масжиди жомеси кўб,
Таҳсил ила толиб эли дарс ўқуб.
Дар бар ўлан ҳол ила илми қол,
Рутбада ғавси замон баркамол.
Маснади ҳикматда шаҳи мавлави,
Жумласи дарёйи дурур маънави.
Аҳли ҳунар, аҳли шараф фавж-фавж,
Баҳри фуюзи Ҳақк уруб мавж-мавж.
Растай жаннат каби, кўб чорсу,
Ойина банд анда дўконлар қамсу.
Молу манол, атласу кимхоблар,
Накди матоъ шолу санжоблар.
Барча муҳайё, топилур ғайри жон,
Ҳосил этар билки анинг излагон.
Бу балдани отини ёна дер,
Номини бир лафз ила Фарғона дер.
Ушбу иқлимнинг бониси,
Нақшини тасвир қилган Мониси.
Ғолиб Доройи[10] шужоат паноҳ,
Ҳазрати Искандар[11] замин кулоҳ.
Соҳиби таъмир иккинчиси бил,
Нўширвон[12] эди бу равшан далил.
Айлаган учунчи биносин аён,
Авранги адл уза Қизил Арслон[13].
Тарих оғозиға ул шоҳи зеб,
Қилди минороти бино ҳукм этиб.
Лафзи “минор”ҳарфини ҳар ким ҳисоб,
Қилса билур таъмири солин маоб.

---

[10] Доро – ахмонийлар шоҳларидан Доро III (ваф. э.о.329 й.) назарда тутилади.
[11] Искандар – Македониялик Искандар/Александр Филипп ўғли (ваф. э.о.323 й.).
[12] Нўширвон – Анушервон, қадимий Эрон подшоси.
[13] Қизил Арслон – қорахонийлар ҳукмдори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти фалак ичра кунушға макон,
“Хайрул умури авсатуҳо”дин нишон.
Етти ақолим аро бу шаҳр ҳам,
“Хайрун балда” номила тобти рақам.
Иқлими чаҳорумдан этарлар ҳисоб,
Аҳли хирадманд ба ҳукми китоб.
Толеидур Зуҳраи қонун навоз,
Хонаи ишратдан эрур сарфароз.
Ойинаи чеҳраси пок аз ғубор,
Сайқал ила соф, занг ғамидин ор.
Файзи ҳақосор мозороти кўб,
Мадфун ўлан қутби қубуроти кўб.
Мавзеи маърифи бир оли макон,
Хоки анинг хуни шаҳидон нишон.
Номи анга машҳур ҳамаси зи қубур,
Мужтаҳиди даҳр, аммо фи зуҳур.
Анда мадфун ўлунуб қабр аро,
Марқади нуридур жаннат фазо.
Яна Маъоз ибн Жабал[14]дур ясор,
Тобти расул хукмила мунда қарор.
Эрди саҳоба азим, тожи дин,
Пешвари лашкару, сандал нишин.
Яна икки мўйи шарифи расул[15],
Бўлди худо лутфи ила мунда нузул.
Уч юз етмиш икки асҳоб ҳам,
Қўйди бу мулки муҳтарам узра қадам.
Бўлди шарофатда Мадина мисол,
Ўлди етти иқлим ҳусниға кўнгил лол.
Ўзга балда муни таманносида,
Қолди тахайюр била ғавғосида.
Етмади мардумлари орзу қилиб,
Ҳасратидин кўз ёшини сув қилиб.

---

[14] Маъоз ибн Жабал – ислом пайғамбари Муҳаммаднинг саҳобаларидан бўлган.
[15] Пайғамбар соч толаси олиб келинганига ишора.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мағрибида салтанат оро Хўқанд,
Шоҳи, жаҳон шоҳларидин аржуманд.
Машриқида шаҳри Хўтан[16] бирла Чин,
Арз этадур лаҳза ипар оҳусин.
Эрди шимолида муҳити равон,
Гавҳари кўб қаърида лаъли гарон.
Суйи ясорида ҳамма дашту-тоғ,
Сим ила олтун бўлур андин суроғ.
Кули балодан муни ё Раб мудом,
Сақлағил осойиш аро бардавом”.[17]

Биз ҳар гал Марғилон тупроғига қадам қўяр эканмиз, бу ерда улуғ аждодларимизнинг нафасини ҳис қилгандек бўламиз. Шу боис ўша чоғларда таниқли олим Ғайбулла ас-Саломнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга тушар эди: “Юртимиз шундай муқаддас маконки, қаерида юрмагин, қадамингни эҳтиёт бўлиб ташлашинг керак: чунки унинг ҳар бир тоши ё кесаги бир буюк зотнинг хоки бўлиши мумкин!”. Дарҳақиқат, бу ўгитлар киши зиммасига шу заминда яшаб ўтган буюк-буюк зотларнинг қадрига етиш, уларнинг ўлмас руҳи олдида қарздорлик масъулиятини юклайди. Айнан шу масъулият туфайли биз мазкур китобни тайёрлашга киришдик.

Мазкур масъулият тақозосига кўра, биз ҳам ўтмишда яшаб ўтган Марғилон заминида дафн этилган бузрукворлар ҳақида сўз айтишни ният қилдик.

Қолаверса, бу бир неча йиллардан бери дилимиз тубида сақланиб келаётган эзгу ниятимиз бўлиб, айни чоқда бир мунча вақт олдин бошланган изланишлар туфайли Марғилон зиёратгоҳларига доир айрим маълумотлар йиғилиб қолган эди. Улар сўнгги икки юз йил ичида Марғилонда мавжуд бўлган қирққа яқин мозорлар, масжид

[16] Хўтан – Шарқий Туркитондаги шаҳар номи.

[17] Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда). Том I. – Тошкент, 2012. 1204-1205-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва мадрасалар ва шу табаррук заминида таваллуд топган мукаррам зотлар ҳақида бир-биридан қимматли маълумотлар бўлиб, уларни халқимизга етказиш муҳим кўринар, зеро, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ғоятда ибратли эди. Чунки илму амалда, тақво-ю тоатда, тавозеъ ва камтарликда мумтоз бўлиб, умрини дин хизмати, китоблар таснифига сарф этган комил инсонлар ҳаёти, ҳар бир замонда ибрат олмоққа муносибдир.

Айтиш керакки, биргина 2003-2022 йиллар давомида Марғилон шаҳрида олиб борган тадқиқотларимиз чоғида қирққа яқин муқаддас жойлар номини аниқладик[18]. Албатта бу зиёратгоҳларнинг айримлари собиқ мустабид тузуми даврида бузиб юборилган бўлса-да, кишилар хотирасидан ҳали-ҳануз сақланиб қолган:

1. Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи (сақланмаган). 2.Мўйи муборак зиёратгоҳи. 3. Шоҳ Мансур мозори 4. Носир Шоҳ мозори. 5. Улуғ Ҳазрат бобо зиёратгоҳи. 6. Киргил мозор зиёратгоҳи. 7. Подшоҳхон тўра зиёратгоҳи. 8. Ғавсул Аъзам авлодларининг зиёратгоҳи. 9. Хожам Подшоҳ (Офоқхожа) зиёратгоҳи. 10. Хўжа Маъоз зиёратгоҳи. 11. Хўжа Эгиз мозори. 12. Пур Сиддиқ зиёратгоҳи. 13. Сафилтўда

[18] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Мўйи муборак. Ф.: Фарғона. 2000; Абдулаҳатов Н. Марғилон зиёратгоҳлари // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005; Абдулаҳатов Н. Мўйи Муборак // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2005. № 4; Абдулаҳатов Н. Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 1; Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 2; 25. Абдулаҳатов Н. Зиёратгоҳлар ва ўзбек ментал тафаккурининг шаклланиши // Фарғона Давлат университети илмий хабарлари. Фарғона, 2006. № 4; Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. Фарғона, 2007; Абдулаҳатов Н. Марғилондаги Хожа Порсо зиёратгоҳи // Мозийдан садо. Тошкент, 2007. 2 (34); Абдулаҳатов Н. Этнограф А.К. Писарчик Марғилон ҳақида // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конфренция материаллари. Тошкент, 2007; Абдулаҳатов Н., Алишер Бек. Хожам подшоҳ зиёратгоҳи. Ф.: Фарғона, 2009; Abdulahatov N. The Mazars of Women in the Ferghana Valley // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007; Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3; Abdulahatov N.The Importance of Studying the Mazar Dokuments of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, 2008.



www.ziyouz.com kutubxonasi

зиёратгоҳи. 14. Жиддий мозор зиёратгоҳи. 15. Хожа Муҳаммад Порсо зиёратгоҳи. 16. Сочли Эшон зиёратгоҳи. 17. Довудхўжа Эшон зиёратгоҳи. 18. Қирғиз Халфа мозори. 19. Кўкмозор зиёратгоҳи. 20. Хожа Ланголанг зиёратгоҳи. 21. Шамсиддин Табризий зиёратгоҳи. 22. Яккатут мозори. 23. Сармозор зиёратгоҳи. 24. Собир Эшон зиёратгоҳи. 25. Азиз мозор зиёратгоҳи. 26. Оқ Эшон Ота мозори. 27. Гўри Аввал зиёратгоҳи. 28. Улуғ ота зиёратгоҳи. 29. Имом Заҳириддин мозори. 30. Якка қабр зиёратгоҳи. 31. Етти оғайни ботирлар зиёратгоҳи. 32. Қирғиз мозор зиёратгоҳи. 33. Шоира Увайсий зиёратгоҳи. 34. Чилдухтарон зиёратгоҳи (сақланмаган). 34. Қизлар мозор зиёратгоҳи. 35. Туғли мозор зиёратгоҳи. [19]

Мазкур зиёратгоҳларнинг баъзилар хусусида XIX аср Марғилон адабий муҳитининг намояндаси, шаҳарнинг Машад маҳалласида яшаб ижод қилган Абдураҳмон Фаҳмий ўзининг "Юсуф ва Зулайҳо" қиссасининг кириш қисмидаги иловада ҳам берган.[20] Эътиборли жиҳати, унда Марғилонни ҳар тўрт томондан азиз авлиёлар мозорлари ўраб тургани, шаҳар ичида ҳам буюк зотларнинг марқадлари жойлашганига урғу берилганидир. Қуйида маснавийдан айрим парчаларни келтириб ўтамиз:

*"Худоё, Марғинонни айла маҳфуз,*
*Элин қил, қолу ҳол илмига маҳзуз.*
*Ямини жонибида ётмиш ул амир Хизр*[21]*,*
*Ясоридан ўтар дарёйи сер ҳузр.*
*Ямини кўҳида шери Худодир,*
*Муоз бинни Жабал ҳам раҳнамодир*[22]*.*

---

[19] Абдулаҳатов Н., Аброров С., Тошқулов А. Сармозор зиёратгоҳи. –Т: "BAYOZ", нашриёти, 2014.

[20] Абдулаҳатов Н. Хожа Марғилоний. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.

[21] Ушбу зиёратгоҳ ҳозирда Фарғона шаҳрининг Ёрмозор маҳалласидаги қабристонда жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга Амир Темурнинг куёви Абдували Хизр Подшоҳ дафн этилган. Вақфномалардан бирида келтирилишича, 1418 йили Амир Хизр Валий мозори олдидаги масжид ва мадраса таъмир этилган. Вақфномада "Амир Хизр Валийнинг қабри Фохираи Марғилонда жойлашган", дея таъкидланади.

[22] Марғилон шаҳри Ёйилма маҳалласида жойлашган. Хўжа Маъоз мозорини маҳаллий халқ Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маъоз ибн Жабал исмли фақиҳ ва ровий саҳобаларидан бири



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Жавониб қиблада кўп мужтаҳидлар,*
*Саҳоба неча минг олий шаҳидлар.*
*Заҳириддин имоми пешводир*[23]*,*
*Кўзи кўрмаслара гўё асодир.*
*"Заҳирия" фатово мунда эрмиш,*
*Масоил ҳал учун олам қидирмиш.*
*Имом ҳал айлаб очмишлар масоил,*
*"Заҳирия" бўлиб қуллуққа моил.*
*Йилу ой шуғл этиб қилди фатово,*
*Бил охир ушбу туфроқ бўлди маъво.*
*Али туғи бирла ҳазрат Қутайба,*
*Келиб жанг айлади бешубҳа райба.*
*Саҳобалар азизлар бўлди марқад,*
*Бу боис бирла бўлди номи "Машҳад"*[24]*.*
*Шаҳар машриқ сари ҳам кўп мозорот,*
*Узоқ-яқин келиб қилгай зиёрат.*
*"Ҳидоя" дафтари аввални тасниф,*

---

билан боғлиқ деб қарашади. Зиёратгоҳ халқ орасида Хўжа Мағиз, Ҳасти Маъоз мозори деб ҳам аталади. "Насабномайи Туркий"да Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал Марғилон атрофидаги чўлда шаҳид бўлиб, шу ерга дафн этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Демак, Хўжа Маъоз зиёратгоҳи аслида саҳоба Маъоз ибн Жабал билан эмас, балки унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал номи билан боғлиқ бўлган. Бироқ маҳаллий аҳоли орасидаги саҳобалар тўғрисидаги ривоятлар туфайли зиёратгоҳ номи Маъоз ибн Жабал дея аталиб келинганлиги боис вақтлар ўтиши билан шу ном билан халқ орасида машҳур бўлиб кетган.

[23] Ал-Ҳасан ибн Али Заҳируддин ал-Кабир ибн Абдулазиз ал-Марғиноний (ваф. XII аср). Фиқҳ илмининг Заҳируддин Абу-л-Маҳосин номи билан танилган намояндаси. Бу зот фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, шу илмларнинг минтақада равнақ топиши ва тарқалишига катта ҳисса қўшган. "Китоб ал-Ақдия" (Қозилик ҳақидаги китоб), "Китаб аш-Шурут" (Шартлар баёни ҳақидаги китоб), "Китоб ал-Фатово" (Фатволар китоби), "Китоб ал-Фаваид" (Фойдали нарсалар ҳақидаги китоб) ва бошқа асарлар муаллифи бўлган. Алломага Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Шамсу-л-аимма Маҳмуд ал-Ўзгандий, Закийуддин ал-Хатиб Масъуд ибн ал-Ҳасан ал-Кошонийлар устозлик қилган. Шогирдлари қаторида эса Ифтихоруддин Тоҳир, Заҳируддин Муҳаммад ибн Аҳмад, Фахруддин ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзгандий каби таниқли фақиҳлар бўлганлар. Алломанинг оила аъзолари ичидан ҳам кўплаб ислом олимлари етишиб чиққан.

[24] Маҳаллий аҳоли Машҳад номини бу ерда қадимда юз берган жангларда ҳалок бўлган жангчиларга нисбатан берадилар. Дарҳақиқат ислом дунёсида қадимдан "Машҳад" сўзи шаҳидлар кўмилган ер, азиз инсонлар – Муҳаммад (с.а.в)нинг қариндош уруғлари ва саҳобалари, йирик диний арбоблар, авлиёлар мозорини англатиб келган. Бошқа номлари – қубба, мақом, мозор, имомзода. Одатда машҳад – зиёрат қилинадиган жой, бир авлиё учун баъзан бир неча жойдаги қабр кўрсатилади. Машҳад истилоҳи муқаддас қабрлар жойлашган шаҳарлар номларида ҳам қўлланилади, масалан, Машҳад Али (Нажаф), Машҳад ал-Ҳусайн (Карболо), ёхуд шаҳар номига айланади – Эрондаги Машҳад (Машҳад ар-Ризо). Ўрта асрларда Машҳад сўзи айнан зиёратгоҳ тушунчасини англатиб келган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қилиб "Пури Сиддиқ"да бўлди танзиф.*
*Ки чун пайдор бўлиб Хўқанди соний,*
*Қолиб бу бўлди хонлар макони.*
*Ҳама дину мусулмонликда собит,*
*Намозу рўза эҳсонлиқда собит.*
*Масожидлар тўлиб вақти намозда,*
*Қадам аввал қўйур назру ниёзда...*
*Агар жаннат ер устида жаҳонда,*
*Ки бўлса ушбу шаҳри Маргинонда"*[25].

Эътиборли жиҳати, унда Марғилонни ҳар тўрт томондан азиз авлиёлар мозорлари ўраб тургани, шаҳар ичида ҳам буюк зотларнинг марқадлари жойлашганига урғу берилганидир.[26]

Ушбу зиёратгоҳларини таснифлашда шартли равишда қуйидаги тартибга амал қилинди.

I. Қуръонда номи зикр этилган Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ зиёратгоҳ: Подшоҳ Искандар мозори;

II. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг муборак мўйлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

III. Ҳазрат Али ибн Абу Толиб авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар:

Шоҳ Мансур, Хожам Подшоҳ , Улуғ Ҳазрат бобо, Киргил мозор, Ғавсул Аъзам авлодлари хилхонаси, Саййид Пошшахон тўра зиёратгоҳлари;

IV. Саҳобалар ва тобеъинлар номи билан боғлиқ қадамжолар: Хўжа Маъоз, Пур Сиддиқ, Хўжа Эгиз, Жиддий мозор, Сафилтўда мозорлари;

V. Тасаввуф тариқати намояндалари номи билан зиёратгоҳлар: Хожа Порсо, Шамсиддин Табризий, Хожа Ланголанг, Кўкмозор зиёратгоҳлари, Якаттут мозори, Собир эшон дада зиёратгоҳи, Оқ Эшон ота зиёратгоҳи;

---

[25] Абдураҳмон Фаҳмий Марғиноний. Девон. – Т.: "COLD PRINT NASHR" нашриёти, 2018.
[26] Абдулаҳатов Н. Хожа Марғилоний. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.



www.ziyouz.com kutubxonasi

VI. Дин уламолари билан боғлиқ зиёратгоҳлар: Улуғ мозор, Якка қабр, Имом Заҳириддин мозори, Бурҳониддин ал Марғиноний чиллахонаси, Гўри аввал зиёратгоҳи;

VII. Аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар: Чилдухтарон, Увайсий, Қизлар мозор зиёратгоҳи.[27]

Таъкид жоизки, Абдураҳмон Фаҳмий таъриф берган Марғилон зиёратгоҳларининг айримлари тўғрисида биз ҳам 2007 йилда чоп этилган "Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари" номли китобимизда сўз юритган эдик.[28] Бироқ ушбу китобда Шоҳ Мансур зиёратгоҳига доир маълумотлар кам бўлганлиги туфайли зиёратгоҳ билан боғлиқ бирмунча мукаммал тадқиқотни келгуси китобимизда давом эттириш нияти пайдо бўлган эди. Шу сабабдан юқорида айтиб ўтилган ушбу зиёратгоҳга доир янги маълумотларни қўлингиздаги "Шоҳ Мансур зиёратгоҳи" китобимизда келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

Мазкур тадқиқотда ушбу зиёратгоҳларнинг барча тўғрисида маълумот келтириб ўтишнинг имкони бўлмаганлиги боис фақат Пур Сиддиқ, Ҳазрати Маъоз, Шоҳ Мансур зиёратгоҳлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтилди. Зеро, учала зиёратгоҳда ҳам дафн этилган табаррук зотлар айни бир вақтда дафн этилган.

"Она замин устидаги буюк қабр ва мақбаралар биз учун ватан тимсолларидир. Уларнинг бошида абадийлик байроғи ҳилпирайди. Улуғлик руҳи ана шу мозорларда тупроққа қўшилиб ётибди. Улар фаноликнинг эмас, бақоликнинг муҳофизлари, ўлимнинг эмас, тирикликнинг карвонларидир", деган эди адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул.[29]

---

[27] Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: "Фарғона", 2007. 30-б.

[28] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. "Фарғона", 2006. – 304 б.

[29] Иброҳим Ҳаққул ҳақиқати / Тўпловчи Зулайҳо Раҳмонова. – Т.: "iBooK" МЧЖ, 2023. .249-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарғона водийсида ҳам Мовароуннаҳрга ислом динини олиб келишда жонбозлик кўрсатган улуғ зотлар номи билан боғлиқ Сафид Булон, Муоз ибн Жабал, Пур Сиддиқ, Шоҳ Мансур, Имом Боҳир (Машҳади майдон бува), Хўжа Илғор, Шоҳи Жарир, Саъд ибн Ваққос,  Имом ота, Абдураҳмон ибн Афв, Шоҳ Қутайба, Чор саҳоба, Сад пир мозор сингари ўнлаб зиёратгоҳлар мавжуд.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари чегарасида, Наманган шаҳридан 55 чақирим узоқликда, Подшо ота ва Чаначсой дарёлари туташган жойдаги Арча тоғнинг ғарбий ёнбағрида Сафед Булон қишлоғи жойлашган. Мазкур қишлоқдаги исломни Фарғонага ёйишда шаҳид бўлган 2700 саҳоба ва таобеъинларнинг мозорлари тўғрисида XIII аср охири XIV аср бошларида яшаган Жамол Қаршийнинг[30] "Мулҳақот ас-суроҳ" ("Ас-суроҳ"га илова") номи билан машҳур бўлган асарида маълумотлар қайд этилган: *"Айтишларича, Сапид Булон кофирлар билан ғазот қилиб шаҳид бўлган 2800 саҳоба ва тобеъинларнинг жойидир. Амир ал мўминин Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уларни юборган эди ва Муҳаммад ибн Жарирни амир этиб тайинлади. Уларнинг барчаси дин йўлида шаҳид бўлдилар. Ушбу ҳикоят машҳурдир.*

*Абдуллоҳ ибн Жабалнинг шаҳодат топган жойи Қубо ва Шаҳри нав ўртасидадир"*[31].

Бу маълумотлар Ибратнинг "Фарғона тарихи" асарида ҳам келтириб ўтилган:

[30] Жамол Қаршийй (тахаллуси; асл исми Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид) (13—14-асрлар) — тилшунос ва тарихчи олим.  Кўпинча  "Мулҳақот ас-суроҳ" ("Ас-суроҳга илова") номи билан машҳур бўлган "Ас-Сароҳ мин ас-Саҳоҳ" ("Ас Саҳоҳдан олинган аниқ сўзлар") арабча-форсча луғат муаллифи. Луғат ўша давр тарихи ва тили лексикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Луғатнинг қўлёзма нусхалари Париж, Берлин, Лондон қўлёзмалар фондида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида бу асарнинг 1511 йилда котиб Хусом Муҳаммад Баҳорий (инв. № 2723) ва 1703—04 йилларда Мулла Феруз кўчирган нусхалари мавжуд (инв № 2400).

[31]Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. История Казахстана в персидских источниках. I том. Алматы.: "Дайк-Прессс", 2005. С. 149.



www.ziyouz.com kutubxonasi

“Тарихи мулҳиқоту-с-сароҳ”да иборати арабий илан бул тариқа ёзадур: “Билод ул- Фарғона дийорун хасибун восиъатун. Ва бақоу ниам рийозуҳо мариъатун ва аросуҳо васиъатун. Ва мин атйаби амакиниҳа ҳаввон ва аъзобиҳа маъан ва асроъуҳа наман ва адрокиҳа симоран ва аброкуҳа мазоран балдату Уш ва биҳа жабалани мутабаррикани. Барокатун ва Ҳанафун. Ва ҳаволай Барокатин мазорот ул-аброр ва-с-сулоҳо ва қабру Асаф бин Бурхайо ва вазир Сулаймон бин Довуд алайҳиссалом ва биҳа индан-набси машҳад Қутайбата бин Муслим биқарйати Гулжа. Ва машҳадани машҳаду-р-руус ва машҳаду-н-нуфус Бописид силон. Ва йуқолу биҳа алфон ва сабъа миа мин ас-саҳобати ва-т-тобиъийн жаа ва иззату арсилҳиҳим амир ул-муъминин Усмон бин Аффон розийаллоҳу анҳум ва амри алайҳим Муҳаммад бин Жарир. Фасташҳиду ва исматуҳу жамиъан ва-л-қиссату маъруфатун. Ва машҳаду Абдуллоҳ бин Жабал байнал Қубо вал-Уш ва шаҳри Нав. Ва машҳаду Абдуллоҳ бин Али бин Ҳусайн бин Али бин Аби Толиб каррамаҳуллоҳу важҳаҳу ба Хўқанд қарийбун мин Сайҳун машҳур. Машҳад майдонун биҳи Бешариқ ва машҳаду Элик Нажр ал-мозий тойийибаллоҳу қурраҳу бо Вузжанд”.

*Таржимаси:* Фарғона мамлакати серҳосил кенг диёрдир. Боғлари катта турли неъматларга тўла. Унда ҳавоси мусаффолиги, сувлари мазалиги, мевалари ширинлиги, муқаддас мозорлари билан машҳур Ўш шаҳри бор. У ерда Барока ва Ҳанаф деган икки муқаддас тоғ бор. Бароканинг яқинида аброру аслафларнинг мозорлари, Сулаймон бин Довуд (а.с.)нинг вазири Асаф бин Бурайҳо қабри жойлашган. Қутайба ибн Муслимнинг қабри эса унга (Ўшга) тегишли Гулча қишлоғида. Сафид Булон деган жойда лашкарбошилар ва аскарлар дафн қилинган икки мозор бор. Айтишларича, халифа Усмон ибн Аффон буйруғи билан Муҳаммад ибн Жарир бошчилигида 1700 саҳоба ва тобеинлар бу ерга юборилган. Уларнинг барчалари шаҳид



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, шу ерга дафн қилинганлар. Абдуллоҳ бин Жабал қабри Қува ва Ўш шаҳарлари орасидаги Нов шаҳрида. Абдуллоҳ бин Али бин Ҳусайн бин Али бин Аби Толиб қабри эса Қўқонда, Сайҳун яқинида. Яна Бешариқ ва Элик Нажр қадимда улардаги қабрлари билан машҳур эдилар. Аллоҳ Вузжанддаги қишлоқларни ҳам обод айласин".[32]

"Жамол Қаршийнинг "Мулҳақот ас-суроҳ" асаридаги Абдуллоҳ ибн Жабал тўғрисидаги маълумотдан кўринадики, улуғ саҳоба Муоз ибн Жабал (р.а.)нинг Абдуллоҳ исмли фарзанди Сафид Булонда шаҳид этилган 2800 саҳоба ва тобеинлар билан бирга фатҳ юришларида иштирок этган ва Қубо ва Нав шаҳри ўртасидаги мавзеда шаҳид бўлган. Шундай экан мавзуга киришимизнинг аввалида Сафид Булон тўғрисида айрим маълумотларни мушоҳада учун келтириб ўтмоқчимиз.

Академик В.В.Бартольд (1869-1930) ўзининг "Мўғуллар даврида Туркистон" асарида бу ҳақда шундай маълумот келтиради: *"Фарғона фақат IX асрда мусулмонлар тарафидан истило этилган бўлса ҳам, ўша вақтда Фарғонадаги Айюб пайғамбар қабри маълум эди. Сапед деган ўрунда 2700 (шаҳидлар сони турлича кўрсатилади муаллиф) асҳоб ва тобеинларнинг қабрлари борлиги ривоят этиладир. Улар халифа Усмон замонида Муҳаммад ибн Жарир раислиги остида бу ерга юборилган бўлиб, ҳаммаси ҳам кофирлар билан урушда ўлганлар. Косонсой водийсида Сапед буланд исми билан бу ўрин ҳозир ҳам бор"*[33].

XIX охирида Косонсойга келган рассом Шербина Крамаренко Сафед Булон ёдгорлигини ва унда зиёратчиларнинг кўплигидан таажжубга тушган эди. Шербина Крамаренко ўша вақтдаёқ мазкур ёдгорлик тўғрисида кўрган ва эшитганларини 1896 йили чоп этилган "Зодчий" номли журналда чоп эттириб Сафед Булон

[32] Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: У.Долимов., Н.Жабборов. - Т.: "Маънавият", 2005. 82-б.

[33] Бартольд В.В.Мўғуллар даврида Туркистон. Самарқанд, 1931. 110-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрисида қуйидаги ривоятни келтиради:

*"Бундан 710 йил олдин Маккадан Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди Муҳаммаднинг икки қизини олган Усмон Зуннурайннинг ўғли Шоҳ Жарир келган эди. Исломни ёя туриб Шоҳ Жарир атрофига кўплаб маслакдошларини йиққан вақт қандайдир исломни тарқалишига қарши бўлган Карвонбас ва Иқшит (Ихшид) ўз қўшини билан Муҳаммад пайғамбар умматларига ҳужум қилиб, 2700 одамнинг бошини танасидан жудо қилган. Шоҳ Жарир эса Маккага қочишга муяссар бўлади. Барча ўлдирилганларни битта чуқурга кўмадилар. Жазоланишдан қўрққанлари учун ҳеч ким улар учун йиғламайдилар. Бироқ бир қора аёл душмандан қўрқмай Муҳаммаднинг дини учун ҳалок бўлганлар ҳақига йиғлаб дуолар ўқийди. Душманлар уни ушламоқчи бўладилар ва қачонки унга яқинлашганларида қора аёл бирданига оққа айланади. Буни кўрганлар ҳайратга тушади. Халқ ўша аёлни авлиёлардан деб билиб, форсчасига "Сафед Булон", яъни "оқ аёл" деб атаганлар. Шу жойда кейинчалик қишлоқ пайдо бўлган ва ўша авлиё аёлнинг шарафига "Сафед Булон" деб атаганлар. Мазкур воқеадан кейин орадан 40 йил ўтгач, бу ерга Шоҳ Жарирнинг ўғли – Шоҳ Фазл келиб исломни ёйган ва 15 йил шу ерда яшаган ва унга атаб 600 йил олдин мозор қурганлар"*[34].

Сафед Булон мозорининг қадимдан аҳоли орасида машҳурлиги ўз вақтида Қўқон хонларининг ҳам диққат-эътиборини тортган эди. Шу сабабдан бу ерга Қўқон хонларини зиёратга келишлари ўзига хос анъанага айланган. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг "Мунтахаб ат-таворих" ("Тарихдан сайланма китоб") асарида Сафед Булон (Сафид Билол ҳам дейилади – Н.А.) зиёратгоҳи алоҳида эътибор билан тилга олинади. Унга кўра, Қўқон хони Амир Умархон (1785-1822) 1818 йили Сафед Булон мозорини зиёратига ташриф

---

[34]Щербина-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии (путевые заметки и впечатления). Справочная книжка Самаркандской области, вып. IV, 1896. С. 51.



www.ziyouz.com kutubxonasi

буюрган[35]: "Эртасига ул тенги йўқ гўзал манзилдан отланиб Сафед билол мавзесига етишдик. У ерда қадимда кўп шаҳидлар ўтишган. Жуда бир тароватли ва ёқимли сўлим маскан. Ўша куниёқ амир улуғлар қабри зиёратини бажо айлашга киришиб, назру ниёзлар берди ва камбағал мискинларга садақалар улашди. Байт:

Бар остони ту омад сари иродати мо,
Агар қабули ту афтад зиҳи саодати мо.
( Мазмуни:
Даргоҳингга келди эҳтиром ила бошимиз,
Қабул этсанг агар бахт эрур йўлдошимиз).

Амир зиёрат маросимини адо этгач, Сафед билолдан қайтиб, яна Косон шаҳрига келиб тушди"[36].

Мулло Ниёз Муҳаммад Ҳўқандийнинг "Тарихи Шоҳруҳий" асарида келтирилишича, 1842 йили Шералихон Қўқон хонлиги тахтига чиқишидан олдин Сафед Булонда оқ кигизга ўтқазилиб хон этиб кўтарилган[37]. Яна бир тарихчи Зиёвуддин Махдум (Маҳзуний)нинг "Фарғона хонлари тарихи" асарида Шералихоннинг хотини малика Ёрқинойим, яъни Ҳоким ойим (1868 йилда вафот этган) ҳам Сафед Булон зиёратига келишни хуш кўрганлиги таъкидланади[38].

Қадим замонлардан Сафед булон ёдгорлиги тўғрисидаги ривоятлар, ундаги кўҳна маҳобатли мозорлар, кишини ўзига жалб қилувчи қабр усти қайроқ тошлари ва сўлим табиати ҳар қандай зиёратчини хотирасида унутилмас таассурот

---

[35]Muntakhab al- tawarikh. Selected historu. vol. II . Muhammad Xakim xan. Edited bu Yayoi Kawahara Koichi Haneda. Research institute forlanguages and culteres of Aslaand Afrika. ILCAA 2006. p.250.

[36] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. - Т.: "Янги аср авлоди", 2010. 439-б.

[37]Бейсимбиев Т. К. "Тарих-и Шахрухи" как исторический источник. Алма–ата.: "Наука", 1987. С. 112.

[38]Магзуни. Фаргана хандарынын тарыхы. Бишкек, 2007. 133-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдириб келган. Шу сабабдан тадқиқотчилар томонидан қатор китоблар ва илмий мақолалар чоп этилган[39].

[39] Абашин С.Н. Сафид Булан // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 3. – М., 2001. С 350-353.; Абдулаҳатов Н., Ҳайдарова З, Азимов О. Биби Убайда тарихи. – Ф.: «Фарғона», 2002. – 80 б.; Абдулаҳатов Н., Ҳайдарова З, Азимов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. –Ф.: «Фарғона», 2009. – 112 б.; Абдулаҳатов Н., Раҳмонов А., Аҳмедов М. Бувайда зиёратгоҳлари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013. – 432 б.; Абдулахатов Н. Биби Бувайда // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – С. 89.; Абдулахатов Н. Подшо-Пирим // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – С.312-313.; Abdulahatov N. Diversity of womens mazaras//Muslim and Xinjiang Shinmen Yasushi, Sawada Minoru and Waite Librairie D'amerique Et D'orient Jean Maisonneu ve Successeur 3 Bis, Place la Sorbone, Paris. 2013 P. 158-173.; Бернштам А.Н. Архитектурные памятники Киргизии. –М.-Л.,1950.;Бряновъ А. О следах древняго Касана въ Ферганской области // Протоколы заседаний и сообщения членовъ Туркестанского кружка любителей археологии. Год четвертый. Ташкент, 1899. С. 148-152.; Горячева В. Д. Городские центры и монументальная архитектура средневековый Киргизии (Бурана, Узген, Сафид Булан). Автореферат диссертации на соискание ученной степени кандидата исторической наука. Фрунзе, 1976.; Горячева В.Д. Средневековые городские центры и архитектуры ансамбли Киргизии (Бурана, Узген, Сафид Булан). Научно-попульярный очерк. Фрунзе, 1983.; Горячева В.Д., Настич В.Н. Эпиграфические памятники Сафид Булана XII-XIV // ЭВ. Л., 1984, XXII.; Гулямов Я.Г. Краткий полевой отчет о работе III го отряда археологической экспедиции Узкомстариса по БФК летом 1939 г. // Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг архиви. Ф 1487/ 0 - 21.; Гулямов Я.Г. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстово БФК.// Труды ИИА. Том IV. Т., 1951.;Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. История Казахстана в персидских источниках. I том. Алматы.: "Дайк-Прессс", 2005.; Денике П.Б. Архитектурный орнамент Средней Азии. М-Л.: "Издательство Всесоюзный академии архитектуры", 1939.;Дяконов М.М.Несколько надписей на кайраках из Киргизии // Эпиграфика востока. II. – М-Л., 1948.;Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Ферганы // Искусство Средней Азии. М., 1930.; Настич В. Н. Средневековая эпиграфика Ферганы и Семиречья (Источниковедчекский анализ арабографических эпитафий XII-XV вв. с.територии Киргизии). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук.Москва, 1990.;Кўҳна ва навқирон Бувайда / Нашрга тайёрловчилар: Э.Хўжаев, С.Отабоев., М.Аҳмедов. – Ф.: "Фарғона", 2001.;Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. - Т.: "Янги аср авлоди", 2010. -716 б.; Набиев Т. Шоҳ Фазл тарихий – меъморий ансамбили. Жалолобод, 1998. -38б.;Настич В.Н., Кочнев Б.Д. К атрибуции мавзолея Шах-Фазил (эпиграфические и нумизматические данные) // ЭВ. Л., 1988.; Нишонова О. Биби Убайда зиёратгоҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2003. № 4. 224-225.; Тошматов Т., Хўжаев Э. Биби Убайда ва бувайдаликлар. – Ф.: "Фарғона", 1996. ; Турсунбой ҳожи Абдунаби ўғли. Сафед Булон. Бишкек, 2003.; Турсунбой ҳожи Абдунаби ўғли ал Сафедбулоний. Сафедбулон тарихи. Ўш, 2007.-196 б.; Умаров Э. Бувайда сўзининг тарихи // Til va adabiyot ta'limi. 2011. № 9, 96-б.; Шоҳ Ҳаким Холис. Ҳазрати Шоҳи Жарир ғазотномаси. Санк Петербург Шарқ қўлёзмалар институти. Қўлёзма рақами №1392.;Шоҳ Ҳаким Холис. Сафед Булон қиссаси / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Т.Набиев, М. Ҳасаний. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 152 б.4 Эркинҳожи Бегимқулов. Шаҳидлар макони (Сафед булон, Шоҳ Фазл баёни), Бишкек, 2011. – 48 б.; Щербина-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии (путевые заметки и впечатления). Справочная книжка



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, Сафед булон мажмуаси бир нечта зиёратгоҳларни ўз ичига олган ва уларнинг ҳар бири мазкур зиёратгоҳнинг узвий ажралмас қисмига айланган бўлиб қуйидагилардан иборат:

1.Муслим ибн Абдуллоҳ қабри.

2.Тахт-и сангин.

3. Каллахона.

4.Сафед-Булон қабри.

5.Хамиртуруш тоши.

6. Носир ибн Аҳмад қабри.

6. Шох Фазл мақбараси

7. Қирғин масжиди.

8. Ота-бола Хўжа Аламдор қабри.

9. Арчамозор (Арафот тоғи деб аталувчи адирликдаги зиёратгоҳ).

Сафед Булонга келган ҳар бир зиёратчи учун юқори номлари қайд этилган барча қабрларнинг зиёрат қилиши асрлар давомида анъанага айланган. Бу ерга Заркент, Озак, Шилви, Мамай, Қизил-ёзи, Кўкёр, Мўғул қишлоқлари маййитларни дафн этганлар. Аҳолининг узоқ ерлардан майитни олиб келишларининг ҳам ўзига хос сабабларидан бири шуки, Сафед Булон тарихидан воқиф бўлганларнинг барчаси умри охирида шу ерда дафн этилишини ўзларига шараф деб билганлар. Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп. Масалан, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳининг машҳурлиги туфайли, бу ердаги қабристонга Самарқанднинг энг чекка қишлоқларидан ҳам марҳумларни олиб келиб дафн

---

Самаркандской области, вып. IV, 1896.; Ғафуров Т. Мўъжиза, каромат ва илмий далиллар. Фрунзе.: "Қирғизистон нашриёти", 1969.; Ҳалилов Л., Азимов Ф. "Биби Убайда" " меросхўрлари". Коммуна газетаси. 07.09.1982.



www.ziyouz.com kutubxonasi

этганлар[40]. Чунки аҳоли тасаввурида Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг файзли мозорининг яқинида дафн этилиш ҳам шарафли деб қаралган. Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон Амир Темур ўз яқинларини айнан Шоҳизинда зиёратгоҳида дафн эттирганлиги бежиз эмас[41].

Фикримизча, шу сабабдан ҳам Сафед Булондек, жумладан ҳазрати Муоз ибн Жабалдек машҳур муқаддас зиёратгоҳлар ижод аҳлининг назаридан четда қолмаган ва бу тўғрисидаги араб ва форс тилида битилган тарихий қиссаларни ёзилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Афсуски ҳозирги кунга қадар бу каби асарларнинг барчаси етиб келмаган. Бундан Шоҳ Ҳаким Холис томонидан 1811 йилда ёзилган "Сафед Булон қиссаси", ёхуд "Шоҳ Жарир жангномаси" қиссани мустаснодир.

Шоҳ Ҳаким Холиснинг "Шоҳ Жарир жангномаси" қиссаси ўз аталишидан кўриниб турибдики, асар Фарғона водийсига исломни тарғиб қилиш учун келган дастлабки ислом лашкарлари тарихи ҳақидадир. Хўш, Шоҳ Жарир ўзи ким?

"Сафед Булон қиссаси"да айтилишича, Муҳаммад алайҳиссалом Усмон (р.а.)га[42] қизи Гулсум вафотидан сўнг катта қизи Зайнабни турмушга берадилар ва шу қизидан бир фарзанд туғилиб исмини Муҳаммад Жарир деб атайдилар (қиссада Шоҳ Жарир, Шоҳи Жарир, Шоҳ Жалил деб ҳам аталади).

---

[40]Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX – начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на ближнем и среднем Востоке в период феодализма. – М.: "Наука", 1985. С.96.

[41] Абдулаҳатов Н., Мастонов С., Тўхтабоев И. Ҳазиний юрти. – Т.: "Янги аср авлоди", 2010. 160-б.

[42]Усмон ибн Аффон (р.а.) (тахм.575-656) – дастлабки чорёрлар деб аталган тўрт халифадан учинчиси(644-656). Умавийлар қабиласига мансуб. Маккалик бой савдогар. Муҳаммад (с.а.в.)нинг куёвлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

“Сафед Булон қиссаси”га кўра, халифа Умар (р.а.)[43] даврида кўплаб исломга киришни истамаган кимсалар Фарғонага бориб ўзига жой топадилар (Марв, Хоразм, Бухоро ва Самарқандда мусулмончилик бир қадар ўрин топган эди) ва у ердаги оз сонли мусулмонларга қарши бош кўтарадилар. Фарғонадаги мусулмон аҳли бундан кўп азият чеккач охирул-амр Мадинага мусулмонлари амири бўлган халифа ҳазрат Али каррамуллоҳу важҳаҳу (ул зотнинг юзини Аллоҳ мукаррам қилсин) ҳузурига кўмак сўраб кишисини юборадилар ва ҳазрат Али (к.в.) [44] фарғоналик мусулмонлар арзини тинглаб саҳобалардан бири Абдуллоҳ ибн Омирни[45] шу ерга жўнатади.

Шу ўринда арабларнинг ҳарбий юришлари тўғрисида айрим воқеаларга тўхталиб ўтсак.

Ёзма манбаларга кўра араб мусулмонларнинг бевосита Мовароуннаҳр аҳолиси билан алоқага киришиши халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) давридан бошланади. Бу ҳақдаги маълумотлар аллома ва адиб Абу Бакр Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд Бағдодий Балозурий (ваф. 279/892)нинг тарихий асарида батафсил ёритилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, аллома Балозурий котиб ва шоир ҳамда ҳижрий II аср охирларида таваллуд топган машҳур мусулмон тарихчиси бўлиб, “ат-Тарих ал-кабир” номли асар муаллифи саналади. У илк таълимни Бағдоднинг машҳур муҳаддис, фақиҳ ва адибларидан олади. Аллома келтирган

---

[43]Умар ибн Хаттоб (р.а.) (тахм.585-644) – дастлабки чорёрлар деб аталган тўрт халифадан иккинчиси(634-644).

[44]Али ибн Абу Толиб(к.в.) (тахм.600-661) – дастлабки чорёрлар деб аталган тўрт халифадан тўртинчиси (656-661). Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари.

[45]Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз (625-679) – муҳаддислардан. Усмон ибн Аффон(р.а.)нинг амакивачаси. Форс вилоятини фатҳ этган. Ҳазрати Оиша(р.а.)нинг ҳазрат Али (к.в.) қарши курашида унга ёрдам берган. Дамашқда яшаб, кейин Басра ҳокими бўлган ва Маккада вафот этган. Бу ҳақда қаранг: Ахмад ибн Йахйа ибн Джабир ал-Балазури.Завоевание Хорасана (Извлечение из сочинение “Футух ул-булдан”) / Перевод с арабского, предесловие, коментарий и указатели:Г.Гоипова. Д.: “Дониш”, 1987.



www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумотлар ростлиги ва холислиги билан ажралиб туради. Балозурий фақат ишончли хабарларни келтириш билан чекланиб қолмаган, балки бу хабарларни текшириш мақсадида ровийлар ҳузурига сафар ҳам қилган[46]. Балозурийнинг Муҳаммад ибн Сийриндан ривоят қилиб айтишича, Усмон ибн Аффон (р.а.) мовароуннаҳрликлар билан шартнома тузган[47]. Шунингдек, Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг гувоҳлик беришича, Усмон (р.а.) қўшин билан Термизга кириб келган: "85-ҳижрий (милодий 704) йилда Муфаззал ибн Муҳаллаб Хуросон волийси бўлгач, Балх ҳокими Мудрика билан бирга Мусо ибн Абдуллоҳни таъқиб қилиб, Жайҳунни кечиб, Термиздаги бир оролда қўним топди. Бу орол ҳозирда "Усмон ороли" деб аталади. Чунки бу оролга Усмон (р.а.) ўн беш минг қўшин билан келган эди"[48].

Учинчи халифа Усмон (р.а.)нинг ҳижрий 24-35 (милодий 644 - 655) йилларда халифалик қилганини эътиборга олсак, мусулмонларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши анча эрта содир бўлган. Балозурийнинг сўзларига кўра, араб-мусулмон қўмондони илк марта Мовароуннаҳрга 29-ҳижрий (милодий 649) йилда келган: "Абу Убайданинг айтишича, Хуросон волийси Абдуллоҳ ибн Омир Хуросонни эгаллаб, Жайҳун дарёсигача етиб келади. Дарёнинг у ёғидаги аҳоли Абдуллоҳ ибн Омирдан сулҳ сўрайди ва томонлар ўзаро сулҳга келишиб оладилар. Айтишларича, Абдуллоҳ ибн Омир

---

[46] Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. - Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. 6,10-б: Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.Ю.- Байрут: Дар ал-фикр, 1991. 538-539-б.

[47] Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. - Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. 399-б.

Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 60-б.

[48] Ибн Жарир ат-Табарий. "Тарих ат-Табарий. - Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия. 2005. 1226-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жайҳунни кечиб, Мовароуннаҳр ҳудудига кириб келган. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган”[49].

Демак, Усмон ибн Аффон (р.а.) Мовароуннаҳр аҳолиси билан араб мусулмонлар орасидаги илк муносабатларни йўлга қўйган шахс, Абдуллоҳ ибн Омир эса Мовароуннаҳр ҳудудига илк қадам қўйган мусулмон сифатида тарихда қолган.

Шу ўринда саҳоба Абдуллоҳ ибн Омир (р.а.) ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз ибн Рабиъа ибн Ҳабиб ибн Абдушшамс ибн Абдуманоф ибн Қусай ал-Қураший ал-Абшамий (ваф. 59/678) Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган саҳобийлар ва Хуросонни фатҳ этган саркардалардан саналади.

Абдуллоҳ ибн Омир Маккада туғилган. Отаси Омир Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аммаси Байзо бинт Абдулмутталибнинг ўғли бўлади. Шунингдек, Омир Усмон (р.а.)тоғасининг ўғли ҳамдир. Абдуллоҳ ибн Омир Усмон (р.а.) даври (29/649 йил)да Басра волийси бўлган. Бу даврда Абдуллоҳ ибн Омир Сижистон, Довар, Сарахс, Тус, Тохаристон, Нисобур, Балх, Толқон, Ҳирот, Қобул ва Фарёб каби бир қатор Хуросон шаҳарларини фатҳ этади. Усмон (р.а.) вафот этганда Басра волийси эди. Абдуллоҳ ибн Омир Оиша (р.ҳ.) билан бирга Жамал воқеасига гувоҳ бўлган. Сиффин воқеасида иштирок этмаган. Муовия даврида уч йил Басра волийси бўлади. Кейинчалик Муовиянинг қизига уйланиб, Дамашқда яшаган. Сўнг бу лавозимдан олиниб, Мадинада яшайди ва Маккада вафот этади. Қабри Арафотда

---

[49] Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. - Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991. 398-399-б: Муҳаммад Ризо. Усмон ибн Аффон. - Байрут:Ал-мактаба ал-асрия, 2003. 71-б.

Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 61-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

жойлашган. Абдуллоҳ ибн Омир шижоатли, сахий ва ўз қавмига меҳрибон, ободончиликни хуш кўрадиган инсон бўлган. У Басрадаги кўпгина уйларни сотиб олади ва уларни бузиб, кўчаларни ташкил қилади. Абдуллоҳ ибн Омир биринчилардан бўлиб, Ҳижозда - Арафотда ҳовузлар қазиб, турли булоқлардан сув олиб келган ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган.

Ҳазрат Али (р.а.) у ҳақда шундай деган: "Абдуллоҳ ибн Омир Қурайш йигитларининг саййиди!" Муовия унинг вафотини эшитганда шундай деган экан: "Аллоҳ Абу Абдураҳмонни раҳматига олсин! У бизнинг фахр-ифтихоримиз эди!"[50]

Мовароуннаҳрга мусулмонларнинг кириб келиши халифа Усмон (р.а.) даврида жадаллаша бошлайди (24 - 35-ҳижрий / милодий 644 - 655 йиллар). Халифа Усмон (р.а.)нинг амакиваччаси Абдуллоҳ ибн Омир ўзига хос услуб билан Хуросон ўлкаларини бирма-бир фатҳ этади. Унинг лашкарбошилари Аҳнаф ибн Қайс ва Абдуллоҳ ибн Хозимнинг саъй ҳаракатлари жуда муҳим рол ўйнаган. Жумладан, Аҳнафнинг туркий халқлар билан қилган жанглари хусусида юқорида тўхталиб ўтдик. Абдуллоҳ ибн Омир муваффақиятли юришларини умавийлар асрининг илк даврида, яъни Муовия ибн Абу Суфён ҳукмронлиги (41-ҳижрий/милодий 661 йил)да ҳам давом эттиради. Шу даврдан бошлаб араблар туркий қабилалар билан тўқнаш кела бошлайдилар.

Агар ушбу маълумотларга эътибор берилса, саҳоба Абдуллоҳ ибн Омирнинг тўқнашувлари Фарғона водийсида,

---

[50] Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.4. - Байрут: Дар ал-фикр, 1991. 215-б; Хайруддин Зириклий. Аълам. Ж.4. -Байрут: Дар ал-илм ли ал-малайин, 1998. 94-95-б.

Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 62-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

содир бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабдан Фарғона водийсида саҳобалар билан боғлиқ зиёратгоҳлар бежиз пайдо бўлмаган.

"Сафед Булон қиссаси"да айтилишича, мусулмонлар Мадинада саҳобалардан бўлган Укрима[51] (Икрима)га мусулмонлар амири бўлишини илтимос қиладилар. Бироқ Укрима бу таклифга рози бўлмай бошқа бир таклифни киритади. Унинг ушбу таклифи барчага хуш келгач йиғилганлар ичидан Қусам ибн Аббос (р.а.)[52] туриб жангда ҳар бири минг кишига тенг келадиган уч минг кишиси ҳамда уларга жабдуқлари борлигини, барчаси сафарга тайёрлигини айтгач, Анбаса[53] ҳам Укрима ҳам ҳар бирида уч мингдан кишини борлиги маълум қилишади. Улар шундан сўнг Шоҳ Жарирга бошчилигида юришга отланадилар.

Фарғона водийсига арабларнинг илк бор юришлари Қутайба ибн Муслимдан бир мунча олдин юз берганлиги ҳақида ривоятлар ҳам мавжуд. Айрим ўрта аср тарихчилари уларни хулафои рошиддин даврида юз берганлигини таъкидлайдилар ва шу сабабдан Фарғона водийсидаги

---

[51] Икрима ёхуд Икрама (Абу Абдуллоҳ) – машҳур фақиҳ, тобеъийнлардан, ровий. Асли Абдуллоҳ ибн Аббос(р.а.)нинг қули бўлган. Милодий 725 йилда вафот этган. Маълумотларга кўра, Тошкентда Икрама номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлган. Чунончи Чирчиқ дарёсининг Пули Барбар кўприги яқинидаги Бобо Сардорота ёки туркий аҳоли тилидаги Бобо Чиртарота қадамжойи бўлиб, унинг исмини Муҳаммад Солиҳхўжа саҳобалардан Ҳазрати Икрама деб тилга олади.

[52] Қусам ибн Аббос ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ал-Қурайший (тахм. 624-677) – саҳобалардан. Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари. Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг ислом оламида хизмат даражалари ва ҳурматлари шундайким, аввало пайғамбар(с.а.в.)нинг яхши кўрган амакиваччалари бўлиш билан аҳли байтга алоқадорликлари, иккинчидан, пайғамбар(с.а.в.)га жуда ўхшаганликлари туфайли ўзлари ҳақида алоҳида ҳадисга мушарраф бўлганликлари, учинчидан, пайғамбар(с.а.в.)ни ғусл этганлардан бири бўлганликлари ва тўртинчидан, бу дунёда пайғамбар(с.а.в.)ни кўрган охирги киши эканликлари учун ҳам мартабалари ниҳоятда улуғдир. Бизнинг халқимиз учун эса ислом дини, илми ва маданиятини юртимизда илк ёйганлари учун ҳам рутбалари жуда баланд бўлган. Шу сабабдан Қусам ибн Аббоснинг Самарқанддаги Шоҳизинда мақбараси халқимиз томонидан асрлар давомида машҳур зиёратгоҳлардан бири сифатида эъзозлаб келинган.

[53] Анбаса ибн Саъдан. Анбаса ал-Фил номи билан машҳур бўлган олим.Тобеъинлардан. Ҳажжож ибн Юсуф ибн ал-Ҳакамнинг яқин кишиларидан бири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

зиёратгоҳларни Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари номи билан боғлайдилар.

Биргина мисол. Кўҳна Қува шаҳристонида XX аср бошларига қадар Билол ота мозори бўлган[54]. Бу мозор айнан араблар истилоси даврида бузиб ташланган кўҳандиз, яъни арки аълонинг ўрнида жойлашган эди. Аркнинг бузиб ташланганлиги ҳақида X асрда яшаб ўтган араб сайёҳларининг асарларида ҳам маълумотлар учрайди[55]. Бироқ бу муҳими эмас. 1963 йили кўҳандизда археологик қазишмаларни олиб борган В.А. Булатова бу ерда IX-XI асрларга мансуб қабрларни аниқлаган эди[56].

Тарихчи Табарий ўзининг тарихий асарида Қубо (Қува) шаҳри атрофларида араблар билан куваликлар ўртасида бўлиб, ўтган жанглар ҳақида маълумот беради. Демак, бу қабрлар аҳоли ўртасида қадимги даврларда мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасидаги жангда ўлдирилган шаҳидлар қабри деган қарашларни келтириб чиқарган ва бу ўз навбатида бу ерда кейинги даврларда муқаддас мозорнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этганлиги эҳтимолдан холи эмас[57].

Бу хилдаги ривоятга асосланган маълумотлар кейинчалик Қўқон хонлари томонидан зиёратгоҳларга берилган вақфномаларда ҳам ўз аксини топган[58]. Жумладан, Қўқон хони Амир Умархон (1785-1822) томонидан Марғилон шаҳридаги Пур Сиддиқ мозорига берилган вақфномада баён этилишича, халифа Усмон даврида саҳобаи кибор ва тобеъин

[54] Абдулаҳатов Н. Фарғона зиёратгоҳлари // "Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси" мавзусидаги Республика илмий амалий анжумани материаллари. –Т., 2004. -Б. 54.

[55] Бетгер Е. К. Извлечение из книги "Пути и страны" Абу-л-Касыма Ибн–Хаукаля // Труды САГУ. Т., 1957 №4. С.13.

[56] Булатова В. А. Некрополь X-XI вв. В Куве // История материальной културы Узбекистана. Выпуск. 6. –Т., 1965. С 67.

[57] Абдулаҳатов Н. Кўҳна Қува зиёратгоҳлари ...97-б.

[58] Қаранг: Набиев Р.Н.Вакфное хозяйство Кокандского ханства. Ташкент, 2010.



www.ziyouz.com kutubxonasi

номдорлардан Фарғона диёрига юборилади. У вақтларда бу сарзаминдаги кишилар муғлар тоифасидан бўлиб оташпараст эдилар. Жангда оташпарастлар жангчилар сони жиҳатидан ислом қўшинларидан устун келадилар. Ҳидоят йўлига киргизмоқчи бўлган саҳоба ва тобеъинларни душман дарё ўртасида қатл этадилар[59].

Албатта бундай маълумотларга кўзимиз тушган замон биз бундай маълумотлар нари борса икки ёхуд уч аср олдин пайдо бўлган дейишимиз ҳам мумкин. Бироқ фарғоналиклар орасида саҳобаларнинг Фарғонага келганликлари тўғрисида қарашлар мавжуд бўлганлигини ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди.

Халифа Умар (р.а.) ва халифа Усмон (р.а.) даврида арабларнинг Ўрта Осиёга ислом динини тарғиб қилиш учун келганликлари ва уларни шу ерда яшаб қолганликлари тўғрисида тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар деярли учрамайди. Аммо мусулмон агиологияси (мусулмон авлиёларининг ҳаётлари ҳақида тўқиб чиқарилган ривоятлар)да келтирилган маълумотларда бунинг аксини кўриш мумкин. Масалан, ўзбек шоири, тилшунос, маърифатпарвар олим Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат (1862-1937) ўзининг "Тарихи Фарғона" асарида, Ҳазрат Али замонида араб лашкарлари Фарғонага келганликлари баён этилади:

*"Авалли ҳазрат Али замонларида, Каъб ул-ахбор[60] маноқибларида мастурдирки, ҳазрати Каъб улғахбор бош бўлиб, неча минг саҳобалар илан келганларида Фарғона шаҳарларида мўғулиялар илан муҳораба қилиб,қалмоқлар ғолиб бўлуб, қайтиб*

[59] ЦГА. Узбекистан. Фонд № И-19 Оп.№ 1, Д. № 34739.л. 12

[60] Каъб ал Ахбор – Тўлиқ ва ном лақаби Абу Исҳоқ Каъб ибн Монеъ бўлиб, яҳудийлардан эди. Халифа Умар замонида мусулмон бўлган. Мусулмонлар орасида энг кўп хабарлар тарқатганлиги учун унга Каъб ул-ахбор (янгиликлар тарқатувчи) лақаби берилган. 652 йилда вафот этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*кетган эканлар"*[61]. Ибратнинг шайх Каъб ал-Ахборни Фарғонага келганлиги тўғрисидаги маълумотлари бухоролик тарихчи Мирзо Салимбекнинг (1851-1930) "Ҳикояти шайхи пири кибор Каъб ал-Ахбор" номли қиссасидан ҳам ўрин олган[62].

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Фарғона водийсида бир асрдан зиёд вақт давомида бўлиб ўтган курашлар туфайли ўз даврининг машҳур жангчилари ва улар билан бирга келган ислом дини тарғиботчилари ҳалок бўлганлар. Шу сабабдан Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам кўплаб шаҳидлар кўмилган "Машҳад" деб номланувчи муқаддас мозорлар пайдо бўлганлиги шубҳасиз. Афсуски, уларнинг ким эканлиги вақт ўтиши билан унутилиб, фақатгина уларга хос Машҳад номи билангина бизнинг кунларгача етиб келган кўринади. Масалан, биз Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳудудидаги зиёратгоҳларни ўрганиш чоғида ўнга яқин географик жиҳатдан яқин бўлган туманлардаги зиёратгоҳларга ҳам эътиборимизни қаратдик. Қизиғи шундаки, қўшни ҳудудлардаги зиёратгоҳларда ҳам арабларнинг келиши билан боғлиқ ривоятлар ҳанузгача сақланиб қолган.[63] Шу ўринда Бешариққа қўшни ҳудуд бўлмиш Ашт тумани (Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти) номининг келиб чиқиши тарихига эътибор берайлик.

Элшунос олима Л.А.Чвырнинг келтирган маълумотларига кўра, Ашт тўғрисидаги ривоятларидан бирида келтиришича, Қутайба ибн Муслим Ашт сойи

---

[61] Ибрат. Фарғона тарихи. – Т., 1991. .281-б.

[62] Салимий. Шайх Каъб ал-ахбор қиссаси / Табдил қилувчи: Ибриқ Қувойи.– Т.: "Янги аср авлоди", 2003.

[63] Абдулахатов Н. Абдуллах Бахир // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – С. 24.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дарасидаги Аложин деб аталган жойга келганидан сўнг жанглар тугаб ортга қайтади. Аммо у билан келган саккиз саҳоба шу ерда қолиб, маҳаллий халқни ислом динига киргизадилар. Орадан йиллар ўтиб улар шу ерда оламдан ўтадилар. Аҳоли ушбу саккиз саҳобани бир жойга дафн этадилар. Йиллар ўтиб уларни қабри "Мозор Ҳашт Саҳоба" номи билан машҳур бўлади. Шу тарзда кейинчалик "Ҳашт саҳоба" сўзидан ҳозирги Ашт номи келиб чиққан эмиш[64].

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Бешариқ ҳудудига яқин бўлган барча туманларда худди Имом Абдуллоҳ ва Муҳаммад Боқир мозори каби Ҳазрат Али авлодлари номи билан боғлиқ зиёратгоҳларни мавжудлиги ҳам бу заминда Ҳазрат Али(к.в.) авлодларини машҳадлари қадимдан мавжуд эканлигини кўрсатади[65]. Масалан, Исфара туманидан (Тожикистон Республикаси, Сўғд вилояти) 21 км. жанубда жойлашган Чоркўҳ қишлоғидаги Ҳазрат Шоҳ мозорини олайлик. Мақбара Х асрларда ёғочдан барпо этилган бўлиб, ҳозирга қадар яхши сақланиб қолган[66]. Ривоятларга кўра, бу ерда Ҳазрат Алининг ўғли Имом Ҳусайннинг авлодларидан бири шаҳзода Абулқосим дафн этилган[67]. Шарқшунос С. Хмельницкийнинг таъкидлашича, ушбу зиёратгоҳга VIII аср охири IX аср бошларида ислом дини учун олиб борилган жангларда шаҳид бўлган Ҳазрат Али авлодларидан бири дафн этилган[68].

Абдулқодир Самарқандий айтганидек: "Улар йўлга қўйган илк қадамларидаёқ вафот этишган. Улар Қурайш зулмни ҳаддан оширгач ватанни, мол-дунёни, бола-чақани

---

[64] Чвыр Л.А. Об исторических преданиях Аштских таджиков... С.165.

[65] Муминов А.К. Родословная древо Мухтара Ауэзова. Алматы "Жибек жолы", 2011. С. 173.

[66] Дала тадқиқотлари. Тожикистон Республикаси, Сўғд вилояти, Исфара тумани Чоркўҳ қишлоғи.

[67] Ҳасанов Ф. Таърихи Мухтасари деҳоти Исфара. – Д.: "Матбуот", 2001. 38-б.

[68] Хмельницкий С. Чорку. Амир Хамза Хасти подшо. Древнейшее деревянное здание Средней Азии с резным и скультурным декором. Берлин – Рига, 2002. С. 132.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлаб, гарданларига динни юклаб йўлга чиқишган. Ўшанда мусулмонлар ғариб, ўз ватанларида бегона эдилар.

Улар ислом азизлигини кўрмасдан вафот этиб кетишди.

Улар Холид розияллоҳу анҳунинг Форс ва Рум империяларини тиз чўктирганини кўрмай вафот этишди.

Улар Ҳинд, Синд ва Андалус фатҳларини кўришмади.

Улар ҳижрат қилган Маккага бугун миллионлаб мусулмонлар ҳаж учун келаётганини кўришмади.

Модомики, улар йўлни бошлаб беришган экан, бу ютуқларни кўришмагани уларга зарар бермайди.

Улар охиратдаги абадий ҳаёт туфайли бир неча кунлик дунёнинг азоб ва оғриқларига сабр қилишди. Ғоя Аллоҳнинг розилиги эди. Мақсад кенглиги еру самолар қадар бўлмиш жаннат эди! Ушбу зиёратгоҳлар қадимдан аҳоли томонидан эъзозлаб келинган. Асрлар давомида ушбу зиёратгоҳлардан олис юртлардан келган зиёратчиларнинг қадамлари узилмаган".[69]

---

[69] https://t.me/Abdulqodir_Polvonov/3046



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШОҲ МАНСУР ЗИЁРАТГОҲИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚЎЛЁЗМАЛАР

Маълумки, ёзма ҳужжатлардаги қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбалардаги тарих ва тарихда ўтган воқеа-ҳодисаларни ойдинлаштиришга, уларни тушунишга ва ҳатто қайта кўриб, янги фикр, мулоҳаза ва тасаввур олиб келиши мумкин. Одатда  улуғ зотлар фаолиятини ўрганиш чоғида асосий эътибор, аввало улар билан боғлиқ қўлёзма манбаларга қаратилади. Бироқ бундай ёзма манбалар ҳар доим бўлавермайди. Чунки турли сабаблар туфайли бундай нодир асарлар бугунги кунимизгача етиб келмаган. Шундай бўлса-да, 2005 йилдан 2017 йилга қадар вақт давомида Шоҳ Мансур зиёратгоҳи доир қуйидаги ёзма манбалар ва бошқа нодир ҳужжатларни тўплашга муяссар бўлдик.

1. Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқийнинг “Насабномайи Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий” номли қўлёзмаси;

2. Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган Шоҳ Мансур зиёратгоҳига доир вақфлар тўплами;

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг архивидаги Шоҳ Мансур зиёратгоҳига доир нодир суратлар тўплами;

4. Шайх Носуриддин Косоний ал Марғинонийнинг ”Силсилаи нисбати машойих – Тазкират-ул-машойих” (“Машойихларнинг насаб силсиласи – Машойихлар ёдномаси” асари;

5. Косонсой туманида сақланаётган Шайх Носуриддин Косоний ал Марғиноний насабномаси;

6. Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа томонидан ёзилган “Шажаранома”;

7. Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ва унинг авлодларига номига берилган турли мазмундаги ҳужжатлар тўплами;



www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларига доир Қўқон хонлиги даврида ёзилган тарихий асарлар;

9. Ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларидан бўлмиш Саййид Ошиқ Юсуф Косоний номи билан боғлиқ ҳужжатлар тўплами.

Гарчанд ушбу маълумотларни йиғиб қўйган бўлсакда, уларни китоб ҳолатига келтиришга фурсатимиз бўлмади...

Ёзма манбаларда мазкур зиёратгоҳ яна Шоҳ Мурод номи билан ҳам аталганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки Жаҳон Отин Увайсий ўзининг“Воқеоти Муҳаммад Алихон” (“Муҳаммад Алихон воқеалари”) асарида Марғилоннинг машҳур мозорлари хусусида сўз юритганда Шоҳ Мурод мозорини ҳам тилга олиб ўтади.

*Қайтиб яна Марғилона келди,*
*Узини жудолигини чу билди.*
*Ошиён табиат айлади бир кун,*
*Ўғли кўзидин нари бўлон чун.*
*Бор эрди мазори хўп дилғаш,*
*Борғай киши анда бўлса дилғаш.*
*Отидур Муоз, ўзи саҳоба,*
*Бир бандани еткурур аъло мурода.*
*Ким матлаби бўлса, анда борғай,*
*Толибни муродиға етурғай.*
*Бормоққа ўшал мозор сари*
*Юз кувди қилиб мазора зори.*
*Ҳар ерда ғар ўлса бир дуогўй,*
*Йиғдурди мазора Шоҳимурод(!).*
*Эҳсонники беадад қилиб ул,*
*Тотушти бу Марғилона ғул-ғул.*
*Якшанба кун анда бўлди ҳозир,*
*Гулзори жаҳонда эрди нодир.*
*Қилдики мозорни зиёрат,*
*Тегди, ани қилди бо шарофат*[70].

[70] Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда [Матн]: нашрга тайёрловчилар: Ҳамидилло Лутфиллаев. Тадқиқот кисми ва изоҳлар муаллифи: Шерали Қўлдошев. –Т.: “Akademnashr”. 2016.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# САЙФИДДИН ЎРУНГ ҚЎЙЛОҚИЙ НАСАБНОМАСИ

Нақл қилишларича, Марғилондаги Шоҳ Мансур қабристонига Қутайба ибн Муслим билан бирга келган араб жангчилари дафн этилган. Ривоятларга кўра, ўша вақтларда Марғилон атрофларида ғайридинлар билан бўлган жангларда шаҳид бўлган мусулмонларни барчасини бир қабрга дафн этишга тўғри келганлиги учун уларнинг қабрини "Шаҳид мозор" номи билан атаган эканлар. Маҳалла улуғларининг ҳикоя қилишларича, Шаҳид мозор зиёратгоҳида куфий ёзувлар битилган қайроқтош бўлган.[71] Бироқ ҳозирги кунга келиб мазкур қабртоши сақланиб қолмаган.

Албатта бундай мазмундаги ривоятни эшитганимиз замон биз бундай тўқималарга асосланган ривоятлар нари борса икки ёхуд уч аср олдин пайдо бўлган дейишимиз ҳам мумкин. Бироқ X–XI асрдаёқ фарғоналиклар орасида саҳобаларнинг Фарғонага келганликлари тўғрисида қарашлар мавжуд бўлганлигини ўша даврга оид ёзма манбаларда қайдлар мавжуд. Фикримизни яққол далилли сифатида XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида келтирилган ушбу маълумотларига эътибор берайлик:

*"Буқуқ – буқоқ томоқнинг икки тарафи тери билан гўшт орасида пайдо бўладиган елим, гўшт касали. Фарғона билан Шикни шаҳарларида бир қанча одамлар бу дардга йўлиққанлар, бу дард доим уларнинг болаларига ҳам ўтади. Баъзилариники кўкрагини кўролмас даражада бўлади. Мен улардан касал сирини сўраганимда шундай жавоб берган эдилар: "Боболаримиз ғоят баланд товушли кофирлар экан. Саҳобалар билан жанг қилдилар. Оталаримиз уларга куч билан бостириб борибдилар,*

---

[71] Дала тадқиқотлари. 2005 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Йўрмадўз маҳалласи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*чақирибдилар. Мусулмонлар уларнинг товушларидан ҳаяжонга тушибдилар. Бу воқеа Ҳазрати Умарга эшитилди. Ҳазрати Умар уларни қарғади. Натижада уларнинг бўғизларида шу дард пайдо бўлди. Уларга мерос бўлиб қолди. Ҳозир улар орасида бирор баланд овоз кишилик топилмайди"*[72].

Шу сабабдан Фарғона водийсидаги зиёратгоҳларни Муҳаммад (с.а.в.)нинг сафдошлари номи билан боғлайдилар. Жумладан бу ҳолатни тарихчи олим Ш.Камолиддинов қуйидагича изоҳлайди:

*"Ҳадисларга кўра, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Ўрта Осиёнинг минтақасига, хусусан, Самарқанд шаҳрига катта аҳамият берган бўлиб, ўзининг саҳобаларига бу шаҳарни ва у жойлашган мамлакатни, яъни Туркистонни фатҳ қилишга даъват қилган ва рағбатлантирган. Бизнинг давримизгача Ўрта Осиёнинг турли қисмларида саҳобаларнинг ва тобеъинларнинг шаҳид бўлганликлари ҳақида кўплаб ривоятлар ва уларнинг дафн этилган жойлари сақланиб қолган. Бу ҳадислар ва халқ ривоятлари, шунингдек, саҳобаларнинг мозори асосли равишда шундай хулосага келишга имкон берадики, Муҳаммад пайғамбарнинг айрим саҳобалари, балки ҳақиқатда ҳам арабларнинг Ўрта Осиёга қилган илк ҳарбий юришларида иштирок этганлар ёки ҳар ҳолда, буни ўзларининг бурчи деб билганлар"*[73].

Маълумки, Муҳаммад (с.а.в)нинг сафдошлари у зот билан мулоқотда бўлган ёхуд юришларда қатнашган кишилар саҳобалар (тарафдорлар) деб аталган. Кейинчалик Муҳаммад (с.а.в.)ни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар саҳобалар деб атала бошланган. Саҳобалар Арабистондан ташқаридаги ўлкаларни фатҳ этишга киришган илк мусулмон қўшинининг ўзагини ва энг собитқадам, қатъиятли қисмини

---

[72] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. II том / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. Т., 1961. 330-б.

[73] Камолиддинов Ш. Араб исмларидан ясалган қадимги жой номлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. –Т., 2006. № 1, 41-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ташкил этган. Саҳобаларнинг олий қатлами муҳожирлар ва ансорлардан иборат бўлган. Улар дастлабки халифаларни сайлашга таъсир кўрсатганлар, уларни ноиблик ва олий даражадаги лашкарбошилик мансабига тайёрлашган. Саҳоба эркакларнинг умумий миқдори халифа Умар (р.а.) даврида 10 минг кишини ташкил этган[74].

"Тарихий ҳақиқат жоҳилни қанчалик таҳқирласа, тарихий ёлғон ҳам фозилни шунчалик таҳқирлайди" деган эди таниқли адиб Ўлжас Сулаймон. Агар мушоҳада қилинса, собиқ шўролар даврида ёзилган тарихий асарларда Моваруннаҳрга ислом динини олиб келишда жонбозлик кўрсатган улуғ зотларга нисбатан "золим босқинчи", "талончи" деган иборалар қўлланиб келинди. Бироқ аслида улар ким бўлганликлари фақат бугунга келибгина ойдинлашмоқда. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари шундай ёзган эди: "Мусулмонлар Ислом туфайли том маънодаги ҳурриятга эришиш йўлларини англаб етиб, ўз ҳаётларига татбиқ қилиб бўлганларидан кейин ўзлари баҳраманд бўлган ҳуррият ва хайриятки бошқа халқларга ҳам тақдим этишга ўтдилар. Бу ҳаракатни, ҳозир айтилганидек, ҳамма ҳар хил ном билан номлади - баъзилар босқинчилик деса, бошқалар бойлик тўплаш, учинчилар яна бошқа ном билан аташди. Лекин ўша ҳаракатларни инсоф билан ўрганиб чиқилса, бу гаплар қуруқ даъво экани маълум бўлади.

Мусулмонлар ўзлари борган юртларнинг бойликларини талаб, ташиб кетмаганлар, бошқа босқинчилар қиладиган тасарруфотларни қилмаганлар. Мусулмонларга қарши уруш қилмаганлар олдиндан келишилган сулҳ асосида ўз мол-мулкига эга бўлган ҳолида, ўз динида, ўз амалида қолган. Мусулмонларнинг ўзлари ўша вақтдаги бу ҳаракатларини фатҳ, яъни "очиш" деб атаганлар. Буни "ҳуррият йўлини очиш" деб изоҳласак, хато қилмаган бўламиз. Чунки ўша

---

[74]Ислом энциклопедияси... 210-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мусулмонлар қаерга борсалар, энг аввал ўша ер аҳолисига: “Мусулмон бўлсангиз, саломат бўласиз. Хоҳламасангиз, жизя тўлаш ҳақида шартнома тузайлик, бизнинг ҳимоямиз остида ўз динингизда қоласиз. Агар урушни хоҳласангиз, унга ҳам тайёрмиз”, дейишган ва ушбу шартномага амал қилишган.

Бу ҳолат ҳозирги кундаги одамларга ғалати туюлиши мумкин. Бу ҳолат ўша вақтдаги одамларга ҳам ғалати туюлиб, мусулмон фотиҳларга: “Сизлар нима учун келдингиз?” деган саволларни ҳам беришган. Бу саволга мусулмонлар: “Аллоҳ бизларни одамларни бандага қуллик қилишдан бандаларнинг Роббига қуллик қилишга, динларнинг жавридан Исломнинг адолатига, дунёнинг торлигидан охиратнинг кенглигига чиқариш учун юборди”, дея жавоб берганлар.

Ҳа, улар “Бу дунёда банда бандага қул бўлмасин, ҳамма Аллоҳга қул бўлсин. Жабр-зулм бўлмасин, адолат бўлсин. Торлик бўлмасин, кенглик бўлсин”, деган шиор билан ҳаракат қилганлар”.[75]

Саҳобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами тобеъин (тобелар, издош)лар деб аталган бўлиб, ундан кейинги даврдаги илоҳиётчилар тобеъинларнинг тобеъинлари, яъни табаъ тобеъин деб аталган. Саҳоба ва тобеъинларга бўлган ҳурмат ва кейинчалик уларнинг қабрларини эъзозлашга ва уларнинг фазилатлари ҳақида асарлар пайдо бўлишига олиб келди.

Марғилон шаҳридаги Шоҳ Мансур зиёратгоҳи собиқ советлар даврида унутилаёзган бўлса-да, муҳтарам устозимиз, тарих фанлари доктори, шарқшунос олим Аширбек Мўминовнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари туфайли зиёратгоҳларнинг номи ва тарихини аниқлашга муяссар бўлдик. Чунки, профессор Аширбек Мўминов ўз вақтида “Насабномайи Мавлоно Сайфиддин Ўрунг

[75] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019..29-30-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўйлоқий" деб аталувчи қўлёзма устида тадқиқотлар олиб борган ва бу борада мақолалар чоп этган эди.

Мазкур қўлёзма ҳижрий 690 (милодий 1291) йилда ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг жияни Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий томонидан битилган. Қўлёзманинг ҳажми 12,4x338,4 см. Ёзув услубига кўра қўлёзма XIX асрда форс-тожик тилида кўчирилган[76].

Сайфуддин Ўрунг Қуйлоқий тўғрисида шарқшунос олим Ҳамиджон Исломий ўзининг "Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий" номли рисоласида қуйидагиларни келтиради:

*"Сайфуддин Ўрунг Қуйлоқий Хожа Аҳмад Яссавийнинг иниси Садрхожанинг ўғли бўлмиш Донишмандхожанинг фарзандидур. Донишмандхожа баъзан Сўфи Муҳаммад Донишманд деб ҳам аталади. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарпнинг Бобо Камол Жандий баёнида ажойиб бирлавҳани ёзади. Бобо Камол валийлик даражасига етганда ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро унга хирқа кийдириб Туркистонга боришни топширади. Шунда айтарканки: "Туркистон вилоятида Мавлоно Шамсуддин Муфтийнинг фарзандики, оти Аҳмад Мавлонодур, бизинг бу хирқани анга еткур ва тарбиятни андин дариғ тутма" деб олис жойдаги Аҳмад Мавлонога хирқа беради. Бобо Камол минг чақиримдан ортиқ манзилга келиб қараса, бир тўп ёш болалар орасидин Мавлонони танийди. Шунда саломлашиб, қўл тутишиб Муфтий уйига келади. "Муфтий дедики, бу фарзанд мажзубдур, шояд шойиста хидмат қила олмағай. Улуғ оғаси Донишманд Мавлоно бағоят зийрак ва муаддабдур. Бобо дедики, анга ҳам насиб бўлғай, аммо биз Ҳазрати Шайх ҳаволаси ва ишорати била мунунг хизматиға келиббиз", деб айтар экан. Ушбу лавҳадаги Донишманд Мавлоно Сўфи Муҳаммад Донишманд эди. Энди Шамсиддин*

---

[76] Абдулахатов Н. Мазар Хазрат Шах Мансур // Materiałу XV Międzynarodowej naukowi-praktycznej konferencji "Wykształcenie i nauka bez granic – 2019" , 07 - 15 grudnia 2019 roku.Poland.C.71-76.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Муфтий эса Аҳмад Яссавийнинг иниси Садрхожа эдилар. Шамсиддин (диннинг қуёши) Ислом илмидаги сифат оти бўлиб, Муфтий эса — шариат қонун-қоидалари бўлмиш фиқҳ илмидаги даражаси эди. Демакки, Садрхожа Шамсуддин Муфтий, Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийнинг бобоси эдилар. Яссавий "Насабнома"сида: "Илёсхожа Шайхнинг ўғли Иброҳим Шайх, анинг икки ўғли бор эрди: Бирининг оти Аҳмадхожа, тақи бирининг оти Садрхожа. Анинг икки ўғли бор эрди: Бирининг оти Абдулмалик эрди, яна бирининг оти Донишмандхожа эрди — лақаби Зоҳид Ўрунг Қўйлоқий эрди. Анинг ўғли Мавлоно Сайфуддин — лақаби Ўрунг Қўйлоқий эрди".*

Ўрунг — оқ, порлоқ маънога эга бўлгани учун Сайфуддун Ўрунг Қўйлоқий оқ рангли қўйларни боқиш билан шуғулланган бўлиши кўзда тутилади. Кейинчалик — "Қўйлиқ ота" аталиб, ўша касби от бўлиб расмийлашиб қолган кўринади.

Муҳаммад Тоҳир Эшон 1746-47 йилда ёзган "Тазкираи Нақшбандия" асарида ёзади: *"Сўфи Муҳаммад Донишманд алайҳирраҳманинг баёнидур. Ул бузургвор Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўрт халифасининг учунчиси эрди. Хожа Аҳмад Ясси шаҳрига келиб, зикри жаҳрига машғул бўлди. Ҳазрати Сўфи Муҳаммад Донишманд хотирига келдиким, Хожа Аҳмадни зикри жаҳридин манъ қилгай. Ул қасд била манзилидин равон бўлди. Хожа Аҳмад алайҳирраҳмага келуридин маълум бўлди, ул келмасдин бурун таважжуҳи тамом этиб, (яъни унга тўлиқ диққатини қаратиш) Мавлонони ўз тасарруфига киргузди. Мулоқот асносида Хожа Аҳмаднинг шарофатидин такмилу акмал даражасиға (энг мукаммал даражага) мушарраф бўлди".*

Юқоридаги ажойиб лавҳалардан маълум бўладики, буюк Шайх Нажмиддин Кубро "Валийтарош", ғоятда узоқ масофада туриб, Яссавий жиянини ўз таъсирига олгани, Камол Жандий Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи муҳсиний" орқали руҳий тарбият этканини кўрамиз. Бу ҳолдан бохабар бўлган Аҳмад Яссавий эса ғоятда



www.ziyouz.com kutubxonasi

одобли ва зийрак жияни Донишманд Мавлонони ўзтаъсири тарбиясида камолатга етказиб, Яссавия тариқий — сулукида ўринбосар — халифа тайин этканининг гувоҳи бўламиз. Демакки, Сайфуддин Қўйлоқий етуклик даражасига етган, Аҳмад Яссавийнинг халифаси бўлган Сўфи Муҳаммад Донишманднинг ўғли эди. Ушбу ҳужжатга асосланганда "Насабнома"нинг асли қўлёзмаси араб тилида ёзилган экан.

Араб тилидаги ушбу "Насабнома"ни Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқий туркий тилига таржима қилганини қуйидагича ёзади: *"Аммо Қорғоликда Исҳоқ Боб рўзгоридин бору ўн бир оталаримиз кечти. Бу "Насабнома" Мавлоно Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийға қолди. Бу насабнома араб тили бирла эрди, Мавлоно Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқий туркий тилиға ўгурди. Аммо ҳижратдин беш юз қирқ йил кечиб эрди".*

Агар 540 ҳижрий милодий 1145 йилни билдирса, Сайфуддин ўрунг Қўйлоқий XII аср бошларида туғилиб XIII аср бошларида оламдин ўтган бўлади. Туркийларда етуклик 20-30 ёшгача бўлади. Асосий масала бу чоғда Исҳоқ Бобнинг авлодлари Туркистон заминида ҳукмронлик қилиш билан бу жойда ўтроқлашиб қолган эди. Демакки, насл ва насабда маҳаллий тил ва одатлар ҳукумронлигига кирганлиги ва туркийлашганлиги билинади. "Насабнома" китобида яна бир лавҳа эътиборга моликдир:

*"Яссавий Аҳмад Хожа Ота охиратга уланур бўлди эрса, ўз ўрнини қариндошим ўғли деб Мавлоно Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийға берди. Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийнинг 93 йил умри бўлди. 50 йил Хизр-Илёс бирла суҳбати бўлди. ( Ўша асар 11 бет)".*

*Яссавий "Насабнома" сига асосан ушбу насабга молик аждоду авлодлар Яссийдан то Фарғона водийсигача бўлган ҳудудда яшайди. Ушбу манбалардан келиб чиққан ҳолда Тошкентдаги "Қўйлиқ Ота" қабри Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийнинг қабри бўлиши эҳтимолдан холи эмасдир"[77].*

---

[77] Исломий Ҳ. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Т.: "Фан", 2005. 17-19-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайфуддин Ўрунг Қўйлоқийнинг "Насабнома"синин аввалида Ҳазрати Алининг фарзандлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳулар тўғрисида маълумотлар келтирилган:

*"Ҳазрат Али Шоҳимардоннинг... ўғиллари ва ўн етти нафар қизлари бор эди. Аммо ҳазрати Фотимадан уч нафар ўғил кўрди. Имом Ҳасан, Имом Ҳусайн, Имом Муҳассанки, болалик чоғида вафот этган эди.*

*Амир ал-мўмин*[78] *Имом Ҳасан икки нисбатдан канизакни олди. Унинг ...қизи ва Талҳа, Ҳасан, Мусанна, Ҳусайни Асғар ва Сулаймон, Абдураҳмон, Қосим, Жаъфар, Аун, Аҳмад, Убайдуллоҳ, Зайд исмли ўн тўрт нафар ўғил фарзанди бор эди.*

*Амир ал-мўмин Имом Ҳусайннинг Алийи Акбар, Алийи Асғар, Жаъфар, Абдуллоҳ, Абу Бакр, Иброҳим исмли олти ўғли ва Сакина, Хадича, Умму Абду... Умму Салима исмли беш нафар қизи бор эди.*

*Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳанафийа Йамома малики Жафар ибн Қайс қизидандир. Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳанафийа учинчи халифа ҳазрат Усмоннинг қизи Биби Шамсиядан олти ўғил кўрди: Абдуҳошим, Абдуллоҳ, Жаъфар, Шоҳ Мансур, Абдулфаттоҳ, Абдулманнон...*

*Аёлидан Исҳоқ, Шоҳ Абдулқаҳҳор, Шоҳ Абдусаттор, Имом Мусайи Алия.*

*Билсингларким, Паҳлавон Аҳмад Замчининг жадд аълои (энг юқори бобоси) эрур. Абдулфаттоҳ Ҳазрат Султон Хўжа Аҳмад Яссавий ва Исмоил отанинг жадди аълои эрур. Имом Мусо Алия ҳазрат Али Қушчи отанинг жадди аълои эрур.*

*Ҳазрат Исҳоқ боб ота ва Абдулманнон ва Шоҳ Абдулқаҳҳор ва Шоҳ Абдусатторларнинг Туркистоннинг атроф ва жавонибларида авлодлари кўпдур. Уларнинг ҳаммаси соҳиби хилват, турк машойихларидандир.*

---

[78] Амир ал-мўминин – Мўминларнинг амири; илк ислом давридаги халифаларнинг унвони, кейинчалик ҳар бир Ислом давлати подшоҳи шу атама билан аталган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Билсингларким, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ* розияллоҳу анҳу *халифаликлари вақтида Шоҳ Абдураҳмон ўн минг саҳобаларни бошлаб Ўзганд, Фарғонаға бордилар. Фажр (тонг) намози чоғи эрдиким, шаҳодат топдилар."*[79].

*Халифа Умар розияллоҳу анҳу халифаликлари вақтида яна бир ривоятда Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу халифаликлари замонида Қусам ибн Аббос Самарқанд шаҳрида шаҳид бўлдилар. Имом Муҳаммад Жалилки, лақаблари Хуросон ота эрди, Ўзгандда шаҳид бўлди. Ҳазрат Набий алайҳисалломнинг ҳижратларидан юз йил ўтиб ҳазрат Абдураҳмон Бобо ибн Абдулжаббор ибн Абдулфаттоҳ ибн ҳазрат Муҳаммад ал Ҳанафийа ибн ҳазрат Али Муртазо розияллоҳу анҳу вафот эди. Унинг жанозаси учун Шоҳ Мансур ибн Муҳаммад ал Ҳанафийа ва Шоҳ Абдураҳмон ва ҳазрат Форсин ва ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муоз ибн Жабал... ва ҳазрат Бурҳон Боб ва ҳазрат Шоҳ Жарир ва ҳазрат Шоҳ Зунун авлиё ва ҳазрат Шоҳ Абдулқаҳҳор ва ҳазрат Абдулазиз Боб ва ҳазрат Имом Абу Қаффол ва ҳазрат Абдураҳим Боб ва Ишкинж Боб ва бошқа акобири аъло саҳоба ва тобеъинлар ва тубба тобеъинлар жам бўлишиб, иттифоқ қилдилар ва лашкар жам қилдилар. Отларга сувор бўлдилар. Баъзи бандаргоҳда беш минг ва баъзи бандаргоҳда ўн беш минг ва баъзи бандаргоҳларда йигирма минг бўлишиб Термез шаҳрига бўйига етиб келдилар. Етмиш минглари Ҳазрат Расул алайҳиссаломга саловатлар бахшида қилишиб, тўрт тақсим бўлдилар.*

*Ҳазрат Шоҳ Мансур ва ҳазрат Шоҳ Абдураҳмон ва Ҳазрат Порсиншоҳ ва ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муози Жабал Кўҳистон томон юришиб Ҳисор ва Қоратегин ва Мастчоҳ ва Фалғар халқини мусулмон этдилар.*

*Шаҳри фохира Марғинон ва мўътабар шаҳар Андижон ва шаҳри муаззам Ўш ва мукаррам шаҳар Кал Сузоқ ва муҳсин шаҳар Қува ва Қарогина шаҳри ва бошқа қадимий шаҳарларга келдилар ва фуқароларини мусулмон қилдилар.*

---

[79] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана// Подвижники ислама. – М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН. 2003. С. 123.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Аммо ҳазрат Порсиншоҳ Кўҳистон ва Марғилон шаҳри мардумларини мусулмон этиб, билоҳир Кўҳистонда шаҳид бўлдилар ва Марғилон тоғларида осуда топдилар.*

*Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муози Жабал Марғиноннинг даштида вафот этди.*

*Ҳазрат Шоҳ Мансур ибн Муҳаммад Ҳанафийа Косон шаҳрида тарсо подшоҳлар Ўтамиш Сариқ ва Тўламиш сариқ билан жанг қилди ва шаҳид бўлди. Мазкур икки тарсо подшоҳлар ул ҳазратни бошини кесиб ҳақорат қилишни буюрдилар. Ҳазрат Шоҳ Мансур ўрнидан туриб ғойиб бўлди... Ул ҳазратнинг каромати зоҳир бўлгач баъзи кофирлар Косондан Хўжандга қочдилар. Баъзи тарсолар Кўҳистонга қочдилар. Қолганлари исломни қабул қилдилар".*[80]

Юқорида келтириб ўтганимиздек "Насабномайи туркий" деб аталувчи қўлёзмада Марғилон ва унинг атрофидаги Маоз ибн Жабал, Носиршоҳ, Порсиншоҳ мозорларининг тарихи билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Жумладан мазкур "Насабномайи туркий"да Абдуллоҳ ибн Маоз Жабал Марғилон атрофидаги чўлда юз берган жангда ҳалок бўлиб, шу ерга дафн этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[81]. Демак, Хўжа Маоз зиёратгоҳи аслида саҳоба Маоз ибн Жабал билан эмас, балки унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Маоз Жабал номи билан боғлиқ бўлган. Бироқ маҳаллий аҳоли орасидаги саҳобалар тўғрисидаги ривоятлар туфайли зиёратгоҳ номи Маоз ибн Жабал дея аталиб келинганлиги боис вақтлар ўтиши билан шу ном билан халқ орасида машҳур бўлиб кетган[82].

Иккинчи зиёратгоҳ Марғилон шаҳрининг қадимий зиёратгоҳларидан бири Хўжа Маоз ибн Жабал зиёратгоҳидир. Зиёратгоҳ "Ҳазрат Муоз", "Ҳасти Маоз"

---

[80] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана// Подвижники ислама.- М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН. 2003. С. 123-125.

[81] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана// Подвижники ислама. – М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 2003. С. 136

[82] Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: "Фарғона", 2007. 132-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

“Хўжа Мағиз” номлари билан машҳур бўлиб, аҳоли орасида кўп ҳолларда “Хўжа Мағиз” номи билан тилга олинади.

Хўжа Маоз мажмуасидаги Чиллахонада олиб борилган археологик илмий-тадқиқотлар хулосасига кўра, бинонинг пастки қисми илмий адабиётларда "қорахонийлар ғишти" деб номланадиган ғиштлардан қурилган. Ана шу шаклдаги ғиштлардан қурилган биноларга Ўзгандаги Минора (XII аср), Марказий Мақбара (XII асрнинг боши), Таласдаги Бўрон минораси (XI аср) ва Косон яқинидаги "Шоҳ Фозил" мақбараси киради. Яна шу шаклдаги ғиштлар қадимий Ахсикент шаҳрининг археологик қазилмаларида IX - X аср қатламларида учратилган. Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиқиб, Чиллахона биносининг пастки қисмидаги қолдиқлар X - XII асрларга оид бинонинг қолдиқлари деб ҳисоблашга асос бор. Демак, “Ҳасти Маоз” мажмуаси жойлашган ерлар қадим замонлардан бери эътиборли қадамжолардан бўлган.

Шунинг учун ҳам мажмуанинг тарихий-меъморий ривожланиш жараёнида вужудга келган бинолар, Мўйи Муборак хонақоҳи, Марғилон ҳукмдорларининг дахмалари шу қадамжо атрофида шаклланганлигини кўрамиз. Мажмуа ҳудудини ободонлаштириш, бу ерда зиёрат масжиди (ҳозирги кунда қадимгиси ўрнида қайта қурилган) қурилиши, мадраса, мактабхона, кутубхона ва алоҳида-алоҳида дарвозахоналар бино қилиниши тарихий жараён мобайнида тўхтамай давом этган. Бу ернинг диний-илмий марказ бўлганлигини ва бу ердан бир қанча уламолар етишиб чиққанлигини маҳаллий оқсоқоллар фахр билан эсга оладилар. Шу билан бирга, улар мустабид совет тузуми даврида, аниқроғи 40-йилларда Хўжа Мағиз қабристонидаги жуда кўп нақшинкор мармар тошлар, ёзувлар, қайроқ тошлар қабрлар устидан кўчириб олиниб, майдаланган-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лигини ва кўмиб ташланганлигини чуқур изтироб билан ҳикоя қилиб берганлар.[83]

Хўжа Маоз ибн Жабал зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг Ёйилма маҳалласида жойлашган. Хўжа Маоз мозорини маҳаллий халқ Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маоз ибн Жабал исмли фақиҳ ва ровий саҳобаларидан бири билан боғлиқ деб қарашади[84].

Бу ҳақда Абдураҳмон Фаҳмий қуйидаги таърифни келтиради:

Ямини жонибида ётмиш ул амир Хизр[85],
Ясоридан ўтар дарёйи сер ҳузр.
Ямини кўҳида шери Худодир,
Муоз бинни Жабал ҳам раҳнамодир.
Жавониб қиблада кўп мужтаҳидлар,
Саҳоба неча минг олий шаҳидлар.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг келтирган маълумотларига кўра, 1862 йили Марғилон шаҳрида Худоёрхон томонидан юборилган элчи Мирзо Аҳмад Қушбегига қарши халқ исён кўтариб, Хўжа Маоз зиёратгоҳида мудофаа учун истеҳкомлар барпо этилади ва ҳатто бу ердаги иморатлар устига замбараклар ўрнатилади.[86]

Хўжа Маоз зиёратгоҳи билан боғлиқ шу сингари воқеалар тарихда кўп маротаба содир бўлган. Шу сабабдан ҳам юрт бошига фалокат келган вақт уни даф қилиш масаласи айнан шу мозорда Марғилоннинг улуғлари томонидан муҳокама қилинарди. Бу ҳақда Жаҳон Отин Увайсий шундай дейди:

---

[83] Расулов М. Марғилон шаҳри тарихини ўрганишда меъморий ёдгорликларнинг ўрни // "Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2012. 231-б.

[84] Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Мўйи Муборак. – Ф.: "Фарғона", 2000. 88-б.

[85] Ушбу зиёратгоҳ ҳозирда Фарғона шаҳрининг Ёрмозор маҳалласидаги қабристонда жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга Амир Темурнинг куёви Абдували Хизр Подшоҳ дафн этилган. Вақфномалардан бирида келтирилишича, 1418 йили Амир Хизр Валий мозори олдидаги масжид ва мадраса таъмир этилган. Вақфномада "Амир Хизр Валийнинг қабри Фохираи Марғилонда жойлашган", дея таъкидланади.

[86] Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: "Фан", 1973. С. 65.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бор эрди мазори хўп дилғаш,
Борғай киши анда бўлса дилғаш.
Отидур Муоз, ўзи саҳоба,
Бир бандани еткурур аъло мурода.
Ким матлаби бўлса, анда борғай,
Толибни муродиға етурғай.[87]

"Хўжа Маоз" зиёратгоҳида ҳар йили сайиллар ўтказилган ва айнан зиёратгоҳда "Талаб борон"(ёмғир сўраш) маросимлари бўлиб ўтган. Ёзма манбаларда ушбу зиёратгоҳда XIX аср охири ва XX аср бошларида бир неча марта ёмғир сўраш билан боғлиқ маросимлар ўтказилганлиги таъкидланади.[88] Жумладан, Пўлатхон қўзғолони даврида воқеалар шу мозор билан боғлиқ кечган[89].

1954 йили Хўжа Маоз мозорини кўздан кечирган тадқиқотчи И. Ф. Бородина маҳаллий халқ орасида мозор саккиз аср муқаддам қурилганлиги ҳақидаги ривоятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Унга кўра, мозор кейинчалик XX аср бошларида қайта таъмирланган[90].

Зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири у ерда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) билан боғлиқ Мўйи муборак мозорининг мавжудлигидир. XVIII асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган ушбу зиёратгоҳ мажмуаси тўғрисида шоир Маъдан ўз мусаддасида жумладан қуйидагиларни келтиради:

Ўлиб Фарғона бирла Марғилон иқлимиға нозил,
Бу Маъдан тарихини "шофий рўзи қиёмат" бил,

[87] Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда [Матн]: нашрга тайёрловчилар: Ҳамидилло Лутфиллаев. Тадқиқот кисми ва изоҳлар муаллифи: Шерали Қўлдошев. –Т.: "Akademnashr". 2016. 12-б.

[88] Абдулаҳатов Н. XIX аср охири XX аср бошл.арида Марғилонда шаҳридаги Талаб борон маросими // Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари(Илмий тўплам). Тошкент: "Наврўз", 2013. 96-102-б.

[89] Коритов Н. П. Самозванец Пулатхан // Ежегодник Ферганской области. Том I. Г.Новый Маргелань. 1902. С. 37.

[90] Бородина И. Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальных мечети, медресе и мавзолеев) 1954. Ф. №1644. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармаси архиви.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Биҳамдуллоки, бормиз уммати Мўйи Муборакдин
Улус хони Музаффар нусрати Мўйи Муборакдин.[91]

Маълумотларга кўра, 1890 йилда Марғилонда қаҳатчилик бўлиб ёмғир ёғмай қўйганлиги учун анъанага мувофиқ аҳоли "Талаби борон", яъни "Ёғин сўраш" маросими Хўжа Маоз зиёратгоҳида ўтказилган. Ўша вақтда маросимни ўтказиш Марғилоннинг машҳур уламоларидан бири бўлган Охунжон қори Номий[92] зиммасига юкланади. Манбаларда бу ҳақда шундай маълумот келтирилган:

Ҳазрат домла Охунджон ал-Марғиноний ал-марҳум ал-мутаваффий фи Маккатал-мукаррама намуда буданд дар замони қаҳат дар ҳийн талаб борон дар Марғинон.

Жаноб ҳазрат Форуқ сохат вақт қаҳат,
Вужуд ҳазрат Аббосро шафиъу мулоз.
Дар ин замон се шафиъ аз набий бимо инжост,
*Нахусту шаър, дуввум зуфр, саввум ибн Муоз.*

Яъни, Охунжон қори Марғиноний Марғилондаги қаҳатчилик чоғи ўқиган дуолари: "Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу Мадинада қаҳатчилик чоғи Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳуни шафиъ қилиб, Аллоҳдан сув тилаган эди. Бугун шафиъ қилмоқ учун бу ерда Пайғамбар алайҳиссаломдан учта нарса мавжуд. Бири у зотнинг муборак соч толалари, тирноқлари, учинчиси эса, Муоз ибн Жабалнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Муоздир" [93].

---

[91] Аҳмедов Ф. "Мўйи Муборак" мақоласида берилган мусаддас . "Шуҳрати Ашт" газетаси. 1992й. 1 июль.

[92] Охунжон қори Марғилоний XIX нинг бошларида Марғилонда таваллуд топган. Умрларининг сўнггида аввал Маккага ундан эса, Мадинайи Мунавварага ҳижрат қилган ва XIX асрнинг охирида ўша ерда вафот этган. Унинг"Номий" тахаллуси билан ижод қилган бир нечта ғазал ва мухаммаслари, "Қасидайи бурда" асарига қилган шарҳ ва бошқа баъзи асарлари сақланиб қолган.

[93] Ушбу маълумотлар Мулла Зокиржон охунд қаламига мансуб қўлёзмадан олинди. Мазкур қўлёзма Марғилон шаҳридаги Раҳматилло Файзуллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи зиёратгоҳ Пур Сиддиқ мозори (яна бошқа номлари Пури Сиддиқ, Фур Сиддиқ). Марғилон шаҳри Йўрмадўз маҳалласида жойлашган.

Шарқшунос А. З. Валидовнинг келтирган маълумотларига кўра, Бухоро хони Субхонқулихон (1680-1702) томонидан Пур Сиддиқ мозорига вақф ерлари ажратилган эди.[94] Маълумотларга кўра, Пур Сиддиқ зиёратгоҳи ва шу ном билан аталувчи масжид ва мадраса учун Пур Сиддиқ, Тўқсоба маҳалласидаги дўконлар, Оқ ариқ, Тошлоқ, Заркент, Варзак, Қақир, Бойистон қишлоқларидаги ерлар вақф қилинган бўлиб, улардан ер солиғи ҳам олинмаган. Бу ҳақда Қўқон хонлари Мадалихон, Худоёрхон томонидан Пури Сиддиқ зиёратгоҳи мутаваллийларга махсус ёрлиқлар берилган.[95] Даврлар ўтиши билан унинг атрофида масжид, минора мақбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлган архитектура комплекси пайдо бўлган.[96] Шу сабабли у халқ ўртасида "Каптархона", "Каптарли мозор" деб ҳам аталади. Мозордаги каптарлар ҳам муқаддас ҳисобланганлиги учун уларни ушлаш ёки ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Нақл қилишларича, Пур Сиддиқ душманларидан қочиб ғорга яширинганларида каптарлар қанотлари билан ғор оғзини беркитиб турганлар. Шундан сўнг Пур Сиддиқ каптарлар билан дўстлашиб қолибди. Каптарлар ҳам Пур Сиддиқ вафотидан сўнг у билан бирга қолиш учун мозорда яшаб қолибдилар. Мозор шу сабабдан кейинчалик Каптарлик мозор номини олган.[97]

Зиёратгоҳнинг турли ном билан аташларида қуйидагича қарашлар мавжуд. Форс тилида "Пур" сўзи "ўғил" ва "тўла",

---

[94] Валидов З. А. Некоторыя данные по истории Ферганы XVIII- столетия// Протоколы зседаний и сообшения членов Туркестанского куржка любителей археологии . Вып 2-й Т., 1916. С 73.

[95]ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34739-иш; ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34746-иш.

[96] Раҳматиллаев Ҳ, Жаборов М. XVIII-XIX асрларда Марғилонда бунёд этилган тарихий мажмуалар // Марғилон асрлар силсиласида(Республика илмий-амалий семинар материаллари). Фарғона. 2005. 72-б.

[97] Дала тадқиқотлари. 2004 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Ўқчи маҳалласи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

"кўп" маъносини англатади.[98] Шу сабабдан мозорга дафн этилган улуғ зот ҳақида турли қарашлар мавжуд. Унга кўра мозорга халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) нинг (572-634 й.й.) набираси дафн этилган ва шу сабабдан мозор Пур Сиддиқ деб аталган.[99]

Бу ҳақда Қўқон хони Амир Умархон (1810-1822 й.й.) томонидан Пур Сиддиқ мозорига берилган вақфномада маълумотлар қайд этилган:

*"Абулмузаффар алмансур саййид Муҳаммад Умар баҳодирхон сўзумиз*

*Айни замонда улуг саййидлар ва қозилар ва ислом уламолари ва карамли шайхлар, амалдор ва мубоширлар девон амирлари ва султонлик ишларининг мутасади амалдорлари ва мутакафиллари, давлат ишини бошқарувчилари ва бошқа улуғлар ва у ерларда турувчи ва яшовчи аҳолига, воқиф ва огоҳ бўлиб билингларки, чунончи ўтмишда ўтган садоқатли собитнишин хайрулбашар Ҳазрат Абубакр Сиддиқ Акбарки, ушбу Кабутархонада Пури Сиддиқ азизлар номи билан шуҳрат топган.*[100]

*Зиёратгоҳ аҳоли орасида кўпроқ Пур Сиддиқ номи билан машҳур бўлганлиги ва вақномаларда шу ном билан қайд этилган. Яна бир ривоятларга кўра бу зиёратгоҳга ҳалифа Абу Бакр Сиддиқнинг авлодларидан бўлган Пур Сиддиқ исмли авлиё ва унинг синглиси Пошшохон дафн этилган.*[101]

Абдураҳмон Фаҳмийга кўра Бурҳониддин ал-Марғиноний Пур Сиддиқ мозоридаги чиллахонада "ал-Ҳидоя" асарини биринчи китобини ёзган.

"Ҳидоя" дафтари аввални тасниф,
Қилиб "Пури Сиддиқ"да бўлди танзиф.
Ки чун пайдор бўлиб Ҳўқанди соний,

[98] Персидко-русский словарь. Составитель Б. В. Миллер. - М., 1953. С.90.

[99] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана//Подвижники ислама.- М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН, 2003. С. 151.

[100] ЦГА. Узбекистан. Фонд №И-19 Оп.№ 1, Д. № 34739. № 12

[101] Дала тадқиқотлари. 2004 йил . Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Ўқчи маҳалласи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қолиб бу бўлди хонлар макони.

Бурҳониддин Марғинонийнинг айнан Пур Сиддиқ мадрасасида таълим олиб чиллахонада ҳаёт кечирганлигининг сабаби ҳам унинг Пур Сиддиқдек улуғ аждодига бўлган юксак эҳтироминининг намунасидир.

2006 йилнинг 27-28 май кунлари зиёратгоҳнинг пайдо бўлган даврини аниқлаш мақсадида шимолий-ғарбий бурчагидаги ер майдонида 1,5х1,5 ҳажмдаги археологик шурф солиб ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди. Шурф ер сатҳидан 1,5 м чуқурликка қадар давом эттирилди ва X-XII асрлардаги қорахонийлар, ҳамда XV-XVI асрларидаги темурийлар даврига мансуб маданий қатламлар аниқланиб ўша вақтларга оид сопол парчалари намуналари топилди. Ушбу сопол парчалари ичида қорахонийлар даврига мансуб мурғоба сопол идиш парчалари ҳамда темурийлар даврига мансуб зангорисимон сирли сопол парчаси эътиборга моликдир. Ушбу топилмалар Пур Сиддиқ мозори мажмуасининг дастлабки бино этилган вақти қорахонийлар даври билан боғлиқ деган фаразларнинг илмий жиҳатдан ҳам асосли эканлигини кўрсатиш билан бирга темурийлар даврига келиб зиёратгоҳ аҳоли томонидан оммавий тарзда зиёрат қилиб келинганлигини кўрсатади.[102]

Собиқ мустабид тузумнинг диний-меъморий ёдгорликларга нисбатан нигилистча сиёсати Пур Сиддиқ мажмуасини ҳам четлаб ўтмади. Мажмуанинг дарвозахонаси орқасидаги икки қаватли бино бузиб ташланди, натижада дарвозахона пештоқи ҳам зарарланиб, ярим вайрона ҳолатига тушиб қолди. Мажмуанинг сақланиб қолган бинолари эса омборхона сифатида фойдаланилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса бу биноларга Россиядан эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган. Мажмуада охирги қурилиш ишлари 1956 йилда бажарилган. 1990 йилларга келиб мажмуада дастлабки таъмирлаш ишлари бошланган. 2007

[102] Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари..154-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

йили Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан Пур Сиддиқ мажмуаси тўлиқ қайтадан таъмирланди. Ҳозирги кунда Пур Сиддиқ мажмуаси давлат муҳофазасига олинган.

Ривоятларга кўра кўра, мазкур учала зиёратгоҳга ҳам "Сафед Булон" қиссасида ҳикоя қилинган Шоҳ Жарир билан келган саҳоблар дафн этилган эмиш. Мазкур воқеалар "Шоҳимардон насабномаси"да қуйидагича талқин этилади.

## ШОҲИМАРДОН НАСАБНОМАСИ

*"Саййид авлиё Шоҳимардон амир ал мўъминин Муртазо Али (р.а.) Рум подшоҳининг қизи Биби Ҳанифа хотунидин бўлгон амир ал мўъминин ҳазрат имом Муҳаммад Ҳанафийа (р.а.)нинг Биби Шамсия хотуни ҳазрат Усмоннинг қизлари эрди. Имом Муҳаммад Ҳанафийа ислом подшоҳлиқ қилур эрди. Аларнинг икки ўғли бор эрди. Шоҳ Абдулманнон. Яна бирлари Шоҳ Абдулфаттоҳ турур. Шоҳ Абдулманноннинг ўғли Шоҳ Баттол Ғозий эрди. Рум тарсолари бирлан ғазот қилиб, уларни ҳалок қилдилар. Шоҳ Абдулфаттоҳ (р.а.) аларнинг икки ўғли бор эрди. Шоҳ Абдулжаббор (р.а.) яна бирлари Абдулқаҳҳор (р.а.) Имом Жаъфар Содиқ (р.а.)нинг қизларин олдилар. Алардан икки ўғул бор эрди. Шоҳ Абдураҳмон Боб Шом подшоҳи эрди. Шоҳ Абдураҳим Шомот подшоҳи эрди. Шоҳ Абдураҳмон Бобнинг икки ўғли бор эрди. Бирлари ҳазрат Исҳоқ Боб (р.а.). Яна бирлари ҳазрат Абдужалил Боб (р.а.). Шоҳ Абдураҳмон Боб ўн икки минг саҳобаларни бошлаб Ўзганд, Фарғонаға бордилар. Муғ тарсолар бирлан тўқуш қилдилар. Ўзганд, Фарғона, Косон, Ўшни олдилар. Мусулмонлик ошкора бўлди. Анда икки кофир бор эрди. Бирининг оти Корвонбаст эрди. Бирининг оти Ихшит кофир эрди. Вилоятни топшурди ва яна қизини ҳам Шоҳ Абдураҳмон Бобга*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*берди. Мусулмон ошкора бўлди. Кунлардан бир кун бир Қуртуқа(маккор аёл) Ихшити кофурга айтди:*

*– Ман бир иш қилай. Ихшит айди:*

*– Ишқилиб Абдураҳмон Бобни ўлдурсанг давлатхоҳ (меросхўр)им бўлгил.*

*Кунлардан бир кун Қуртуқа Шоҳ Абдураҳмон Бобнинг эшигида йиглаб ўлтурди. Шоҳ Абдураҳмон Боб айди:*

*– Қуртуқа не гаразинг бор? Қуртуқа айтди:*

*– Эй подшоҳим. Мен бир гарибман. Подшоҳнинг раҳми келди ва уйига (у билан) келди.*

*(Хотинига) айтди:*

*– Бир заиф бечора бор ва унга меҳрибонлиқ қил.*

*(Хотини) айтди:*

*– Эй подшоҳим, бу иш яхши эрмас. (Унинг) макр ва ҳийласи бор турур.*

*Подшоҳ айтди:*

*- Худонинг ҳукми бўлса, чора бўлмас!*

*Подшоҳ айтди:*

*- Эй Қуртуқа, ички ҳарамга киргил ва яна ходим бўлгил.*

*Кунлардан бир кун Қуртуқа айтди:*

*– Эй Ойим, подшоҳдин сўрагил урушда не учун ўқ, қилич ва найза (унга) ҳеч кор қилмас?*

*Ойим подшоҳдин сўради. Подшоҳ айтди:*

*– Эй мугбачча, биз авлоди пайгамбармиз. Авлоди Шоҳимардонмизки, ҳеч нарса кор қилмас. Ҳар вақтки намозда жамиъ аъзомиз қўргошин ва сув бўлур.*

*Ойим (бу сирни) Қуртуқага айтди. Қуртуқа Ихшити кофирга айтди. Суюнчилар тилади. Кунлардан бир кун Шоҳ Абдураҳмон Боб ўн икки минг саҳобалар бирлан намоз ўқур эрдилар. Ихшит кофир Сафед Булонда барча мусулмонларни шаҳид қилдилар. Андин сўнг ул хабар Макка, Мадина, Шом, Шомот, Яман, Миср, Румга етди. Эрса, ҳазрат Исҳоқ Боб отаси ўрнига Шомга подшоҳ бўлдилар ва ҳазрат Абдужалил Боб Яман вилоятига подшоҳ бўлдилар.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Кунлардан бир кун Қусам ибн Аббос ва Муҳаммад ибн Жалил ўттуз минг саҳобаларни бошлаб Ўзганд Фарғонаға келдилар. Муғ ва тарсолар бирлан тўқуш қилдилар. Тақи шаҳид бўлдилар"*[103].

Марғилонда содир бўлган жангларда шаҳид бўлган мусулмонлар тўғрисида Салимийнинг "Шайх Каъб ал-ахбор" номли тарихий қиссасида ҳам маълумотлар учрайди:

*Ёғийлар бирла кўп уриштилар,*
*Аҳли муртад ила сўқиштилар.*
*Аҳли Фарғона бирла Марғилон,*
*Кўп урушти алар ила жон.*
*Беадад ўлди лашкари муртад,*
*Сонини билмакка йўқ эрди ҳад.*
*Ҳам шаҳид ўлди юриб минг асҳоб*
*Аҳли Фарғонаға билинг аҳбоб.*[104]

Ҳазрат Шоҳ Мансур шу тариқа Марғилонда дафн этилганлиги тўғрисида сўз юритиш баробарида Шоҳ Мансурнинг отаси Муҳаммад ал Ҳанафийа ва бобоси Ҳазрат Алининг (к.в.) тўғрисида тўхталиб ўтсак. Зеро, улар биз қаламга олаётган сулоланинг бош бўғини бўладилар.

## ҲАЗРАТИ АЛИ КАРРАМАЛЛОҲУ ВАЖҲАҲУ

Маълумки, ҳазрат Али (к.в.) Расули акрам Муҳаммад (570/571-632) алайҳиссаломга энг яқин олти кишидан ҳамда жаннати эканликлари башорат қилинган ўн саҳобадан бири бўлган.

Манбаларнинг кўрсатишича, Алининг отаси Абу Толиб камбағал бўлган, шу сабабдан пайғамбаримиз (с.а.в.) у

[103] Исламизация и сакралные родословные в Центральной Азии: наследия Исхак Баба нарративной и генеалогической традициях. Том 2. Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложенияи указетели: А.Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимжанов, Ш.Зиядов. Алма-аты.: Дайк-пресс, 2008. С.87-88.

[104] Салимий. Шайх Каъб ал-ахбор қиссаси. – Т.: "Янги аср авлоди", 2003. 52-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кишининг ўғлини ўз тарбиясига олган эди[105]. Ҳатто Пайғамбар (с.а.в.) Хадичаи Куброга (тахм.556-621) уйланиб, алоҳида оила қургач, яхшиликка йўйилсин деган ниятда Алини ҳам ўз фарзандидек ёнларига олганлар. Бу билан у амакилари Абу Толибга моддий ёрдам бергандай бўладилар.

Али ибн Абу Толиб туғилганда, Расули акрам (с.а.в.)ўттиз ёшда эди. Али Абу Толибнинг энг кичик ўғли эди. Алининг онаси Фотима хонимнинг айтишига кўра, ўғли туғилганда унга Али деган номни Пайғамбар (с.а.в.) танлаган экан, ҳатто тилларини унинг оғзига солиб, озгина эмдирган ҳам экан[106].

Ҳазрат Алининг дунёга келиши билан боғлиқ воқеани Балқиз Аладдин ўзининг "Муҳаммад қиссаси" китобида қуйидагича ҳикоя қилади: *"Абу Толибнинг хотини - Фотима бағоят тақводор аёл эди. Алининг туғилишидан сал олдинроқ у ибодат қилиш учун Каъбага боради. Ғойибдан келган овоз унга "ичкарига кир" деб буюради. Девор сурилиб, йўл очилгач, Фотима ичкарига киради. Девор яна беркилади.*

*Қурайшлар буни эшитиб, ҳаяжонга тушадилар. Улар Каъба эшигига калит солиб очмоқчи бўлишади. Бироқ, қанча уринишмасин, қулфлар солинган калитлар айланмайди. Улар Каъба эшигини очолмай, тақдирга тан беришади. Уч кундан сўнг ҳангуманг бўлган қурайшларнинг кўзи ўнгида қулфлар ўз-ўзидан ечилиб, Каъба эшиги очилади. Эшикда чақалоқ Алини бағрига босиб, Фотима кўринади. Алининг туғилганини эшитиб, Муҳаммад Каъбага ошиқади. Фотима ичкаридан чиқиб келиб, болани Муҳаммадга тутади. Шундай қилиб, Алининг дунёга кўз очиб, биринчи кўрган кишиси Муҳаммад бўлади.*

*Мажусий араблар чақалоқ туғиларкан, уни шайтонлар ўраб олишади, шу сабабли бола чирқираб йиғлайди, деб ишонар эди.*

105Большаков О.Г. История халифата. В 4 т. Т.1. Ислам в Аравии (570-633). М., 2002. С.66.
106Абдусодиқ Ирис. Чаҳорёр // Мулоқот. Т., 1993, № 3-4. 39-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Улар гўдак Алининг ҳадеб табассум қилишини кўриб, ҳайрон қолишади"*[107].

Алалхусус, ҳазрат Али (к.в.) кейинчалик, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг йўлдошига айланиб, ҳатто кечалари ҳам у билан ёнма-ён ухлаган. Ҳазрат Али Расули акрамнинг дунёдан эрта ўтиб кетган ўғилларининг ўрнини босганлиги учун ҳам улар бир-бирларига ота ва ўғилдек бўлиб қолганлар[108]. Ул зот Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлишларининг иккинчи кунида, ўн яшарликларида иймон келтирганлар. Бу борада шарқшунос Абдусодиқ Ирисовнинг (1928-1998) келтирган маълумотларига эътибор берайлик:

*"Манбаларда кўрсатилишича, дастлаб ва биринчи бўлган мусулмон бўлган зот Хадича эди, деб танилган. Ундан кейин эркаклардан исломни қабул қилган зот Али, дейишади. Аммо манбаларда нақл қилинишича, Абу Бакр Алига қараб, мен сендан олдин мусулмон бўлганман деганда, Али унга қарши бир нарса демаган. Аммо Али исломни қабул қилди-ю, лекин уни ошкор этмади, отасидан яширин тутди. Абу Толиб ўғлини Пайғамбар (с.а.в.)дан хулқ-одоб ўргансин, деб у киши ҳимоясига топширган эди. Пайғамбар(с.а.в.) ёшлигида кўрсатган муруввати эвазига амакисига яхшилик қилиш ниятида уни беш яшарлигидан тарбиясига олади. Шу сабабдан Али Хадичадан сўнгра исломни қабул қилган шахс саналади"*[109].

У Пайғамбар (с.а.в.)га амакивачча, кейинчалик тутинган ўғил, куёв ҳамда охиратлик дўсти даражасига эришган зот сифатида машҳур бўлди. Бу ҳақда дин ва давлат арбоби Алихонтўра Соғуний (1885–1976) шундай ёзган эди: *"Расулаллоҳ муҳожир–ансор саҳобалар ўрталарида диний бир қариндошлик боғладилар. Дедиларким: "Аллоҳ айтмаган сўзни "Аллоҳ айтди", демакдин ўзини сақласун, Худо йўлида икки-иккидан қардош бўлайлик, деб Ҳазрат Алини қўлларини тутиб,*

---

[107]Балқиз Аладдин. Муҳаммад қиссаси // Сирли Олам. 1991. №2. 47-б.

[108]Вахтин Ю. Б. Жизнь пророка Мухаммеда. –Т.: Литературно-художественное издание, 1991 С. 35.

[109]Абдусодиқ Ирис. Чаҳорёр... 40-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*менинг қариндошим шудур, дедилар. Икковлари охиратлик дўст бўлдилар… Шу юқорида айтилишича, бу боғланган чин дўстликда ҳар бир икки биродарнинг бириси муҳожир, иккинчиси ансорийлардан бўлиши шарт эди. Аммо ҳазрат Али ҳақида бу иш бўлмади. Балки, Расулаллоҳ у эр йигитнинг қўлини тутиб, бу менинг қариндошим», дедилар. Пайғамбаримизнинг бундоқ улуғ илтифотларига учраганлигидан дунё ва охират шарафига эга бўлдилар. Худо ва унинг пайғамбари Расулаллоҳ олдида бу марди – ҳақнинг қандай улуғ мартаб топганлари бу ишдан маълумдир"*[110].

Ҳазрати Али(к.в.) Муҳаммад алайҳиссаломнинг умрини охиригача котиби бўлиб хизмат қилди[111]. Алалхусус, Расулуллоҳ вафот этгач, жанозанинг ғусли (ювиш) билан машғул бўлиб, унинг муборак танасини сувга олган ҳам Али эди[112].

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг Али(к.в.)га бўлган меҳри унинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: "*Али Аллоҳ ва Расулни севар, Аллоҳ ва Расул ҳам уни севади. Алини севган мени, мени севган Аллоҳни севади. Мен Алиданман, Али эса мендадур. Кимки Алини севса у мени ҳам севар"*[113].

Ҳазрат Али шахсияти хусусида сўз кетганда тадқиқотчилар уни "Ахлоқ ишларида у кам учрайдиган даражада назокатлиги билан ажралиб турарди, шуҳратпараслик ва таъмагирликни билмаган" дея таъкидлаб ўтадилар[114]. Бу ҳақда "Ҳазрат Али ва миллат моли" номли халқ ҳикояти диққат-эътиборга лойиқдир:

*"Ҳазрат Али қиш келиб қолса ҳам ёзлик кийимида юрарди, дир-дир титрайди. Унга Байтул молдан, яъни давлат хазинасидан қишлик бир кийим олишни таклиф этадилар. Шунда у: "Бўлмайди. Бу ёзлик кийимда юриш сиз таклиф этган*

[110]Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий.Биринчи китоб. – Т.: "Оқ булоқ", 1991. 78-б.
[111]Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. – Т.: "Фан", 1977. 36-б.
[112]Ҳазрат Пайғамбар ҳаёти. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. - Б.97.
[113] Абдусодиқ Ирис...42-б.
[114]Иброҳимов Н. Ҳазрат Али. "Мухбир" журналининг 1990 йил. №10 сони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ишдан хайрлидир. Чунки миллат молида етимларнинг ҳаққи бордир"*, дея жавоб берган экан[115]. Абу Али Солиҳ эса бу тўғрисида қуйидаги воқеани ривоят қилган: *"Ҳазрат Али розияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима розияллоҳу таоло анҳога (кўрпа-ёстиқ) ҳадя қилинди, бунга қадар бизнинг бир қўй пўстагидан бўлак ётарга кўрпа-ёстигимиз йўқ эрди"*[116]. Шунга кўра, Ҳишом ибн ал-Қалбий (820 йилда вафот этган) *"...Расулуллоҳдан кейин одамларнинг энг шарафлиси... бу Али ибн Абу Толибдир"* дея таъриф берган[117].

Шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий (1441-1501) "Лисонут тайр" достонида Ҳазрат Али(к.в.)га гўзал таърифлар бериб, жумладан, қуйидагиларни келтириб ўтган: *"У илм дарёси ва валилик гавҳари бўлиб, олам аҳли орасида ноёб бир киши эди. У пайғамбарлар бошлигига фарзанд, одамлар ичида тенги йўқ зотдир. Макка томидан Ҳубал бутини тушираётганда, эгни Ҳазратнинг оёғига зина бўлгандир. Пайғамбар қатлдан қочган пайтда, у жонидан кечиб, унинг ўрнида турган эди. Унинг зоти олам васфлари била зийнатлидир. Зотан биров билади, биров кашф этади.У дин аҳли орасида мўминлар амири ва тақводорлар орасида тақводор имомдир. Илм шаҳри ва набиликда еткулиги учун унинг васфида Алии бобаҳо дейишган. Дулдулининг югуриши яшинга ўхшайди, зулфиқоридан ёв қон ичра ғарқдир. Набийлар шами билан унинг аҳди шундай бўлган: мен сеникиман, сен меникисан. "Гўштим гўштингга"ибораси ҳам унинг шаънига айтилган. У тақдир ўрмонининг ҳайбатли шери бўлиб, унинг олдида шер қўрқа-писа титроққа тушади. У кофирларга тегишли жавобни берган ва паҳлавонлик наърасини ургандир. Пайғамбарнинг фарзанди бунинг пайванди ва бунинг фарзанди унинг фарзандидир"*[118].

---

[115]Очилов С. Ҳазрат Али ва маънавияти. – Т.: "Ўқитувчи", 1998. 39-б.

[116]Нажмуддин ан-Насафий. Самарқандия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. 46-б.

[117]Абу Мансур ас-Саолибий. Ажойиб маълумотлар. – Т.: "Фан", 1995.49-б.

[118]Алишер Навоий. Лисонут тайр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. 279-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Али (علی) арабчадан таржимада "олий", "юксак" деган маънони билдиради. Ислом адабиётида барча ижобий хусусиятларга эга бўлган ёш, баҳодир йигитларга "фато" тушунчаси қўлланилган. Аммо бу тушунча барча учун эмас балки алоҳида улуғ зотларга, жумладан Ҳазрат Алига нисбатан қўлланилган. Қуръони каримнинг 21-сура, 60-оятида Иброҳим алайҳиссалом "фато" деб аталган. "Ал-Қаҳф" сурасининг 10-оятида эса ғорда 309 йил ухлатиб қўйилган йигитлар ҳам "фато" деб аталади [119]. Ҳадисларда эса Али ибн Абу Толиб (к.в.) "фато", яъни мард эканлиги айтилади.

Ҳазрат Али(к.в.)га халқ китобларида таъриф берила туриб, турли исм ва лақабларини қўллаганлар. Масалан, Ҳайдар (арслон, жасур, довюрак, қудратли маъносида), Шоҳимардон (мардлар шоҳи), Шери яздон (Аллоҳнинг шери), Абуҳасан (Ҳасаннинг отаси), Абутуроб (тупроқ отаси), Асадуллоҳ (Аллоҳнинг шери), Васийулла (Аллоҳ асрайдиган), Муртазо (танланган, сайланган) сингари исм ва лақаблар шу номлар жумласига киради.

Ҳазрат Алига Асад (шер) деб онаси ном қўйган. Манбаларнинг ёзишича, Алининг онаси тавсифи зўр, хушфеъл, хулқи-атвори хўб аёл бўлган. Шу сабабдан пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам уни кўп ҳурмат қилар, ҳатто туш кезларида улар уйида ухлаб дам оларди. Ҳатто пайғамбар (с.а.в.) қизи Фотима улар уйига келин бўлиб тушганда ҳам келин-қайнона жуда аҳил яшаганлари ҳақида манбаларда ёзилган. Алининг онаси Фотима бинти Асад ҳижратнинг тўртинчи йили Мадина шаҳрида вафот этади. Шунда пайғамбар (с.а.в.) бу ҳақда гапириб, шу кунни эслаб, "Ўша куни онам вафот этган эди», деганлар. Яна у киши кўйлагини ечиб, у зоти каримага кафанликка берганлар. Ҳатто унинг қабри ичига кирганликларини, кўзларига ёш ҳам олганларини одамлар кўрган…Пайғамбар (с.а.в.) бу аёлни

[119]Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. –Т.: "Шарқ", 1999. 71-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўп зикр қилар эканлар: “Аллоҳ сени раҳмат этсин, онам, сен менинг онамдан кейин онам эдинг, ўзинг оч қолсанг ҳам мени тўйдирар эдинг, ўзинг киймасанг ҳам, менга кийгизардинг, энг яхши овқатларингни ҳам ўзинг емай менга едирар эдинг. Ё Аллоҳ, онам Фотима бинт Асад гуноҳини кечир, гўрини кенг қил! Менинг дуоимни қабул эт!”, деб уни дуо қилар эканлар[120].

Қадимги даврлардан буён аждодларимиз фарзандларини ҳазрат Алидек шижоатли ва жасур бўлиб ўсишларини истаганликлари боис, уларга Муртазо, Асадуллоҳ, Шоҳимардон, Ҳайдарали, Алишер, Алижон, Алимардон сингари исмларни қўйганлар[121].

Исмларга Али исмини қўшиб айтишда болани Али ўз паноҳида асрасин деган тушунчалар ётган[122]. Масалан, Шерали ва Алишер исмларини олайлик. Мазкур исмлар «Шердек жасур довюрак ўғилни Али ўз паноҳида асрасин» деган маънода бўлиб, кишилар бундай исмлар болаларни асраб, уларни ҳимоя қилиб келишига ишонганлар[123]. Бундан ташқари чақалоққа Али исмини берилиши унинг ҳаётига, тақдири ва бахтига катта таъсир кўрсатади деб қаралган[124]. Чунки Али билан боғлиқ исмлар хосиятли номлардан бири бўлиб, болада ҳазрат Алига хос яхши хислатларни юзага келтиришига шубҳа қилмаганлар. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўзбек халқи орасида фарзандларига айнан Али, Алишер исмини қўйиш анъанага айланган[125].

Ҳазрат Али(к.в.) Бадр, Уҳуд (бу ерда 16 жойидан жароҳатланган) жангларида ва Муҳаммад алайҳиссалом олиб борган барча ғазот жангларида иштирок этган. У айнан ушбу жангларда ўзининг моҳир жангчи эканлигини намоён этган

---

[120]Абдусодиқ Ирис...40-б.

[121]Маллицкий Н. Г. Система наименования у коренного населения (гор. Т) // Известия Средне-Азиатского комитета. Выпуск третий. Т., Средазкомстарис. 1928. С. 243.

[122]Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998. 27-б.

[123]Гафуров А. Имя и история. – М.: “Наука”, 1987. С. 40

[124]Абдулаҳатов Н., Азимов В. Эл ва ер фарзанди. –Т.: “Шарқ”, 2008. 32-б.

[125]Никонов В.А. Узбеки // Системы личных имен у народов мира. –М.: “Наука”, 1986. С.314.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Аҳмад Югнакий тўғри таъкидлаганидек тўрт халифа ичида баҳодирлиги билан машҳур бўлган[126].

Пайғамбар(с.а.в.)нинг Хайбар куни Али ибн Абу Толиб (к.в)га: *"Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхшироқдир"*, деган сўзлари мусулмонларнинг фатҳ ишларидаги шиори бўлиб қолган эди[127].

Ҳазрат Али(к.в.) ни Пайғамбар (с.а.в.)га ҳам биродар ҳам ворис бўлиб[128] қолганлиги тўғрисида ҳадислар мавжуд бўлиб, бу ҳақда "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ"да қуйидагилар келтирилган: *"Иброҳим ибн Саъднинг оталари ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Алига: "Сен менинг олдимда Ҳоруннинг Мусо алайҳисаллом олдиларида тутган ўринлари каби ўрин тутмоғингга рози бўлмайсанми?!" дедилар". Бу ҳақда ҳазрат Али (к.в.) нинг ўзи шундай ҳикоя қилади: "Бир куни сарвари олам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам мени ҳузурларига талаб қилдилар. Вақтики, хизматларига бордим, менга меҳрибонликлар қилиб айтдилар: "Ё Али, сен менга Мусо алайҳиссаломнинг Ҳорун деган акаси каби яқинсан. Лекин Ҳорун каби пайғамбар эмассан. Чунки мендин сўнгра пайғамбар чиқмас"*[129].

Маълумотларга кўра, ҳазрат Али (к.в.) ўрта бўйли, келишган қоматли бўлган. Бу ҳақда тарихчи олим Абдусодиқ Ирис шундай ёзади: *"Кўрганларнинг айтишича, Али ўрта бўйли, кўзлари қора ва ва катта-катта, юзи хушрўй, келишган, икки яғрини кенг, қорни бироз чиққан, бошининг тепаси сочсиз, қадди тик, қўл бармоқлари бақувват эди, жангга дадил, силкиниб-силкиниб киришиб кетарди, ўзиям худо берган куч-қуввати бор, ким билан яккама-якка жанг қилса устун келмай иложи йўқ эди. Қорачадан келган, кўксини тўлдирар даражада серсоқол, лекин оппоқ эди. Сочлари узун бўлганидан уни иккига бўлиб, икки*

---

[126]Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул ҳақойиқ" асари ҳақида. –Т.: "Фан", 1972. 219-б..
[127] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳаёт ва ҳадис…239-б.
[128]Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ...524-б.
[129]Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятлари. – Т.: "Ўзбекистон", 1992.5-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*томонга ташлаб юрар эди. Бош кийимига қора сариқ йўл тикдириб, саригининг бир учини орқа томонига тортиб қўярди.Ҳазрат Алининг қиш кунларида бир гал эгнига ипак аралаш читдан кийганини, эл аро қитр деб танилган пахталикдан иштон кийиб, хутбага чиққанини сўзлашади.Қайс ибн Аббод деган олим ёзган экан: «Мен илм олиш мақсадида Мадинага келган эдим. Эгнига икки хил парчадан либос кийган, ўрилган сочи икки ёнига ташлаган, қўлини Умарнинг елкасига қўйиб келган бир зотни кўрдим. Шунда «бу киши ким?» деб сўраган эдим, Али дедилар», деган экан"*[130].

## ҲУСНИ ХУЛҚ

Ёзма манбаларда ҳазрат Алининг гўзал ахлоқи тўғрисида баён этилган ҳикоятлар орасида унинг ғоят камтар бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Бу борада Имом Зарнужий қуйидагича нақл қилади. "Ривоят қилишларича, ҳазрати Али (к.в.) халифалик даврларида катта жамоат ичида бир масалани ечиб берган эканлар. Шунда бир араб ўз одатларига кўра, ҳазрат Алини мақтаб, наслу насабларини ифтихор билан тилга олди. Ҳазрати Али бу муҳтарам зотни мақтовдан тўхтатиб:

– Азизим! Сиз мени аввалимни, охиримни биласизми? - деб сўрадилар. Ҳалиги киши жавобга қийналиб қолди. Шунда ҳазрати Али ўзлари жавоб бердилар.

– Менинг аввалим бадан ёки бирон жойга тегса бенамоз қиладиган, нутфа, оби манийдир. Ажирим эса, сасиқ, чирик, қурт-қумурсқалар еб битказадиган жийфа ўлимтикдир. Бунинг орасида эса, бу жасад аҳлат ташувчи ҳаммолдир. Мана менинг бор ҳақиқатим, сен эса нималар деяпсан?!"[131].

[130]Абдусодиқ Ирис...40-б.

[131]Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари / Таржимон: Зокиржон Шарифов. Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 60-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумотларга кўра, ҳазрат Али(к.в.) сўнгги нафасига қадар фарзандларига мўмин кишиларга хос фазилатли инсонлар бўлиб етишлари кераклиги тўғрисида васиятлар қилган. Бу ҳақда турк олими Иҳсан Сурайё Сурма шундай ёзади: *"Ҳазрат Али йиғлаётган Ҳасанга шундай деди:*

*– Ўғлим сенга айтадиган саккизта насиҳатим бордурки, ҳаётда уларга доим амал қилгин.*

*Ҳазрат Ҳасан "Улар нимадир, отажон" дея, сўраган вақт ярадор ётган ҳазрат Али шу тарзда жавоб берган:*

*Буларнинг тўрттаси шудир.*

1. *Бойликларнинг энг буюги ақлдир.*
2. *Фақирликнинг энг каттаси аҳмоқликдир.*
3. *Ваҳшийликнинг энг каттаси кибрдир.*
4. *Фазилатнинг энг буюги гўзал ахлоқдир ».*

*Ҳазрат Ҳасан қолган тўрт васиятни сўраган замон ҳазрат Али шундай давом этди:*

1. *Аҳмоқлар билан дўст бўлма! Чунки аҳмоқ сенга фойдалик бўламан деб зарар келтиради.*
2. *Ёлғончилар билан асло дўст бўлма! Чунки улар сенга узоқ бўлганни яқин, яқин бўлганни узоқ қиладилар.*
3. *Хасислар билан дўстлик ришталарини боғлама! Чунки хасислар сенинг эҳтиёжинг учун энг зарур бўлган нарсани ҳам бермайдилар.*
4. *Динга лоқайдлик қилганлар билан асло дўст тутинма! Чунки улар сени фахш йўлларга етаклайдилар.*

*Умрини сўнги лаҳзаларини бошидан кечираётган ҳазрат Алига қотил қўлга олинганини айтганларида, йиғлаб турган фарзандларига яна шу сўзларни айтади: "Жонга-жон, қонга-қон, агар ўлиб кетсам, уни ҳам мени қандай ўлдирган бўлса, шундай ўлдириб юборинглар. Агар тирик қолсам, уни нима қилишни ўзим ўйлаб кўраман. Эй, Бани Абдул Муталиб, амир ал мўъмининни ўлдирди, деган баҳона билан мусулмонларнинг қонларини тўкманглар, мени бир қотил ўлдирди, холос. Мен мана шу зарба сабабли ўлсам, уни ҳам худди шундай зарба билан*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ўлдиринглар, Зеро, мен Расулуллоҳнинг "Қутурган ит бўлса ҳам, қийнаб ўлдиришдан сақланинглар", деганларини эшитганман", деди.*

*Ҳазрат Али кейин ўз ўғилларига шундай васият қилди: «Эй, азиз фарзандларим, мен сизларни Аллоҳга тақво қилишга чақираман. Дунёга алданиб қолманглар. Йўқотган нарсаларинг учун дард чекиб йиғламанглар. Доимо ҳақни гапиришга одат этинглар. Бечораларга раҳм-шафқат қилинглар. Золимга душман, мазлумга эса ёрдамчи бўлинглар. Сизларни маломатчиларнинг маломати рост сўзлашдан тўхтатиб қўймасин"*[132].

Ҳазрат Али шаҳодатликка эришган вақтларида ёшлари Пайғамбар (с.а.в.) сингари олтмиш учда бўлганлигини Абу Мансур ас-Саолибий шундай ёзади: *"Расулуллоҳ – унга Тангрининг улуғлаш ва саломи етсин – олтмиш уч йил яшади; Абу Бакр - Тангри ундан рози бўлсин – ҳам шунча; Умар, Али - Тангри ундан рози бўлсин – ҳам шунча"*[133]*. Яна бир ўхшаш жиҳати шундаки, Пайғамбар (с.а.в.) сингари Али (к.в.) ҳам душанба куни оламдан ўтган. Бу ҳақда Абу Ҳомид Ғаззолий "Мукошоафат-ул қулуб" асарида баён этади: "Ҳазрат Фотима айтади: "Душанба куни уммати Муҳаммад буюк мусибатга дучор бўлди. Умму Гулсум айтади: "Душанба куни мен дучор бўлган мусибатга Куфада ҳазрат Али ҳам дучор бўлди. Расулуллоҳ ўша куни вафот этгандилар. Ҳазрат Али ҳам ўша куни шаҳид этилди"*[134].

Ҳазрат Алининг фазилатлари, у ҳақдаги жангнома достонларда, тарихий асарларда жумладан, Хожи Саййид Абдулҳусайн ибн Абдуллоҳ Мусавийнинг "Ойат ан-назила фи шани Али ва тафсирҳа", Мустафо ибн Иброҳим Табризийнинг "Иршод ал қори", Али ибн Иброҳим Ҳанбалийнинг "Дур баҳр ал маноқиб фи фади Али ибн Абу Толиб", шунингдек, "Ахбори Алийа дар ғазовоти

---

[132]Ihsan Surayo Surma. O'rnak xalifalar do'nemi. Istanbul, 1990. 169-б.

[133] Абу Мансур ас- Саолибий. Ажойиб маълумотлар... 70-б.

[134]Абу Ҳомид Ғаззолий.Мукошафат-ул қулуб. II. –Т.: "Минҳож", 2004. 317-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муртозавийа”, “Ҳамлаи Ҳайдарийа”, “Шамоилнома”, “Равзат аш-шуҳадо”, “Маноқиби Муртазо”, “Жазбаи Ҳайдарий”, “Ифтихорномаи Ҳайдари”, “Жангномаи Шоҳимардон”, “Саййид ас-Саодат”, “Асрор аш-шуҳадо”, “Ғазовати амир ал мўминин”, “Мўъжизот ал ҳикоят Мавлоно амир ал Мўминин”, “Кифоят ат-толиб фи маноқиб Али ибн Абу Толиб”, “Тарихи Аҳмад Кўфий”, “Қиссаи Муҳаммад Ҳанафийа”, “Қиссаи кийик”, “Қиссаи Ҳазрат Али”, “Ҳафтда ғазот”, “Анқо ва Қаҳқаҳа қиссаси”, “Зарқум қиссаси”, “Фаттоҳул ислом”, “Зайнул араб қиссаси”, “Абу Муслим жангномаси”, “Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Бобо Равшан” ва бошқа халқ китобларида ўз аксини топган[135].

## МУҲАММАД ИБН ҲАНАФИЙА РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ

Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а) Ҳазрат Али (к.в.)нинг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)лардан кейинги ўғли бўлган. У илм, зоҳидлик, ибодат ва шижоат бобида буюк шахс сифатида тилга олинади. Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.) 81/700 йилда вафот этган.

Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а) Расулуллоҳ алайҳиссаломни кўрмаган, лекин саҳобаи кknown ромларнинг илм, адаб ва дин йўлидаги барча эзгу ишларига издошлик қилган, ҳаёти тақво, ибодат ва солиҳ амаллар билан безатилган тобеъинлардан бўлиб, бу ҳақда Абдураҳмон Рафъат Пошо ўзининг “Тобеъинлар ҳаёти” асарида шундай ёзади:

[135]Қаранг: Семенов А.А. Исмаилитский панегирик обожествленному Алию Федаи Хоросанского // Иран. III. Л., 1929; Стори Ч. А. Персидская литература. I-III том. М.: Наука, 1972; Каталог фонда института рукописи. I том. Т.: Фан, 1989; Дмитриева Л.В. Каталог тюрских рукописей института Востоковедения Российской академии наук. – М.: “Восточная литература”, 2002.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*“Муҳаммад ибн Ҳанафийа билан акаси Ҳасан ибн Али орасида негадир гап қочиб, бир-биридан аразлаб юришди. Муҳаммад ибн Ҳанафийа ота бир акаси Ҳасанга хат ёзиб, дилидаги гапларини очиқ-ошкора шундай баён этди: "Аллоҳ таоло мендан кўра сизни фазилатли қилди... Сизнинг онангиз Фотима Муҳаммад ибн Абдуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қизи, менинг онам Бани ҳанифалик оддий аёл, она томондан бобонгиз Расулуллоҳ алайҳиссалом бўлади, менинг она томондан бобом Жаъфар ибн  Қайс. Агар сизга бу хатим етиб борса, олдимга келсангиз ва мен билан ярашсангиз, ҳар бир нарсада мендан кўра сизга афзаллик бўлади”.*

*Бу мактуб Ҳасанга етиб бориши билан укаси олдига шошилди ва гина-кудуратни унутиб, у билан ярашди. Бу моҳир, закий ва хушхулқли адиб Муҳаммад ибн Ҳанафийа ким бўлди? Келинг, унинг ҳаёт қиссасини аввалидан бошлай қолайлик.*

*Бу қисса Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳаётларининг охирги вақтларига тўғри келади. Бир куни Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссалом билан бирга ўтирганида: “Ё Расулаллоҳ, агар сиздан кейин ўғил фарзанд кўрсам, унга исмингизни қўйсам ва кунянгиз билан куняласам, нима дейсиз?” деб маслаҳат сўради. У зот бу гапдан қувониб рози бўлдилар. Шундан кейин бирин-кетин кунлар ўтиб, сувлар оқди. Бу гап шу ҳолича қолиб кетди. Расулуллоҳ алайҳиссалом рафийқул аълога рихлат этдилар. Шундан бир неча ойлар ўтиб-ўтмай, Ҳасан ва Ҳусайиннинг онаси Фотима ҳам у муборак зотга эргашиб, бу дунёни тарк этди.*

*Суюкли аёли вафотидан кейин Ҳазрати Али Бани ҳанифалик Жаъфар ибн Қайснинг қизи Хавлага уйланиб, уларга куёв бўлди. Бу аёлдан ўғил фарзанд кўрди, Пайғамбаримиз ижозатларига кўра, унинг отини Муҳаммад деб атади ва Абул Қосим деган ном билан куняладн. Шунга қарамай, одамлар Ҳазрати Алининг бу хотиндан дунёга келган ўғлини Фотимаи Заҳродан туғилган икки ўғли Ҳасан ва Ҳусайндан фарқлаш учун*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Муҳаммад ибн Ҳанафийа деб аташда давом этди. Шу тариқа мана шу ном тарих саҳифаларига муҳрланди.*

*Муҳаммад ибн Ҳанафийа Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг халифалик йилларининг охирги пайтларида дунёга келди. У отаси Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг бағрида ўсиб-улғайди, тарбияланди. У отасидан илм олди, ибодати ва зуҳдини ўзлаштирди. Ҳазрати Алидан айнан шу фарзандига бақувватлиги, қўрқмаслиги ва шижоати мерос бўлиб ўтди. Яна у отасидан фасоҳат ва балоғатини ҳам ўзлаштирди. Бу йигит жанг майдонларида ҳарбий маҳорати ва чапдастлиги билан довруқ қозониб, йиғин ва мажлисларда минбар "чавондози" бўлиб танилди. Тун борлиққа зулмат пардаларини ёйиб, кўзлар уйқуга кетган маҳалда кечанинг руҳбон — ибодат қилувчиларидан бирига айланди.*

*Отаси ғайрат-шижоат билан киришган жангларга ана шу суюкли фарзандини ёнида бирга олиб борди, акалари Ҳасан ва Ҳусайн кўтара олмаган жанг оғирликлари ва машаққатлари шу ўғли зиммасига тушди. Керакли ўринда отасига найза ва баъзан қанот бўлди. Бир куни унга: "Отангга нима бўлдики, акаларинг Ҳасан ва Ҳусайнни қолдириб, нега сени ҳалокат сари бошлайди, сени қийинчиликларга мажбурлайди?", деб қолишди. Бунга Муҳаммад ибн Ҳанафийа фаҳм-фаросат билан шундай деб жавоб берди: "Бундай қилишларига сабаб шуки, акаларим отамнинг кўзлари ўрнида, мен отамнинг қўллари ўрнидаман. У киши қўллари билан кўзларини ҳимоя қилади".*

Али ибн Абу Толиб билан Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳумо ўртасида низо тегирмони айланган Сиффийн жангида Муҳаммад ибн Ҳанафийа отасининг байроғини кўтариб майдонга кирди. Ҳарб тегирмони ҳар икки тарафдан одамларини бешафқат янчиб ташларди. Буни ўз кўзи билан кўриб турган Муҳаммад ибн Ҳанафийа шундай айтиб беради: Сиффийн жангида отам билан бирга эдим. Биз Муовия қўшини билан тўқнашдик. Жанг қилдик. Жанг қаттиқ ва аёвсиз кетаётганини кўриб: "Биздан ҳам,



www.ziyouz.com kutubxonasi

улардан ҳам ҳеч ким қолмаса керак”, деб қаттиқ қўрқувга тушдим. Шундан кейин озгина ўтмай, орқамдан бир кишининг: “Эй мусулмонлар жамоаси, Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, эй мусулмонлар жамоаси, аёллар ва болаларга ёрдам берадиган ким бор, дин ва обрў-эътиборни ҳимоя этадиган ким бор, Рум ва Дайлам учун ким бор? Эй мусулмонлар жамоаси... Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, мусулмонларни қатл этманглар, эй мусулмонлар жамоаси”, деб қичқираётганидан қаттиқтаъсирландим. Шу кундан кейин бирон мусулмонга асло қиличимни кўтармасликка ичимда аҳд қилдим”.

Шундан кейин Али ризвонуллоҳи алайҳ золим жиноятчи қўли билан шаҳидлик қилинди (Абдураҳмон ибн Мулжам қўли). Халифалик бошқаруви Муовия ибн Абу Суфёнга ўтди. Муҳаммад ибн Ҳанафийа бирдамликка дарз кетмаслиги, иттифоқни сақлаш, ислом ва мусулмонлар иззати учун байъат берди.

Муовия розияллоҳу анҳу бу байъат чинлиги ва сидқидилдан берилганини билиб, байъат соҳибига қаттиқ ишонч билдирди. Шунинг учун Муҳаммад ибн Ҳанафийани зиёрат қилишини сўраб ҳузурига чақириб турарди. Бас, Дамашқда бир неча марта ва аксар сабабсиз уни зиёрат қилди. Улардан бири шундай бўлиб ўтди. Рум подшоҳи Муовияга хат жўнатиб, унда: “Бизда подшоҳлар бир-бирларига одам жўнатиб, бир-бирларидаги ғаройиб нарсаларни туҳфа қилиб туради. Ўзаро мамлакатларидаги ажойиб нарсалар билан мусобақа уюштиради. Ўртамизда шундай ишларга рухсат берасизми?”, дейди. Муовия бу иш маъқул эканини ёзиб юборди ва рухсат берди. Рум подшоҳи дарҳол ўзининг ажойиб ва забардаст кишиларидан иккисини Муовия ҳузурига жўнатди: бирининг бўйи ҳаддан ортиқ узун, яна бири тенги йўқ бақувват. Бири ўрмонда тарвақайлаб ўсган дарахтга ёки қурилган баҳайбат иморатга ўхшарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчиси қувватда тенги йўқ кучли, ёввойи ҳайвондек чайир ва эпчил эди.

Шу икковидан бир хатни ҳам жўнатиб, унда шундай деган эди: "Мана шу икки одамимга мамлакатингда узун бўйда ва куч-қувватда тенг келадиган киши борми?".Буни кутмаган Муовия тараддудга тушди ва олдига Амр ибн Осни чақириб маслаҳат сўради:

– Узун одамига бас келадиган ва уни йўлда қолдирадиган одамимиз бор. Бунинг тенги Қайс ибн Саъд ибн Уъбода. Аммо бақувввати ҳақида сенинг фикрингга муҳтожман, — деди.

Амр Муовияга:

– Бизда бу ишга муносиб икки киши бор. Лекин иккиси ҳам сизга рақиб бўлишган. Бири Муҳаммад ибн Ҳанафийа ва яна бириси Абдуллоҳ ибн Зубайр, – деди. Муовия унинг муддаосини тушуниб:

– Муҳаммад ибн Ҳанафийа сўзимизни ерда қолдирмайди, – деди. Амр деди:

– Лекин қадри улуғ ва обрў-эътибори юксак бўла туриб одамларнинг кўзи олдида румлик билан куч синашишга рози бўлади, деб ўйлайсизми?, –деди.

Шунда Муовия ўйланиб қолиб:

–У бунга ва бундан кўпроғига ҳам рози бўлади. Агар шу ишда исломга азизликни кўрса, – деди тўлиқ ишонч билан.

Шундан кейин Муовия Қайс ибн Саъдни ва Муҳаммад ибн Ҳанафийани ҳузурига чақирди. Икки румлик иштирокидаги йиғин тугагач, Қайс ибн Саъд ўрнидан туриб, шалворини ечди-да, уни румликка ирғитди ва уни бир кийиб кўр-чи, дегандек ишора қилди. Румлик шалворни киймоқчи бўлиб, ичига кириб юқорига тортганда кўкрагигача қадар ичига кириб кетди. Одамларнинг кулгусига қолиб, изза бўлди. Биринчи бас бойлашиш шу билан тугади. Мусулмонлар ғолиб бўлди. Муҳаммад ибн Ҳанафийа ўрнидан турди-да таржимонга қараб: "Румликка айт, агар ўтиришни хоҳласа,



www.ziyouz.com kutubxonasi

мен тик тураман. Ё мен тик турай, ё у ўтирсин. Агар хоҳласа, у тик турсин, мен ўтириб куч синашай”, деди. Румлик ўзига ўтириб куч синашишни танлади. Муҳаммад ибн Ҳанафийа унинг қўлидан тутиб, кўтарганда румлик уни ўтирғизишга кучи етмади. Румлик норози ҳолда афти бужмайди. У бу курашдан қониқмай бошқадан куч синашишга ундаб, бу гал ўзи тик туриб, Муҳаммаднинг ўтиришини танлади. Муҳаммад қўли билан румликни ўзига қараб бир тортган эди, билаги елкасидан чиқиб кетаёзди ва ерга букчайиб олди. Икки румлик ҳам ўз мамлакатига мағлуб ва бош эгик ҳолда қайтишга мажбур бўлди.

Кунлар бирин-кетин ўтаверди. Муовия билан ўғли Язид ҳам Аллоҳнинг ҳузурига йўл олишди. Бани умайянинг бошқаруви Абдумалик ибн Марвонга ўтди. У ўзини мусулмонларга халифа деб эълон қилди. Шом аҳли Абдумалик ибн Марвонга, Ҳижоз ва Ироқ аҳли Абдуллоҳ ибн Зубайрга байъат берди. Бу иккиси ўзига байъат бермаганни байъатга ундаб, одамларга ўзининг халифа бўлишга лойиқ ва муносиб эканини даъво қила бошлади. Шу тариқа мусулмонлар сафига иккинчи марта дарз етди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр Муҳаммад ибн Ҳанафийадан Ҳижоз аҳли байъат бергандек байъат беришини талаб қилди. Лекин Ибн Ҳанафийа байъат берувчи зиммага кўп ҳақлар юклашини, унинг масъулияти ва жавобгарлиги борлигини яшириб ўтирмади. Шулардан бири ўзи байъат берган кишини деб қиличини қинидан чиқариш ва унинг рақиби билан урушишдир. Бунда байъат берувчига ижтиҳод этган мусулмонлардан бошқа душман йўқ. Улар у байъат берган кишидан бошқасига байъат берганлар. Узоқ йиллар ўзи қатнашган жангдаги ҳазин, улуғвор ва дағал овоз Муҳаммад қулоғидан ўчмади: “Эй мусулмонлар жамоаси, Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, Аллоҳдан ҳазир бўлинглар, эй мусулмонлар жамоаси, аёллар ва болаларга ёрдам берадиган ким бор, дин ва обрў-эътиборни ҳимоя этадиган учун ким



www.ziyouz.com kutubxonasi

бор, Рум ва Дайлам учун ким бор?”. Ҳа, Муҳаммад буни асло унутмади. У Абдуллоҳ ибн Зубайрга: "Албатта, сен бу ишда менинг бирон мақсадим ва ниятим йўқлигини жуда яхши биласан. Мен мусулмонлардан бириман. Агар мусулмонлар сени ёки Абдумаликни танласа, мусулмонлар танлаган кишига байъат бераман. Аммо ҳозирча сенга, на унга байъат бера оламан”, деди. Абдуллоҳ баъзан у билан яхши муомалада бўлиб, юмшоқлик қилар, баъзан қўполлик билан дўқ-пўписага ўтарди. Бироқ бундай муомала Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг фикрини ўзгартира олмади.

Лекин Муҳаммад ибн Ҳанафийа тутган йўлни маъқул топган кўп одамлар унга қўшилди. Унинг фикри маъқул тушиб, фитнадан четланишни афзал кўрган кишилар сони етти мингга етди. Улар ёнажак фитна оловига ўзлари тарафидан ўтин қалашдан бош тортганлар эди. Муҳаммад ибн Ҳанафийага эргашувчилар кўпайиб борган сари Абдуллоҳ ибн Зубайр унга қаҳр-ғазабини оширар ва байъат талаб қилишда қаттиқ тазйиқ ўтказарди. Аммо уларнинг байъат беришидан умид узгач, Муҳаммад Ҳанафийани, Бани Ҳошимлик тарафдорлари ва бошқаларни Маккадаги бир дарага қамаб, улар устидан назорат қилиб турувчи посбонлар қўйди. Абдуллоҳ ибн Зубайр уларни бу ҳолга солиб: “Аллоҳга қасамки, ё менга байъат берасизлар, ё устингиздан ўт қўяман”, деб таҳдид қилди.

Шу тариқа ўзига қўшилмаган бу гуруҳни ҳибс қилиб, уларга ўтин тўплатди ва уйларини деворлари тепасига қадар етгунича ўтин билан ўраб қўйди. Агар ўтинга ўт қўйилса, ҳаммалари ёниб кулга айланарди. Ана шу вақтда Муҳаммад ибн Ҳанафийа эргашган бир гуруҳ унинг олдига келиб: “Бизга рухсат берсанг, Ибн Зубайрни қатл этиб, одамларни унинг зулмидан халос этамиз”, деди. Муҳаммад ибн Ҳанафийа уларнинг мақсадини тушуниб: “Биз ўзимизни четга олган фитна оловини ўз қўлимиз билан ёқамизми?!... Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ алайҳиссалом асҳобларидан ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

саҳобаси ўғилларидан бўлган бир кишини қатл қиламизми?! Асло, йўқ. Аллоҳ ва Расулини ғазаблантирадиган бу ишни қилмаймиз", деди.

Абдулмалик ибн Марвонга Муҳаммад ибн Ҳанафий ва унинг тарафдорлари бошдан кечираётган бу азоб-уқубат хабари етиб боргач, уларни ўзига оғдириб олиш учун қулай фурсат келганини билди ва ундан фойдаланмоқчи бўлди. Тезда Муҳаммад ибн Ҳанафийга элчи орқали хат ёзиб жўнатди ва унда фикрини шундай баён этди: "Менга етиб келишича, Ибн Зубайр сен билан тарафдорларингни қийнаётган экан ва раҳм-шафқатни унутиб, сенинг иззат-обрўйингга яраша иш қилмабди. Мана бу Шом шаҳри қачон келсанг, ҳар доим сенга очиқ. Агар тарфдорларинг билан бирга келмоқчи бўлсанг ҳам, марҳамат, сизларни қучоқ очиб кутиб оламиз. Келинглар, шаҳар аҳли билан бирга яшайверинглар. Бизнинг ҳақингизни таниган, фазлингизни муносиб тақдирлаган ва силаи раҳмни қилувчилардан эканимизга тезда ишонч ҳосил қиласизлар. Иншааллоҳ".

Бу таклиф маъқул тушиб, Муҳаммад ибн Ҳанафийа билан тарафдорлари Шом диёри томон йўл олишди. Улар "Убла" деган жойга етиб келиб, у ерда ўрнашишди. Бу жойнинг қавми уларни илиқ кутиб олиб, яхши қўшничилик муомаласини қилишди. Айниқса, улар Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг ибодати ва зуҳдининг чинлигини кўриб, уни яхши кўришар ва иззат-икром қилишарди. Муҳаммад ибн Ҳанафийа уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарарди. Маросимларини қоим этиб, фирқа ва хусуматларини ислоҳ қиларди. Одамларнинг бир-бирларига зулм қилишига йўл қўйиб қўймасди. Бу нарса Абдулмалик ибн Марвонга етиб боргач, бу иш унга оғир ботди ва хос кишилари билан маслаҳатлашди. Улар: "Ўз мулкингда унга имкон бериб қўйганингни кўриб турибмиз. Унинг сийрати кўриб турганингдек. Ё у сенга байъат берсин, ё келган томонига қайтиб кетсин", дейишди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулмалик унга шундай деб хат ёзиб юборди: "Сен менинг шаҳримга келиб, унинг бир четига тушдинг. Мен билан Абдуллоҳ бин Зубайр ўртамизда не бўлганидан яхши хабаринг бор. Мусулмонлар сени яхши таниб, ҳурмат қилишади. Менга байъат берсанг, бу ерда туришингга рухсат бераман. Агар менга байъат берсанг, кечагина "Қалзам" деган жойдан келган юзта кемани ичидаги моллари ва одамлари билан бирга олгин. Яна сенга бир миллион дирҳам ҳам бераман, буниси ўзингга. Фарзандларинг, яқинларинг ва ёрдам берувчилар ва тарафдорларинг ҳам ўз улушларини олади. Агар таклифимдан бош тортсанг, менинг ҳукмим ўтмайдиган жойга кетавер".

Бу хатни ўқиб, Муҳаммад ибн Ҳанафийа шундай хат ёзди: "Муҳаммад ибн Ҳанафийадан Абдулмалик ибн Марвонга. Сенга салом бўлсинки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб ҳамд айтаман. Аммо баъд...эҳтимол сиз мендан бекорга хавфсираётгандирсиз. Бу иш (байъат)га муносабатим қандайлигини яхши биласиз, деб ўйлайман. Аллоҳга қасамки, агар бир қишлоқ аҳлидан ташқари бутун уммат менга қарши тўпланса, албатта, бу байъатни қабул қила олмайман ва шуни деб улар билан жанг қилмайман. Агар Маккага борсам, Абдуллоҳ бин Зубайр ҳам байъат беришимни хоҳлайди. Бош тортсам, менга ёмон муомалада бўлганини кўрдингиз. Шундан кейин Шом диёрига келишимга рози бўлиб хат ёздингиз. Султонлик марказидан узоқ, оддий ва тинч яшаш учун бу жойларга келдик. Хатингизда нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Иншааллоҳ биз бу ердан қайтиб кетамиз".

Муҳаммад ибн Ҳанафийа одамлари ва оила аҳли билан Шом шаҳридан қайтиб келди. Илгари ўзи мажбуран чиқарилиб, кўчишга ундалган жойга туша бошлади. Шунча сарсон-саргардонликлар унга кифоя қилмагандек, шунча ғам-ташвишлар унга етарли бўлмагандек эди. Аллоҳ таоло уни қаттиқроқ, оғирроқ имтиҳон ва ғам-ташвишлар билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

синашни хоҳлади. Бунга унга эргашган жамоа ичида динида заифлик ва узоқни кўра билмаслик сабаб бўлди.

Шунга ўхшашлар:

– Албатта, Расулуллоҳ алайҳиссалом Али билан унинг аҳли қалбида кўпгина илм сирлари, дин қоидалари ва шариат хазиналари жойланганлик хабарини берди. Албатта, у зот аҳли байтни бошқалар хабардор қилинмаган нарса билан алоҳида ажратди. Ҳар қандай зийрак, омил ва илмли киши бу сўз ўз зимнида сақлаган оғишни, ислом ва мусулмонларга қарши хатар ва зарарлар борлигини идрок этади. Бас, шундай вақтда Муҳаммад Ҳанафийа одамларни тўплаб, Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд ва Набий саллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтгандан сўнг уларга шундай деди:

— Баъзи одамлар аҳли байт жамоасида Расулуллоҳ хослаб берган ва бошқа биронтани хабардор қилмаган алоҳида илм бор деб даъво қилмоқда. Аллоҳга қасамки, биз Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу икки лавҳ (Мусҳафга ишора қилиб)дан бошқа нарсани мерос қилиб олмадик. Албатта, ким бизда Аллоҳнинг китобидагидан бошқа илмни бор деб даъво қилса, ёлғон айтибди.

Муҳаммад ибн Ҳанафийага баъзи эргашганлар уни олқишлаб, шундай дедилар:

– Ассалому алайка, эй Маҳдий. Бундай мақтовни эшитиб Муҳаммад бин Ҳанафийа тузатиш киритди:

– Ҳа, мен яхшиликка йўл кўрсатувчи Маҳдийман. Сизлар унга йўлланувчиларсиз, иншааллоҳ. Агар сизлардан биронтангиз менга салом берса, мени исмим билан атасин. Ассалому алайка, эй Муҳаммад деб айтсин.

Муҳаммад ибн Ҳанафийа ва у билан бирга келганларнинг жойлашган ердаги оғирчилик ва машаққат узоққа бормади. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Зубайр ишини Ҳажжож ибн Сақафий туфайли ҳал этишни хоҳлади. Ҳамма одамлар Абдулмалик ибн Марвонга байъат беришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад ибн Ҳанафийа Абдулмаликка шундай деб мактуб жўнатди: "Амирал мўминин Абдулмалик ибн Марвонга Муҳаммад ибн Алидан. Аммо баъд... албатта мен бу иш (халифалик) сизга ўтганини ва одамлар сизга байъат бераётганини кўргач, мен ҳам улардан бирдек бўлдим ва Ҳижоздаги волийингизга байъат бердим. Байъатим деб сизга мана шу хатни ёзиб юбораяпман. Ассалому алайка".

Абдулмалик ибн Марвон бу хатни асҳобларига ўқиб бергач, улар: "Агар у бизга қарши чиқишни ва бирон чигалликни истаганида албатта у бунга қодир бўларди ва сен унга қарши бирон чора тополмас эдинг... унга аҳдни, мийсоқни, омонликни, Аллоҳ ва Унинг Расули зиммасини деб у билан асҳобларини безовта қилмасликни ва хотиржам бўлишини ёзиб юборинг". Шундай деб мактуб жўнатилиб, Ҳажжожга уни эҳтиром қилишни, ҳурматини сақлаш ва ҳурматини зиёда қилишни тайинланди. Лекин Муҳаммад бин Ҳанафийа ундан кейин узоқ яшамади. Аллоҳ таоло уни бўлган ва ундан рози бўлинган ҳолда ўз ҳузурига олди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг қабрини нурга тўлдирсин ва унинг руҳини жаннатга киритсин. У ер юзида фасод бўлишини ва одамлар орасида шон-шуҳрат қозонишни хоҳламаган кишилардан эди"[136]

---

[136] Абдураҳмон Рафъат Пошо.Тобеъинлар ҳаёти. (Нашрга тайёрловчилар Бобомурод Эрали, Баҳодир Карим) –Т.: "Sharq", 2018.190–202-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҲАММАД ҲАНАФИЙАНИНГ ЗУРРИЁДЛАРИ

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг йигирма тўртта фарзанди бўлиб, улардан ўн тўрттаси ўғил ва ўнтаси қиз фарзанд бўлган.

Қизлари: 1. Барика, 2. Умму Салама, 3. Ҳаммода, 4. Алия, 5. Асмо, 6. Умму Қосим, 7. Жамона, 8. Умму Абиҳо, 9. Руқия, 10. Райта.

Ўғиллари: 1. Ҳасан. Уни Жамол (чиройли) деб ҳам чақиришган. Ҳасаннинг бир ўғли бўлган. Лекин мазкур ўғлидан насл қолмаган. Ҳасан хатиб, олим ва муржиъаларнинг раиси бўлган.

2. Жаъфар (каттаси). Унинг Муҳаммад исмли ўғли бўлган. Муҳаммаднинг эса Жаъфар исмли ўғли бўлган.

3. Али (каттаси). У "Ибн Ноила" исми билан машҳур. Ноила Алининг онаси бўлиб, умму валад ҳисобланади. Алининг кўп фарзанди бўлган. Улардан бири Абу Муҳаммад Ҳасандир. Ҳасаннинг онаси - Алия бинт Авн Муҳаммадия. Кайсония фирқаси уни имом деб биладилар. Ҳасаннинг Али исмли ўғли бўлиб, у ҳам кайсонийлар ақидасига кўра имом саналади. Ҳасаннинг авлодлари Мисрда кўп учрайди.

4. Али (кичиги), Унинг авлодлари йўқ бўлиб кетган.

5. Абдураҳмон. Унинг авлодлари йўқ бўлиб кетган.

6. Толиб. Унинг авлодлари йўқ бўлиб кетган.

7. Авн (каттаси). Унинг онаси жаъфарийлардан бўлиб, Муҳаммад ибн Жаъфар Тайёр (а.р.)нинг қизи ҳисобланади. Авн муҳаддислардан бўлиб, уч қиз ва бир ўғилнинг отаси бўлган. Ўғли Муҳаммаднинг Абу Ҳошим Абдуллоҳ исмли ўғли бўлган.У ишончли муҳаддислардан саналади. Авн олтмиш уч ёшида вафот этган.

8. Авн (кичиги). Унинг авлодлари йўқ бўлиб кетган.

9. Абдуллоҳ (каттаси). Абу Ҳошим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ал-Ҳошимий ал-Алавий ал-Маданий отаси ибн ал-Ҳанафийадан мутъа никоҳининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаромлиги ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. Онаси умму валад бўлиб, исми Ноила. Абу Ҳошимдан аз-Зуҳрий, Амр ибн Динор ва Олим ибн Абул Жаъд (а.р.)лар ҳадис ривоят қилганлар. Абу Ҳошим шиалардан бўлиб, Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббосга халифаликни васият қилиб, унга ўз китобларини топширган. Абу Ҳошимнинг сулоласи шундан сўнг инқирозга учраган. Ибн Саъд (а.р.) Абу Ҳошим ҳақида шундай деган: "У сиқалардан бўлиб, кам ҳадис ривоят қилган. Шиалар уни ўз тарафдорлари қаторида санашар эди". Абу Ҳошим вафоти олдидан Муҳаммад ибн Алига васият қилиб: "Сен бу иш (имомат) соҳибисан ва бу иш сенинг авлодларингда бўлади", деган. Шундан сўнг шиалар Муҳаммад ибн Али томонга ўтадилар. Абу Ҳошим халифа Сулаймон (а.р.) даврида вафот этади. Имом Бухорий (а.р.)нинг гувоҳлик беришича, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад сабоийларга эргашар эди (сабоийлар Абдуллоҳ ибн Сабаъ тарафдорлари бўлиб, улар Али (р.а.) ўлмаган, у қиёматдан олдин дунёга қайтиб келади ва дунёни адолатга тўлдиради, деган ақидада бўлганлар).

Ал-Ҳумайдий (а.р.) ҳам Суфён (а.р.)дан ривоят қилиб шундай деган: "Абу Ҳошим сабоийлар ҳадисларини тўплаб юрар эди". Ал-Ижлий (а.р.) у ҳақда шундай деган: "Иккаласи (Абу Ҳошим ва укаси Ҳасан) сиқалардан. Абу Усоманинг айтишича, улардан бири шиа, иккинчиси эса муржиъий бўлган". Абу Ҳошимни Сулаймон ибн Абдулмалик сут билан заҳарлаган. Абу Ҳошимнинг қабри Шомдаги Ҳамима шаҳрида жойлашган. Абу Ҳошимдан бир нечта ўғил ва қиз фарзандлар дунёга келган. Қизларидан Райта навфалийлардан бўлиб, Зайд ибн Зайнулобидин (а.р.)га турмушга чиққан. Улардан Яҳё исмли ўғил дунёга келган. Райта ҳошимийларнинг энг машҳур олима аёлларидан бўлиб, отаси ва эридан ҳадис ривоят қилган. Абу Наср Бухорий (а.р.)нинг ёзишича, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийадан зурриёт қолмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Абдуллоҳ (кичиги). Унинг авлодлари йўқ бўлиб кетган.

11. Ҳамза. У ҳам бир нечта фарзанд кўрган. Аммо унинг авлодлари ҳам аста-секин инқирозга юз тутган.

12. Иброҳим. Унинг "Шаъра" ёки "Бушра", "Бусра" деган лақаблари бўлган. Иброҳим беш нафар фарзанд кўрган. Улардан бири Муҳаммад бўлиб, ишончли муҳаддислардан саналади. Лекин унинг авлоди аста-секин йўқолиб кетган.

13. Қосим. Муҳаммад ибн Ҳанафийа ушбу ўғлининг исми билан куня олган. Уни Абул Қосим деб чақиришар эди. Ривоятларга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ўзлари бунга рухсат берганлар.

Қосимнинг ўғиллари кўп бўлган. Улардан бири Абул Қосим Абдуллоҳ бўлиб, ундан кўплаб зурриётлар тарқалган. Шунингдек, Қосимнинг Муҳаммад исмли ўғлидан ҳам кўп фарзанд қолган.

14. Жаъфар (кичиги). Ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг ушбу ўғли Абу Абдуллоҳ Жаъфар муҳаддислардан бўлиб, онаси Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абу Толибнинг қизи ҳисобланади. Жаъфарнинг етти фарзанди: уч қиз ва беш ўғли бўлган. Қизлари - Умму Жаъфар, Фотима ва Сафия. Ўғиллари - Абдуллоҳ, Муҳаммад, Али, Ҳусайн (ундан зурриёт қолмаган) ва Қосим. Қосимнинг уч ўғли бўлган. Улар - Муҳаммад, Али ва Жаъфар. Жаъфарнинг ўғли Абдуллоҳнинг ўн бешта фарзанди бўлган. Улар - Сафия, Умму Жаъфар, Фотима, Муҳаммад, Муҳаммад (кичиги), Аҳмад, Исмоил, Жаъфар, Исо (булардан насл қолмаган), Умар (унинг Жаъфар исмли ўғли бўлган, лекин унинг ҳам насли тугаган), Али (унинг икки нафар ўғли - Абу Турида Муҳаммад ва Али исмли ўғиллари бўлган. Алининг икки ўғли, Абу Туриданинг эса Али ва Жаъфар исмли икки ўғли ҳамда икки қизи бўлган. Абу Туриданинг Ҳиндистонда ҳам зурриётлари бор, деган тахминлар мавжуд), Иброҳим (кўплаб ўғиллари бўлган. Улардан Али ва Ҳусайн исмли ўғилларидан зурриёт қолган) ва Муҳаммад (унинг зурриётлари Ҳаррон шаҳрида истиқомат қилади). Абдуллоҳ



www.ziyouz.com kutubxonasi

ибн Жаъфарнинг кенжа ўғли Қосимнинг Муҳаммад ва Али исмли ўғиллари бўлган. Бу икки ўғилдан кўп зурриётлар дунёга келиб, турли жойларга тарқалиб кетганлар. Ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг ўғиллари ичида Жаъфарнинг авлодлари кўп тарқалган. Уларни "Бану Раъсул Музрий" ҳамда "Муҳаммадийлар" деб ҳам аташади. Абу Наср Бухорийнинг таъкидлашича, аксарият олимлар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг авлодлари қолганлиги борасида аниқ фикр билдирмаганлар. Лекин Жаъфарнинг наслидан бўлган Ибн Расул Музрийнинг авлодлари борлиги инкор қилиб бўлмайдиган айни ҳақиқат.

Муҳаммадийларнинг асосан, учта силсиласи мавжуд:

1. Форсларга хос бўлган муҳаммадийлар: Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Исҳоқ ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг авлодлари.

2. Куфадаги муҳаммадийлар. Улар Абу Яъло Ҳамза ибн Али ибн Ҳусайн ибн Зайд ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг авлодларидир.

3. Қазвин, Қум ва Рай шаҳарларидаги муҳаммадийлар. Қазвиндаги муҳаммадийлар раис, Қумдаги муҳаммадийлар олим ва Рай шаҳридаги муҳаммадийлар эса саййидлар бўлиб, Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар III ибн Абдуллоҳ (Расул Музрий) ибн Жаъфар II ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг авлодлари саналадилар.

Абу Наср Бухорий (а.р.) муҳаммадийлар ҳақида шундай дейди: "Муҳаммадийларнинг насаби бошқа аҳли байтнинг насабларига қараганда кам тарқалгани, уларнинг насаби аниқ ва бир кишига туташгани боис муҳаммадийлар насаби силсиласида ёлғончилар деярли учрамайди. Шероз ва Аҳвозда ўзини Иброҳим ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаьфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг авлодиданман, дейдиганларнинг гаплари ёлғондир. Чунки Иброҳим ибн Жаъфардан зурриёт қолмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУҲАММАДИЙЛАР СИЛСИЛАСИ

Муҳаммадийларнинг қуйидаги учта силсиласи ишончли ҳисобланади:

1. Зайд узун ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар.
2. Исҳоқ ибн Абдуллоҳ Расул Музрий ибн Жаъфар.
3. Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ Расул Музрий ибн Жаъфар. Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг ўғилларидан Али, Иброҳим ва Авнлардан насл қолмаган. Ким ўзини мазкур шахсларнинг авлодиданман, деб даъво қилса, ёлғон сўзлаган бўлади.

Абу Наср Бухорий (а.р.) IX асрда Абу Толибнинг авлодлари, яъни аҳли байтнинг сони ҳақида шундай ёзади: "Мен 227/841 йилда Мадина ва бошқа шаҳарлардаги Абу Толибнинг авлодлари сони аниқ кўрсатилган бир нечта китобларни ўқиб чиқдим.

Улар жами 1370 (бир минг уч юз етмиш) та эркак ва 1370 (бир минг уч юз етмиш) та аёлдан иборат экан.

Улардан 310 (уч юз ўн)та эркак ва 314 (уч юз ўн тўрт)та аёл - жами 624 шахс Ҳасан ибн Али (р.а.)нинг авлодлари.

440 (тўрт юз қирқ)та эркак ва 430 (тўрт юз ўттиз)та аёл - жами 870 шахс. Ҳусайн ибн Али (р.а.)нинг авлодлари.

45 (қирқ беш)та эркак ва 35 (ўттиз беш)та аёл - жами 80 шахс. Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а.)нинг авлодлари.

140 (бир юз қирқ)та эркак ва 130 (бир юз ўттиз)та аёл - жами 270 шахс Аббос ибн Али (р.а.)нинг авлодлари.

90 (тўқсон)та эркак ва 116 (бир юз ўн олти)та аёл - жами 206 шахс Умар Атроф (р.а.)нинг авлодлари.

233 (икки юз ўттиз уч)та эркак ва 240 (икки юз қирқ)та аёл - жами 473 шахс Жаъфар Тайёр (р.а.)нинг авлодлари.

Бу вақтда Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг авлодлари 333000 (уч юз ўттиз уч минг) нафар эркак ва аёлни ташкил қилган".



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гувоҳи бўлганимиздек, IX асрда муҳаммадийларнинг сони нисбатан анча оз бўлган. Муҳаммадийлар сулоласининг аксарияти Эрон ҳудудига тўғри келади. Шубҳасиз, Эрон, яъни қадимий Хуросон Мовароуннаҳрга қўшни ўлка бўлган. Муҳаммадийларнинг Мовароуннаҳрга ҳам кўчиб ўтган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Юқорида таъкидланганидек, Марғилон саййидларидан бўлган Мирсаййид Маҳмудхўжанинг силсиласи Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)га бориб туташади. Қўлёзмадаги насабномада Муҳаммад ибн Ҳанафийанинг ўғли Шоҳ Мансур деб кўрсатилган: *"Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг ўғли Ҳазрат Шоҳ Мансурдир, Унинг ўғли Ҳазрат Мусалсил Занжирпо, унинг ўғли Ҳазрат Амир Қаландар Авлиё, унинг ўғли Ҳазрат Амир Кафшдўз Валий, унинг ўғли Ҳазрат Хўжа Амир Валий, унинг ўғли Шоҳ Саййид Амир Валий, унинг ўғли Шоҳ Амир Валий, унинг ўғли Шайх Амир Валий, унинг ўғли Хўжа Шоҳ Шайх Азизон, унинг ўғли Шайх Хўжа Шайх Азизон, унинг ўғли Ҳазрат Амир Саййид Али Содот, унинг ўғли Амир Али Содот. Унинг ўғли Амир Ҳусайн Содот, унинг биринчи ўғли Ҳазрат Амир Ҳусайн Содот, иккинчи ўғли эса Ҳазрат Саййид Аҳмад Шайх, унинг ўғли Амир Ҳусайн Содотис Соний, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Аҳмад Шайх Валий, унинг ўғли Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ мазкур, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Шайх, унинг ўғли Мавлоно Шоҳмуҳаммадшоҳ, унинг ўғли Ҳазрат Амир Саййид Иброҳим, Ҳазрат Мир Саййид Умар Азизон, унинг ўғли Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддин ал-Марғиноний, унинг ўғли Ҳазрат Саййидул-ошиқийн Амир Саййид Юсуфхўжа Ошиқ Косоний, унинг қизи Хайрунисо Ойим, унинг ўғли Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа, унинг ўғли Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжадир. Валлоҳу таъала аълам!"*[137].

---

[137] Қаранг: Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа. Шажаранома / Қўлёзма. 1936 йил кўчирилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВОЛИДАИ-МУҲТАРАМА

Маълумки, мусулмон оламида Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа (637-700) ва унинг онаси тўғрисида кўплаб ривоятлар сақланиб қолган. Масалан, ҳазрат Алининг бану Ҳанифа қабиласига мансуб қизга уйланиши билан боғлиқ воқеаларни олайлик. Ривоятларда Биби Ҳанифа Рум, Ҳинд ёхуд Ҳабаш подшоҳининг маликаси сифатида ҳам тилга олинади. Қизиғи шундаки мазкур ривоятларда Биби Ҳанифа нафақат малика, балки кураги ерга тегмаган машҳур паҳлавон қиз сифатида таърифланади:

*"Подшоҳи Хабаш айди. Менинг бир паҳлавоним бор. Йигирма ёшда. Анинг бирла курашгин. Агар сен ани йиқитсанг мен иймон келтурай деди. Али (к.в.) қабул қилдилар. Подшоҳ қизига эътимод қилди. Қиз минг киши бирла курашиб ани ҳалок қилиб эрди. Подшоҳ қизини чорлади. Қизи ҳозир бўлди. Подшоҳ айди. Эй, қизим! Бу йигит бирла курашгин деди. Бу қиз ҳазрат Али бирла курашдилар. Ровий айтадур, бу қиз уч кеча-кундуз ҳазрат Али билан жанг қилдилар. Икки кеча-кундуз курашдилар бўлмадилар. Ҳазрат Али муножот қилдилар. Айдиларки: "Худовандо! Каримо. Раҳимо. Бу кофирларнинг олдида мени шарманда қилмагил", деб яна курашга тушдилар. Али (р.а.) Ё, ҳазрат Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам деб, зўр-зўр қилиб ерга йиқитдилар. Бу қиз белича ерга ўрнади. Али (к.в.) айдилар иймон келтургил. Ҳанифа имон келтуруб, мусулмон бўлди. Отаси ҳам иймон келтурди. Мусулмон бўлди. Жабраил алайҳиссалом фармон била ҳазрат Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам қошларига келдилар хабар қилдилар: Ё Расулаллоҳ, Ҳабаш подшоҳи Ҳанифа била мусулмон бўлди" деб айди. Ҳазрат Али бу қизни ғанимат бисёр била Мадинага равон қилдилар.*

*Ҳазрат Расули акрам бу хабарни эшитиб жамъи саҳобалар бирла истиқболга чиқтилар. Ҳазрат Али бирла мулоқот бўлуб*

---

Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 83-88-б



www.ziyouz.com kutubxonasi

*навозиш қилиб Мадинага тушдилар. Ҳазрат Фотима(р.а.) сўрадилар: "Ё Али, бу нечук қиздур?". Ҳазрат Али айдилар: "Бу Ҳабаш подшоҳининг қизи турур". Бу қиз сўради: «Бу кимдур?". Ҳазрат Али айдилар: «Бу икки жаҳоннинг фахри ҳазрат Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг қизлари турур" дедилар. Андин кейин ҳазрат Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн кириб келдилар. Салом қилдилар. Али (р.а.) мол ганиматни бу қиз бирла Муҳаммад мустафоға таслим қилдилар. Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи вассалам Ҳанифага майл қилдилар. Дарҳол Жабраил алайҳиссалом ҳозир бўлуб айдилар: "Аллоҳ Худои таоло салом ёрлақади. Алининг кўзи Ҳанифага тушти. Ҳанифани Алига берсун" деди. Ҳанифани Али каррамаллоҳу важҳаҳуга бердилар. Андин бир ўғул туғулди. Унга от қўярға фикр қилдилар. Жабраил алайҳиссалом Худои таолонинг фармони бирла ҳозир бўлдилар: "Ё Муҳаммад, сизга мужда бўлсунким, Алининг ўғлига сиз от қўйунг". Ҳазрат Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам ўз отларини қўйиб Муҳаммад Ҳанифа атадилар"*[138].

Ушбу ривоятнинг бошқа бир талқини Обид Сўфихон Ҳамид ўғлининг "Қорахон хўжалари" номли рисоласида ҳам баён этилган:

"VII асрнинг тахминан 620 йили Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг ислом лашкарлари Рум подшоҳлиги сари юриш қилдилар. Бу юришда Али ибн Абу Толиб лашкарбоши сифатида қатнашди.

Муҳораба майдонига жуда кўп ислом ва кофирлар лашкарлари йиғилдилар. Ўша давр одатига кўра жанг олдидан ҳар икки томондан паҳлавонлар чиқиб яккама-якка жанг қилардилар. Филоқибат, жангда қайси томоннинг паҳлавони ғолиб чиқса, жангнинг кейинги тақдирига катта таъсир кўрсатарди.

---

[138]Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аблиз Орхун, Сугавара Жун. Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти.2007. №2. 83-84-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яккама-якка жангга ислом лашкарларидан “Али шери Худо” (“Оллоҳнинг шери”) лақаби билан машҳур саркарда Ҳазрат Алининг ўзи чиқди. Қора арабий тулпорда сафдан отилиб чиққан Алининг икки учли қиличи ҳавода ярақлаганида ислом лашкарлари томонидан “Оллоҳу Акбар!” садолари янгради.

Рум қўшинлари орасидан оқ отли юзига ниқоб тутган бир жангчи чиқиб келди. Қомати келишган бу жангчи тўрт қулоч найзани ўқталиб, отига қамчи босди. Тартибга кўра ҳарифларнинг илк жанги найзабозлик бўларди.

Майдон ўртасида гўё икки уммон тўқнашди. Найзалар шарақлаб синиб кетди. Аммо икки ботир ҳам йиқилмади, эгарда қолди. Қиличбозлик бошланди. Олишувда рақибларнинг ҳеч бири ён бермади. Улар моҳир қиличбоз эканликларини намойиш қилдилар. Одатда беш-ўн сонияда рақибини Яратганнинг ҳузурига юбора олувчи Алининг тобора диққати ошарди. Кунботиш кечи келди ҳамки, рақибларнинг биронтаси ярадор ҳам бўлмади. Довул чалиниб, жанг вақти тугаганлигини овоза қилди. Рақиблар ажрашиб, ўз томонларига от сурдилар.

Иккинчи куни ҳам шу аҳвол такрорланди. Қора терга тушган Али жанг сўнггида отдан сакраб тушиб, ботаётган қуёш томон - қиблага юзланиб. қўлларини самога чўзиб ҳайқирди.

– Ё Оллоҳим. Ё Расулу Худо – Муҳаммад пайғамбаримиз! Бу не ҳол?! Ахир сиз мени Али Шери Худо “Али Оллоҳнинг шери” деган эдингизку! Наҳотки мен бир Рум кофиридан енгилсам... Ўзинг мадад бергайсан Аллоҳим, ўзинг қўллагайсан пайғамбарим...

Али тунни ибодат билан ўтказди. Эрталабки жанг саноқли дақиқалар давом этди. Алининг қилич зарби Рум жангчисининг дубулғасига тегди. Отдан йиқилган жангчининг бошидан дубулғаси учиб кетди. Ўлдириш учун қилич кўтариб унинг тепасига борган Али ҳайратдан қотиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди. Тилларанг сочлари белга тушган гўзал қиз эди — жангчи.

– Ё Оллоҳим, мен ҳали уч кун аёл киши билан жанг қилдимми?! деган нидо отилди Алининг бўғзидан. Қиз ўрнидан мағрур туриб, Алига тик боқди.

–Эй Али! Сен мени енгганинг йўқ. Мени сенинг Аллоҳинг ва пайғамбаринг енгди. Кеча сенинг уларга илтижо қилганингни кўрдим. Энди мени Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёнига бошла!

Али қизни Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ўтирган чодирга бошлаб борди.

– Ота, –деди қиз, – мен Рум подшосининг қизиман, кеча эса Сизни тушимда кўрдим ва сиз мени ислом динига киритдингиз. Шул боисми, мен лашкарбошингиздан енгилдим. Энди мени ўзингизга  тутинган қиз қилиб олинг.

Яна учта шартим бор. Биринчиси - мени Алига хотинликка берасиз ва биздан туғилган зурриёдларни қизингиз Фотимадан туғилган фарзандлар билан бирдай кўриб, пайғамбар авлодлари ҳисоблайсиз. Иккинчиси - Али мени устимга бошқа хотин олмасин. Учинчиси - мен ўғил туғсам унга ўз исмингизни менинг исмимни қўясиз. Ана шунда жанг тугайди ва Рум аҳли исломни қабул қилади.

Пайғамбаримиз ва ҳазрати Али бу мард қизнинг шартларига розилик берадилар. Вақти келиб бу қиз ўғил туғади. Болага Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва ўша қизнинг исмини, яъни Муҳаммад Ҳанафийа деган исм қўядилар. Ҳозир Марказий Осиё давлатлари ва Хитойнинг шарқий Туркистонида яшаётган Қорахон хўжалар шажараси Алининг айнан мана шу фарзанди – Муҳаммад Ҳанафийага бориб тақалади".

## ТУРКИСТОН ХЎЖАЛАРИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Қадимдан мусулмон дунёсида ҳазрат Алининг фарзанди Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийанинг ва унинг авлодларига эҳтиром юқори бўлган. Туркистон хўжалари билан боғлиқ насабномаларда келтирилган маълумотларга кўра, Муҳаммад ал-Ҳанафийа халифа Усмон (р.а)нинг қизи Биби Шамсияга уйланган[139].

Ўрта асрлардаёқ Рум, Эрон, Хуросон ва Моваруннаҳрдаги Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа номи билан боғлиқ муқаддас жойлар халқларнинг севимли зиёратгоҳига айланган. Сейди Али Раиснинг "Миръотул мамолик" китобида келтирилган маълумотларга кўра, имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийанинг қабрлари форс қўлтиғидаги Хорак ва Тус шаҳарларида мавжуд бўлган[140].

Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а) нинг қабри Бақиъ ёки Тоифда деган қарашлар мавжуд, лекин Тоифда деган фикр ҳақиқатга яқинроқ. Абу Ҳошим Абдуллоҳ унинг ўғилларидан бўлиб, мўътазилий Восил ибн Атонинг устози бўлган. Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг авлодлари Дамашқ, Шом ва Мисрда, айниқса Эронда кўп учрайди. Қолаверса Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳида ҳам Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а) нинг қабри борлиги хусусида "Қорахон хўжалар шажараси" китобида ҳам маълумотлар баён этилган:

"Маълумки, имом Ҳасан ва имом Ҳусайнлар ўлдирилгач, уларнинг душманлари умуман Саййид уруғини қуритиш учун барча пайғамбар авлодларини қиличдан ўтказадилар. Агар Муҳаммад Ҳанафийа Ҳусайннинг тирик қолган ягона, ўғли Зайнил-Обиддин (Али Асқар)ни яшириб,

---

[139]Исламизация и сакралные родословные в Центральной Азии: наследия Исхак Баба нарративной и генеалогической традициях. Том 2. Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложенияи указетели: А.Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимжанов, Ш.Зиядов. Алма-аты.: Дайк-пресс, 2008. С.87.

[140] Сейди Али Раис... . 109.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қутқариб қолмаганида саййидлар авлодига нуқга қўйилган бўларди. Кейинчалик у ҳокимият саййидлар қўлида бўлиши керак, деган ақидани олға суради ва Зайнул-Обиддин ва унинг авлодларини деярли барча ислом давлатларида ҳокимият тепасига қўяди. Ўзининг умри эса асосан лашкарбоши сифатида жангу жадалларда ўтади.

Дунёнинг турли бурчакларига тарқалган Хуросон, Қорахон, Девона, Оққўрғонлик чин хўжалар Муҳаммад Ҳанафийа авлодларидир. Улар 14-асрдан буён дунё аҳлига яхши маълум. Абдураҳим боб, Исҳоқ боб, Абдужалил боб, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ҳам бобокалонлари худди шу Муҳаммад Ҳанафийадир.

Муҳаммад алайҳиссалом яқинлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон жанубига мусулмон динини тарқатиш учун келадилар. Мовароуннаҳрга илк бор Пайғамбаримиз (с.а.в)ни отасининг акаси Аббоснинг ўғли Қосим (Қусам ибн Аббос) 673 йили келади. (Самарқанд тонги. 1-том, 80-бет. 1971 йил). У Самарқанд остонасидаги йирик урушда шаҳид бўлган. Шу шаҳардаги Шоҳи Зинда ўша кишининг мозоридир. Қосим тўғрисидаги маълумотлар эл орасида кенг тарқалган. Амир Темур ҳам Шоҳи Зинда мозорини зиёрат қилиб турган.

Ўша йиллари Самарқанд вилоятидаги Нурота ерига Муҳаммад Ҳанафийа келганлиги айтилади. У Нурота ҳокимининг синглиси Зайнул-арабни ёв қўлидан қутқариб, унга уйланади. Шу воқеага боғлиқ бўлган Нуротага ҳазрати Али боласининг соғлиғини билиш учун келган экан. Унинг намоз ўқиган ўрнини ҳалигача халқ зиёрат қилади ("Ипак йўли", Тошкент. 1993 йил, 51-бет).

Муҳаммад Ҳанафийанинг Туркистон тупроғи, хусусан Қоратовга келгани хусусида турли маълумотлар бор. Шунинг биттаси Хўжа Аҳмад Яссавий билан боғликдир. "Бунинг борига қаноат қилмай сардор Ҳамадон вилоятидаги имом Юсуф Ҳамадонийга бориб хизмат қилиб, у кишининг рухсати билан элига қайтади. Келгач, туғулган жойим



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайрам суви, яна бу ерда бобом имом Муҳаммад Ҳанафийанинг зиёратгоҳи (мозори) бор дея Туркистонга келади. "Оқ Турбатга бобом руҳи ҳайдади. Шу томонга билмасамда талпинаман (Бир қудратли куч тортади)" деб ёзганди Яссавий.

"Катта бобом Оқ Турбат" дегани имом Муҳаммад Ҳанафийа мозори эди. Яссавийнинг ўзи "Мен ўлгач, жасадимни катта бобомнинг оёқ томонига қўйинглар" деб васият қилган. Ҳозирги кунда гумбаз сиртидаги ҳазрати Султон Хўжа Аҳмад Яссавийнинг бош томонида имом Муҳаммад Ҳанафийанинг қабри жойлашган.

Муҳаммад Ҳанафийанинг юришларида унинг лашкарига пайғамбар (с.а.в).нинг энг суюкли саҳобаларидан бири, ботир ва топқир сардори — Уккоша ибн Муҳсин бошчилик қилади. Қоратов ёнида улкан урушда уларнинг икковлари ҳам шаҳид бўладилар. Ҳозирги пайтда бу жойлар бугун мусулмон халқларининг зиёрат қиладиган хосиятли жойларига айланган... Ҳазрати Султон — Яссавий бобокалони Муҳаммад Ҳанафийанинг қабри шу ерда эканлигини аниқлаб билган. Бу тарихий ҳақиқатларга ҳам тўғри келади. Зеро, Муҳаммад Ҳанафийа Қоратовга 7- асрда келса, орадан 5 аср утгач бобокалонининг руҳи сездириб, Оллоҳ амри билан бу ерга Хўжа Аҳмад Яссавий келади".[141]

XV асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг "Мужмамал-и Фасиҳий" ("Фасиҳийнинг мажмуаси") асарида ёзишилича, Имом Муҳаммад ал-Ҳанафийанинг Тусдаги яна бир қабри 1387 йилда аниқланган[142].

Айтиб ўтиш жоизки, Шарқий Туркистоннинг Хўтан вилояти, Қорақош туманидаги "Ёлғиз ўғил мозори" деб аталувчи зиёратгоҳни ҳам маҳаллий аҳоли Муҳаммад ибн ал-

---

[141] Обид Сўфихон Ҳамид ўғли. Қорахон хўжалар шажараси.14-16-б. Китобнинг нашриёти, нашр қилинган йили кўрсатилмаган.

[142] Фасих Ахмад ибн Джалал ад-дин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмаил-и Фасихи / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой. Т.: "Фан", 1980. С.110.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳанафийа номи билан боғлаб, қуйидаги ривоятни нақл қиладилар:

*“Ривоят қиладурларки, ҳазрати Алининг ўгли Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа амал ғавғоси ва мазҳаблар ихтилофидан безор бўлиб, шоҳликдан воз кечиб, Маккани ташлаб, онаси Биби Ҳанифа билан тоққа чиқиб кетибди. У бўз ерларни ўзлаштириб, боғ қилишни ҳам худди бир неча юз шаҳар халқини имонга келтириш билан баробар иш деб ҳисоблар экан. Шу сабабдан у фуқароларга бошчилик қилиб, тоғлар орасидаги жилғаларда ариқ қазиб, ер очиб, катта обод шаҳар-юртларни бино қилгандан кейин кишилар билан хайрлашиб, бу ерни тарк этар экан. У борган жойида ер очиб, чўлни кўкартириб, неча ўн йилдан кейин Дуво дарёсининг бўйига келиб қолибди. У шоху қамишлардан капа ясаб, онаси билан макон қурибдилар. У кечада онасига ҳамроҳ бўлиб ухлаб, эртаси куни қорнини тўйғазиб, Пийалмо чўлига бориб ер очибди. Кунлар мана шундай ўтаверибди. Бир куни кун тандирдек қизиб кетганда Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа чарчаганлиги боис тушлик қилишга боргиси келмай тупроқ тагидаги сояда дам олибди. Ўғлининг тушлик қилгани келмаганлигидан хавотирга тушган Биби Ҳанифа ош ва кўзада сув кўтариб, ўғлининг ёнига борибди. Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа жуда ҳаёлик йигит бўлиб, ярим яланғоч ечиниб ўтирганлигини онаси кўриб қолганлигидан қаттиқ хижолатга тушиб қочиб кетибди. Онаси: «Вой болам тўхтанг” деб ортидан чопиб борибди. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа қоча-қоча ҳориб ҳолдан кетишга оз қолибди. Ортига қараса, онаси қувлаб келаётган экан. У онасига қарашдан уялиб тўхтамай югурибди. Қадам ташлагудек холи қолмаганда дуога қўл кўтариб: “Эй Аллоҳнинг замини... қўйнини оч» деб илтижо қилибди. Унга раҳми келган замин иккига ажралибди. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ўзини ичига ташлаган экан, замин бир онда беркилибди. Биби Ҳанифа шу жойда ўғлининг қабрини қилиб, қабр ёнида бир неча ой йиглаб, қақшаб жон берибди. Одамлар*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Муҳаммад ал-Ҳанафийани ёлғиз ўғил эканлигини кўзда тутиб унинг қабрини "Ёлғиз ўғил мозори" деб атабдилар[143]".*

Самарқанд мозорлари ҳақида маълумот берувчи "Қандия" асарида баён қилинишича, Самарқанд шаҳрининг Ҳовузи Муҳаммад ва Муҳаммади Ҳабиб деб аталувчи зиёратгоҳлар ҳам Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа номи билан боғлиқ бўлган[144]. Унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар жанубий Туркманистон ва жанубий Қозоғистонда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Навоий вилоятининг Нурота тумани Деҳибаланд қишлоқларида ҳам мавжуд[145]. Жумладан, 1915 йилнинг ёз ойларида Нурота зиёратгоҳларини тадқиқ этган И. Кастанье Деҳибаланддаги Ҳазрат Али мозори ҳақидаги қизиқ ривоятларни келтирган эди. Унга кўра, фарзанди Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийани излаб унинг ортидан йўлга чиққан Ҳазрат Али Деҳибаландга келган ва бу ерда Худога кўп илтижолар қилганлиги учун тошларда изи қолган эмиш. Кейинчалик ҳазрат Али шу ерда фарзандлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн ҳамда Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийани топганлиги айтилади[146].

Фарғона водийсида Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа билан боғлиқ Бобо Хуросон, Хўжа Илғор, Хўжа Абулқосим, Имом ота, Тош ота сингари зиёратгоҳлар бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Риштон, Сўх туманларида жойлашган. Бу туманларда Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг мавжудлиги уларни географик жиҳатдан бир бирига боғланиб турганлигидан бўлса, керак. Бобойи Хуросон мозори Олтиариқ тумани Бўрбалиқ қишлоғининг Поён маҳалласида жойлашган.

---

[143]Дунёда бир Хўтан бор... 146-б.

[144]Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия...70-б.

[145]Мирзаев Б, Аҳматқулов К. Нурота тарихидан лавҳалар. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. 24-б.

[146]Кастанье И. Археологические разведки въ Бухарскихъ владенияхъ // Протоколы заседаний и сообщений членов Закаспийского кружка любителей археологии и истории Востока. Том XXI . Т., 1915. С. 39-41.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарғона водийсида Хуросон ота номи билан боғлиқ яна зиёратгоҳлар Наманган вилоятидаги Короскон қишлоғида ҳамда Марҳамат туманининг Бобойи Хуросон қишлоғида жойлашган. Тарих фанлари доктори, профессор А.Қ.Мўминовнинг маълумотларига кўра, Ҳазрат Алининг ўғли Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа Хуросонни олиб, аҳолисини исломга киргизганлиги учун Хуросон ота лақабини олган[147]. Бизнингча, Бобойи Хуросон мозори Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа номи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Фарғона водийсида Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа билан боғлиқ зиёратгоҳлар юқорида айтиб ўтганимиздек кўп бўлган. Шу боис баъзи бир зиёратгоҳларни Имом Муҳаммад ал-Ҳанафийанинг турли лақаблари билан боғлаб келганликлари эҳтимолдан ҳоли эмас[148].

Фарғона вилоятининг Риштон тумани Зарариқ қишлоғида Хўжа Илғор номи билан боғлиқ масжид, мозор ва ер ости ғори (Ушбу ғор сунъий равишда кавланган-Н.А.) мавжуд. Ривоятларга кўра, Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ғайридинлар билан ҳозирги мозор ўрнида жанг қилаётиб беҳисоб душман қуршовида қолади. Шу пайт ғойибдан лашкар пайдо бўлиб, Хўжа Илғор (Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа)га мададга келадилар ва ислом қўшини зафар қозонади. Ахборотчи Ҳамрожон Болтабоевнинг айтишича, "Илғор" бу ғойибдан пайдо бўлиш деган маънони англатганлиги учун зиёратгоҳ Хўжа Илғор номини олган экан. Ривоятларга кўра, Муҳаммад ал-Ҳанафийа шу ерга келганида, душманлари кўз ўнгида ер остига кириб ғойиб бўлган[149].

Мазкур зиёратгоҳ тўғрисида "Туркистон вилоятининг газети"нинг 1911 йил № 61 сонида мақола ҳам чоп этилган:

---

[147]Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана // Подвижники ислама. М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2003. С.147.

[148]Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Т., 2006. №2. 107-б.

[149]Ўша асар.146-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мен роқими ҳурф  тақрир эткунчи (яъни хат ёзгучи) ушбу 1911 йилда  24 июлда Хўқанд уезди Рошидон бўлустига қарашли рошидонлик хайрихоҳ ҳурматли Мулло Пўлодбой Йўлдошмуҳаммадбой ҳавлиларига  меҳмондорчилик бирла бориб эдим. Сўз очиб Рошидон аҳолиларидан  хурсандлик баён айлаб, шул тариқада нақл қилиб айдики, ушбу Рошидонда ётган мозори шариф ҳазрат Имом Муҳаммад Ҳанафийадурлар. Мардумларни миёналарида (халқ орасида) лақаб машҳурлари Хўжа Илгорбоши деб айтадурлар ва мазкур мозор файзи осорни иморатлари қадим вақтда бино бўлганлиги важҳидин иморатларига шикаст етиб ва нуқсон воқе бўлгонлиги сабабдин мазкур Рошидонни бўлуб ўтмиш управители ҳурматли хайрихоҳ ҳожи Муҳаммад Шокир мингбоши Мулло Қаландар марҳум ўгли мазкур мозор иморатларини тамом бузиб қайтадин таъмиротини бино қилмоқликни ўз зиммаларига олиб 20 минг сўмга яқин ақчани ўз молларидан  ҳадия айлаб, ҳар не бор иморатларни тамом бузуб, мазкур ҳадия қилинган ақчаларини  сарф харажат этмоққа ружуъ айлаб қанча миқдор  пишиқ гиштларни мавжцд айлаб, бир тарафдин катта номдор усталарни келтириб, ҳар кунда хатми Қуръон қилдургузиб, масоҳат иморат учун худ Рошидондингина эмас ва балки ҳамсоя (қўшни) бўлустлардаги ёши улуг одамларни чақириб, иморатни планларини қадимий таъмиротдин юз чанд зиёда айлаб,  ибтидосига ружу айлагандурлар (бошлагандурлар) ва мазкур мозорни  иморатларини таъмиротига назар солганда маълум бўладурки,  файзи осор мозори шарифни марқадгоҳларини иморатларини саҳн жойга олиб таъмирот қилибдурлар.*

*Мозорни атрофларига нечанд адад ҳужра хиштин ва ҳар қайси тарафдаги ҳужраларга алоҳида  дарсхоналар ва ёш гўдак болалар(ни) ўқутмоқлари  учун алоҳида мактабхона ва намоз учун  алоҳида масжид ва хонақоҳ ва таҳоратхона ва қорилар истиқомат айламоқ учун алоҳида қорихона  ва мазкур мозорга атроф жавониблардин зиёрат учун борадургон хотунлар учун алоҳида зиёратхона таъмирот айлабдурлар.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мазкур хайрихоҳ ҳожи Муҳаммад Шокир мингбоши Мулло Қаландар марҳум ўғиллари мундин муқаддам, яъни ўтган йилда Марғилон уездиға қарашли тоғлар ўртасида мозори шариф бўлуб турган Ҳазрати Шоҳ номи Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу қадамжойларини қанча миқдор ақчаларини сарф айлаб, мазкур мозори шарифға кўп иморатлар бино айлаганликлари (нафақат) Фарғона фуқароларигина эмас ва балки ўзга бўлуст фуқароларига хўб маълум ва ошкора бўлгандур деб (тақрир этгувчи Юсуфхон)*[150].

## МУҲАММАД ИБН АЛ-ҲАНАФИЙА ҲАҚИДАГИ РИВОЯТ

Ҳозирги кунга келиб, халқ орасида Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа билан боғлиқ қуйидаги ривоят сақланиб қолган. Унга кўра, ҳазрат Али шу ерлик (Риштон назарда тутилмоқда) Биби Ҳанифа (Биби Ҳанифа - асл исми Хаула бўлиб, арабларнинг Ҳанифа қабиласидан бўлган – муаллифлар) исмли қизга уйланган вақт Макка шаҳрига отланади. Ҳазрат Али кетар чоғи уни қаердан излаш кераклигини ва агар фарзанд кўрса, фарзанди сифатида узугини тақиб қўйишини тайинлаб, ўз узугини ташлаб кетади. Биби Ҳанифа ой-куни етиб ўғил кўради ва исмини Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа деб атайди. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа кундан кунга ўсиб, бақувват, жасур бола бўлиб етишади. Тенгқурларининг биронтаси у билан курашда тенг кела олмайди. Курашдан йиқилган болалар аламларига чидай олмай уни "етимча" деб ҳақоратлайдилар. Кунларнинг бирида Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа болалар билан копток ўйнаб турган пайт коптоги бир хонадонга тушади. У коптогини олиш учун кирган чоғи уй эгаси уни яна етимча дея ҳақорат қилади. Бу таҳқирлардан сабр косаси тўлган

150 «Туркистон вилоятининг газети». 1911 йил. № 61. 2-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа онасининг олдига келиб, отасининг кимлигини сўраб, ҳоли жонига қўймайди. Шунда онаси унинг отаси ҳазрат Али эканлигини айтиб, қўлига отаси қолдирган узукни беради. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа узукни тақиб, отасини излаб, Макка томон йўл олади.

Не-не машаққатлар билан Маккага келган Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа шаҳарда курашиб турган икки паҳлавон йигитларни кўриб қолади ва улар билан майдонга тушади. Бу икки йигит ҳазрат Алининг фарзандлари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар бўлиб, уларнинг курашини отаси Али бир четда кузатиб турган экан. Икки азамат фарзандини бегона, нотаниш йигитдан йиқилганини кўриб, ҳазрат Али ҳам курашга тушади.

Отаси эканлигидан бехабар бўлган Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳазрат Али билан курашишга рози бўлади. Ҳазрат Али кураша туриб, Муҳаммад ал-Ҳанафийани кўтариб ерга урмоқчи бўлади. Ногоҳ кўзи йигитнинг қўлидаги узугига тушади ва бу паҳлавон ўз фарзанди эканлигини англайди. Ҳазрат Али Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийани аста ерга қўйиб «Мен сенинг падари бузрукворинг ҳазрат Али бўламан", деб уни бағрига босади. Буни эшитган Муҳаммад ал-Ҳанафийа "Ўз отамни беҳурмат қилиб курашга тушибман", дея афсус-надоматлар билан ўша заҳоти ортига қайтган экан. Айтишларича, Муҳаммад ал-Ҳанафийа шу келганича ҳозирги Хўжа Илғор мозори ўрнида ғойиб бўлган эмиш. Худди шу ривоятга ўхшаш яна бир ривоят Андижон вилояти Хўжабод тумани Манақ қишлоғидаги Имом ота (Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа) зиёратгоҳида ҳам мавжуд[151].

Шуни айтиб ўтиш керакки, нафақат Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа балки унинг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам қадимдан Фарғона водийсида жуда машҳур бўлган.

---

[151]Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Т., 2006. №2. 107-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, Наманган вилоятидаги Мулло Бозор Охунд зиёратгоҳини олайлик. Бу ҳақда шарқшунос олим Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ (1927–2005) ўз мақолаларидан бирида шундай ёзади:

*“Чуст шаҳрининг қози калони мулло Маъсуд Маҳмуд мулло Муҳаммад Мурод “Қиссаи Машраб” асарини рус тилига таржима қилган, Туркистонда яшаган шарқшунос Н.С.Ликошиннинг (1860–1922) илтимоси билан унга Мулло Бозор Охунд таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб берган: “Ҳақиқий муҳаббат қуёши, илм осмонининг тўлин ойи, ҳақиқат денгизининг дури яктоси, фан богининг булбулгўёси, донолик чашмаси, Наманган авлиёларининг сўнггиларидан бири, Аллоҳнинг сидқан ибодат қилувчи бандаси, ўз мўъжизалари билан шуҳрат қозонган Мулло Бозор Охунднинг (Аллоҳ унга раҳмат қилсин) насаб шажараси Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа Али ўгли (Аллоҳ унинг юзини карамли қилсин)га бориб етади. Шундай қилиб, ҳазрати шери худонинг авлодларидандир. Бу авлиёнинг отаси Султон Муҳаммадхон Бобур Қорахон ўгли бўлиб, унинг аждодлари шажараси қуйидагича: отаси Бобур Қорахон, Қобил Қорахон ўгли ундан олдингилар Гадой Қорахон, Султон Қорахон, Санжар Қорахон, Мансур Қорахон, Авлиё Қорахон, Бузар Қорахон, Қилич Қорахон, Абдуманнонхон, Абдуфаттоҳхон.*

*Авлиёнинг ҳақиқий номи хожа Убайдуллоҳ бўлиб, у кўпроқ подшоҳ Хожа Домулло Бозор Охунд номи билан машҳурдир. Унинг фазилат ва мўъжизалариададсиз, бу авлиёнинг Аллоҳга бўлган иштиёқи шунча кучли бўлганки, қачон Аллоҳ номини зикр қилса, огзидан олов ёлвираб чиқар, ўтирганларнинг барчаси олов нурини кўриб туришган. Унинг отаси аввал туркистонлик авлиё ҳазрати Султон Яссавий мақбараси ёнида яшаган. Кейин у ердан Қўқон шаҳри яқинига кўчиб келган. Бироз вақт ўтгач, Наманганга кўчиб келиб уйланади ва иккита ўгиллик бўлади, улардан бири ҳазрати авлиё Мулло Бозор Охунд (Аллоҳ уни раҳмат қилсун), иккинчи ўгли ҳазрати Олим хожа бўлган. Отаси Наманганда вафот этгандан кейин унинг ўрнини Мулло Бозор*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Охунд эгаллайди. Бу вақтда Бухорода авлиё Мирза Баҳодир Бухорий яшаган эди. Домулло Бозор Охунд бу пирдан иршоднома (йўлланма) олади. Ҳозирги кунда Мулло Бозор Охунд қабрини Наманган шаҳрининг ўртасида курашхона гузари маҳалласига қўйилган...*

*Мулло Бозор Охунд Бобораҳим Машрабдек буюк авлиё, жозибадор шоир, Ўрта Осиё¸ тасаввуфининг йирик намоёндасининг биринчи устози, пири муршиди бўлган. Машраб ундан Қуръон, ҳадис илмларини, араб ва форс тилларини ўрганди. Тасаввуф сулуки, йўл-йўриқларидан таълим олди. Ўз асарларида Мулло Бозор Охунд номини мароқ билан ёзди. "Қиссаи Машраб" асарида Мулло Бозор Охунд билан Машраб орасида бўлиб ўтган суҳбатлар, баҳслар ҳақида ривоят қилинган. У ерда Мулло Бозор Охунд "Бузрук киши", "Ҳазрати эшони мулло Бозор" каби номлар билан тилга олинган"*[152].

Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийанинг Фарғона водийсидаги яна машҳур авлодларидан яна бири Исҳоқхон тўра Ибрат бўлиб, бугунги кунда мазкур хонадон фарзандлари улуғ боболарига чуқур эҳтиром билан яшайдилар. Булар қўлларида мавжуд ҳужжатларга, хусусан, бобомерос "Шажара" битигига ва ҳам хонадонда, қавмда авлоддан авлодга ўтиб келаётган, айни ҳақиқат даражасида кўриладиган ҳикоятлар, маълумотларга асосланган ҳолда ўз наслларини Хожа Аҳмад Яссавияга бориб, уланишини тасдиқлайдилар.

Мазкур шажара узунлиги бир қулочдан ортиқроқ, эни эса 30–35 сантиметр ҳажмдаги махсус тайёрланган қоғозга битилган. Шажаранинг бошланиш қисми жимжимадор майда ўсимликсимон нақшлар билан рангдор қилиб зийнатланган. Шажаранинг тўрт ёнига бощдан-оёқ олтин ҳалли йўғон чизиқлар ром шаклида чизилиб, улар орасига эса қора рангда хат ёзиш учун ингичка чизиқлар тортилган ва

---

[152]Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Хожа Убайдуллоҳ Мулло Бозор Охунд // Меҳрибоним сен ўзинг. Наманган, 2006. 21–22-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шундан сўнг улар устига авлоддлар шажараси номма-ном ёзиб жойлаштирилган. Исҳоқхон Ибрат мазкур шажарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан Наманган ҳудудларига келиб, Тўрақўрғон ва Муллакудинг мавзеларида жойлашиб қолганликлари ҳақида муфассал маълумот беради. Улар қуйидагича: "Назирхон Хожа ўғиллари Неъматуллоҳ хожадурлар. Аммо Неъматуллоҳ Хожа соҳиби кашфу каромат эдилар. Ҳазрат Султонул–Орифиндин (Хожа Аҳмад Яссавийдан) тарбият топган. Аллоҳ таоло иродаси ва арвоҳлар башорати билан Тўрақўрғон қарясида мутаваттин бўлдилар. Ҳокимлар Мулло Кудинг қарясидан кўп ер назр қилди, анда хонақоҳ бино қилиб, художўйлик қилдилар. Охири вақтларида васият қилдилар: бизни ушбу ерга қўйунг, дедилар. Ул мавзеънинг отини Қозоққўрғон дерлар, анда мадфун бўлдилар. Неъматуллоҳ хожанинг уч ўғиллари бор эди. Қорабош Хожа, Кичкина Хожа ва Суннатуллоҳ хожа. Неъматуллоҳ хожа ўз ҳаётликларида нисбатларини Суннатуллоҳ хожа ўғилларига бердилар ва жойнишин қилдилар. Ул уч ўғиллари ҳам ўз атрофларида мадфун бўлдилар. Суннатуллоҳ Хожанинг ўғиллари Жунайдуллоҳ Хожадир. Бул киши яхши олим бўлдилар ва Султон-ут-тариқат Хожа Аҳмад Яссавийнинг хилватхоналарида етти хилват (чиллахоналарида етти марта чилла) ўлтурдилар. Бу ердан муршидлик насибаси инъом бўлди ва хилватга ижозатлик бўлдилар. Жунайдуллоҳ хожанинг Қорабош Хожа қизидан бўлғон икки ўғиллари бор эди, бирини оти Исҳоқ Хожа ва бирини оти Атауллоҳ Хожа эрди. Ушбулар Тўрақўрғон қарясида мутаваттин бўлдилар".[153]

[153] "Наманган туманининг ўтмиши ва бугуни" китоби, 1996 йил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШОҲ МАНСУР ЗИЁРАТГОҲИ ВАҚФНОМАСИ

Маълумки, Марказий Осиёнинг оммавий ва шахсий кутубхоналарида мавжуд қўлёзма асарлар асосан хон саройлари, мадраса коллекцияларидан жамланган бўлиб, дин масалаларида аксарият ҳолларда "назарий", "китобий ислом" ҳақида маълумот беради. Бошқа муҳит – "оммавий", "халқ исломи" ҳақидаги материаллар эса муқаддас жойлар (қадамжолар, зиёратгоҳлар) атрофида марказлашган. Улар орасида ёзма манбалар алоҳида ўрин тутади[154].

Изланишлар давомида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Марғилон билан боғлиқ юзга яқин нодир ҳужжатлар жилди кўздан кечиришга муяссар бўлдик. Мазкур ҳужжатлар нафақат Марғилон балки ўлкамизнинг икки-уч аср муқаддам ўтган тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар бир ҳужжат тузиш учун маълум қонун-қоида, тартибга амал қилинган. Масалан, ҳужжатга дахлдор шахслар номлари, уларнинг ёши ва яшаш жойи, ерларнинг чегараси, гувоҳлар ва ҳужжатга имзо чеккан шахслар ва ҳужжатга муҳр босган қозиларнинг исмлари аниқ-тиниқ кўрсатилган. Ҳужжатларда кишиларнинг ҳунари ва хонликда эгаллаб турган мансаб амаллари ҳам қайд этилган. Шу сабабдан мазкур нодир ҳужжатларнинг айримлари тўғрисида қуйида мухтасар маълумот келтириб ўтамиз.

Таъкид жоизки, кўҳни Марғилон шаҳрида бундай маърифат ўчоқларининг бу қадар кўплиги сабабларидан бири шундаки, ўша вақтларда бойроқ кишиларнинг ҳар бири савоб йўлида кичикроқ масжид ё бошқа иншоотлар қуришган. Улуғроқ ва бадавлатроқлари (жумладан, ҳокимлар, қозилар ва йирик олимлар) эса шаҳарнинг ёш

---

[154] Abdulahatov N.The Importance of Studying the Mazar Dokuments of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang, p. 14.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳли таълим олсин, деб ўз ҳалол маблағларига мадрасалар тиклаганлар, жомеъ ва кўприклар қурганлар, ариқлар қаздирганлар. Шаҳарнинг барча бадавлат кишилари кўплаб мадраса, масжид, мактаблар ва халқ манфаати йўлида турли иншоотларни қуриб, Худо йўлига садақаи жория этганлар. Бу ҳақда "Жавоҳир-ул ҳикоят"да қуйидаги ҳикоят келтирилган:

*"Исфаҳон шаҳрида бир Антар деган баззоз одам бор эрди. Анинг одати шул эрдики, ҳар қайси мева пишиб аввал бозорга чиққон куни ўшал мевадан олиб уйига келтурар эрди. Бир куни одатига* ***мувоф****иқ бир дона қовун олиб қулидин бериб юборди. Ўзи намози асрдин сўнгра дўконини беркитиб келди* ***ва*** *хотунига қараб:– Эй хотун! Қовунни келтургил! – деб эрди, хотун: – Қовунни бизлар сўюб едимиз,– деди. Ул киши:– Еган бўлсангизлар яхши* ***бўлибтур!*** *Эмди манинг насибамни келтургил,— деб эрди, хотун: – Сизни фаромуш қилибдурмиз ва насиба сақламабдурмиз,— деди. Бас, ул киши бул жавобни эшитиб кўнглуда фикр қилиб айтдики:– Мани ҳаётлим вактимда ўзимнинг келтурган қовунимдин* ***ўзумга*** *насиба сакламоққа фаромуш қилгон хотун эмди ўлганимдин сўнгра албатта бир бегона эрга тегиб айшу ишрат ила мағрур бўлгон вақтида мани фаромуш қилмоғи ва фотиҳа ўқимаслиги муқаррардур. Эмди ўзумга дастгирлик қилғудек савоб ишни ўзум қилиб кетмасам, булардин фотиҳа умид қилмоқ хато экан,– деб фикр килиб ўз дилида ҳамма моли ва пулига бир жой олиб вақф қилиб кетмоқни маслаҳат кўрди. Аммо бул муддаъони хотунига билдурмай хафалигини яшуруб ўлтурди. Соате ўтгандин сўнгра хотунига тадбир қилиб: — Эй хотун! Ман сани ниҳоят даражада қаттиқ яхши кўраман ва сени бирла ҳамнишин бўлуб ўлтуруб таъом ва мева емоқу шароб ичмоқни орзу қилурман, лекин ўзум дўконимга банд бўлуб сани бирла ҳамсуҳбат бўлмовда ҳаргиз фурсату фароғат тополмасман. Бугун эшиттимки, фалон одам боғини сотар эрмиш. Ман агар ўшал боғни олсам анинг меваси бизларнинг бир йиллик рўзғору ҳарожатимизни кўтарур ва ман*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ҳам дўкониинг ташвишидин халос топиб, санинг бирла айшу ишрат қилмоқга фурсат топгайман. Лекин ул боғни олмоқга пулим кифоя қилмас. Бас, агар сан иттифоқлик қилиб ўзингнинг олтуну кумушларингни ва зиёда либосларингни манга берсанг ва ман аларни сотиб пулини қўшсам, иккимизнинг пулимиз, боғнинг баҳосига тайёр эрди –деб эрди, хотун эри бирла айшу ишрат қилмоқни эшитиб дарҳол молларини бермоққа рози бўлди. Эри ҳам хотунни қозихонаға олиб бориб ўшал молларни берганиға тилхат олиб шариатға мувофиқ қилиб молларнинг ҳаммасини ўз тасарруфиға олди ва бир фурсатдин сўнгра молларнинг ҳаммасини бозорга чиқариб сотиб, пулиға пул қўшиб минг тиллоға ўшал боғни олди ва қозидин васиқа қилиб олгандин сўнгра бозорға келиб баланд овоз бирла:–Эй халойиқлар, ман фалон жойдаги боғимнинг мевасини ва дарахтини Худо йўлиға садақа қилдимки ҳар ким толиб бўлса, бориб олсун!–деб хабар бериб эрди, андак фурсатда одамлар бориб, ҳамма мевасини, дарахтини олиб кеттилар ва ери қуруғ бўлуб қолди. Андин сўнгра ул баззоз қозиға бориб ўшал ерни мусулмонларға мазор қилмоқ учун вақф қилдим деб вақфнома ёздурди. Бас, бул хабарни баззознинг хотуни эшитиб ғамгин бўлуб эриға қараб нега айшу ишрат қилмоқ учун олган ерни вақф қилдинг,– деб эрди, баззоз дилидаги муддаъосини изҳор қилиб:–Эй хотун! Сизлар мани ҳаётлик вақтимда ўзимнинг олиб келган қовунимдин насиба сақламай фаромуш қилдингизлар. Эмди ман ўлсам бир ўзга эрга тегиб ани бирла айшу ишратға мағрур бўлгай вақтда албатта мани фаромуш қилгайсан ва фотиҳа бирла йўқламагайсан деб қўрқуб ўзумнинг ихтиётим учун савоб иш қилдимки, сизларға муҳтож бўлмағайман,– деб жавоб берди. Андин сўнгра ул ерни мусулмонлар учун мазор қилдиларки, анинг номини "Антар мазори" дерлар. Ҳануз ҳам мазордуқ бор, андак вақтдин сўнгра ул баззоз ҳам ўлди.* ***Ани*** *ҳам ўшал мазорга дафн килдилар. Неча кундин сўнгра баззознинг хешу ақробаларидин бир киши тушида баззозни кўрса, жаннатнинг қасрида ўлтурубтурки, анинг қасрини катталиги ҳар тарафи бир минг тошлик йўлдур ва анда*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*тўрт анҳор бордурки биридин сут, биридин занжабил ва биридин салсабил суви оқиб турубтур. Бас, ул одам баззозга қараб: – Эй Антар! Сан нима учун мундоғ даража топдинг?– деб савол қилиб эрди, Антар анинг жавобига: – Дунёда бўстонимни вақф қилиб эрдим ани бадалига охиратда Раҳмонимдин ушбу бўстонни олдим,– деди*

*Бас, эй биродарлар! Ҳар ким оқилу ҳушёр бўлса Антар баззоздек ўзига дастгирлик қиладурган ишларни ҳаётлик вақтида қилиб қўйгай. Ва ҳар ким жоҳилу нодон бўлса, дунёда росту ялғон сўзлаб мол жамъ қилиб ўзга кишининг кўлига топшируб кетар ва молларнинг ҳузуру ҳаловатини алар кўрарлар, Ҳисобу азобларини ул нодон кўрар"*[155].

Эҳтимол, бу гаплар ҳозирги давлатманду амалдорларнинг кўпчилигини ажаблантирар. Бироқ, гап тарихий ҳақиқат устида кетмоқдаки, бундай мисолларга асло ҳайратланмаслик лозим. Негаки, аждодларимиз эзгулик йўлида хотамтойлик кўрсатишни оддий инсонийлик фазилатларидан, деб билишган ва садақаи жориядек улуғ савобдан юз ўгиришмаган. Шу боисдан бўлса керак, уларнинг номлари тарих саҳифаларида абадий қолгандир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона область бошқармаси ҳам Фарғонадаги мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлган зодагонлар ва диний ташкилотларнинг ерини рўйхат қилганда, сони 3238 та бўлган. Лекин бу ҳисоб тахминий бўлиб, кейинча вақф ердан фойдаланувчи ташкилотларнинг сони бундан ҳам кўпроқ, яъни 5744 га етган.[156] Вақфлар бу ерда собиқ совет ҳокимятига қадар ўз кучини сақлади.[157] Вақф ерларининг барчаси вақфномалар орқали расмийлаштирилган бўлиб, ҳозирда Ўш, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон шаҳри ва уездларига доир

---

[155] Жавоҳир-ул ҳикоят / Тўплаб нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан – Т.: "Ёзувчи", 1993. 80-82-б.

[156] Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: "Фан", 1965.- Б.69.

[157] Жўраева Ғ. Вақф нима? // "Шарқшунослик", - Т.: "Фан", 1991. № 2. - Б.37.



www.ziyouz.com kutubxonasi

вақфномаларнинг катта қисми Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг № 19-фондида сақланмоқда.

Марғилон вақф ҳужжатлари тарихий манба сифатида Р. Набиев[158], И. Алимов[159], Ш. Воҳидов[160] каби тарихчи олимларнинг илмий тадқиқотларида қисман бўлсада, ёритиб ўтилган. 2007-2020 йиллар давомида олиб борилган изланишлар вақтида Марғилон шаҳри ва Марғилон уезди қишлоқларига доир 160 дан ортиқ вақф йиғма жилдлари илк бор тадқиқ этилди.

Мазкур вақфномалар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, балки, унинг сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган шахслар томонидан тайин этилган.

Архив ҳужжатларида ҳам марғилонлик аёлларнинг масжид-мадраса бино қилиб, вақфлар тайин қилганликларини тасдиқловчи маълумотлар бор[161]. С. А. Геппенеръ 1899 йилда берган маълумотида Марғилон шаҳрида мавжуд мадрасаларни санар экан, улар қаторида "Муштарий ойим мадрасаси" номини ҳам келтиради [162].

Бундан англашиладики, Марғилонда ушбу аёл томонидан қурилган мадраса мавжуд бўлган[163]. Бу ҳақда Муфаззал махсум Марғилоний ўз хотираларида шундай ёзади: "Хон бекларнинг авлодларидан Муштарий ойим деган хотин Марғилоннинг Гўраввал маҳалласига мадраса қурдирган. Ўзида тўплаган дунёсини охират савдосига сарфлаб жуда

---

[158] Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана). – Т.: "Фан", 1973. –388 с; Набиев Р.Н.Вакфное хозяйство Кокандского ханства. Ташкент, 2010.

[159] Алимов А.И. Қўқон хонлиги Марғилон вилояти мадрасалари Тарихидан // Илмий хабарнома, АДУ, №2 2012 йил. – Б. 42-49.

[160] Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Т.: "Академнашр", 2010. -318 б; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда).Том I. Тошкент, 2012. -1493 б.

[161] Абдулаҳатов Н. XIX – XX аср бошларида Марғилонда аёллар мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2014. – № 3. – Б.72-73.

[162] Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работъ. Выпуск II. Маргеленский уездъ. Составилъ С. А. Геппенеръ. Г. Новый Маргеланъ, 1899.

[163] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: "Sharq", 2013-Б.421.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қийинчилик билан битказган. Мадраса битган вақтда Муштарий ойим 80 ёшларга бориб қолган [164].

Марғилон вақфномалари мазмунига кўра, одатда бир-бирига ўхшаш ва уларни шартли равишда бир неча қисмга бўлиш мумкин.

Вақфномаларнинг айримларининг кириш қисмида Аллоҳга ҳамду сано, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) саловатлардан сўнг бу ишнинг сабабларини асословчи далиллар келтирган, унинг ҳуқуқий, шаръий моҳияти тушунтирилган. Буни Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Мирзо Али маҳалласида жойлашган Шайх Аҳмад халифа мадрасасининг вақфномаси мисолида кўриш мумкин. Вақфноманинг ҳажми 31x140 см. Вақфномага 9 та муҳр босилган. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Муслим ва муслимларга, мўмин ва мўминларга ибодат эшигини очиб, яхши амалларни буюрган Аллоҳ таологa ҳамдлар бўлсин. Аллоҳнинг расули Муҳаммад (с.ав.) ва унинг асҳобларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин...

Ҳадисда келтирибдурларки: "Киши вафотидан кейин ҳеч амал унга ҳамроҳ бўлмагай, магар уч нарса ҳамроҳ бўлгай: Аввал, садақаи жория. Иккинчи, қолдирган илмиким, халойиқ ундан файдаланмишлар. Учинчи, солиҳ фарзандки, вафотидан кейин унинг ҳақига дуои хайр қилгай". Садақаи жория, ўзидан кейин қолган яхши ишлари охират сафарининг озуқаси бўлур... Шу сабабдан... тарих 1290 йилнинг жумодил аввал ойи (1873 йилнинг июнь ойи)да Шайх Аҳмад халифа марҳум Домла Абдураҳим охунд ўғли Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Мирзо Али маҳалласида жойлашган ўзи бино қилган мадраса учун вақф тайин қилди[165].

---

[164] Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида билганларим. Қўлёзма, 5-б. Қўлёзма М.Мадғозиев шахсий кутубхонасида сақланади.

[165] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34707-иш. 47-варақ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Вақфномаларнинг иккинчи қисмида вақф қилинган санаси, вақф қилгувчининг исми шарифи, унинг сиймоси, ёши, амлок (экин ери, ариқ, ҳовуз, дўкон, ҳаммом, ҳовли, уй, китоблар, пул, дарахт)нинг батафсил рўйхати ва адади, миқдори, ҳажми ҳақида маълумот берилиб, ҳар бирининг жойлашиш ери ва чегаралари аниқ кўрсатиб ўтилган. Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Қорахўжа (Кўнчилик) маҳалласида жойлашган Муҳаммаджонбой мадрасасининг вақфномасида бу ҳақда қуйидагича маълумотлар келтирилган: "Пок кўнгилли дин ва давлат арбобларига, миллатнинг бетинч асҳобларига очиқ ошкор бўлсинки... Аллоҳ таоло офатлардан паноҳида асрасин, Марғинон вилоятининг Машҳад даҳаси Қорахўжа (Кўнчилик) маҳалласидаги уламолар ва илм аҳлларини дўст тутувчи мулла Муҳаммаджонбой Аҳмадбойнинг фарзанди аржуманди тарих 1298 йилнинг шаввол ойи (1880 йилнинг августи)да ўз мулки ҳисобидан мазкур маҳаллада масжид, хонақоҳ ва дарсхона ва нақшинкор айвон ва беш ҳужра ва яна уч ҳужрадан иборат мадрасани бино қилиб, талабалар эмин эркин илм олишлари учун мударрис, имом, фаррош, сартарош ва талабаларга 250 тилло маблағини вақф тайин қилди ва тасдиқ этди... Мазкур мадраса ҳудудининг баёни. Ғарбдан баъзан омманинг ариғига туташган ва баъзан Раҳимбобонинг мулкига туташган...Шарқдан омманинг йўлига туташган. Шимолдан баъзан Дадабойнинг мулкига ва баъзан омманинг ариғига туташган. Мазкур ҳудудларнинг хавосиллари маълум ва аломатлари зоҳирдир[166].

Вақфномаларнинг учинчи қисмида вақф шартлари баён этилган, мавқуфотдан келадиган даромадни тақсимлаш тартиби батафсил кўрсатиб берилган, вақф хўжалигини бошқарувчи шахс тайинланган, шунингдек, хизматчиларнинг маошлари ҳам санаб ўтилган. Шу ернинг ўзида вақф мулки ва буюмларидан истифода қилиш шартлари ҳамда уларни

[166] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34707-иш. 163-варақ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қонунга хилоф тарзда ўзлаштирилишига қарши чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Вақфнома тузилган вақти ва бу ишда қатнашган шахсларнинг номларини санаб ўтиш билан ниҳоясига етган ва қозилар, аъламлар, муфтийлар муҳри билан тасдиқланган.

Вақфномаларда келтирилган маълумотларга кўра агар вақф қилинган ердан даромад олинмай қолган ҳолатда қози ҳукми билан мазкур вақф қилинган ер сотилган. Бундай ҳолат Марғилон шаҳрининг Тошмозор даҳаси Шоҳ кучак маҳалласида жойлашган масжиднинг вақфномасида кўрсатиб ўтилган. Вақфноманинг ҳажми 31х27 см. вақфномага 1 та муҳр босилган. Вақфноманинг орқа томонида "Вақфнома дўкон Шерғозибой", "Вақфномаи масжид Шоҳ Кучак дар шаҳри Марғинон" деб ёзилган. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича: "Пок кўнгилли дин ва давлат арбобларига очиқ ошкор бўлсинки, Шерғозибой Йўлчи мерган ўғли Марғиноннинг Шоҳ Кучак маҳалласида жойлашган бир хона жойдан иборат ер ҳудудини ўз вақтида мазкур маҳалладаги масжид учун вақф тайин этган этди. Мазкур мавқуфа ер хароб бўлганлиги жиҳатидан қози исломни амри билан 25 мисқол тиллога сотиб, тижоратга сарфлаб қирқ уч тиллога етказди... Тарих 1290 йилнинг 20-нчи рабиул-аввал куни (милодий 1874 йилнинг 18 майи)да мазкур Шерғозибой дорул қуззотга ҳозир бўлиб, ушбу қирқ уч мисқол тиллосига Марғинон шаҳрининг катта бозорини Товоқфуруш бозоридан тахтадан қилинган бир дўкони сотиб олиб, мазкур масжид учун вақф тайин қилди. Вақф қилгувчининг шартига кўра ушбу дўкондан келадиган даромад бир неча қисмга тақсим қилиниб, ундан бир қисми имомга ва бир қисми муаззинга ва қолган қисми масжиднинг намади, жойнамози ҳамда мой-чироғига сарф қилинсин". Вақфномага муҳр босган: Қози Муҳаммадхон ибн Домла Муҳаммадбобо қози марҳум. Вақфномани тузишда иштирок этган аҳли мажлис: Мулла



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммадамин ва Муҳаммадюсуфбек ва Тиллобек ва Охундчабой ва Мулла Муҳаммадсалим ва Муҳаммад Умар сўфи ва бошқа муслимлар[167].

Марғилондаги вақф мулклари орасида ҳам савдо вақфлари катта ўрин эгаллаган[168]. XIX аср 60-йилларида Марғилон шаҳридаги дўконлар сони 2246 та бўлиб, уларни 686 таси вақф мулки ҳисобланган.[169] Бунга мисол тарзида биргина Қаландархона даҳасининг Шахан маҳалласида жойлашган қозийил қуззот Поччажонхўжа эшон қорихонасининг вақфномаси кўрсатиш мумкин. Вақфнома ҳажми 28х195 см. вақфномага 38 та мухр босилган.Вақфноманинг орқа томонида "Қорихона Поччажонхўжа қози" деб ёзилган. [170]

Вақфномаларда келтирилган маълумотлардан кўринадики, вақфни таъсис қилаётган шахслар мазкур вақфни бошқариш вазифасини айрим ҳолларда масжид имомига ёки ўзининг фарзандига, оға-инисига ва бошқа бир яқин қариндошига ёки масжид қавми орасидан муносиброғига топширганлар. Бундай ҳолат мулла Охунжон домла томонидан Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳаси Гулабардор маҳалласида жойлашган мадраса ва масжидга берилган вақфномада ҳам ўз ифодасини топган. Вақфноманинг Ҳажми 30х51 см. Вақфномага 2 та мухр босилган. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича: Ҳижрий 1264 (милодий 1847) йили мулла Охунжон домла Марғилон шаҳри Машҳад даҳасининг Гулабардор маҳалласида мадраса ва масжид қурдирган. Мадрасанинг фаолият юритиши учун Хирман мавзесида жойлашган 3 та ер ҳудуди ва ўзи яшаётган Гулабардор маҳалласидаги 1 та

---

[167] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34707-иш. 85-варақ.

[168] Мадраҳимов З. Марғилон – Қўқон хонлигининг йирик иқтисодий маркази // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2016. – № 1. – Б. 42.

[169] Саид Магомед Худояр-хан Коканский // Туркестанский сборник. Том 89. Туркестанский сборник. Том 26. С.332-334.

[170] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34707-иш. 19-варақ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дўконни вақф қилган. Вақфномада вақф даромадини қуйидагича бўлиш шарти белгиланган эди: даставвал мадраса ва масжид биноларини таъмирлашга ишлатиш, қолган маблағнинг 1/10 қисми мутаваллига ажратилади, кейин қолган маблағ 4 қисмга бўлиб, 1 қисмини мударрисга, 2 қисмини мадраса муллаларига тенг тақсимлаш, 1 қисмини 4 қисмга бўлиб, 3 қисмини масжид имомига ва 1 қисмини муаззинга бериш мўлжалланган. Вақфномада мадраса мутаваллиси қилиб вақф васият қилувчининг ўғли мулла Ҳасанжон тайин қилинган.[171]

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар тўпламида Мавлоно Мир Абдураҳим Марғиноний номи билан боғлиқ бир қанча ҳужжатлар мавжуд. 1894 йили Фарғона Генерал губернатори номига Сармозор мутаваллийси томонидан ёзилган арзнома ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди: "Ушбу тариқа илан мен фуқаролар жанобларига аризамни маълум қиламанким, мазкур ҳукмда халифа Абдураҳимхожа эшоннинг масжидларини вақфлари бор эрди. Мазкур масжидни вақуфнома ва иноятнома хатларини ўбластнуй махкама йўқлов қилган вақтида махкамаға тобшургон эрдим. Эмдиликда мазкур вақфнома ва иноятнома юзасидан кўфия хат олмоқ даркор бўлғони сабабли жанобға илтимос қиламанким, ижозатнома берсалар. Вақфнома ва иноятнома юзасидан кўфия хат олуб, яна ўзлариға тобшурсам деб, ариза ёзуб мазкур мутаваллий мулло Муҳаммад Али Мулло Охунд Бобо ўғли қўлум қўйдим 1894 йилда 2 нчи феврал".[172]

Ушбу арзномадан маълум бўладики, Абдураҳимхожа эшоннинг масжидига Қўқон хонлари замонида бир қанча иноятномалар ва вақфномалар берилган. [173] Бу эса XIX асрда халифа Мир Абдураҳимхожа авлодларига берилган вақф

---

[171] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34707-иш. 129-варақ.

[172] ЎзР МДА, И-19-ф.Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 33377-иш. 2-варақ.

[173] Абдулаҳатов Н. Мавлоно Мир Абдураҳим Марғиноний // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2017. – № 3. – Б.23-25



www.ziyouz.com kutubxonasi

ерлари Фарғона водийсидаги энг катта вақфлардан ҳисобланганлигини кўрсатади(16-илова).

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Марғилон шаҳридаги деярли барча мадрасалар, моддий жиҳатдан яхши таъминланган(17-илова).

1908 йилға тегишли Тошмозор даҳасидаги налўк пули тўлайдургон мулкларни ёзилган ахбор мусовадаси" номли рўйхат китобида келтирилган маълумотларга кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ҳаёт кечирган уламоларнинг катта қисми тасарруфидаги мол-мулкларидан катта қисмларини Марғилондаги мавжуд масжид, мадраса, қорихона, хонақоҳ ва зиёратгоҳларга ҳаётлик чоғларидаёқ вақф қилиб берганлар.[174] Бу эса Марғилондаги диний-маърифий муҳитни барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шу сабабдан ҳам Марғилон вақфномалари XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларига тегишли ҳужжатларга оид ёзма ёдгорликларнинг жуда кўп тарқалган ва қизиқарли кўринишларидан биридир.[175] У ҳужжатларни ёзма ёдгорликларнинг алоҳида тури сифатида ўрганувчи махсус тарихий фан бўлиши дипломатиканинг ўзига хос ёдгорлиги сифатида катта аҳамият касб этади. Бу ҳужжатларнинг батафсил палеографик тадқиқи ўз даври ижтимоий ҳаётнинг кўпгина жиҳатларини билиб олишга имкон беради.[176]

Умуман олганда мазмун жиҳатдан ушбу вақфномалар нафақат Марғилон уламоларининг диний меросини балки, Туркистон халқларининг ҳаёт тарзини у ёки бу даражада акс эттирувчи фавқулода қиммат касб этибгина қолмай, жамиятнинг диний-маърифий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида жуда аниқ тасаввур ҳосил қилади.

---

[174] 1909 йилға тегишли Тошмозор даҳасидаги налўк тўлайдургон мулкларни ёзилган ахбор мусовадаси. ЎзРМДА.Фонд И-236. Р № 1. йиғма жилд..505. В. 2-118.

[175] Жўраева Ғ. Вақф нима? // "Шарқшунослик", - Т.: "Фан", 1991. № 2. - Б.41.

[176] Абдулаҳатов Н. Марғилон ёрлиқлари ва вақфлари муҳим манба сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2020. – № 2. – Б.58-60.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўқон хонлари даврида ҳазрат Шоҳ Мансур қабри устида маҳобатли мақбара ва масжид бунёд этилган. Вақфлар ажратилган. Ушбу мақбаранинг тасвири 1938 йилда меъмор В. Воронина томонидан қоғозга туширилган. Унга кўра зиёратгоҳ XIX асрда гумбазли қилиб барпо қилинган ва уни қурилишида Фарғона миллий меъморчилигига хос услуб ва анъаналардан фойдаланилган. Афсуски, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларининг охирида Шоҳ Мансур зиёратгоҳи Марғилондаги бошқа зиёратгоҳлар сингари вайрон этилган. Натижада зиёратгоҳ Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар вайрона ҳолида қолиб кетган[177].

Шоҳ Мансур мозори қадимдан машҳур бўлганлиги боис ҳазрат Шоҳ Мансурнинг авлоддари ҳам ўз васиятларида айнан мазкур зиёратгоҳ ёнига дафн этишларини васият қилганлар. Шайх Носуриддиннинг Косонда вафот этиб, Марғилонда дафн этилишининг сабаби ҳам шундадир.

Изланишларимиз давомида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида ҳазрат Шоҳ Мансур масжиди ва зиёратгоҳига доир вақфномаларни кўздан кечиришга муяссар бўлдик. Қуйида мазкур вақфномаларга доир маълумотларни ҳавола этамиз.

## ШОҲ МАНСУР ҚАБРИСТОНИ ВАҚФНОМАСИ

Шоҳ Мансур вақфномасининг ҳажми 31x40 см. см. Вақфнома Қўқон қоғозига форс тилида ёзилган. Иккита муҳр мавжуд. Вақфноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

*“Пок кўнгилли кишиларга маълум бўлсинки, Тарих 1287 йилнинг шаввол ойи (милодий 1870 йил декабр)да Мулла Абдусайид Раҳматуллоҳ халифа ўғли тасарруфидаги тўрт адад дўконини Шоҳ Мансур маҳалласида қабристонда жойлашган масжид учун холисона Аллоҳнинг йўлида вақф этганлигини иқрор эътироф ва мўътабар шаърий саҳиҳ қилди.*

[177] Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: “Фарғона”, 2006. 94-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Марғилон вилоятининг Шоҳ Мансур маҳалласи марказида жойлашган айвонли масжид ҳудуди. Ғарбдан батамом омма йўлига туташган. Шарқ томондан берк кўчага туташган. Жануб томондан Шоҳ Мансур қабристонига туташган.*

*Вақф қилгувчи вақфнинг мутаваллиси тириклигида ўзи бўлиши ва кейинчалик бу вазифани унинг авлодлари давом эттириши кераклигини шарт қилди. Вақфнома шартига кўра, вақф даромади аввало масжиднинг ёритиш ва таъмири учун, қолган қисми қабристон учун сарфланиши лозим.*

*Вақфномага муҳр босганлар:*

*Қози калон Аҳмадбобо ибн Муҳаммад Ашур ал-мутаваккил аъло абу Муҳибуллоҳ ал-қадим".* Муҳр икки марта урилган.

*Мазкур вақфнома тузилган вақтда гувоҳ бўлганлар: Мулла Ҳайдар қори ва Мулла Абдурасул ва Маҳмудхўжа ва бошқа муслимлар.*[178]

## *"Иқрорномэ*

*Тарих 1292 йил рабиул-аввал ойи(милодий 1875 йил апрел)да Ойимнисо биби Мир Абдусайид қизи ва унинг эри Тошмуҳаммад Абдураҳмон ўғли дорул қуззотга ҳозир бўлиб, дарҳақиқат отаси Мулла Абдусайид Раҳматуллоҳ халифа ўғли ўз тасарруфидаги мулкларини Шоҳ Мансур масжидига вақф қилганликларини тасдиқ этдилар".*

[178] ЎзМДА И-19, №1-рўйхат, Иш-34724.В. 6



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАЙХ НОСУРИДДИН ҚАДДАСАЛЛОҲУ СИРРАҲУ

Изланишлар шуни кўрсатдики, Ҳазрати Шоҳ Мансур авлоддаридан бири Шайх Носуриддин қаддасаллоҳу сирраҳу (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин) узоқ йиллар Косонда (ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманида) тариқат пири сифатида фаолият кўрсатган ва умрининг охирида, яъни XIX асрнинг бошларида Марғилоннинг Шоҳ Мансур қабристонига дафн этилган. Ҳозирда Носуриддин Марғиноний барпо этган чиллахона Юсуфхон эшон зиёратгоҳи номи билан Косонсой туманининг Сойча маҳалласида сақланиб қолган.

Излаган топади деганларидек, изланишлар давомида Шайх Носуриддин номи билан боғлиқ бир қатор қўлёзмалар мавжудлиги аниқланди:

1. Наманган вилояти Косонсой туманида истиқомат қилувчи Маҳмудхон Худойбердиев хонадонида сақланаётган Шайх Носуриддинниг 151 варақдан иборат Силсилаи нисбати машойих – Тазкират-ул-машойих" асари.

2."Силсилаи нисбати машойих – Тазкират-ул-машойих" ("Машойихларнинг насаб силсиласи – Машойихлар ёдномаси" асари) Ўз.ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №11290/1 рақам остида сақланади. Қўлёзма настаълиқ хатда ёзилган бўлиб 47 варақдан иборат. Мазкур асарда Амир Саййид Шайх Аҳмад Носуриддин ал-Марғиноний нақшбандийя тариқати машойихларининг ҳар бири тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилган[179].

3. 2021 йилда Наманган вилояти Чуст шаҳри Камарсада кўчасида истиқомат қилувчи Ҳафизахон Мукаррамхон қизининг хонадонидан 45 дона қўлёзмалар топилган. Ушбу китоблар XIX асрда яшаб ўтган чустлик машҳур мужаддия

---

[179] Нашқбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. Муаллифлар: Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. – Т.: "Мовароуннаҳр", 1993. 96-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

оқимининг вакили Мирсаййид - Отчопар эшон авлодларига мансуб бўлиб ўтган ўтган асрнинг 30 –йилларида авлодларидан Мир Аҳмадхон  ва Маъсумхон томонидан девор орасига яшириб кетилган. 2021 йилнинг августида ўша беркитилган девор орасидан олинган. Ушбу китобларни яширинган жойини  шу вақтгача шу хонадон вакилларидан Жўрахон Аббосов ва  Умархон Мираҳмедов билганлар. Бироқ ушбу оилавий сир узоқ вақтга қадар бошқаларга маълум қилинмаган.  2021 йилда Жўрахон Аббосов ва  Умархон Мираҳмедов, Абдуллахон Мирсайидовлар биргаликда китобларни девор орасидан олдилар.

Ушбу китоблар орасида Носуриддин Марғиноний тегишли қўлёзма ҳам мавжуд.  Мазкур қўлёзма тасаввуф тариқатидаги зикрлар тўғрисида.  Форс тилида кўчирилган. Қўлёзманинг нахзац қисмини биринчи бетида  Алишер Навоийнинг ғазали келтирилган ва "Китоб Мулла Мир Алихон тўра" деб ёзилган.  Қўлёзма форс тилида кўчирилган. Ҳажими 15х26см. 265 бет.

Ушбу қўлёзмани Носуриддин Марғиноний Отчопар эшоннинг отаси Мулла Қурбон Боқийга берган бўлса керак. Мажзуб Намангонийнинг  "Тазкират ул-авлиё  асарида келтирган маълумотга кўра Носуриддин Марғиноний Мулла Қурбон Боқийнинг пири бўлган: "Мулло Қурбон Боқий кегин шайх Носирга мурид бўлди. Бир улки пирлари халифа Хон Муҳаммад тирик эрди. Ул киши сўрадики, "Нимага шайх Носирга мурид бўлдунг", деб. Бу киши айдики, "Халифа Носир истилоҳот суфияни яхши билади". Ўзунгиз айтган эдингиз: "Қайси шайх ислоҳот суфияни яхши билса, ўшал ерга борғил"деб шул сабабдан бориб мурид бўлдум. Эшон Ислом шайх Ҳиротий бир Маснавий шарифни Ҳиротдан йибордилар ва айдиларким, "Мени сулуким маснавийхонликдур. У ҳам мени сулукимга кирсун" дедилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгра маснавийхон таъйин қилдилар. Мулло Қурбон Боқий Чустда катта тутни тагида"[180].

Ҳазрат Қурбон Боқийнинг халқ орасида "Эшон Шерсувор" номи билан машҳур бўлиши тўғрисида турли ривоятлар сақланиб қолган. Айтишларича, ҳазрат Сўфи Қурбон Боқий Афғонистоннинг Қундуз вилоятида шерга миниб устозларининг даъвати билан Чустга келиб ўрнашган экан. Яна бир ривоятга кўра унинг Чустдаги хонақоҳига ҳатто шерлар зиёрат қилгани келар эканлар.

4. 2025 йилда Эврим Бинбаш ва Девин ДеВис томонидан ёзилган "XVIII аср Марказий Осиё бўйича "йўқолган" манба қайта кашф этилди: Саййид Носир ад-Дин ал-Марғиноний асарларининг Истанбул қўлёзмаси" номли мақола чоп этилди. Ушбу мақолада муаллифлар Носуриддин Марғинонийнинг Истамбул кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси тўғрисида маълумотлар баён этилган. Ушбу тадқиқотда Истанбулда топилган форсча қўлёзма ҳақида маълумот берилади. У XVIII аср охири ёки XIX аср бошларига оид бўлиб, Фарғона водийсидан чиққан Саййид Аҳмад Носир ад-Дин Марғиноний томонидан ёзилган, асосан Ясавий суфий анъанасига оид тарихий, насабий ва маросимий маълумотларни ўз ичига олган бир неча нодир асарларни сақлаб қолган.

Мазкур қўлёзмани қарийб юз йил аввал Заки Валидий Тўғон илк бор илмий жамоатчиликка таништирган ва унга "**Тарихи машойихи турк**" (Турк машойихлари тарихи) деган шартли ном берган. У қўлёзманинг мазмуни ҳақида қисқача маълумот берган бўлиб, бу асарнинг Россия ва Совет даврларидан олдинги Ясавийлар тарихи учун муҳим манба эканини кўрсатган. Бироқ кейинчалик Тўған қўлёзма

[180] Мажзуб Намангоний. Тазкират ул-авлиё. Наманган, 2000. 113 -114-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқолганини маълум қилган ва шу вақтдан бери у на ўрганилган, на аниқланган.

Тадқиқотда қўлёзманинг йўқолиши ва қайта топилиши тарихи баён қилинади, у ҳозир **Истанбул университети кутубхонасида F745 рақами билан рўйхатга олингани** маълум қилинади. Шунингдек, унинг нега узоқ вақт давомида "йўқолган" ҳолда қолиб кетгани ҳақида изоҳ берилади ҳамда мазмуни таҳлил қилиниб, Марказий Осиёнинг ижтимоий ва маданий тарихи учун жуда қимматли, ҳали тўлиқ ўрганилмаган манба экани тасдиқланади.[181]

Ушбу келтирилган маълумотлардан кўринадики, ҳозирги кунга қадар Носуриддин Марғинонийнинг тўрта қўлёзмаси фанга маълум бўлиб қолмоқда. Бироқ бу қўлёзмалар деярли тадқиқ этилмаган.

Шу ўринда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марғилон шаҳрининг Гумбаз маҳалласида истиқомат қилган Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа Марғилонийнинг شجره نامه - "Шажаранома" асарига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида шажара ва насабномалар тарзида битилган асарлар Фарғона водийси тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ қилишда муҳим ўрин тутса-да, афсуски ҳозирги кунгача махсус тадқиқ қилинмаган, жумладан, Мирсаййид Муҳаммад Алихўжанинг "Шажаранома" асари ҳам. "Шажаранома" асари ҳақидаги дастлабки маълумотлар" 2007 йили "Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари" номли тўпламида чоп этилди[182]. Кейинчалик бу ҳақда "Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари" [183], "Ошиқ Юсуф

[181] Evrim Binbaş., Devin DeWeese. A 'Missing' Source on Eighteenth-Century Central Asia Rediscovered: the Istanbul Manuscript of the Works of Sayyid Nāṣir al-Dīn al-Marghīnānī. // Journal of the E conomic and Social History of the Orient 68 (20 25) 628–697.

[182] Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Мўминов А., Абдулаҳатов Н., Кавахара Я. Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3. – 232б

[183] Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: Фарғона, 2006. – 304 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

зиёратгоҳи”[184], номли асарларида сўз юритилди. Юридик фанлари доктори Нигора Юсупова томонидан тадбил қилинган “Марғилон саййидлари тарихидан” номли китобда ушбу шажара матни баён этилди. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Марғилон шаҳри Йўрмадўз маҳалласидаги “Шоҳ Мансур” ва “Шоҳ Носир” зиёратгоҳи ҳақида маълумот берувчи шажаранома қўлёзма мажмуа бўлиб, тўртта асардан ташкил топган. Биринчи асарнинг номи: “Ажойиб ал-қисас”. Асарда Айюб (а.с.) ҳаёти тафсир манбалари асосида ёритиб берилган. Асар икки фаслга бўлинган. Биринчи фаслда Айюб (а.с.)нинг дардга мубтало бўлиши, иккинчи фаслда эса мазкур дард ва машаққатдан халос бўлиши баён қилинган.

Иккинчи асарнинг номи: “Қиссаи ранж ва ибтилойи Ҳазрат Айюб (а.с.)”. Асарда Айюб (а.с.) ҳаёти тафсир манбалари асосида ёритиб берилган, Учинчи асарнинг номи: “Аҳли байтга эҳтиром ва Расулуллоҳ (с.а.в.) насаблари”. Тўртинчи асарнинг номи: “Шажаранома”. Асарда шажара Саййид Бўлғахўжа эшон ибн Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Носируддин ал-Марғинонийдан бошланган бўлиб, унда Расулуллоҳ (с.а.в.), тўрт улуғ саҳоба, Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)ларнинг насаб ва авлодлари, шунингдек, Одам (а.с.) дан Расулуллоҳ (с.а.в.)гача ва Расулуллоҳ (с.а.в.)дан Мирсаййид Муҳаммад Алихўжагача бўлган шажара баён қилинган. Мажмуанинг ҳар бир асари “Басмала” (“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” жумласи) билан бошланган. Умумий ҳажми: 1710x27см.

Биринчи қўлёзма**.**

1. Асар номи: عجائب القصص -“Ажойиб ал-қисас”. 2. Муаллифи: Ҳазрат Шайх ал-Қавий Абдулвоҳид ибн Муҳаммад Муфтий. 3. Тавсифи: Асарда Айюб (а.с.) ҳаёти тафсир манбалари асосида ёритиб берилган. Асар икки фаслга бўлинган. Биринчи фаслда Айюб (а.с.)нинг дардга

[184] Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: ADABIYOT UCHQUNLARI, 2016. – 60 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мубтало бўлиши, иккинчи фаслда эса мазкур дард ва машаққатдан халос бўлиши баён қилинган. 4. Тили: форсий, настаълиқ хатида. Иккинчи қўлёзма.

1. Асар номи: قصه رنج وابتدایی حضرت أیوب -"Қиссаи ранж ва ибтилойи Ҳазрат Айюб". 2. Муаллифи: Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа. 3. Тавсифи: Асарда Айюб (а.с.) ҳаёти тафсир манбалари асосида ёритиб берилган. 4. Тили: форсий, настаълиқ хатида.

Учинчи қўлёзма.

1. Асар номи: أهل بیتگه إحترام و رسول الله نسبلری - "Аҳли байтга эҳтиром ва Расулуллоҳ (с.а.в.) насаблари". 2. Муаллифи: Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа. 3. Тавсифи: Асарда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг авлодларига ҳурмат келтириш, Али (р.а.) авлодлари ва уларнинг фазилатлари, Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)лар билан содир бўлган ҳодисалар ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.)дан Одам (а.с.)гача бўлган шажара баён қилинган. Шунингдек, рисолада тўрт улуғ саҳоба – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а.)ларнинг насаблари ва авлодлари ҳамда Ҳазрат Муҳаммад ибн Ҳанафия (а.р.)нинг насаб ва авлодлари баён қилинган. 4. Тили: форсий-туркий, настаълиқ хатида.

Тўртинчи қўлёзма.

1. Асар номи: شجره نامه -"Шажаранома". 2. Муаллифи: Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа. 3. Тавсифи: Асар учинчи қўлёзманинг давоми бўлиб, унда шажара Саййид Бўлғахўжа Эшон ибн Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Носируддин ал-Марғинонийдан бошланган бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в.), унда тўрт улуғ саҳоба, Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.) ларнинг насаб ва авлодлари, шунингдек, Одам (а.с.)дан Расулуллоҳ (с.а.в.)гача ва Расулуллоҳ (с.а.в.)дан Мирсаййид Маҳмудхўжагача бўлган шажара баён қилинган. 4. Тили: форсий-туркий, настаълиқ хатида.

Муҳр. Барча қўлёзмаларда думалоқ шаклда бир нечта муҳрлар изи мавжуд. Муҳрлар ичида "Мулла Абдулмўмин муфтий ибн Раҳмонқули", "Мулла Абдулазиз қози ибн



www.ziyouz.com kutubxonasi

Домла Имонқул", "Таваккалту алаллоҳ (Аллоҳга таваккул қилдим). Мулла Муҳаммад Назар ибн Алам Ашур Муҳаммад", "Саййид Комил қози ибн Саййид Осим қози хўжа ...", "Ҳувал аълам би асрор ал-масоил (Аллоҳ масалаларнинг сир-асрорини билгувчироқдир)", "МуллаУмар муфтий ибн Мулла Бобошоҳ" каби сўзлар ёзилган. Йили. Қўлёзмалар 1355-ҳижрий муҳаррам/1936 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида кўчирилган.

Мазкур қўлёзма марғилонлик уламо ва саййидзода Мирсаййид Муҳаммад Алихўжанинг насаби ва шажараси, Марғилон шаҳридаги саййидларнинг маълум бир табақаси ҳақида кенгроқ маълумот олишга ёрдам беради"[185].

Мирсаййид Муҳаммад Алихўжанинг "Шажаранома" асарининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда нафақат Марғилондаги саййидлар хонадони тарихини ёритишда, балки Фарғона водийсида ўрта асрларда кечган тарихий жараёнларнинг минтақага хос бўлган жиҳатларини, жумладан Шоҳ Мансур (VIII аср), Шайх Зуннун (XI аср), Ҳазрати Сурёний (XII аср), Носирруддин Марғиноний, Ошиқ Юсуф (XIX аср) зиёратгоҳларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади[186]. "Шажаранома" асарини ўрганиш давомида Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқийнинг نسبنامه مولانا سیف الدین اورنگ قويلاقي - "Насабномайи Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий" номли қўлёзмаси, Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа аждоди, яъни Мансур зиёратгоҳига доир вақфлар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармасининг архиви материаллари, Шайх Носуриддин Косоний ал Марғинонийнинг سلسله نسبت مشائخ تذكرة المشائخ -"Силсилаи нисбати машойих – Тазкират-ул-

[185] Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Т., Ислом университети, 2018 8-9, 78-80 бетлар.

[186] Абдулаҳатов Н. Тошқулов А., Қодиров В. Файзиобод файзлари. – Т.: Kitobdornashr, 2019. – Б.30.



www.ziyouz.com kutubxonasi

машойих" ("Машойихларнинг насаб силсиласи – Машойихлар ёдномаси" асари, Косонсой туманида сақланаётган Шайх Носуриддин Косоний ал Марғиноний насабномаси, Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ва унинг авлодларига номига берилган турли мазмундаги ҳужжатлар тўплами, Қўқон хонлиги даврида ёзилган тарихий асарлар, Мирсаййид Муҳаммад Алихўжанинг бобоси Саййид Ошиқ Юсуф Косоний номи билан боғлиқ ҳужжатлар тўплами тадқиқ этилди. Ушбу қўлёзмаларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот мавзуси бўлганлиги боис мазкур тадқиқот ишида Мирсаййид Муҳаммад Алихўжанинг شجره نامه - "Шажаранома" асарини ёритишга қаратилди. Чоп этилган нашрлар ушбу манбани, яъни "Шажаранома"ни илмий-тарихий маълумотлар ва бошқа манбалар билан солиштириб, янада чуқурроқ тадкиқ қилиш кераклигини тақозо этади.

شجره نامه -"Шажаранома"ни ёзишда Мирсаййид Муҳаммад Марғилоний бобокалони Шайх Носуриддин Марғинонийнинг насабнома асаридан фойдаланган. Шажаронамадаги қуйидаги жумлалар айнан Шайх Носуриддинга тегишлидир: "Саййид Урватуллоҳ ва Саййид Ҳизбуллоҳ ўғлимнинг онаси Исмоил Отойи бўлурлар. Саййид Ошиқ Юсуф ўғлимнинг онаси Ҳазрат Султон Боязид Бистомийнинг авлодларидандурлар, Саййид Ғаюр ўғлимизнинг ота тарафидан бўлурлар"[187].

Ўтмишда Фарғона водийсида ҳам барча даврларда бўлгани каби турли табақадаги авлиёлар ҳам яшашган. "Сўфий", "девона", "дарвеш", "хароботий", "қаландар", "мажзуб" каби номлар остидаги бу каби кишилар ҳар қадамда учраган. Халқ орасида уларнинг "қилиқлари"ни тушунган ва тушунмаган кишилар ҳам бўлган. Аммо тушунганлар тушунмаганлардан кўп бўлган.

---

[187] Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Т., Ислом университети, 2018. 138-139-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозиргача уларнинг кароматлари, ибратомуз ишларига доир турли хил ривоятлар сақланиб қолган. Аслини олганда халқимиз азалдан “Тангри ардоғидаги” шундай кишиларга айрича эҳтиромда бўлишган. Уларнинг назарини топиш, дуосини олиш ва қалбига йўл топишга ҳавасманд бўлишган. Ўз ўрнида уларнинг назаридан қолиш, қарғишига учрашни оғир фалокат ва хору зорликларга сабаб деб, билишган. Қаландархўжа Косоний ҳам шулар жумласидан бўлган. Бу зот ҳақида сўз юритишимизнинг сабаби шундаки, у Шайх Носуриддиннинг куёви ва муриди бўлган. Ул зот тўғрисида “Мажмуаи шоирон” тазкираси муаллифи Фазлий Намангоний “Дар фазли Қаландархўжа Косоний” (“Қаландархўжа Косоний фазилати ҳақида”) сарлавҳали маснавийсида қуйидаги таърифларни келтиради:

***“Дар фазли Қаландархўжа***

*Ба Косон яке хожаи муҳтарам,*
*Буд фахри содоти олий алам.*
*Ки у хожаи нек ахтар буд,*
*Мусаммам ба Хожаи Қаландар буд.*
*З-саҳбои вористаги журъакаш*
*Қаландар мизожату девонаваш.*
*Ки у садри содоти Косон буд,*
*На тожи бузургони аён буд.*
*Ба илму адаб афзали хожагон,*
*Ба нури хирад фозили нуктадон.*
*Аз он хожаги кард фақр ихтиёр,*
*З-тарки ҳавоу ҳавас растагор.*
*Ҳам буд бар шайхи Носир мурид,*
*З -анувор ботин шуда мўйсафед.*
*Ба ойини фақир аз ҳаво дур буд,*
*Ки домоди он шайхи мазкур буд.*
*Чун бигузашт он шайхи дин аз жаҳон,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Пир афшонад домон аз ин хокдон.*
*Буд маскани у риёзи жинон,*
*Ки қутби жаҳон буд шайхи замон.*
*Ба таърихи соли вафоти азиз,*
*Шуд: аз килк гавҳар фишон нукта рез".*

Мазмуни: *Косонда бир муҳтарам Хожа бор эди. У фахри содоти олий алам эди. У бахт юлдузли хожа бўлиб, исми Абу Хожаи Қаландар эди. Ҳақиқат майини ичган мижози қаландар девонага ўхшаш. У Косон саййидларининг пешвоси бўлиб, улуғлик тожи пинҳон эди. Илму адабда хожагонларнинг энг фозили, аҳли нурини сочиб нозик табъ олим эди. Шунинг учун хожаликдан кўра фақрни танлади. Ҳою ҳавасни ташлади. Носир шайх ҳузурида мурид бор эди. Кўнгли нуридан юзи ёруғ эди. бўлди. У ўша шайхнинг куёви бўлиб, фақр йўлини танлаган, шу боис кибру ҳаводан йироқ эди. Ўша шайх ўтди оламдан, хокдондан этак силкиди. У жаннат боғида жойлашди. Замон шайхи жаҳон қутби эди. У азизнинг вафот этган йилининг таърихи "Қалам гавҳардек нозик маъноларни сочди".*

Ушбу маълумотлардан кўринадики, Қаландархўжа Косон саййидларнинг фахри, илму адабда ўша даврларда хожагонларнинг энг фозил кишиси бўлган. У ўз даврида Шайх Носир вафотига бағишлаб марсия ҳам ёзган.

***"Марсия***

*Шайхул кибор кудваи авлоди Мустафо*
*Рахти сафар кашид сўйи жаннат-ул хулуд.*
*Дар тангнои олами имкон ба жидду жаҳд,*
*Иршоди роҳи толиби саргашта менамуд.*
*Анвоиъ илмро шуда мустажамъи камол,*
*Ҳам мутасифа ба ҳлм ҳаё сахоу жуд.*
*Султони тахти маърифат Аллоҳ буд, лек.*
*Андар мақоми фақр ба худ ва фахри намуд.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Рўзона дарси панди ҳидоят шиор дошт,*
*Шабҳо қиём вақт саҳар буд дар сужуд.*
*Соҳиби дили ки дида аён бе таомиле,*
*Тимсоли ҳар чи ҳаст дар ойинаи шуҳуд.*
*Дар даҳр кист санги маломат ба ў назад,*
*Фарде нашуд, ки дасти таидди бар ў нашуд.*
*Бо ин ҳама адоват арбоби ҳасан ва кин,*
*Як дам з-шўри жазбаи ҳолат наме намуд.*
*Аз баски дошт ҳиммати олий ба ибтидо,*
*Бо мухлисон ниқоби зуҳуроти ҳақ кашуд.*
*Шаҳбози дасти қудрати жазби таважжуҳаш,*
*Дилҳои мўъминони худо сайд менамуд.*
*Халқ, накуш бўйи хуш афканда дар жаҳон,*
*Дар равзаи мунаввари ў атр мефузуд.*
*Дар илтизоми зикри Худо иштиғоли дошт,*
*То буд дар жаҳон ба ҳамин иштиғол буд.*
*Ҳар хирад ба соли соли азиз гуфт,*
*Қутби машойих ул-уло буд, рафт зуд".*

Мазмуни:
Мустафо авлоди бўлмиш буюк шайх
Жаннати хулд томонга сафар кўчини боғлади.
Олам торлигидан астойдил жаҳд этиб, имкон топиб,
Талаб йўлида унингдек йўл бошловчи йўқ эди.
Турли илмларни ўзида жамлаб камолга етган,
Мулойим феъл, ҳаё, саховатда ягона эди.
Аллоҳ маърифати тахтининг султони эдию,
Фақирлик мақомида бўлиб, ғурурланмас эди.
Кундузким ҳидоят панд насиҳати кўрсатиш эди одати,
Кечалари тонг отгунча саждада эди.
Кўнгул кўзгусида ҳамма нарса эди аён,
Ҳақ қудратидан ҳар нарса унга бўлди намоён.
Дунёда қолмасада унга маломат тошин отмаган,
Бир дам бўлса-да, жазб ҳолатига таъсир этолмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Баским, аввалдан олий ҳиммати билан бўлиб машҳур
Мухлислар қалбини Ҳақ зуҳуроти пардаси билан ўради.
Қудрати қўлининг лочини, юзининг  жозибаси,
Худога ишонганларнинг кўнгилларини овлар эди,
Халқким унинг ёруғ боғидаги атр ҳидидан маст  бўлди.
Доимо Ҳақ зикри билан  машғул эди,
Дунёга келибдики, иши шу эди.
Ул азиз вафот этган йилни ақл деди,
Шайху  олимларнинг қутби тез кетди.

Қўлимизда сақланаётган қўлёзмалардан бирининг охирги варақларида Шайх Носуриддин тўғрисида унинг шогирди Хўжа Ҳомид Андижоний  қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирган:

*Қудратидин вужудларим қилди пайдо,*
*Ушбу сўзлар мендин сизга нишон бўлсун.*
*Ота-онам вужудумға бўлди сабаб,*
*Одам ичрайи менга насли насаб,*
*Аллоҳ ўзи олим қилиб берди ҳабиб,*
*Олим бўлунг арзи ҳолим баён бўлсун.*
*Йигирма беш ёшимда кўрдум раҳнамони,*
*Яъни шайх Носуриддин Марғинонний.*
*Мурид бўлдум иродатлиқ бўлуб тоҳир,*
*Ҳақ васлини толим йўли осон бўлсун.*
*Ул Имом Муҳаммад Ҳанафийа,*
*Насли эрурман булар алавия.*
*Жаҳрия, хуфия, кубравия, ишқияни мақомоти жаноб бўлсун.*
*Тўрт силсила арконини ўргаттилар,*
*Латойифлар мақомини кўрсатилар,*
*Ойдек юзин охирида беркиттилар,*
*Жаннат жойи ул ҳазратқа аён бўлсун.*
*Муборак отларидур Шайх Носир,*
*Дин ойин нусрат тобқон ботин зоҳир.*
*Ҳақ ёдида бўлуб юрган доим зокир,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Нури иймон бирлан охир ўлгон бўлсун.*
*Тариқат саҳросида тийрон бўлдум,*
*Ҳақиқат ҳавосида сарсон бўлдум.*
*Маърифатни майдонида жавлон бўлдум.*
*Лутф айлабон Ҳақнинг ёди жонон бўлсун,*
*Биҳамдуллоҳ васли учун гадо бўлдум.*
*Ишқ дардидин меҳнат тортиб адо бўлдум.*
*Мададкорим ушбу йўлда Субҳон бўлсун.*
*Хўжа Ҳомид Андижоний эди ҳолин,*
*Ҳақ йўлида нола қилду қийл қолин,*
*Барбод бериб жону дилин мулки молин,*
*Тажрид бўлмай ҳақ васфи қаён бўлсун.*

Эътибор берган бўлсангиз, Хўжа Ҳомид устозига берган таърифида ул зотнинг тариқатдаги мақоми ва аждодларининг насаби ҳақида муҳим маълумотларни баён этар экан, Шайх Носуриддин тўрт силсила арконини ўргатганлигини таъкидлайди. Агар биз тарихга назар ташласак, ўша даврда Фарғона водийсида "Маъно дуррининг кони – ошиқ элининг жони" дея таърифланган, Эшон Мажзуб номи билан машҳур бўлган тариқат шайхи Абдулазиз Ҳасанхожа ўғли ҳам тўрт сулукка мураххас рухсат берувчи муршидлардан бўлган. Демак, Шайх Носуриддин ҳам ўз даврида худди Мажзуб ҳазратлари сингари муршидлардан ҳисобланган. Бинобарин, ўтмишда тариқатга кирган соликларнинг айримларига бир вақтнинг ўзида бир неча тариқатларнинг пирлари раҳнамолик қилганлар. Жумладан, Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг келтирган маълумотларига қараганда, XVII асрда яшаб ўтган, Ҳиндистонда Мужаддидия оқимининг асосчиси шайх Аҳмад Сарҳиндий Нақшбандия тариқатида шайх Абдулбоқий Деҳлавийга, Қодирия тариқатида шайх Искандар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кахонталийга, Собирия ва Чиштия тариқатида Махдум Абдулаҳадларга мурид бўлган[188].

Юсуфхон Эшон бўлса, отаси ҳақида сўз юритар экан: *"Аммо насаб ҳасаблари ҳазрат Имом Раббоний Мужаддий Алфи Сонийга борурлар"*, деб ёзади[189]. Шундай экан дастлаб Алфи Соний билан боғлиқ айрим мухтасар маълумотларни баён этсак.

Аҳмад Форуқ Сирҳиндий ан-Нақшбандий Нақшбандия, Қодирия, Суҳравардия ва Чиштия номли тариқатларни бир-бири билан келиштириб ёки уларнинг маълум томонларини олиб, бошқа бир тариқатни, яъни "Алфи Соний тариқатини тузганлиги учун унга нисбатан Шайх Аҳмад Мужаддад Алфи Соний деган ном қўйилган[190]. Кейинчалик Алфи Сонийнинг мовароуннаҳрлик издошлари бу тариқатни юртимизга олиб келиб ривожлантирган эдилар. Бу ҳақда тарихчи Комилхон Каттаев шундай ёзади: *"Даҳбедий хожалар силсиласининг яна бир таниқли намояндаси Ҳазрати Муҳаммад Мўсохонхожа ибн Исохожаи Даҳбедий бўлиб, манбааларда айтилганидек, тасаввуфнинг "қутбул-мутаахирини" (яъни, силсиланннг охирги қутбул-ақтобларидан) бўлган бу зот XVIII асрнинг иккинчи ярмида Нақшбандия силсиласининг раҳбари эди.*

*Ҳазрати Мўсохонхожа тахминан 1708-09 йилларда Даҳбедда туғилади. Унинг отаси Муҳаммад Исохожаи Даҳбедий ибн Муҳаммад Бобохожа ибн Муҳаммад Розиқхожа ибн Абдулмўъминхожа ибн Хожа Ҳошим ибн Муҳаммад Амин (Хожа Калон) ибн Ҳазрати Махдуми Аъзам эди ва давлатда нуфузи жуда баланд эди.*

*Мўсохонхожа ёшлик вақтларида отаси билан Ҳисор шаҳрига яқин Қоратоқ мавзеъсида яшайдиган тоғаси Муҳаммад Ризохожаникига (хожаисоқийлардан) боради. Тоғаси Ризохожа самарқандлик Хожа Авлиёнинг (махдуми аъзамийлардан) ва 120*

---

188 Ғулом Сарвар Лоҳурий. Ҳазинатул асфиё. Лоҳур. I том. 1863. 609-б.

189 Мазкур қўлёзма Косонсой тумани Сойча м.ф.й.да истиқомат қилувчи М. Худойбердиевлар хонадонида сақланади.

190 Мухаммедходжаев А. Идеология Накшбандизма. – Д.: "Дониш", 1991. С.215.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ёшга кирган Султон Ҳофизи Убаҳийнинг халифаларидан эди; у эса ўз вақтида Маҳмуди Исфаронийнинг, у эса Шайх Муҳаммад Саъид Муъаммар Хабашининг халифаси эди; у эса "увайсий" саналиб. бевосита Ҳазрати пайғамбар(с.а.в)га руҳониятли байъат қилган, ҳисобланарди.*

*Шундай қилиб, ёш Мўсохонхожа тоғаси Ризохожанинг ишорати билан "азми Байтулло" зиёратига (яъни ҳажга) бораётиб, Ҳиндистонга (ҳозирги Покистонга) ташриф буюриб, Мирзои Жаҳоинамои исмли бир киши орқали пиру-муршид Муҳаммад Обид Жаҳононбодий билан учрашади ва унга қўл бериб, шогирд тушади... Шайх Муҳаммад Обид ушбу Шайх Аҳмад-Алфи Сонийнинг ўғли бўлган Шайх Абдулаҳаднинг фарзандидир.*

*Шайх Муҳаммад Обид Мўсохонхожаи Даҳбедийни яхши кутиб олади ва бошқа шогирдларига нисбатан упга жуда катта илтифотлар кўрсатади. "Миротус-соликин" ва "Туҳфатул-зоъирин" китобларида ушбу воқеани келтирадилар: бир куни Ҳазрати Мўсохонхожа бомдод намози вақтидан олдин (саҳар вақтида) тушларида Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг руҳониятлари билан учрашади. Шунда Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) тўрт рангдаги чопон (тўн) келтириб айтадилар: "Эй фарзанд! Ушбу чопонларни кийинг ва шундан эътиборан сизга силсилаи аълияни ижозатини бердим". Мўсохонхожа бу тушларини ўз пирлари Шайх Муҳаммад Обидга баён қиладилар. Ул зот бу хабарни эшитиб, дарҳол Мўсохонхонхожага тўрт рангли чопон кийгизиб, айтадилар: "Эй фарзанд! Сизнинг истеъдодингиз баланд парвоз бўлган экан. Энди, шариатга хизмат қилиб, уни йўлини тутинг".*

*1160 (1746) йилда Ҳазрати Шайх Муҳаммад Обид вафот этгач, униг ўрнига Мўсохонхожаи Даҳбедий тариқат раҳбари бўлади. Нақшбадия, Қодирия, Суҳравардия ва Чиштия каби тўрт силсиладан тузилган бу тариқатга раҳбарлик қилган Ҳазрати Мўсохонхожа 12 йил Ҳиндистон ва Покистонда фаолият кўрсатиб, Нақшбандия тариқатини янгидан асл ҳолига*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қайтариб, уни марказини қайтадан Даҳбедга олиб келади. Натижада “Алфи Соний” тариқати тугатилади.*

*Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида бу ҳақда шундай келтирилган: “Самарқанд ва унинг атрофида бўлган бузғунчилик ва вайронагарчилик вақтида Ҳазрати Мўсохон Ҳиндистон мамлакатига кетиб, унда Ҳазрати Миён Муҳаммад Обид соҳибга мурид бўлиб, Ҳазрати Миён аждодларининг “Алфи Соний” тариқатини янгилади ва шариф боболарининг силсиласини давом эттирди”.*

*Ўзларининг “Зубдатул ҳақоиқ” асарида Мўсохонхожаи Даҳбедий Мужаддадия тариқатининг (ўзлари янгилаган тариқатнинг) камолот доирасини тафсилини доиралар чизиб батафсил баён қилиб бергандир.*

*Мўсохонхожа Ҳиндистондан халифа ва ходимлари билан қайтадилар. Ул кишининг тарбиятларини олиб, хизматларини қилган бу кишилар: Халифа Муҳаммад Сиддиқ, Халифа Худоёр, Халифа Маҳмуд, Халифа Абдулқаюм ва Халифа Ҳожи Муҳаммад Юсуф ҳамда мулозимлари Мираж Соҳиб ҳамроҳлигида Даҳбедга келадилар. Шу билан Нақшбандия силсиласининг маркази яна Даҳбедга қайтиб келади. Ҳазрати Мўсохонхожанинг ушбу издошлари иршод ҳуқуқини олиб, халқни тўғри, ҳидоят йўлига бошқарганлар. Ва лекин, Ҳазрати Мўсохонхожанинг машҳур халифалари – Муҳаммад Амин бўлиб, у халқ орасида шайх ул-ислом Абул Баракот – пири дастгири Даҳбеди (Даҳбедлик қўл олувчи пир) номи билан машҳур бўлган. Бу зоти бобаракот Ҳазрати Мўсохонхожага ёш болалик вақтлариданоқ хизмат қилиб кела бошлаган. Асли Самарқанднинг Боғи Баландидан бўлган Муҳаммад Амин ўз пири Ҳазрати Мўсохонхожадан сўнг Нақшбандия силсиласига раҳбарлик қилади. Манбааларнинг далолат беришича, Бухоро подшолари, жумладан, Амир Маъсум (Шоҳмурод) ва Амир Ҳайдар, ўша замоннинг улуғ алломалари – Самарқанд ва Бухоронинг миракон уруғидан бўлган қози калонлари, шайхулисломлари Қози Мир Абулҳай, унинг ўғли аллома Қози Абу Саъид ва невараси Қози Абу Тоҳирхожа*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*(“Самария”нинг муаллифи) кабилар ҳам ушбу зотга мурид бўлишгандир”*[191].

Ушбу маълумотлардан англашиладики, XIX асрда яшаб ўтган Шайх Носуриддиннинг ҳам Туркистоннинг барча гўшаларида муридлари бўлган. Уларнинг камолотга етганларига иршод хати бериб, кенг ҳудудда тўртта сулукнинг жорий бўлмоғига сабабчи бўлганлар.[192]

## Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (р.а.) насаби

Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа Марғилонийнинг شجره نامه -“Шажаранома” асарида Имом Муҳаммад Ҳанафийа насаби ҳақида қуйидагиларни баён этган:

**“**Ушбу насаб Яна шуни баён қилиш лозимки, қуйида Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг насл-насаби ёзилади. Ҳазрат Имом Муҳаммад Ҳанафийа (а.р.)нинг ўғли Ҳазрат Шоҳ Мансурдир. Унинг ўғли Ҳазрат Мусалсил Занжирпо, унинг ўғли Ҳазрат Амир Қаландар Авлиё, унинг ўғли Ҳазрат Амир Кафшдўз Валий, унинг ўғли Ҳазрат Хўжа Амир Валий, унинг ўғли Шоҳ Саййид Амир Валий, унинг ўғли Шоҳ Амир Валий, унинг ўғли Шайх Амир Валий, унинг ўғли Хўжа Шоҳ Шайх Азизон, унинг ўғли Шайх Хўжа Шайх Азизон, унинг ўғли Ҳазрат Амир Саййид Али Содот, унинг ўғли Амир Али Содот. Унинг ўғли Амир Ҳусайн Содот, унинг биринчи ўғли Ҳазрат Амир Ҳусайн Содот, иккинчи ўғли эса Ҳазрат Саййид Аҳмад Шайх, унинг ўғли Амир Ҳусайн Содотис Соний, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Аҳмад Шайх Валий, унинг ўғли Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ мазкур, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Шайх, унинг ўғли Мавлоно Шоҳ

---

[191] Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. – С.: “Суғдиён”, 1994. 59-60-б.

Абдулаҳатов Н. Марғилон олимларининг илмий-маърифий мероси. – Ф.: “Фарғона” нашриёти, 2023. 79-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммадшоҳ, унинг ўғли Ҳазрат Амир Саййид Иброҳим, Ҳазрат Мир Саййид Умар Азизон, унинг ўғли Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддин Марғиноний, унинг ўғли Ҳазрат Саййидул-ошиқийн Амир Саййид Юсуфхўжа Ошиқ Косоний, унинг қизи Хайринисо Ойим, унингўғли Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа, унинг ўғли Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжадир. Валлоҳу таъала аълам!

**Тазкираи халифатур робеъ Али ибн Абу Толиб (р.а.).**

Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.) Биби Ҳанифа ва Ҳазрат Али (р.а.) авлодидан. Ҳазрат Султон Абдулманнон ибн Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.), Ҳазрат Абдурраҳмон Бобки, лақаби Имом Баттол Ғозий ибн Султон Абдулманнон қуддиса сирруҳу, ҳазрат Абдулжалил Боб ибн Ҳазрат Имом Баттол Ғозий Абдурраҳмон Боб ибн Султон Абдулманнон қуддиса сирруҳу, Абдурраҳим Боб ибн Ҳазрат Абдулжалил Боб қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Шоҳ Зуннун Авлиё Қорахон ибн Ҳазрат Абдурраҳим Боб қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Усмонхон ибн Ҳазрат Зуннун Авлиё Қорахон, Ҳазрат Мансурхон ибн Ҳазрат Усмонхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Муҳаммад Жоқавийхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Саййид Қорахон, Ҳазрат Қилич Арслонхон, Ҳазрат Исмоилхон ибн Ҳазрат Саййид Қорахон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Илёсхон ибн Ҳазрат Исмоилхон қуддиса сирруҳу, Жамолиддинхон ибн Ҳазрат Илёсхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Имодуддинхон ибн Жамолиддинхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Санжархон ибн Ҳазрат Имодиддинхон, Ҳазрат Қизил Арслонхон ибн Ҳазрат Султон Санжархон қуддиса сирруҳу, ҳазрат Кўр Арслонхон ибн Ҳазрат Қизил Арслонхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Муҳаммад Аблағ Султон Мозийхон Илик, яъни илк Султон маъносидадур, Илик Мозийхон, "Подшоҳи Малик" лақабли Ҳазрат Қутлуқ Қорахон Бобо ибн Султон Илик Мозийхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мир Валийхон



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сирёоний ибн Ҳазрат Қутлуқ Қорахон Сирёоний қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мир Ҳасанхон ибн Қутлуқ Қорахон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мир Али Бобохон ибн Қутлуқ Қорахон, "Иликхон" лақабли Ҳазрат Мир Маҳмудхон, Ҳазрат Мир хожи ибн Ҳазрат Мир Саййид Аҳмад ибн Ҳазратхўжа Насруллоҳ Боб, Ҳазрат Мир Саййид хожи ибн Мир Саййид Аҳмад қуддиса сирруҳу, Ҳазратхўжа Аминхон ибн Ҳазратхўжа Ниёз Охунд қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Искандар Донгхон ибн Хўжа Аминхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мақсудхон Юнус Донгхон ибн Искандар Донгхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мақсудхон ибн Ҳазрат Юнус Донгхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Фаридунбек ибн Ҳазратхўжа Аминхон қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Муҳаммад Саъидбек ибн Ҳазрат Фаридунбек қуддиса сирруҳу, Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Умарнинг оналари Ҳазрат Анор Биби, Ҳазрат Камолиддин ибн Амир Саййид Абдол ибн Саййидино Мир Боқийбиллоҳил Ориф ибн Мавлоно Шох ибн Ҳазрат Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо. Иншо Аллоҳ бу ҳақда зикр қилинади.

Ҳазрат Камолиддиндан бир ўғил Саййид Жалолиддин, икки қиз Зариф Биби ва Анор Биби қолган. Анор Биби Ҳазрат Мавлоно Саййид Иброҳимдан тўрт ўғил туғдилар: Амир Саййид Шоҳ Мир Амир Саййид Қаландар, Амир Саййид Азиз, Ҳазрат Умар Саййид, Ҳазрат Саййид Жалолиддиндан бир ўғил Мир Абдол ва бир қиз Ҳазрат Султонбиби қоддасаллоҳу асрораҳум.

Иккинчи ўғил Саййид Бўлғахўжа Эшон ибн Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Носируддин Марғиноний баҳасби абааиҳи ва аждодиҳи ва биҳасби олиҳи ва авлодиҳи қоддасаллоҳу асророҳум ва зодаллоҳу бароката силсилати саёдатиҳи ила явмилқиямати (Аллоҳ уларнинг улуғлик занжирини қиёматга қадар зиёда қилсин). Амир Саййид Аҳмад Шайх Носируддин, Ҳазрат Султонбиби ва Лайлатур-



www.ziyouz.com kutubxonasi

Раҳмон Уммул авлод ва ақрабин вал халаф алайҳимол абнон қуддиса сирруҳу.

**Байт:**

Ҳамдики лавҳ мусҳафида битти Зулжалол,
Ул ойна қадим эрур анга йўқтур ҳеч мисол.
Ҳамидики, Арш фарш устида жой айлади,
Таълим эрур илм кўзи нек во айлади.
Адам пардасидин то рутбаи вужуд муваззаҳ бўлур,
Ғайбдин то шуҳуд саридин то само
Ҳар кимки сарбаланд, анинг зикр саноси била аржумандни айтайин
Салот ҳам салом Расулул оламин, мурсал имомики, ул жаддим эрур ҳам руҳи сурур, атир ботиним ҳам худ муаттар
Бу олам мулкида ул шоҳи лавлок,
Ки ул жобак сивор суҳуни афлок.
Қилиб сайрики, парвоз кавнайн,
Анга хос ўлди "қурби қоби қавсайн".
Чиқиб Меърож узра аълоға етти,
Калом ўқитти, "Ав адно" етти.
Халифа бўлдилар ҳар чор сурур,
Абу Бакр, Умар, Усмон, Ҳайдар.
Ки ўттузин ўтиб бўлди хилофат,
Ки андин сўнгра зулматдин аломат.
Алининг ўғли ҳам қилди хилофат,
Ки олти ойни этти ул тамомат.
Ҳусайнға олти ой итмом ўлди,
Ҳусайнға бормайин азлом қилди.
Эшитиб ман эранлардин ҳикоят
Санга бўлсун сўзим амну омонат.
Хиёнат қилмағил бу сўзға зинҳор,
Улуғлардин ўқулғон яхши гуфтор.
Ҳасан тўрт ой хилофатда саломат,
Ҳусайнға берди икки ой хилофат.
Ҳусайн анда хилофат айладилар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки ойни тамомат айладилар.

Яъни тўрт ёрки, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрат Умар ва Ҳазрат Усмон ва Ҳазрат Али ала қадри маротиб (тартиб билан) олти ой кам ўттиз йил халифалик қилдилар. Ва Ҳазрат Имом Ҳасан олти ой халифалик қилдилар ва ўттиз йилни тамом қилдилар. Улуғлардин эшитган бир сўз борки, Ҳазрат Имом Ҳасан тўрт ой комил ё ноқис халифалик қилдилар ва Имом Ҳусайн икки ой комил ё ноқис халифалик қилдилар.

## Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а)

Исмлари Абдуллоҳ, кунялари Абу Бакр, лақаблари Сиддиқ, оталарининг исмлари Усмон ва кунялари Абу Қуҳофа ва баъзи сиярга оид китобларда битибдурларки, овони (вақт, замон, давр) жоҳилиятда Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг отлари Абдулкаъба ва ислом замонларида отлари Абдуллоҳ, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) оналари Уммул хабар Салмо бинт Сахр ибн Омир ибн Каъб Саъд ибн Таййим ибн Мурра ибн Каъб ибн Саъд ибн Луайки ҳазрат Расулуллоҳнинг боболаридин эрурлар. Ҳазрат Абу Бакр (р.а.)нинг оталари ҳам оналари бирлан ҳамнасабдурлар.

Бу тариқадаки, мазкур Абу Қуҳофа Усмон ибн Омир Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг овони жоҳилиятликда икки хотин никоҳларида эди. Аввалги Қатила бинт Абдулазизки, икки ўғил туғдилар. Аввали Абдуллоҳ, иккинчиси ҳазрат Усмонки, лақаблари Султон Жалолиддин Румийки, бул аҳли хонадони олия Сиддиқнинг боболаридурлар.

Бул тариқадаки, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг ўғлонлари ҳазрат Асмо Султон Жалолиддин Румий, уларнинг ўғлонлари Султон Абу Бакр, уларнинг ўғлонлари Султон Муҳаммад Жалиб, уларнинг ўғлонлари Султон Каъб, уларнинг ўғлонлари Султонул Валад Бағдодий, уларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғлонлари Султон Холид, уларнинг ўғлонлари Султон Мавлуд, уларнинг ўғлонлари Султон Абул Ос, уларнинг ўғлонлари Султон Салим, уларнинг ўғлонлари Султон Сафо, уларнинг ўғлонлари Султон Жалолиддин, уларнинг ўғлонлари Султон Адҳам, уларнинг ўғлонлари Иброҳим, уларнинг ўғлонлари Султон Ҳафсаи Муҳаммад ота, уларнинг ўғлонлари Султон Бўбак ота, уларнинг ўғлонлари Султон Оғузхон, уларнинг ўғлонлари Султон Исҳоқхон, уларнинг ўғлонлари Султон Ҳинду ота, уларнинг ўғлонлари Хўжа Сулаймон Султон Пазмон отаки, ин (уй) ичида "Моҳим Шайх" дерлар. Уларнинг ўғлонлари Хўжа Сулаймон Валийки, Султонул-орифин Хўжа Аҳмад Яссавийға учинчи халифа ва ҳам куёв ўғилдурлар. Бу тариқаки, ҳазрат Гавҳархуш Тожи Бибини Хўжа Сулаймон Валийға тазвиж қилдилар (никоҳладилар). Ҳазрат Гавҳархуш Тожи Бибининг батни (қорин)ларидин Ҳазрат Шайх Аҳмадий Қоражуқий вужудга келдилар. Уларнинг ўғлонлари Имод Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳорунхўжа ота, уларнинг ўғлонлари Отабобо Шайх, уларнинг ўғлонлари Олим Шайх, уларнинг ўғлонлари Асадуллоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Мўмин Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳорун Шайх, уларнинг қизлари Ҳазрати Биби Олия бегимки, Амир Ҳусайн Содот Сонийнинг хотунларидурлар. Ҳазрат Биби Олия бегимнинг батн (қорин)ларидин Саййид Аҳмад Шайх Азизлар вужудға келдилар. Уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ Амир Саййидус-сахо, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқийбиллоҳ Ориф, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқийбиллоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Мир Саййидина ва Мавлоно Ҳазрат Амир Саййид Умар. Бул ҳазратдин икки ўғил, аввалги ўғил Ходимул-фақр Амир Саййид Аҳмад Шайх Носируддин Марғиноний, иккинчи ўғил Амир Саййид Қобил зодаллоҳу барокати силсилаи содотиҳим ва розақналлоҳу шафоатаҳум (Аллоҳ уларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

улуғлик силсилаларини зиёда қилиб, шафоатларидан бизларни насибадор қилсин). Ҳазрат Султонул-орифин Хўжа Аҳмад Яссавийнинг оталари Иброҳим Шайх, уларнинг оталари Маҳмуд Шайх, уларнинг оталари Ифтихор Шайх, уларнинг оталари Ҳасан Шайх, уларнинг оталари Усмон Шайх, уларнинг оталари Исмоил Шайх, уларнинг оталари Мусо Шайх, уларнинг оталари Мўмин Шайх, уларнинг оталари Ҳорун Шайх, уларнинг оталари Исҳоқ Боб, уларнинг оталари Абдурраҳмон Боб, уларнинг оталари Абдулфаттоҳ Боб, уларнинг оталари Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа, уларнинг оталари Ҳазрат Шоҳ Али Мардон, розақоналлоҳу шафоатаҳум (Аллоҳ бизларни уларнинг шафоатларидан насибадор қилсин).

Ҳазрат Абу Бакр (р.а.)нинг иккинчи заифалари Думон бинт Омир Ҳазрат Абдурраҳмон ва Биби Оишанинг оналаридурлар. Ҳазрат Абу Бакр (р.а.) мусулмон бўлганидан кейин икки никоҳлик бўлдилар. Аввалги заифалари Ҳазрат Асмо бинт Умайски, Ҳазрат Жаъфари Тайёр (р.а.)нинг хотинлари эдилар. Улар ўлгандан сўнгра Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг никоҳларида бўлиб, Ҳазрат Муҳаммад (р.а.)ни туғдилар. Иккинчи заифалари Ҳабиба бинт Зайд ансорийки, Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ўлганларида ҳомилалик қолиб эдилар.

**Тазкираи Ҳазрат Умар ибн Хаттоб** ибн Нувайфал ибн Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Қорт ибн Зарроҳ ибн Адий ибн Каъбиби Луай Адий Қурайший (р.а.). Адий (Қурайш) Набий (с.а.в.) нинг боболаридандур. Оналари Хузайма бинт Ҳошим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Махзум. ҲазратУмар (р.а.) олти никоҳлик бўлдилар.

Аввали Зайнаб бинт Матъун ибн Ҳабиб ибн Ваҳбки, икки ўғил, бир қизнинг оналаридурлар. Ҳазрат Абдуллоҳки, ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавийнинг оналарининг боболари турурлар. Иккинчи ўғилларининг оти Абдурраҳмон, қизларининг оти Ҳафса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи хотинлари Умму Кулсум бинт Ҳазрат Али каррмаллоҳу важҳаҳ. Ҳазрат Фотиманинг муборак батн (қорин)ларидан икки фарзанд туғилди: Ҳазрат Зайд ва Ҳазрат Руқиянинг оналаридурлар. Бир пора хасим душман Ҳазрат Умму Кулсумдин авлод қолғон йўқ, дерлар. Албатта, ғалати маҳз турур. Халойиқ ичинда Умму Кулсумни "Фотимаи Суғро" дерлар.

Учинчи хотинлари Умму Кулсум бинт Жарвал ибн Молик ибн Мусайяб ("сод" ёки "син" билан) ибн Робийъа икки ўғилнинг оналаридурлар. Ҳазрат Зайд Асғар ва Ҳазрат Абдуллоҳ Асғар.

Тўртинчи хотинлари Жамила бинт Осим ибн Абу Афлаҳ бир ўғилнинг оналаридурлар: Ҳазрат Осим.

Бешинчи хотинлари Умму Ҳаким бинт Ҳорис ибн Ҳишом бир қизнинг оналаридурлар.

Олтинчи хотинлари Оҳикат бинт ибн Амр ибн Нувайфалки, бир ўғилнинг оналаридурлар: Ҳазрат Иёз.

Ва яна бир канизак хотинлари бор эдики, бир ўғилнинг оналаридурлар: Ҳазрат Абдурраҳмон Авсат, кунялари Абул хайр.

Ва яна бир канизак хотинлари бор эдики, Фукайҳа отлиғ, бир ўғил ва бир қизнинг оналаридурлар: Ҳазрат Абдурраҳмон ва Ҳазрат Зайнаб.

**Тазкираи Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу** ибн Аффон ибн Абул Ос ибн ал Ҳорис ибн Умайя ибн Абдушшамс ибн Абдулманноф ибн Қусай Қурайший (р.а.). Қусай Набий (с.а.в.)нинг боболаридандир. Ва оналари Арво бинт Казиз ибн Робийъа ибн Ҳабиб ибн Абдушшамс ибн мазкур Абдулманноф. ҲазратУсмон (р.а.)нинг саккиз ўғил ва тўққиз қизлари бор эди. Аввалги хотинлари Фохита бинт Ғазвонки, Абдуллоҳ Акбарнинг оналаридурлар.

Иккинчи хотинлари Ҳазрат Руқия бинт Ҳазрат Расулуллоҳи (с.а.в.)ки, Абдуллоҳ Асғарнинг оналаридурлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи хотинлари Умму Амр бинт Жундуб ибн Умар ибн ал Ҳорис ибн Оздияҳки, Ҳазрат Абон ва Холид ҳамда Марямнинг оналаридурлар.

Тўртинчи хотинлари Фотима бинт Валид ибн Абдушшамс ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Амр Махзумки, Валид ва Саъд Умму Саъид ва Умму Усмоннинг оналаридурлар.

Бешинчи хотинлари Уммул Набойин бинт Уяйна ибн Ҳусайн ибн Бадр Фазорийки, Абдулмаликнинг оналаридурлар.

Олтинчи хотинлари Рамла бинт Шайба ибн Робийъа ибн Абдушшамс ибн мазкур Абдулманнофки, Ҳазрати Оиша ва Умму Абон ва Умму Амрнинг оналаридурлар.

Еттинчи хотинлари Ҳазрат Ноила бинт Қуроза ибн Ахваз ибн Амр ибн Саълаба ибн Ҳориски, Ҳазрат Умму Холид Воридий ва Умму Абон Сағирнинг оналаридурлар.

Саккизинчи хотинлари Ҳазрат Умму Кулсум бинт Расулуллоҳ (с.а.в.)дурларки, улардан фарзанд ва насл манқули анҳуда айтмабдурлар. Шул сабабдан бул Ҳазратни кейин битдик. Ва яна бир ривоят ғойри машҳур борки, Уммун Набин отлиғ қизни бир канизак хотинлардан нақл қилурлар.

Энди билсинларким, Ҳазрат Умму Аббон Суғро исмлари Ҳазрат Биби Шамсиядирлар. Бу бузрукворлар олийнисбатнинг момоларидурлар. Яъни, Биби Шамсия ва Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)дан олти ўғил вужудга келди. Ҳазрат Ҳошим, Ҳазрат Абдуллоҳ, Ҳазрат Жаъфар Абдулфаттоҳ, Ҳазрат Абдулманнон, Ҳазрат Шоҳ Мансур. Ҳазрат Абдулфаттоҳ Ҳазратхўжа Аҳмад Яссавийнинг боболаридурлар. Абдулманнон Авлиё Қорахон Саййид Амир Умар қуддиса сирруҳунинг боболаридурлар. Бу тариқаки, Ҳазрат Шоҳ Мансурнинг ўғлонлари Ҳазрат Шоҳ Мусалсил Занжирпо, уларнинг ўғлонлари ҳазрат Амир Қаландар Авлиё, уларнинг ўғлонлари Амир Кафшдўзий



www.ziyouz.com kutubxonasi

Валий, уларнинг ўғлонлари Хўжа Амир Валий, уларнинг ўғлонлари Саййид Амир Валий, уларнинг ўғлонлари Шоҳ Амир Валий, уларнинг ўғлонлари Шайх Амир Валий, уларнинг ўғлонлари Хўжа Шоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Шайх Хўжа Шайх, уларнинг ўғлонлари Амир Саййид Али Содот, уларнинг ўғлонлари Амир Али Содот, уларнинг ўғлонлари Амир Ҳусайн Содоти Аввал, уларнинг ўғлонлари Амир Ҳусайн Содоти Соний, уларнинг ўғлонлари Саййид Аҳмад Шайх Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Мавлоно Муҳаммадшоҳ Муршид Санҳий, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Ориф, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Мавлоно Саййид Иброҳим, уларнинг ўғлонл ари Ҳазрат қиблагоҳим, отам ва устозим ҳамда муршидим Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Умар, уларнинг ўғлонларидин икки ўғил, бири Ходимул-фуқаро Амир Саййид Аҳмад Шайх Носируддин, бири Амир Саййид Қобил.

**Тазкираи Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (р.а.)** кунялари Абул Ҳасан ва Абу Туроб, оталарининг исми Имрон, кунялари Абу Толиб, оналарининг исмлари Фотима бинт Асад. Таваллуд қилғон жойлари Ҳарамнинг ичинда Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шариф остоналарининг қошида, замони таваллудлари жума куни, Ражаб ойининг учида, ҳижратдин йигирма уч йил илгари. Муборак умрларининг муддати олтмиш уч йил. Хилофатларининг муддати беш йилу тўққиз ой. Тарихи вафот Рамазон ойининг йигирма бирида, ҳижратдан қирқ йил кейин шаҳид бўлдилар.

Қотиллари Абдурраҳмон ибн Мулжим. Муборак қабрларига хилофдурлар (қабри қаерда жойлашгани борасида турли фикрлар мавжуд). Баъзи Куфанинг Нажфидаги бир қоря (қишлоқ)да дерлар. Ва баъзи Балхда дерлар. Ва баъзи Марғинонда дерлар. Ўзга ерга ҳам ривоят



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилибдурлар. Ҳазрат Али (р.а.)нинг қиссаларини мутолаа қилмоқ керак.

Али (р.а.)дан ўттиз беш фарзанд вужудга келибдурлар. Ўн саккиз ўғил: Ҳазрат Ҳасан ва Ҳазрат Имом Ҳусайн ва Ҳазрат Имом Муҳассин ва Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа ва Аббос ва Амр ва Асғар Абдуллоҳ ва Абу Бакр ва Умар ва Усмон ва Абдуллоҳ Роҳман ва Авн ва Яҳё, Суҳайл ва Зайд ва Зубайр ва Забиб. Ўн етти қиз: Рамла ва Хадийжа ва Умму Ҳоний ва Зайнаб ва Фотима ва Ҳамома ва Умму Жаъфар ва Уммул Киром ва Уммуз Зайиаб ва Суғро ва Уммус Салом ва Лақиба ва Умму Абдуллоҳ ва Маймуна ва Руқайя ва Умму Кулсум ва Уммун Набийн.

## Тазкираи Ҳазрат Имом Ҳасан ибн Ҳазрат Али (р.а.).

Кунялари Абу Муҳаммад Закий, оналари Ҳазрати Фотима бинт Набиййина соллаллоҳу алайҳи васаллам. Муборак умрлари қирқ саккизинчи йилни тамом қилиб қирқ тўққизга қадам қўйғонларида шаҳид бўлдилар. Қотиллари Зажъад бинт Асъаш Кандарий. Муборак қабрлари гўристони Бақиъ. Фарзандлари тўққиз ўғил, олти қиз. [193]

Икки ўғилларидан фарзанд қолган, ўзгаларидан фарзанд ва насл йўқ. Ва бу шажара шажараи Имом Ҳусайн (р.а.) ва Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.) сўз узоқ тортадур деб битилмади.

**Тазкираи Имом Ҳусайн ибн Ҳазрат Али (р.а.)** Ҳазрат Фотима (р.ҳ.)нинг батн (қорин)ларидан, қирқ саккиз йилни тамом қилиб, қирқ тўққизга қадам қўйганларида дашти Карбалода шаҳид бўлдилар. Қотиллари Шамар Зулжушан. Уларнинг **уч** ўғли бор эди. Имом Али Акбар, Имом Али

---

[193] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 133-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Асғар ва Жаъфар. Икки қизлари бор эди. Насл бир ўғилдан қолдики, отлари Имом Али Асғар Зайнулобидин. Икки қизлари Сакийна ва Фотима Соҳиб фарзандлардир.

**Тазкираи Имом Зайнулобидин ибн Хусайн Ҳазрат** (р.а.) Шаҳрибонунинг батн (қорин)ларидан, муборак умрлари эллик **йил.** Қотиллари Валид ибн Абдулмалик. Қабрлари гўристо**ни** Бақиъда. Авлодлари тўққиз ўғил ва етти қиз: Ҳазрат Имом Муҳаммад Боқир, Умар Шараф, Зайд Шаҳид ва Ҳасан Асғар ва **Али** Асғар ва Абдуллоҳ ва Абдурраҳмон ва Сулаймон ва Муҳаммад Асғар ва Хадийжа ва Фотима ва Олия ва Умму Кулсум ва Умму Мусо, Умму Ҳасан ва Малика Умома.

**Тазкираи Имом Боқир ибн Зайнулобидин** (р.а.). Аёли Ҳазрат Уммул-Ҳасан бинт Ҳазрат Имом Ҳасан ибн Али Шоҳимардоннинг батн (қорин)ларидан муборак умрлари эллик етти йил. Қотиллари Иброҳим ибн Абул Валид. Муборак қабрлари гўристони Бақиъда. Авлодлари тўрт ўғил, уч қиз: Абдуллоҳ ва Имом Жаъфар Содиқ ва Убайд ва Маҳмуд. Аммо насл Имом
Жаъфар Содиқдан қолғон қизларининг отларини анинг манқули анҳуда айтмабдурлар.

**Тазкираи Имом Жаъфар** Содиқ (а.р.) ибн Ҳазрат Имом Муҳаммад Боқир (а.р.). Онаси Фарв бинт Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳунинг батн (қорин)ларидан. Умрлари олтмиш йил. Қотиллари халифа Мансур Аббосия хулафоларидин. Муборак қабрлари гўристони Бақиъда. Авлодлари етти ўғил, уч қиз: Имом Мусо Козим ва Саййид Исмоил. Бу икковлари қиблагоҳим ва устозим отамнинг боболаридур. Иншааллоҳу таоло баён қилурмиз ва Абдуллоҳ ва Исмоил, Исҳоқ ва Али Аризий. Ва Имом Жаъфар уч ўғилларини отларини манқули анҳуда битмабдурлар. Ҳазрат Фарва ва Асмо ва Фотима.

Эмди Ҳазрат Саййид Исмоилнинг ўғлонлари Саййид Ҳорун, уларнинг ўғлонлари Саййид Довуд, уларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғлонлари Саййид Ҳусайн, уларнинг ўғлонлари Саййид Абдуллоҳ, уларнинг ўғлонлари Саййид Сайфуллоҳ, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад, уларнинг ўғлонлари Саййид Тоҳир, уларнинг ўғлонлари Саййид Маҳмуд, уларнинг ўғлонлари Саййид Розийюддин, уларнинг ўғлонлари Саййид Аҳмадий Халватий, уларнинг ўғлонлари саййид Нақиб, уларнинг ўғлонлари Саййид Сулҳаний Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Алоуддин Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Қиёмиддин Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Мансур Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййидул Ҳай Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Жон Муҳаммад Азизлар, уларнинг ўғлонлари Саййид Қусай Азизлар, уларнинг ўғлонлари Саййид Ағийш Азизлар, уларнинг ўғлонлари Саййид Носир Азизон, уларнинг ўғлонлари Саййид Имомқули Азизлар, уларнинг қизлари Биби Олия Моҳбегимки, Саййид Аҳмад Шайхнинг завжаларидурлар. Ҳазрат Биби Олия Моҳбегимнинг батн (қорин)ларидан туғилган Саййид Аҳмад Шайхнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ Муршид Сахий, уларнинг **ўғлон**лари Саййид Боқийбиллоҳ Ориф, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқий Шайх, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ, уларнинг ўғлонлари Амир Саййид Иброҳим, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Амир Саййид Умар Азиз, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носируддин, уларнинг ўғлонлари Ҳазрат Саййидул-ошиқин Саййид Юсуфхўжа эшон Ошиқ, уларнинг қизлари Хазрат Хайруннисо Ойим, уларнинг завжилари ҳазрат Қози Мир Саййид Қозихўжа эшон аз авлод Ҳазрат Қутбул-ақтоб Махтум Аъзам Валий номлари Саййид Аҳмаддурлар. Бул икковларининг ўғиллари Ҳазрат Амир Саййид Муҳаммад Алихожадурлар. Уларнинг ўғлонлари Саййид Маҳмудхожадурлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Тазкираи Имом Мусо Козим** ибн Имом Жаъфар (а.р.) Ҳамида бинт ал-Андалусиянинг батнларидан бўлғон. Муборак умрлари эллик беш йил. Қотиллари Ҳорун Рашид авлодлари. Ўттиз беш: ўн олти ўғил, ўн тўққиз қиз: Ҳазрат Имом Али Мусо Ризо Иброҳим Ризо ва Қосим ва Аббос ва Исмоил ва Жаъфар ва Ҳорун ва Аҳмад ва Ҳамза ва Убайд ва Исҳоқ ва Муҳаммад Обид ва Ҳусайн ва Зайд ва Фазл ва Сулаймон. Булардан тўрт ўғилдан насллар қолди. Имом Али Мусо Ризо ва Иброҳим ва Муҳаммад Обид ва Жаъфар. Имом Мусо Козим (а.р.)нинг муборак қабрлари Бағдоддадир.

**Тазкираи Имом Али ибн Мусо Ризо ибн имом Козим** (а.р.) Уммул Банийн Набавиянинг батнларидан. Муборак умрлари эллик беш йил. Қотиллари Маъмун. Муборак қабрлари Лус шаҳрида Сомот қоряси (қишлоғи)да. Авлодлари уч ўғилдир. Ҳазрат Имом Жаводут Тақий ва Мусо ва Жаъфар Козиб, Умома ва Муҳаммад Тақийдан авлод қолган, ўзгаларидан қолмаган.

**Тазкираи Имом Муҳаммад Жаводут Тақий** ибн Имом Али ибн Мусо Ризо (а.р.) Сакина Тавбиянинг батнларидан. Муборак умрлари йигирма уч ё йигирма беш. Қотиллари Муътасим. Қабрлари Бағдодда. Авлодлари тўрт: икки ўғил, икки қиз: Ҳазрат Имом Али Нақий ал-Ҳодий ва Имом Мусо Мубарқаъ дерларки, Ҳазрат Саййидул-ошиқин Саййид Юсуфхожа Эшон Ошиқ Косоний - муршидим ва жаддимнинг боболаридурлар, иншаа Аллоҳ баён қилурмиз. Ва икки қизлари Ҳазрат Умома ва Фотима.

Эмди билсунларким, Ҳазрат Саййид Мусо Мубарқаънинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Жалил, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Ҳасан, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Носир, уларнинг ўғлонлари Саййид Абдурраҳмон Жаввод, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Сирож Кабир, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Қосим, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Валий, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Али,



www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Зоҳид, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Сирож Сағир, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Саййид Фатҳуллоҳ, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Саййид Абдуллоҳ, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ, уларнинг қизлари Момош Бибича лақабли Саййида Моҳбегим бўлиб, Ҳазрат Муҳаммад Сахонинг завжаларидурлар. Ҳазрат Саййид Муҳаммад Сахонинг Момош Бибича батнларидан туғилган ўғлонлари мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ Муршид Шайх Сахо, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқийбиллоҳ Ориф, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқийбишоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Саййид Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Амир Саййид Иброҳим, уларнинг ўғлонлари қиблагоҳим Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Умар. У кишининг авлодлари икки ўғил Ходимул-фуқаро Амир Саййид Аҳмад Шайх Носир, уларнинг ўғлонлари Амир Саййид Юсуф Ошиқ, уларнинг қизлари Хайрунисо Ойим, уларнинг ўғлонлари Мир Саййид Муҳаммад Алихўжа, уларнинг ўғлонлари Мир Саййид Маҳмудхўжа.

**Тазкираи Имом Али** Нақий Ҳодий ибн Имом Тақий (а.р.), оналари Шамома Уммувалад. Муборак умрлари қирқ бир. Қотиллари Мутаваккил. Муборак қабрлари Шоҳмаррада. Авлодлари беш фарзанд: Ҳасан ва Ҳусайн ва Муҳаммад Самия ва Жаъфар ва қизлари Оиша.

**Тазкираи Имом Ҳасан Аскарий** ибн Имом Али Нақий (а.р.). Оналари Сусан Умму валад. Муборак умрлари йигирма саккиз йил. Қотиллари маълум эмас.

Тазкираи Имом Муҳаммад Маҳдий ибн Имом Ҳасан Аскарий (а.р.). Оналари Баржис Уммая Умму валад. Муборак умрларини ва хилофатларини бир Худодан ўзга киши билмас. Авлодлари етти ўғил: Абдурраҳмон ва Абулқосим ва Абдуллоҳ ва Али ва Мусо ва Жаъфар ва Ҳасан.

**Тазкираи Имом Ҳанафийа** (а.р.) авлодлари кўпдир. Ҳазратнинг машҳур авлодлари ўн тўрт. Абу Ҳошим ва Али



www.ziyouz.com kutubxonasi

Акбар ва Абдуллоҳ Асғар ва Жаъфар ва Аббос ва Умар ва Абдулфаттоҳ ва Абдулманнон ва Ҳазрат Шоҳ Мансурки, қиблагоҳим ҳазрат онамларнинг боболаридурки Ҳазрат Усмоннинг тазкираларида битилдилар. Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг ўзга ўғиллари Мусо ва Али Асғар ва Иброҳим ва Авн ва Абдуллоҳ Асғар.

Ўн турт ўғил тамом битилдилар. Ва Аҳмад ва Муслимни баъзи китобларда битиб ўн олти қилибдурлар. Ҳазрат Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.)нинг ўғлонлари Абдулфаттоҳ, уларнинг ўғлонлари Абдурраҳмон Боб, уларнинг ўғлонлари Исҳоқ Боб, уларнинг ўғлонлари Ҳорун Шайх, уларнинг ўғлонлари Мўмин Шайх, уларнинг ўғлонлари Мусо Шайх, уларнинг ўғлонлари Исмоил Шайх, уларнинг ўғлонлари Усмон Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳасан Шайх, уларнинг ўғлонлари Ифтихор Шайх, уларнинг ўғлонлари Маҳмуд Шайх, уларнинг ўғлонлари Султонхўжа Аҳмад Яссавий, уларнинг қизлари Гавҳархуш Тожи биби, уларнинг ўғлонлари Аҳмад Қорожуқий, уларнинг ўғлонлари Имод Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳорун Шайх Хожа ота Шайх, уларнинг ўғлонлари Ота Бою Шайх Азизлар. Уларнинг ўғлонлари Олим Шайх азизон, уларнинг ўғлонлари Асадуллоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари – Мўмин Шайх, уларнинг ўғлонлари Ҳорун Шайх, уларнинг қизлари Биби Оиша Моҳбегимки, Ҳазрат Амир Ҳусайн Содот Сонийнинг, Ҳазрат Биби Оишанинг батнларидан бўлган ўғиллари Саййид Аҳмад Шайх, уларнинг ўғлонлари Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ, уларнинг ўғлонлари Саййид Боқийбиллоҳ ал-Ориф, уларнинг ўғлонлари Боқийбиллоҳ Шайх, уларнинг ўғлонлари Мавлоно Амир Саййид Иброҳим, уларнинг ўғлонлари қиблагоҳим ва устозим ва муршидим, отам Мавлоно Амир Саййид. Улардан икки ўғил Ходимул-фақри Мавлоно Амир Саййид Шайх Носируддин, иккинчи ўғиллари Амир Саййид Қобил қолган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Саййид Аҳмад Шайх Носируддиндан беш ўғил дунёга келди. Аввали Саййид Муҳйиддин, иккинчиси Саййид Муҳаммад, учинчиси Саййид Ҳизбуллоҳ, тўртинчиси Саййид Ошиқ Юсуф, бешинчиси Саййид Ғаюр.

Беш қиз вужудга келди: аввали Хоним Подшоҳ бегим, иккинчиси Азиз Подшоҳ бегим, учинчиси Нор Подшоҳ бегим, тўртинчиси Нур Подшоҳ бегим, бешинчиси Саййид Моҳ бегим.

Амир Саййид Қобилдан уч ўғил вужудга келди: аввал Саййидхожа, иккинчи Мирхожа, учинчи Лутфихожа. Ҳазрат Машойих Содотга маълум бўлсинким, Саййид Муҳйиддин ўғлимнинг онаси қиблагоҳим-отам оғаларининг қизи бўлур. Мусаммоти Нажол биби.

Саййид Урватуллоҳ ва Саййид Ҳизбуллоҳ ўғлимнинг онаси Исмоил Отойи бўлурлар. Саййид Ошиқ Юсуф ўғлимнинг онаси Ҳазрат Султон Боязид Бистомийнинг авлодларидандурлар, Саййид Ғаюр ўғлимизнинг ота тарафидан бўлурлар. Ва она тарафидан ҳазрат Ҳожи Побус Бобом насабларидан бўлурлар. Ҳазрат Сиддиқдан Султон Жалолиддин Румийга етарлар. Саййида Моҳ бегимнинг оналари ҳазрат Сожида Моҳ бегим бинт Ҳазрат Саййид Шамсуддин ибн Ҳазрат Муршидуна ва Мавлоно Ҳазрат Закариё Хожам ва пиримнинг набираларидурлар. Саййид Биринчи Хожа ўғлимизнинг оналари Ҳазрат Моҳрў бегим бинт Хон биби бинт Ҳазрат Муршидуна ва Мавлоно Ҳазрат Закариё Хожам ва пирим набираларидирлар. Ҳазрат Закариё Хўжамнинг оталари Саййид Неъматуллоҳ, уларнинг оталари Амир Саййид Исо, уларнинг оталари Амир Саййид Абдулҳодий, уларнинг оталари Амир Саййид Шодийчий, уларнинг оталари Амир Саййид ҳожи, уларнинг оталари Амир Саййид Юсуф, уларнинг оталари Амир Саййид Барака, уларнинг оталари Амир Саййид Аҳмад, уларнинг оталари Ҳазрат Амир Саййид Али Ҳамадонийки, ҳам она тарафидан, ҳам ота тарафидан саййиддурлар. Амир Саййид



www.ziyouz.com kutubxonasi

Али Ҳамадонийнинг оталари Саййид Шаҳобуддин, уларнинг оталари Саййид Али, уларнинг оталари Амир Саййид Юсуф, уларнинг оталари Амир Саййид Шараф, уларнинг оталари Амир Саййид Ҳабиб, уларнинг оталари Амир Саййид Муҳаммад Жаъфар, уларнинг оталари Амир Саййид Абдуллоҳ, уларнинг оталари Амир Юсуф Ҳасан, уларнинг оталари Амир Саййид Ҳусайн Жаъфар, уларнинг оталари Амир Саййид ҳожи, уларнинг оталари Амир Саййид Абдуллоҳ Зоҳид, уларнинг оталари Ҳусайн Асғар, уларнинг оталари Ҳазрат Имом Зайнулобидин, уларнинг оталари Ҳазрат Имом Ҳусайн, уларнинг оталари Ҳазрат Шоҳимардон Али (р.а.), уларнинг оналари Фотима (р.ҳ.) бинт Расулуллоҳ (с.а.в.).

### *Сиёдат (саййидлик) силсиласи*

1. Аввалул башар Ҳазрат Одам (а.с.), Ҳавво (р.ҳ.), 2. Уларнинг ўғли Ҳазрат Шис (а.с.), 3. Унинг ўғли Ануш, 4. Унинг ўғли Қайнон, 5. Унинг ўғли Маҳлоил, 6. Унинг ўғли Ахнух, яъни, Идрис (а.с.), 7.Унинг ўғли Матушах, 8. Унинг ўғли Камол, 9. Унинг ўғли Ҳазрат Нуҳ (а.с.), 10. Унингўғли Сом (а.с.), 11. Унинг ўғли Армахшад, 12. Унинг ўғли Шолих, 13. Унинг ўғли Ҳуд (а.с.), 14. Унинг ўғли Фолиғ, 15. Унинг ўғли Арғу, 16. Унинг ўғли Соруғ, 17. Унинг ўғли Нохур, 18. Унинг ўғли Ийри Озар Кўбизки, иброний тилда сўзлашган, 19. Унинг ўғли Ҳазрат Иброҳим (а.с.), 20. Унинг ўғли Ҳазрат Исмоил (а.с.), 21. Унинг ўғли Лобон, 22. Иброҳим (а.с)нинг ўғли; Ҳазрат Исҳоқ (а.с.), 23. Унинг ўғли Ҳазрат Ийс, 24. Унинг ўғли Ҳазрат Айюб (а.с.), 25. Лобоннинг ўғли Қайдар, 26. Унинг ўғли Жамал, 27. Ҳазрат Айюб (а.с.)нинг ўғли Ҳазрат Залкифл (а.с.), 28. Унинг қизи Ҳазрат Маймуна, 29. Жамалнинг ўғли Саломон, 30. Унинг ва Маймунанинг ўғли Ҳамяъ, 31. Унинг ўғли Алясаъ, 32. Унингўғли Уввад, 33. Унинг ўғли Уд, 34. Унинг ўғли Аднон, 35. Унинг ўғли Маъад, 36. Унинг ўғли



www.ziyouz.com kutubxonasi

Низор, 37. Унинг ўғли Музорул ҳамро, 38. Унинг ўғли Илёс, 39. Унинг ўғли Мудрика, 40. Унинг ўғли Хузайма, 41. Унинг ўғли Кинона, 42. Унинг ўғли Назр, 43. Унинг ўғли Адий, 44. Унинг ўғли Луай, 45. Унинг ўғли Каъб, 46. Унинг ўғли Му(а)рра, 47. Унинг ўғли Килоб, 48. Унинг ўғли Қусай, 49. Унинг ўғли Абдулманоф, 50. Унинг ўғли Ҳошим, 51. Унинг ўғли Абдулмутталиб, 52. Унинг ўғли Абдуллоҳ, 53. Абдулмутталибнинг ўғли Абу Толиб, 54. Абдуллоҳнинг ўғли **Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.).**

1. Абу Толибнинг ўғли Али Валий (р.а.). У кишининг аёллари Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизлари Ҳазрат Фотимаи заҳро (р-ҳ.), 2. Унинг ўғли Ҳазрат Имом Муҳаммад ибн Ҳанафийа (а.р.), 3. Унинг ўғли Ҳазрат Шоҳ Мансур, 4. Унинг ўғли Шоҳ Мусалсил Занжирпо, 5. Унинг ўғли Ҳазрат Амир Қаландар Авлиё, 6. Унинг ўғли Ҳазрат Амир Кафшдўзий, 7. Унинг ўғли Хожа Амир Валий, 8. Унинг ўғли Саййид Амир Валий, 9. Унинг ўғли Шоҳ Амир Валий, 10. Унинг ўғли Шайх Амир Валий, 11. Унинг ўғли Хожа Шоҳ Шайх Азизон. (Шу ерда силсила ажраб қолган. Чунки “ибн” (ўғли) сўзи йўқ), 12. Шайх Хожа Шайх Азизон, 13. Унинг ўғли Амир Саййид Али Содот, 14. Унинг ўғли Амир Али Содот, 15. Унинг ўғли Амир Ҳусайн Содот Аввал, 16. Унинг ўғли Амир Ҳусайн Содот Соний, 17. Унинг ўғли Шайх Саййид Аҳмад, 18. Унинг ва 2-устуннинг охирида зикри келадиган Биби Олиянинг ўғли Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо, 19. Унинг ва 3-устун охирида зикри келадиган Саййида Моҳбегимнинг ўғли Шоҳ Муҳаммадшоҳ Сахий, 20. Унинг ўғли Саййид Боқийбиллоҳ Ориф, 21. Унинг ўғли Саййид Боқийбиллоҳ Шайх, 22. Унинг ўғли Мавлоно Шоҳ Муҳаммадшоҳ (а.р.), 23.Унинг ўғли Мавлоно Саййид Иброҳим, 24. Унинг ўғли Мавлоно Саййид Умар Азиз. (“Ибн” (ўғли) сўзи йўқлиги сабаб силсила ажраб қолган),

25. Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носируддин, 26. Унинг ўғли Амир Саййид Юсуф Ошиқхожа,



www.ziyouz.com kutubxonasi

27. Унинг қизи Хайруннисо Ойим, 28. Унинг ўғли Амир Саййид Муҳаммад Алихожа, 29. Унинг ўғли Мир Саййид Маҳмудхожа.

1. Ҳазрат Фотима (р.ҳ.),
2. Унинг ўғли Ҳазрат Имом Ҳусайн Шаҳид (р.а.)
3. Унинг ўғли Имом Зайнулобидин (а.р.)
4. Унинг ўғли Имом Муҳаммад Боқир (а.р.)
5. Унинг ўғли Имом Жаъфари Содиқ (а.р.) (бу кишининг икки ўғлидан насл тарқаган). Ҳазрат Исмоил ва Имом Мусо Ко-зим (а.р.). Имом Мусо Козим (а.р.)нинг насли 3-устунда.
6. Унинг ўғли ҳазрат Исмоил (а.р.)
7. Унинг ўғли Саййид Ҳорун (а.р.)
8. Унинг ўғли Саййид Довуд (а.р.)
9. Унинг ўғли Саййид Ҳусайн (а.р.)
10. Унинг ўғли Саййид Абдуллоҳ (а.р.)
Н. Унинг ўғли Саййид Сайфуллоҳ (а.р.)
12. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Акбар (а.р.)
13. Унинг ўғли Саййид Тоҳир (а.р.)
14. Унинг ўғли Саййид Маҳмуд (а.р.)
15.Унинг ўғли Саййид Розиюддин (а.р.)
16. Унинг ўғли Саййид Аҳмад Халвий (а.р.)
17.Унинг ўғли Саййид Нақиб (а.р.)
18. Унинг ўғли Саййид Ислом (а.р.)
19. Унинг ўғли Саййид Сулахий Азизон (а.р.)
20. Унинг ўғли Саййид Алоуддин (а.р.)
21. Унинг ўгли Саййид Қиёмуддин Азизон
22. Унинг ўғли Саййид Мансур Азизон
23.Унинг ўғли Саййид ал-Ҳай Муҳаммад Азизон
24. Унинг ўғли Саййид Муҳаммаджон Азизон
25. Унинг ўғли Саййид Қусай Азизон (а.р.)
26. Унингўғли Саййид Огиш Азизон
27. Унинг ўғли Саййид Носир Азизон
28. Унинг ўғли Саййид Имомқули Азизон
29. Унинг қизи Биби Олия.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Имом Жаъфари Содиқ (а.р.)нинг иккинчи ўғиллари Мусо Козим (а.р.)дан бошланур.

I. Имом Жаъфари Содиқ (а.р.)нинг ўғли Имом Мусо Козим (а.р.),

2. Унинг ўғли Имом Али ибн Мусо Ризо (а.р.). Унинг икки ўғли: Имом Муҳаммад Тақий (а.р.) ва Саййид Толиб. Саййид Толиб 4-устунда зикр қилинади.

3. Имом Али ибн Мусо Ризо (а.р.)нинг ўғли Имом Муҳаммад Тақий (а.р.),

4. Унинг ўғли Имом Мубарқаъ (а.р.)

5.Унингўғли Саййид Муҳаммад Жалил (а.р.)

6. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Ҳасан (а.р.)

7. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Носир (а.р.)

8. Унинг ўғли Саййид Абдурраҳмон Жаввод (а.р.)

9. Унинг ўғли Саййид Сирож Кабир (а.р.)

10. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Қосим (а.р.)

11. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Валий (а.р.)

12. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Али (а.р.)

13.Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Зоҳид (а.р.)

14. Унинг ўғли Саййид Сирож (а.р.)

15. Унинг ўғли Саййид Фатҳуллоҳ (а.р.)

16. Унинг ўғли Саййид Абдуллоҳ

17. Унинг ўғли Шоҳ Муҳаммадшоҳ (а.р.)

18. Унинг қизи Саййида Моҳ бегим.

4~устун**.** Имом Али ибн Мусо Ризо (а.р.)нинг ўғли Саййид Толибдан бошланади.

1. Унинг ўғли Саййид Толиб

2. Унинг ўғли Мирсаййид Абдуллоҳ Аърож

3. Унинг ўғли Саййид Абдуллоҳ Афзал

4. Унинг ўғли Ҳазрат Саййид Аҳмад

5. Унинг ўғли Ҳазрат Саййид Муҳаммад

6. Унинг ўғли Шоҳ Ҳасан

7. Унинг ўғли Саййид Жалолиддин

8. Унинг ўғли Саййид Камолиддин



www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Унинг ўғли Саййид Бурҳониддин Қилич
10. Унинг ўғли Мир Девона
11. Унинг ўғли Саййид Бурҳониддинхожа
12. Унинг ўғли Саййид Жамолиддинхожа
13. Унинг ўғли мавлоно Саййид Жалолиддинхожа Косоний. Шу ерда силсила ажради.
14. "Маҳдуми Аъзам" лақабли Мавлоно Саййид Аҳмад Косоний
15. Биби Бухорийнинг батнидан мавлоно Муҳаммадхожа
16. Унинг ўғли Хожа Абдулқодирхожа эшон
17. Унинг ўғли Хожа Орифхожа эшон
18. Унинг ўғли Муллахожа эшон
19. Унинг ўғли Боқийхожа эшон
20. Унинг ўғли Мусохожа эшон
21. Унингўғли Муҳаммад Аминхожа эшон
22. Унинг қизи Ҳазрат Биби Сафия
23. Унинг ўғли Мир Саййид Қозихожа эшон
24. Унинг ўғли Мир Саййид Муҳаммад Алихожа эшон
25. Унинг ўғли Мир Саййид Маҳмудхожа.

(Қозилар наздида мақбул бўлган мазкур табаррук шажаранинг тарихи: ҳижрий 1355 йил Муҳаррам ойи милодий 1936 йил апрель, Самарқанд шаҳри).[194]

[194] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 125-140-145-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# НОСУРИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Носуриддин Марғиноний Тазкират-ул-машойих асарида ўзининг руҳий тарбия жараёни ҳақида сўз юритиши давомида устозлари ҳақида маълумотларни ҳам ёзиб қолдирган. Унинг таъкидлашича, илк устози — Хизр алайҳиссалом бўлган. Бинобарин, маноқибларга кўра барча валийларни тарбиялаш учун Аллоҳ изни билан Хожаи Хизр келганлар.[195] Манбаларда Абу Бакр Варроқ Ҳаким Термизий ҳар якшанба Хизр алайҳиссалом билан мулоқот қилиб турганини ривоят қилмнган.[196] Алишер Навоий Мавлоно Саррож Ҳофиз раҳимаҳуллоҳу таолони Хизрдан сабоқ олган обид сифатида эътироф этади: "Амир Сабуктегин (Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси)нинг қардоши бўлмиш Кумуштегиннинг авлодидан эди. Тарки дунё қилиб, бир масжидга кириб, доим Каломуллоҳ тиловатига машғул эди. Биров эшик тирқишидан секин пойлаб кўрдики, унинг қошида олам аҳлига ўхшамайдиган нуроний бир мўйсафид ўтирибди. Масжиддан чиққанида ул киши Мавлоно олдига бориб, ичкаридаги нуроний киши кимлигини суриштирди. Мавлоно ҳеч нима демади. Қайта-қайта сўрайвергач, охири деди:

- Ул зот Хизр алайҳиссалом, келиб, ладуний илмидан менга дарс айтур".[197]

Носуриддин Марғинонийга кўра Хизр алайҳиссаломдан кейин у ўз аждоди Муҳаммад Ҳанафийа ва яна икки аждоди томонидан тарбия қилинган.

Носуриддин Марғиноний шунингдек, "Хожа Ҳофиз Шерозий" томонидан ижозат олганини ва "Хожа Камол

---

[195]Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: "Фан", 2021. 40-б.

[196] Алишер Навоий. Насойимул-маҳаббат. 20 томлик, 17-том,- Т.: "Фан", 2001, 84-б.

[197] Алишер Навоий. Насойимул-маҳаббат./ Олимжон Давлатовнинг насрий баёни – Т.: "Ozbekiston", 2015. 184-185-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжандий"дан илҳом олганини айтади. Бу асар шеърий мисралар билан тўлдирилган бўлиб, Марғинонийнинг бошқа асарларида бундай поэтик услуб учрамайди.

Носуриддин Марғиноний кейин ҳар бир устоздан уч нарса олганини ёзади:

1. **Ижозат** (руҳий рухсатнома).

2. **Рухсат** (амалий таълим учун рухсат).

3. **Башорат** (келажакдаги вазифаси ҳақида "хушхабар").

Биринчи зикр қилинган суфий — **Миён Шоҳ Ғулом Маъсум**, у "Суфий кулоҳи"ни "Ғиёсуддин Валий"га берган ва "бу бир туркка тегишли" деб айтган. Кейинчалик Саййид Носуриддин Марғиноний бу кулоҳни "катта руҳий кўриш"да олганини ёзади. Унинг таъкидлашича, бу воқеа билан унинг туғилиши орасида 120 йил вақт ўтган. Сўнг у ёзадики, **Ниёз Муҳаммад Чақмоқий** унга Яссавия силсиласининг келажакдаги роли ҳақида башорат берган. Чақмоқий "Жаҳрий зикр"ни овоз билан бажариш ҳақида шундай деган экан:

"Мен жаҳр силсиласини омонат сақлаб турибман; бу силсила бировга етади, иншоаллоҳ."

У яна айтган:

"Яқин вақтда турклардан бир саййид туғилади, у орқали бу султоний жаҳрий силсила камолга етади."

Носуриддин Марғиноний ёзади, бу башорат унинг туғилишига уч йил қолганда айтилган.

Сўнг Носуриддин Марғиноний ўзининг 18 ёшида **Пир-и Аъзам, яъни Саййид Муҳаммад Закариёхожа**нинг шогирди бўлганини ёзади ва устозининг сўзларини келтиради: "Мен 62 та жаҳрий шайх ва бир Нақшбандий авлиёдан ижозат олганман; кейинроқ турк саййидларидан бир киши келиб, бу силсилаларнинг барчасини олади".

Шундан кейин Носуриддин Марғиноний **руҳоният оламига** ўзининг ажойиб **сафарини** баён қилади: у дўзахнинг даражалари орқали ўтиб, Набий (с.а.в.)нинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

овозини эшитган, кейин жаннатнинг саккиз даражасини кўрган ва у ердаги пайғамбарлар унга дуо қилган. У 3 нафар Нақшбандий шайхи — Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳовауддин Нақшбанд ва Хожа Имконагийга хизмат қилган ва ҳар биридан "ижозат" олган.

У ҳушига келгач, устози Пир-и Аъзамга бу ҳолни айтиб берган. Кейин у 6 пайғамбар — Одам, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Довуд ва Исо алайҳиссаломлардан зикр жаҳрия учун ижозат олган ва улар билан бирга зикр қилган. Улар унга шундай деган эканлар:

"Ҳар ким сенинг тариқатингга кирса, биз уни тарбия қиламиз." (164a)

Кейин у Ўш шаҳридаги **Тахт-и Сулаймон** тоғида риёзат чоғида руҳлар билан мулоқот қилганини ёзади: улар "Биз Одам алайҳиссаломнинг аждодларимиз" деганлар ва шогирд бўлганлар. Кейин бошқа руҳлар келиб, "Биз ҳали дунёга келмаган Одам боласимиз", деганлар.

Носуриддин Марғиноний яна руҳий жиҳатдан **Абу Бакр, Али, Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота** ва бошқа суфийлар томонидан тарбияланганини ва улардан ижозат олганини айтади. Кейин эса "Эр Ҳубби", яъни Ҳаким отанинг ўғли унинг "жаҳрий зикрдаги устози" бўлганлигини таъкидлайди.

Шундан сўнг у Хожа Турсун Муҳаммад (Хўжандий) сўзларини келтиради: "Мен бир китобда Набий алайҳиссаломнинг шундай деганини ўқидим: "Ҳижрий 1200 йилида, Шарқ томондаги бир вилоятда, турк қабилаларидан бўлган авлодимдан бир киши туғилади; унинг номи Носируддин бўлади".

Ушбу маълумотдан кўринадики, ҳижрий 1200 – милодий 1785/1786 йилда таваллуд топган.

Носуриддин Марғиноний қўлёзмасининг 165a варағида келтирилган маълумотга кўра, у навбатдаги устози — **Амир Ғойиб ал-Хўжандий** (кейин Наманганий) томонидан



www.ziyouz.com kutubxonasi

“жисман” ижозат олганини айтади. Бу унинг аввалги руҳий учрашувларидан фарқ қилади.

Шу ерда **Домулло Иброҳим Хотиб** унинг ҳақида шундай деган экан: “Бу ёш Саййид Носируддин Намаган шаҳрининг шайхи бўлади”.

Кейин Носуриддин Марғиноний ўзининг уч асосий устозини санайди:

1.Амир Ғоиб Наманганий — шарият ва тариқатда устози.

2.Ниёз Муҳаммад Чақмоқий — “жазба ва жунун” (илоҳий жозиба) соҳасидаги устози.

3. Пир-и Аъзам — ҳақиқат ва маърифатдаги устози.

Шу билан бирга, у еттита “суҳбат устози”ни ҳам санайди:

1. Саййид Усмон Хожа Саййид Атоий,
2. Суфий Хожа Ишқий,
3. Мавлоно Амир Солиҳ Тошкандий,
4. Мавлоно Ражаб Наманганий.
5. Мавлоно Шоҳ Раҳматуллоҳ Ҳисорий (Бухорий),
6. Мавлоно Афғоний Абдурраҳим,
7. Мавлоно Махдум Ўратепагий.[198]

## ШОҲ МАНСУР АВЛОДЛАРИНИНГ КАРОМАТЛАРИ

Ҳазрат Шоҳ Мансур авлодлари кароматлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, Ўрта Осиёда, жумладан Фарғона водийсида яшаб ўтган азиз-авлиёлар ҳаётга доир ривоятларда масжид устунининг чўзилиши билан боғлиқ кароматлар мавзуси кенг ўрин олганлигини унутмаслигимиз лозим. Шу сабабдан аввал каромат сўзига қисқача тўхталиб ўтсак.

[198] Evrim Binbaş., Devin DeWeese. A ‘Missing’ Source on Eighteenth-Century Central Asia Rediscovered: the Istanbul Manuscript of the Works of Sayyid Nāṣir al-Dīn al-Marghīnānī. // Journal of the E conomic and Social History of the Orient 68 (20 25) 628–697.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кароматт – Аллоҳ таолонинг валий бандаларига берган улуғ inояти бўлиб, “хориқи одат” саналади. Хориқи одат эса, одатда инсон қўлидан келмайдиган мураккаб ва маҳол нарсаларни бажаришга айтилади. Масалан, сув устида юрмоқ, ўт ичига кирмоқ, ҳавода учмоқ каби. Аҳли суннат вал жамоат ақидаси бўйича бу каби ишлар пайғамбардан содир бўлса, “мўъжиза”, авлиёдан содир бўлса “каромат”, оддий тақводор мўминдан содир бўлса “маъунат” (“ёрдам”) деб аталади. Бордию, кофир кимсадан содир бўлса уни “истидрож”[199] дейилади.

Аҳли суннат вал-жамоат ақидаси бўйича ер юзида қиёматга қадар Аллоҳнинг валий бандалари бўлиши ва улардан турли кароматлар содир бўлиши ҳақ ва ростдир.[200] Кароматнинг ҳақлигига уламоларимиз Қуръони карим ва ҳадиси набавиядан етарлича ҳужжат келтирганлар. Жумладан, Жалолиддин Суютий “Ал-хабаруд доллу аъла вужудил қутби вал автоди ван нужабаи вал абдол” номли китобларида, имом Мунавий “Файзул қодир”да, Абдулваҳҳоб Шаъроний “Ал-явоқит вал жавоҳир”да, Хожа Муҳаммад Форсо “Фаслул хитоб”да қимматли маълумотлар келтирганлар.[201]

“Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим бобидан бири, бу авлиёларнинг мавжудлиги ва улардан содир бўладиган хориқи одатлар, турли мукошафалар ва баъзи таъсирларни тасдиқламоқ. Аввалги ўтган умматларда бўлгани каби ушбу ҳозир ҳам уммат орасида мавжуд ва қиёматга қадар давом этади. Китоб ва суннатдан бўлган қатъий далиллар ўз пайғамбари йўлига мустаҳкам эргашган авлиёларнинг каромати ҳақлигига далолат қилади. Каромат хориқи одат бўлиб, уни Аллоҳ таоло дўстларидан бўлган бир

[199] Истидрож – ўзи сезмаган томондан аста-секин азобга яқинлаштирмоқ.

[200] Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ҳанафий.(ваф.370 ҳ) «Шарҳ бадъ ул-амолий» Макка–2001.278-б.

[201] Жалолиддин Суютий. «Жомеъ ал-кабир» 1-жилд,113-б; Абдуррауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; «Шарҳу ақидат ал-воситийя»1-ж, 349-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

валийнинг қўли орқали жорий қилади. Бу унга диний ва дунёвий ёрдам бўлиши мумкин. Мазкур кароматлар бир неча ҳикматларни ўз ичига олади. Биринчидан, у ҳам мўжиза каби Аллоҳнинг улуғ қудратига ва хоҳишининг ижросига далолат қилади, чунки у хоҳлаган ишини қилувчидир. Негаки ғор эгалари бўлган йигитларнинг узоқ муддат бир ерда ухлаши, ва бу муддат ичида уларнинг баданининг чиримаслиги, ёки Марям онамизга қишда ёзнинг, ёзда эса қишнинг меваларини пайдо бўлиши, ҳатто бундан Закарийё (а.с.) дек пайғамбарнинг ажабланиб, сўрашлари каби ишлар албатта, Аллоҳ қудратининг улуғлигидандир. Иккинчидан, у кароматлар аслида ўша пайғамбарнинг мўжизаси жумласидандир, чунки валийларга содир бўлган бу каромат шубҳасиз уни ўз пайғамбарига эргашиши туфайли содир бўлган. Учинчидан, мазкур кароматлар валийларга бу дунёда берилган улкан хушхабар бўлиб, у оқибатдаги яхшиликлар аломатидир. Аммо кароматни фалсафачилар ва мўътазила фирқаси вакиллари инкор қиладилар. Бу эса ботил даъводир. Чунки айтилганидек, каромат соҳибида ҳеч қачон пайғамбарлик даъвоси бўлмайди.[202]

Шайх Носуриддин тўғрисида аҳоли орасида турли ривоятлар сақланиб қолган. Аммо бу ривоятларни баъзан унинг ўғли Саййид Ошиқ Юсуф эшонга нисбатан ҳам берадилар.

Айтишларича, Қўқон хонларидан бири хонлик ҳудудида истиқомат қилаётган сохта шайх ва авлиёларни аниқлаш мақсадида тўрт босқичдан иборат синовни ўтказмоқчи бўлади. Дарҳақиқат, ёзма манбаларда Қўқон хони Олимхон даврида тариқат ва дин пешволари турли синовлардан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. "Мунатахаб ат-таворих"да айтилганидек: "Ўзларини шайх ва авлиё ясаб, ёлғондан кароматгўйлик қилиб, шу тариқа

[202] «Шарҳу ақидат ал-Воситийя» 1-ж, 349-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мусулмонларни шайтон йўлига бошлаб юрганларнинг ҳаммасини бир ерга йиғиб, синовдан ўтказди. Иши шариатга тўғри келувчиларни тўла иззат билан яна шайхлик мансабга тиклади, иши шариатга хилоф топилганларини уятдан бир замбил қилгач, тавба қилдириб, ўз йўлига кетишга рухсат берди"[203].

Ибратнинг "Фарғона тарихи" асарида бу ҳақда қуйидагилар келтирилган: "Муни замонида эшон исми йўқ бўлуб, қайда сулуқдан сўз очган киши бўлса, дарҳол тутуб, ҳавзи чуқурни тепасига арқон тортиб, эшон, сиротдан муридларни ўткарсанг, аввал бул арқондан ўтгил деб, эшонларни ҳавзига пишуб ва баъзиларини зиёфат қилиб, мишиқни пишируб, ошга қўюб, қуён гўшти, ов қилганда сайдимизға қуён тушди деб, билмаганлар, эшонлар еб, балога қолиб ва баъзилари баилми каромат билиб, эй жонивор, сен маъкулот эмассан деб, емай, халос бўлган эканлар". [204]

Шайх Носуриддин авлодларининг сўзларига қараганда биринчи синовнинг шарт қуйидагича бўлган.

Биринчи синовдан ўтказмоқчи бўлган киши чаёнлар тўла ертўлага қамалган. Агар ўша кишида валийлик хислати бўлса, унга ҳашаротлардан ҳеч қандай зиён етмаган. Акс ҳолда у чақиш оғриғидан оғир аҳволга тушган. Бу синовда Шайх Носуриддин хона ичида доира чизиб, шу доира ичида дуо ўқиб турган. Натижада бирон бир чаён доирадан ичкарига киролмаган.

Айтиш керакки, Шайх Носуриддин билан боғлиқ мазкур воқеа юртимизда яшаб ўтган бошқа улуғлар ҳаётида ҳам содир бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Масалан, Фарғона вилояти Ёзёвон туманида ҳаёт кечирган Ботир Қори дуосининг ўткирлиги билан атрофга донг чиқарган. Ботир

---

[203] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. – Т.: "Янги аср авлоди", 2010. 305-б.

[204] Ибрат. Фарғона тарихи.- Т.: "Камалак", 1991, 288-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қорига ўттиз йил сартарошлик қилган уста Эргаш ҳожи Акбаровнинг ҳикоя қилишича унга илон, чаён, ари каби заҳарли ҳашорат ва газандалар дахл қилмас экан. Бу ҳақда Эргаш ҳожи шундай ҳикоя қилади:

"Бир кун сочларини олгани борсам, қори дада эски деворни бузяптилар, бир чаён елкаларидан ўрмалаб тушиб, ерда қочиб кетаяпти" қори тоға чаён юрибди дедим. "дарров атрофини чизиб қўй", дедилар. Қўлимга ёғоч олиб югуриб кетаётган чаён атрофини доира қилиб чиздим.Чаён чизиққа бориб таққа тўхтади, орқага қайтди яна чизиққа бориб бурилиб орқага қайтди бир неча марта бу уринишни такрорлагач, доира ўртасига келиб типирчилаб жон берди. Кўрганимни Ботир қорига айтдим у кулиб: "Чаён мени банди қилишимдан қочиб кетаётган эди", деди.

Айтишларича, иккинчи синовнинг шарти қуйидагича бўлган. Тикан йўлак қилиниб, мазкур йўлакдан синовга келганлар юриб ўтганлар. Агар кимнинг дуоси ўткир, каромат соҳиби бўлса, тикан устидан бемалол ўта олган. Агар у сохта авлиё бўлса, ўша заҳоти тиканлардан оёғи қонга беланган. Бу синовдан ҳам Шайх Носуриддин жуда осонлик билан ўтиб кетган.

Учинчи синовнинг шарти қуйидагича бўлган. Унга кўра, таомга мушук гўштини қўшиб дастурхонга тортилган. Агар кимда ким гўштнинг фарқига бормай таомни тановул қилаверса, бундай кимсалар жазоланганлар. Айтишларича, Шайх Носуриддин мазкур синовдан ҳам муваффақиятли ўтган.

Таъкид жоизки, айнан синовнинг ушбу кўриниши кўплаб авлиёлар билан боғлиқ воқеаларда ҳам ўз аксини топган.

Масалан, Сармозор ота номлари билан машҳур бўлган марғилонлик Мир Абдураҳимхожа эшон (XIX аср) тўғрисидаги ривоятларда ҳам айнан мазкур воқеа тилга



www.ziyouz.com kutubxonasi

олинади: Бу ҳақда унинг авлодлари шундай ҳикоя қиладилар:

“Мир Абдураҳимхожа эшон кўпчилик назарига тушиб қолган эдилар. Шунинг учун ўша даврнинг амалдорлари Эшон бувамни ва ул зот каби қатор дин пешволарининг билим даражаларини яширинча синаб кўрмоқчи бўлишади. Бу синовда Эшон бувам каромат кўрсатадилар ва бунинг натижасида ул зотга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортиб кетади.

Айтишларича, синов ўтказиш мақсадида шундай зиёфат ташкил килиниб, у ерга узоқ-яқиндаги номи чиққан илм аҳлини таклиф этишган. Зиёфат чоғида ўзаро келишиб олишиб, яширин равишда меҳмонларга алоҳида-алоҳида тортилаётган таомлар устига хар хил паррандаю-даррандаларнинг гўштидан бир бўлакдан қўйиб киритишган ва меҳмонларни кузатиб туришган. Меҳмонлар ҳеч нарса сезмай таомни тановвул қила бошлашган. Эшон бува эса таомга термулиб турардилар, чунки ул зотнинг таомлари устидаги гўшт бўлаги мушукники эди, ул зот буни сезган эдилар. Эшон бува таомни емай, унга термулиб нималарнидир ўқиётганларини кўрган меҳмону мезбонлар ул зотни сездирмаган ҳолда кузатиб туришарди. Шу пайтда таомга қараб дам солиб турган Эшон бува овоз чикариб, “Пишт жонивор, пишт” деганлар, шунда ҳамманинг кўз ўнгида таомлари устидан мушук миёвлаб ташқарига отилиб чикиб кетган. Ташқарига отилган мушук барчанинг кўз ўнгида содир булган. Бу ҳодисани барча ўтирганлар шоҳидига айлангалар. Ўша ташқарида кузатиб турган бою-амалдорлар ўзларини Эшон буванинг оёқлари остига ташлаб минг бор узр сўрашган”[205].

Ушбу ривоятни Сармозор отанинг замондоши бўлган Саййид Убайдуллохон (Киргил азизлар)га ҳам нисбат

---

[205] Абдулаҳатов Н., Аброров С, Тошқулов А. Сармозор зиёратгоҳи. –Т.: “Баёз” нашриёти, 2014. 156-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

берадилар. Бу ҳақда Муҳаммадсайидхон Абдазов ўзининг "Аджодларга эҳтиром"номли китобида қуйидагича келтиради:

"Дастурхонлар ёзилиб, ош тортилади, аммо Олимхон подшо алоҳида шубҳа билан қараган Сармозор ота ва Убайдуллохон Хожа Эшон ошга қўл урмай ўтирадилар. Бундан тоқати тоқ бўлган подшо: "Тақсирлар, ошга қарасинлар, алоҳида сизлар учун дамлатдим", дея уч маротаба таклиф қилади. Шунда Саййид Убайдуллахон ёнларида ўтирган Сармозор отага қараб: "Сиз башорат қилинг", дейдилар. Сармозор ота эса: "Тақсир, ўзларига илтифот бўляпти," дейдилар. Шунда Убайдуллахон кескин ҳаракат қилиб, енгиларидан қўлларининг учини чиқариб, қўллари билан ишора қилиб: "Пишт жонивор, сени увол қилишибди-да", деганларида, товоқдаги ош устида мушук тирилиб, силкиниб-силкиниб пастга тушиб кетган экан. Шунда у киши: "Олим-ей, золим-ей" дея, подшоҳдан ранжиб чиқиб кетган эканлар.

Табиийки, Шайх Носуриддин, Сармозор ота ва Саййид Убайдуллахон билан боғлиқ юқорида келтирилган ривоят чуқур илмий тадқиқотни талаб қилади. Аслида улуғ зотлар билан боғлиқ айрим ҳикоятлар баъзан ривоятга айланиб кетишининг гувоҳи бўласиз. Чунончи, авлиёларга доир баъзи ҳикояларнинг мазмуни диний чегарадан чиқиб, халқ оғзаки ижоди асарига айланганлиги ўқувчиларни таажжубга солмаслиги керак. Шу ўринда юқорида келтирилган ҳикояда ҳам балким қисман муболаға бордир, билмадик... Бу борада халқимизнинг авлиёлар ҳақидаги ҳар бир ҳикоятни ўз ақл элагидан ўтказишига шубҳа қилмаймиз. Бироқ, ҳикоянинг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, халқимизни авлиёларга нақадар иззат-икромли бўлганлигини яна бир бор англаб етишимизга ёрдам беради.

Ҳазрат Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида ҳам шу сингари воқеани ҳикоя қилади: "Шайх муфарриж



www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳимаҳуллоҳу таоло ҳабаший қуллардан эди. Бир куни унга бир жазба етиб, олти ой ҳеч нарса емади. Уни девона бўлган деб ўйлаб, ҳуши жойига келиши учун шунча таёқласалар ҳам фойда қилмабди. Зиндонга қамаб қўйдилар, эртасига уни зиндоннинг ташидан топибдилар. Бунча кароматларни унда кўриб, бир нечта товуқни қовуриб, олдига келтирибдилар. Шайх Муфарриж товуқ кабобига боқиб дебди:

–Учингиз!

Аллоҳ таоло изни билан товуқлар тирилиб, уча бошлабди"[206].

Эътибор берган бўлсангиз, валий зотларга нисбатан ишончсизлик ва ҳурматсизлик туфайли амалга оширилган бундай воқеалар бир зот учун атайлаб тўқиб чиқарилган эмас. Бинобарин, Суюндик Мустафо Нуротоий айтганидек: "Тарихий ҳақиқат – шахс, макон ва замон уйғунлигида англашилади. Бу ёзма манбаларга таяниш демакдир. Аммо афсоналар ҳам қайсидир маънода "мутлақо тўқима нарса" эмас. Улар замирида асрлар елкасига ўрнашган "нимадир" бор. Йўқса, эл азизлаб аждоддан авлодга кўчирмас эди"[207].

---

[206] Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат. Ҳикоятлар ва ҳидоятлар.– Т.: "O'zbekiston".201-б.

[207] Суюндик Мустафо Нуротоий. Хатирчилик табаррук сиймолар. – Т.: "Муҳаррир", 2010. 7-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚЎҚОН ҲУКМДОРИ ОЛИМХОННИНГ ПИРИ

Табиб ва адиб Маҳмуд Ҳаким Яйфоний (1850—1930) "Хуллас ат-таворих" номли асарида шундай ёзади:

*"Ровийлари ахбор ва ноқиллари осор андоғ айтурларки, Олимхон ибн Норбўтахон ҳар ерда сўфи ва эшон... аҳволини тафтиш ва тахсис қилур эрди ва агар шайхларки, пири комилни хизматини айлаб, камолот ҳосил қилган ва адаби тамом бирла сайри сулук қилгон бўлса, андоғ эшон ва шайхларга... сарофроз айлаб иззат ҳурмат бирла анга рухсат берур эрди. Ва баъзи эшон сўфиларки, ўзлари ҳам гумроҳ ва халқни ҳам гумроҳ қиладургон бўлса, шул замонни баъзи эшонларидек муддаолари иззат ва шуҳрат ва обрў ва дунё ҳосил қилмоқ бўлса, андоғ гумроҳ ва бефойда эшон ва сўфиларни сиёсат салтанати ва таъзиб фармони бирла анга азоб ва одоб берур эрди. Зероки, амирни ўзим ҳам сайри сулук жаҳрияни Носир алайҳираҳмани хизматларида тамом айлаб, камолот ҳосил қилган эрди"*[208].

Эътибор берган бўлсангиз, ушбу асарда Қўқон хони Олимхоннинг тариқатидаги пиру устози Носир алайҳираҳма эканлиги таъкидланади. Бинобарин, Носир алайҳираҳма аслида Шайх Носуриддиннинг айнан ўзи бўлса керак. Чунки Фазлий Намангоний «"Мажмуаи шоирон" тазкирасида Қаландархўжа Косонийга нисбатан келтирилган таърифида Қаландархўжа Шайх Носирнинг муриди бўлганлигини айтади[209]. Демак, Халифа Носир, Носир алайҳирама асли бир инсон, яъни Шайх Носуриддин бўлиши мумкин. Эҳтимол Шайх Носуриддин ҳам Олимхоннинг мазкур синовларида бошқа шайхларга ибрат бўлиши учун иштирок этган кўринади.

---

[208] Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. "Хуллас ут-таворих" Қўқон адабиёт музейи. №70.40 - варақ.

[209] Фазлий Намангоний. "Мажмуаи шоирон" тазкираси қўлёзмаси. Мазкур қўлёзма Марғилон шаҳарда истиқомат қилувчи Сайидакбар Жабборовнинг хонадонида сақланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айтишларича, Шайх Носуриддин ҳазратлари вафот этганларидан сўнг Косонсойга келган марғилонлик муридлари муршидларини Марғилонга олиб бориб дафн этмоқчи бўладилар. Натижада ўртада бир тортишув юз беради. Шу вақт иккала томон ҳам марҳумни овозини эшитиб ҳайратга тушадилар.

Шунга ўхшаш воқеани Ш.Валиев ўзининг "Чилмаҳрам ғорининг сири" номли рисоласида ҳам баён этган. "Чилмаҳрамдаги қабрга Тожихон эшон маййитини Сўфи тоға исмли бир биродарлари қўйишади. Шунда "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деб маййит қиблага юзланади. Буни кўриб Сўфи тоға, "Во дариғо" деб қабрдан йиғлаб чиқади. Айтишларича, Тожихон эшоннинг қўйлакларини табаррук билиб, Сўфи тоға олган экан"[210].

Шу ўринда Шайх Носуриддининг вафотидан сўнг тилга кириши бир қарашда ғайриоддий туюлса-да, аммо бундай ҳолатлар аввалги вақтда ҳам бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бинобарин, бу ҳақда Шайх Абу Бакр Гулободий (991 йилда вафот этган) қуйидагиларни баён этади:

*"Иброҳим ибн Шайбон айтади: «Менинг ҳузуримда бир муридим бетоб бўлиб қолди. Бир неча кундан кейин вафот этди. Уни қабрга қўйдим, шоядки Аллоҳнинг раҳмати дохил бўлса деб юзини очиб, чаккасини тупроққа қўймоқчи эдим, у табассум қилиб, мени ўзига залил қилган зотнинг олдида мени залил қилмоқчимисан, деди». Иброҳим ибн Шайбон яна айтадилар: "Қишлоқда менинг ҳузуримда бир ибодатгўй, масжидда ўтиришни яхши кўрадиган бир йигит бор эди. Мен ҳам у йигитни ёқтирар эдим. Мен шаҳарга жума ўқигани келдим. Мен шаҳарга келганимда биродарларимникида қолар эдим. Асрдан кейин кўнглим хавотирланиб, қишлоққа қайтдим. Йигитнинг аҳволини сўрасам, унинг қорни оғриётганлигини айтишди. Кейин йигитни олдига бориб, унга салом бердим. У менга қўлини бериб*

---

[210] Валиев Ш. Чилмахрам ғорининг сири. –Т.: "Истиқбол", 2006 6-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*кўришди ва қўл бериб турган вақтида оламдан ўтди. Мен уни ғусл қилдираётиб, сув қуйишликда хатога йўл қўйибман. Шу вақтда мен унинг қўлини ушлаб турган эдим, у қўлини тортиб олди. Менинг атрофимда турган кишилар буни кўриб, ҳушларидан кетиб қолишди. Кейин у менга кўзини очиб қаради, мен қўрқиб кетдим. Кейин унга жаноза ўқидим, қабрга киргазиб юзини очиб қўйдим, шунда у менга кўзини очиб табассум қилди, ҳаттоки тишлари ҳам кўриниб кетди. Сўнгра унинг устига тупроқ тортдик.*

*Бунга ушбу ҳадислар шоҳиддир: Абу Али ал-Ҳусайн ибн Исмоил ибн Исмоил ал-Форисий айтадилар. Наср ибн Аҳмад ал-Бағдодий ривоят қиладилар, у киши ал-Валид ибн Шужоъ аш-Шакванийдан, у киши Ҳафс ибн Бурайд ибн Масъд ибн Харрошдан ривоят қиладилар, ат-Тарбаъий ибн Харрош жаннатга ёки дўзахга тушишини билмагунича ҳечам кулмасликка қасам ичган эди. Токи вафот қилгунича унинг кулганини ҳеч ким кўрмаган. Ўлганидан кейин унинг кўзини юмиб, иягини боғлашди ва қабр ковлашга ва кафан келтиришга одам юборишди. Ройъи ибн Харрош айтади: «Акам бизларга қараганда кечалари кўпроқ намоз ўқир эди, иссиқ кунларда ҳам кундуз куни бизлардан кўра кўпроқ рўза тутар эди. Улар атрофида ўтиришган эди, бирдан ўлик юзини очиб, уларга қараб кулди, Шунда укаси Ройъи: "Эй ака, ўлганингдан кейин куляпсанми?", деб сўради. У: "Ҳа. Мен Роббимга йўлиқдим, у мени равҳу райҳонлар билан кутиб олди-ю, Роббим мендан ғазабнок эмас. У менга ипак, шойи кийимлардан кийдирди. Менинг ишим сизлар ўйлагандан ҳам осон бўлди. Менинг ҳамроҳим Муҳаммад (с.а.в.), у киши мени кутиб турибдилар, деди. Мана шу гапни айтиб бўлиши билан жони чиқди». Бу гап Оиша(р.а)га борганида у киши Расулуллоҳ (с.а.в.): Менинг умматимнинг ичида тобеъинлардан бўлган яхши киши вафотидан кейин ҳам гапиради, деган эдилар, – деди"[211].*

[211] Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси. –Т.: "Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти", 2002. 134-135-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу ўринда Шайх Носуриддининг қабри хусусида. Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Шоҳ Мансур қабристонидаги Шоҳ Мансур мақбараси ёнида Шоҳ Носир номи билан сақланиб қолган қабр мавжуд. Изланишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, Шоҳ Носир аслида Шайх Носуриддиннинг айнан ўзи эканлигини аниқлашга муяссар бўлдик. Талаффузда Шайх ўрнида Шоҳ сўзи қўлланилиб келинган бўлса керак. Биз эса бунга дастлаб эътибор бермай Шайх Носир қабри йўқолиб кетган деган фикрга келган эдик.

Айтишларича, Шайх Носуриддиннинг ўн нафар фарзанди бўлган.

Бу ҳақда Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа Марғилоний ўзининг "Шажаранома"сида баён этган.

Мирсаййид Муҳаммад Марғилонийнинг авлодларида қўлида сақланаётган мазкур қўлёзмага кўра, у Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ҳазрат Алининг ўғли Имом Муҳаммад Ҳанафийанинг 28-авлоди бўлиши билан бирга, она томонидан Имом Ҳусайннинг 29-авлоди эканлиги таъкидланади. Шу сабабдан ҳужжатларда Мирсаййид Муҳаммад Имом Муҳаммад Ҳанафийа, Бурҳониддин Қилич, Махдуми Аъзамнинг ҳам авлоди сифатида эътироф этилади. "Шажаранома"да келтирилган маълумотларнинг тарихий аҳамияти шундаки, Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобалари – чаҳорёрлар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ибн Аби Толибнинг ҳаёти ҳамда уларнинг авлодлари ҳақида маълумотлар келтирилган ва 148 муҳр босилган[212]. Мирсаййид Муҳаммад Марғилоний авлодлари хонадонида мазкур "Шажаранома"дан ташқари йигирмага яқин ҳужжатлар сақланиб қолган.

---

[212] Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Ашибек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3 – Б. 31.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАЗРАТ САЙЙИДУЛ ОШИҚИН НАСАБЛАРИ

Юқорида келтирилиб ўтилганидек, Амир Саййид Аҳмад, яъни Шайх Носуриддин ота томонидан Муҳаммад ал-Ҳанафийа авлоди бўлиб, Марғилон шаҳрида унинг шажараси сақланиб қолган. XX асрнинг бошларида ёзилган мазкур шажаранинг ҳажми 1710 х27 см. дан иборат бўлиб, унинг авлодлари номи ҳам кўрсатиб ўтилган:

*"Ҳазрат Саййид Юсуфхўжа Ошиқ Косоний Содот Набавий Алавий Ҳусайний, Аллоҳ у кишининг асҳобларини асрасин, ҳозирги кунда шу нарса маълумки, Ҳазрат Саййид Юсуфхўжа Ошиқ бу камина фақирнинг шариат устози ва тариқат муршиди ҳисобланади. Яна шу нарса маълум бўлсинки, Ҳазратнинг насаби умумий тарзда баён қилинади.*

*Ҳазрат Муҳаммад мустафо (с.а.в.)дан фақат Фотимаи заҳро (р.ҳ.) қолган эди. Фотимаи заҳро (р.а.)дан эса икки ўғил фарзанд қолган бўлиб, улар Ҳазрат Имом Ҳасан ва Ҳазрат Имом Ҳусайн қолган. Ҳазрат Имом Ҳусайндан Ҳазрат Имом Али Асғар (Кичик Али) қолган бўлиб, у зот Зайнулобидин (а.р.) номи билан машҳур. Зайнулобидин (а.р.)нинг ўғли Ҳазрат Имом Боқир (а.р.), унинг ўғли Ҳазрат Имом Мусо Козим (а.р.), унинг ўғли Ҳазрат Имом Али ибн Мусо Ризо(а.р.), унинг ўғли Ҳазрат Имом Муҳаммад Тақий (а.р.), унинг ўғли Ҳазрат Имом Мубарқаъ, унинг ўғли Ҳазрат Имом Муҳаммад Ҳасан, унинг ўғли Ҳазрат Имом Саййид Муҳаммад Халил, унинг ўғли Ҳазрат Имом Саййид Муҳаммад Жалил, унинг ўғли Ҳазрат Имом Саййид Муҳаммад Носир, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Абдураҳмон, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Муҳаммад Сирож, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Муҳаммад Қосим, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Муҳаммад Валий, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Али, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Зоҳид, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Саййид Абдуллоҳ, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Муҳаммадшоҳ, унинг қизи Ҳазрат Момош Бибича,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*унинг турмуш ўртоғи Ҳазрат Маъданус-сахо, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Муҳаммадшоҳ, унинг ўғли Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ, Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Шайхи Азизон, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоношоҳ Муҳаммадшоҳ, унинг ўғли Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Иброҳим, унинг ўғли Ҳазрат Амир Саййид Умар Азиз. Бу инсоннинг икки ўғли бўлиб, бири ходимул-фуқаро Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддин, иккинчи ўғли эса Амир Саййид Қобилдир.*

*Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддиндан Ҳазрат Саййид Муҳйиддин, Саййид Урватуллоҳ, Саййид Ҳизбуллоҳ, Саййид Юсуф Ошиқ ва Саййид Ғуюр исмли фарзандлар қолган. Саййид Юсуф Ошиқдан эса икки ўғил қолган. Улардан бири Хўжа Эшон, иккинчиси Саййид Эшонхон Тўра. Шунингдек, Саййид Юсуф Ошиқнинг бир нечта қизлари ҳам бўлган. Улардан бири Калон Эшон қизи, яъни Хайринисо Ойим исмли аёл бўлиб, унинг ўғли Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа, унинг ўғли Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжадир.*

*Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддиннинг онаси Султон Биби бинт Амир Саййид Жалолиддин ибн Амир Камолиддин ибн Амир Саййид Билол ибн Ҳазрат Саййид Муҳаммад Маъданус-сахо.*

*Мазкур Ҳазрат Маъданус-сахонинг бошқа ўғли ҳам бор бўлиб, унинг исми Мир Бобо Шайхи Азизон эди, унинг ўғли Мир Вақо Шайхи Азизон, унинг ўғли Шоҳ Бобо Шайх бўлган. Мазкур Шоҳ Бобо Шайхнинг икки ўғли бўлган. Улардан бири Мир Саййид Шайх, иккинчиси эса Мир Шариф Шайхдир. Бу икки азиз шайхнинг кўплаб ўғиллари бор. Ҳазрат Саййид Боқийбиллоҳ Шайх Сонийдан икки ўғил қолган. Бири Ҳазрат Мавлоно Шайх Муҳаммадшоҳ бўлиб, бу хонадоннинг энг катта бобоси саналади"*[213].

Саййид Боқийбиллоҳнинг иккинчи ўғлининг исми Амир Юсуф бўлиб, ундан икки ўғил қолган. Бири Амир

[213] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 122-123-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Исмоил Шайх, иккинчиси Амир Саййид Боқий Шайх. Бу икки азиз шайхлардан кўплаб фарзандлар дунёга келган.

Мазкур Ҳазрат Мавлоно Амир Саййид Иброҳимдан тўрт ўғил қолган. Улар Ҳазрат Шоҳ Мир Азизон, Ҳазрат Амир Саййид Қаландар Азизон, Ҳазрат Амир Саййид Азизон ва Ҳазрат Амир Саййид Умар Азизондир.

Зикр қилинишича, падари сулбий Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддин Марғинонийдир. Мазкур Ҳазрат Амир Саййид Аҳмаднинг кўплаб фарзандлари бўлган. Аммо баъд: мазкур фарзандларнинг бештаси ўғил, бештаси қиз бўлган. Ўғиллари қуйидагилар:

1. Саййид Муҳйиддин. Лақаби Тўрахўжа эшон.
2. Саййид Урватулло. Лақаби Суфийхўжа эшон.
3. Саййид Ҳизбуллоҳ. Лақаби Девонахўжа эшон.
4. Ҳазрат Мир Саййид Юсуфхўжа эшон Ошиқ.
5. Саййид Ғуюр. Лақаби Эшонча.

Муҳтарама улуғ қизлари қуйидагилар:

1. Хоним Подшоҳ бегим.
2. Азиз Подшоҳ бегим.
3. Нур Подшоҳ бегим.
4. Нор Подшоҳ бегим.
5. Саййида Моҳ бегим.

Шунингдек, мазкур Мир Саййид Юсуфхўжа эшондан Хайринисо Ойим дунёга келган. Ундан қуйидаги беш ўғил туғилган:

1. Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа.
2. Мулла Мирсаййид Аъзамхўжа.
3. Мулла Мирсаййид Ғанийхўжа.
4. Мулла Мирсаййид Абдулвосиъхўжа Девона. Лақаби Девонахўжа.
5. Мулла Мирсаййид Низомиддинхўжа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунингдек, мазкур Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжадан бир ўғил фарзанд дунёга келган. Унинг исми Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжадир. Аллоҳ уни саломат қилсин.[214]

Шунингдек Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжанинг "Шажаранома"сига қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин. Ушбу қўшимча маълумот Косонсойда олиб борилган изланишлари давомида қуйидаги оғзаки маълумотлар ёзиб олинди:

## Шайх Носуриддин фарзандлари

1. Саййид Муҳйиддинхожа. Мадинага кетган ва ўша ерда вафот этган.

2. Саййид Аҳмадхон. Манжурия томонларга кетиб ўша ерда вафот этган.

3. Мавлоно Саййид Иброҳим ҳозирги Тожикистон томонларга кетиб ўша ерда яшаб қолган.

4. Умархон эшон Эрон томонларга кетиб ўша ерда яшаб қолган.

5. Юсуфхон эшон (Ошиқ Юсуф). Косонсойнинг Шайхон маҳалласида яшаб ўтган.

## Косонсойдаги Юсуфхон эшон авлодлари

Юсуфхон эшон тўрт нафар фарзанд кўрган:

1. Мавлоно Саййид Носирхон Юсуфхон эшон ўғли.

2. Мавлоно Саййид Иброҳимхон Юсуфхон эшон ўғли. Саййид Иброҳимхоннинг фарзанди Сайид Лутфуллахон.

3. Аммахон Юсуфхон эшон қизи. Аммахоннинг ўғли Ҳабибуллоҳхон тўра. Ҳабибуллоҳхон тўранинг фарзандлари:

---

[214] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳмудхон тўра, Сафилулоҳхон тўра, Саййид Маҳмудхон тўра.

4. Турсунхон Юсуфхон эшон қизи.

Айтишларича Саййид Иброҳимхон эшон отаси Юсуфхон эшон ёнида дафн этилган. Иброҳим эшоннинг ўғилларининг бири исми ҳам Юсуфхон бўлиб, халқ орасида Юсуфхон тўра номи билан машҳур бўлган. Яна бир фарзанди Лутфуллахон. У киши эл-юрт ичида Йўлбарсхон деган исм билан танилган эканлар. Иброҳимхон эшоннинг Аммахон, Турсунхон (иккинчи исми Қаландархон) исмли қиз фарзандлари бўлган.

Турсунхон умрининг охиригача чиллахонада умргузаронлик қилган. Турмушга чиқмаган. Шу сабаб Қаландархон ая деган ном билан эъзоз топган. Аммахоннинг Ҳабибуллахон исмли ўғли ва Сорахон исмли қизи бўлган. Ҳозирда Юсуф эшон зиёратгоҳининг мутасаддиси Ҳабибуллахон авлодларидандир

Кўриб турганингиздек, Косонсойда ёзиб олинган оғзаки маълумотлар Мулла Мирсаййид Маҳмудхўжанинг “Шажаранома”сида келтирилган маълумотлардан фарқ қилади. Бунга сабаб собиқ СССР даврида узоқ давом қатағонлик сиёсати оқибатида Шайх Носуриддин авлодлари йиллар давомида бир-биридан узоқда яшашга мажбур бўлишган. Натижада қариндошлик ришталари узилиб қолган. Бу эса аждодлар номини унутилиб кетишига сабаб бўлган. Кейинги авлодлар эса оила тарихини ўзлари билганича талқин қилиб келганлар.

## ОШИҚ ЮСУФ ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларидан яна бирининг зиёратгоҳи Наманган вилоятининг Косонсой туманида жойлашган. Сойча маҳалласининг Эшонбобо қабристонида



www.ziyouz.com kutubxonasi

меъморий – бадиий сифатлари билан улуғвор ва эътиборга лойиқ XVIII асрга мансуб бўлган Шайх Носуриддин мажмуаси бунёд этилган. Бироқ йиллар ўтиб бу зиёратгоҳ Юсуфхон эшон номи билан машҳур бўлган. Шу сабабдан биз Шайх Носуриддиннинг бешинчи фарзанди Юсуфхон эшон тўғрисидаги ривоятлардан сўз юритишни лозим кўрдик[215]. Чунки айнан шу зиёратгоҳда узоқ йиллар давомида Юсуфхон эшон халқни маърифат майидан баҳраманд этган ва кўплаб беморларнинг дардига малҳам бўлган.

Айтишларича, Юсуфхон эшон ҳам олим, мухлис, Аллоҳни кўп зикр қилувчи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг сийратларига ошиқ инсон бўлганлиги учун Ошиқ Юсуф номини олган экан. Шу сабабдан насабномаларда айнан Ошиқ Юсуфхон номи билан тилга олинади...Инсон руҳи ўз-ўзидан илоҳий чексизликка интилмай- ди. Руҳнинг қаноти - илоҳий ишқ. Аллоҳга муҳаббат. Бу ишқ, бу муҳаббат билан тенглашадиган ва ошиқ қалбини у қадар поклайдиган бошқа бир нима йўқ.

Маълумки, тасаввуф аҳли - Аллоҳ муҳаббатига берилган ошиқлар. Улар дунё гўзаллиги, ҳаётмазмуни, инсон қисмати ва маънавий-руҳий камолотини бевосита ҳақиқий ишқ моҳиятига боғлиқ равишда идрок этганлар ҳамда таърифу тавсиф қилганлар....

Қуръони карим ҳар бир ҳақпараст, маърифатсевар инсон учун умид ва муҳаббат, қисмат ва саодат қомуси. Унда таъкидланишича, Муҳаммад алайҳиссалом энг улуғ ахлоқ соҳиби, Ҳақ элчисидир. У коинотнинг сабаби, хилқатнингаввали, нубувватнингхотами эрур. Мусулмон оламида бирор бир атоқли ё машҳур зот йўққи, Ҳақ таолонинг охирги пайғамбари ва ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариати, яъни муборак йўлидан

---

[215] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: "Adabiyot uchqunlari", 2016.



www.ziyouz.com kutubxonasi

четлашган бўлсин. Чунки бу йўл -тўғрилик, адолат, муҳаббат ва комиллик йўли. Расулуллоҳни севмасдан, ўзини шу севгига фидо қилмасдан илоҳий ишқ завқига етишмоқ душвордир. Пайғамбаримизга муҳаббат - бу мутлақ холис ва соф муҳаббат. Бу фақат ақлий бир севги эмас, балки кўнгил ва руҳ ишқи.[216]

Бинобарин, Исломда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қилиш мусулмон кишилар учун ўта муҳим иш саналган. Аллоҳ таоло барча мусулмон эркак ва аёлга Пайғамбар алайҳиссаломга муҳаббат қилишни фарз қилган. Имон фақат у зотни яхши кўриш билангина комил бўлади. бинобарин, комил имон у зотни барча нарсадан муқаддам қўйишни тақозо қилади.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари шундай деганлар: "Бирортангизнинг имони мен унга ота-онасидан, бола-чақасидан ва барча инсонлардан яхшироқ бўлмагунимча комил бўлмайди!".[217]

Демак, ким у зотга муҳаббат қилишда қосирлик қилса, имонининг комиллигида нуқсонга йўл қўйибди, гарчи имони бўлса-да.

Бу борада саҳобалар биринчи ўринда турганлар. Улар у зотни таърифдан ожиз қоларлик даражада яхши кўрар эдилар. У зотга жонлари, моллари, аҳлларини фидо қилишга тайёр эдилар ва шундай ҳам бўлган.

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу айтади: "Менга бирор киши Пайғамбар алайҳиссаломдан ортиқроқ эмас. Кўз ўнгимда у зотдан улуғроқ киши йўқ, у кишини улуғлигидан кўзимни у зотга қарата олмайман. Агар мендан у зотни

---

[216]Иброҳим Ҳаққул ҳақиқати. / Нашрга тўпловчи Зулайҳо Раҳмонова. – Т.: "Тирилиш" нашриёти, 2023.176-177-б.

[217] Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳиҳ ул-Бухорий". Дорул фикр. Байрут. 1407/1987. 1-ж, 32-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

таърифлаб беринг, деб сўрасалар бунга тоқат қила олмайман, чунки мен у зотга кўзимни қаратган эмасман".[218]

Али розияллоҳу анҳудан Пайғамбар алайҳиссаломга муҳаббатлари ҳақида сўрашганида: "У зот алайҳиссалом бизга молимиздан, болаларимиздан, оналаримиздан ҳам, муздек салқин сувдан ҳам кўра маҳбуброқ эдилар", деб жавоб берганлар.

Имом Бухорийнинг ривоят қилишича Урва ибн Масъуд ўзини сулҳ учун юборган қурайшларга қарата қайтиб келгач шундай деган: "Эй қавм, Аллоҳга қасамки, мен кўплаб подшоҳлар ҳузурига элчи бўлиб борганман. Қайсар, Кисро ва Нажошийлар ҳузурига ҳам борганман. Аллоҳга қасамки, Муҳаммадни асҳоблари ҳурматлагани каби бирор подшоҳни кўрмаганман. Аллоҳга қасамки, у агар туфласа, ё таҳорат олса ерга тушмай асҳобларидан бирининг қўлига тушади, уни олишга бир-бирлари билан тортишадилар, уни юзи ва баданига суртадилар. Агар бир ишга буюрса уни бажаришга шошиладилар. Сўзласа, овозларини паст қиладилар, уни ҳурматлар унга тик боқмайдилар".[219]

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: "Биз Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида ўтирсак, у зотни ҳурматларидан юзларига тик боқа олмас эдик".

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: "Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг сочларини олдираётганларини кўрдим. Уни асҳоблар ўрталарида айлантириб, тақсимлаб олар эдилар".

Ибн Саъд "Табақот"да келтиришича, тобеъинлардан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий айтади: "Бизда Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак соч толалари бор. У бизга Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу орқали келган. У

[218] Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиҳу Муслим". Дору эҳёу турос ал-арабий, Байрут. 1-ж, 403-б.

[219] Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳиҳ ул-Бухорий"...10-ж, 77-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

муборак соч толасининг бизда бўлиши мен учун дунё тўла олтин ва кумушларим бўлишидан кўра яхшироқдир".[220]

Мазкур ишларнинг барчаси у зот улар учун устоз, мураббий, йўлбошчилари, дунё-охиратдаги имомлари ва қиёмат кунидаги гувоҳлари бўлгани учун эди.

Бир гал ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: "Эй Расулуллоҳ, сиз менга ўзимдан бошқа барча нарсалардан маҳбуброқсиз", дейдилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Йўқ, жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен сенга ўзингдан ҳам кўра маҳбуброқ бўлмагунимча, имонинг комил бўлмайди", дейдилар. Буни эшитган ҳазрат Умар: "Мен сизни жонимдан ҳам яхши кўраман", дейдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ана энди имонинг комил бўлди!", дейдилар.

Ҳазрат Умарнинг аввалги жавоби инсонийлик табиатидан келиб чиқиб айтилган эди. Чунки барча инсон одатда ўзини яхши кўради. Сўнгра мулоҳаза қилгач ва далили билан билгач нажотларига сабаб бўлгани, дунё-охират ҳалокатларидан сақланишларига сабаб бўлгани учун ҳам у зотни яхши кўришларини айтдилар.

Юсуфхон эшон чиллахонада кеча-кундуз нафақат Косон аҳли балки бошқа ҳудудлардан ҳам дардига даво излаб келган ёшу қариларни бирдек қабул қилиб уларни кўпдан бери қийнаб келаётган дардларидан халос этган. Айтишларича, Юсуфхон эшон беморларни дам солиш билан даволаган экан. Ул зот дуоларининг ижобат бўлиши улуғ шараф эгаси эканликларидан далолат бўлган. Шунингдек, чиллахона олдидаги ҳовуздан сув ичганлар ҳам турли касалликлардан фориғ бўлганлар. Кейинчалик Юсуфхон эшон васиятига кўра, чиллахонанинг орқа томонига дафн этилган. Йиллар ўтиб одамлар бу табаррук жойни зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келганлар.

---

[220] Муҳаммад ибн Саъд. Табақотул кубро. Дору садр. Байрут. 6, 95-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таъкид жоизки, азиз - авлиёларнинг дуолари туфайли кишиларнинг шифо топиши билан боғлиқ кўплаб воқеалар ёзма манбаларда ва асотирларда ўз ифодасини топган. Масалан, марғилонлик Рўзи девона исмли авлиёни олайлик.

Айтишларича, Калон ҳазратнинг[221] аввалги ҳолларида ўнг қўл бош бармоғи устига жароҳат чиқиб, ҳадеганда тузалавермайди. Номдор табибларга кўрсатилиб, муолажа қилинса-да, натижа бўлмайди. Оғриқ эса, кундан-кунга кучайиб бораверади.

Ўша вақтларда Марғилонда одамлар назаридан беэътибор бўлиб юрадиган, "Рўзи девона" деб аталадиган, девона одам бўлар экан. У ҳам гоҳо уйида беморларга муолажа қилиб, дам солар, баъзилар унинг муолажасидан шифо топар эканлар. Калон ҳазратнинг бармоқлари тузалавермагач, баъзилар, "Ҳазрат ҳам девонага учрасалар бўларди", дейишади-ю, лекин ботиниб айта олмайдилар. Охири яқин кишилардан бири бу ҳақда оғиз очади. Ҳазрат қабул қиладилар ва икки киши ҳамроҳлигида девонанинг уйига борадилар.

Кириб келишганда у бир неча беморларга дам солиб ўтирган экан. Меҳмонларни кўргач: "Ўша ерда ўтириб туринглар", дея, уларга пойгакдан жой кўрсатади ва ўзи ишида давом этади.

Беморларидан бўшагач, "Энди бу ёққа келинг", – деб, Ҳазратни чақиради. У зотдан қаерлари оғриётганини сўраб билгач, кўзини юмиб, ичида бир нималарни ўқийди ва оғриётган бармоққа қараб, "Суф-ф" деб, дам уради. Шунда не кўз билан кўрсалар-ки, оғриётган бармоқ ўша тобда оғриқдан тўхтайди.

Ҳазрат бундан таажжубланиб, "Менга қара, сен нималарни ўқиб, дам урдингки, шунчалик тез таъсир

[221] "Калон ҳазрат" номи билан машҳур бўлган тариқат шайхи, мавлоно Абдулкарим (қ.с.) халифа бўлиб, 1884 йилда Марғилонда вафот этган. Қабрлари Хонақоҳ ёнидаги қабристонга бино қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилса?!” – деб, сўрайдилар. Девона бир зум Ҳазратга тикилиб: “Тақсир, сиз сўзини дейсиз-у, биз ўзини деймиз”, дея жавоб беради. Ҳазрат пешоналарига бир уриб: “Биз камол топдик деб, юраверган эканмиз-у, лекин, ҳали бир девоначалик ҳам бўлмабмиз”, дея таслим бўлган эканлар.

*Вайрон кўнгиллар Ҳақ мазҳаридур,*
*Ганж ўлди пинҳон вайроналарга.*

Кўриниб турибдики, девона гарчи зоҳирдан кўринмаса-да, ботини ҳақ зикридан огоҳ бўлган[222].

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Калвак қишлоғида яшаб ўтган истеъдодли тарихчи ва зуллисонайн шоир Мулла Шамсиддин Шавқийнинг (1805-1887) бобоси Мулла Ҳасан Калвакда имомлик қила бошлаган вақтида уйланиб, ўғил фарзанд кўрган ва ўғлини исмини ўз исмига монанд тарзда Ҳусайн деб исм қўйган. Шавқийнинг невараларидан Абдусалом Зайниддиновнинг айтишича, Ҳусайн болалигида паралич касаллиги билан оғриганлиги учун оёқлари ишламай узоқ вақт бир жойда ётган.[223] Шундай бўлсада, ётган жойида отаси Мулла Ҳасандан сабоқ олишда давом этган.

Айтишларича, унинг соғайиб юриб кетишига чустлик Отчопар эшоннинг кимё назарлари сабаб бўлган экан. Кунларнинг бирида Мулла Ҳасан хонадонига Чустдан Отчопар эшон номи билан машҳур бўлган табаррук зот ташриф буюради. Отчопар эшон Мулла Ҳасаннинг тўрт ўғилларидан учтаси билан сўрашгач, тўртинчи ўғли қаерда эканлигини сўрайди. Мулла Ҳасан меҳмонга ўғли ётган хонага кўрсатиб, беморлиги туфайли кўришга келмаганини айтади.[224]

---

[222] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. 90-91-б.

[223] Абдулаҳатов Н., Қўлдошев Шамсиддин Шавқий. Наманган: “Ибрат медиа” нашриёти. 2022. 8-б.

[224] Дала тадқиқотлари. 2021 йил. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Кужрон қишлоғида яшовчи Саодатхон Сайдуллаевадан (1943йилда туғилган) ёзиб олинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отчопар эшон бемор ётган Мулла Ҳусайннинг бошига келиб “Туринг болам” дейди. Шунда Ҳусайн аста-секин туришга ҳаракат қила бошлайди. Фарзандини туришга уринаётганлигини кўрган Мулла Ҳасан “Эшон бува ўғлим юрмас эди, хижолат бўлиб қолди” деб фарзандига ётавергин дегандай кўз ташлайди. Бунинг гапига эътироз билдирган Отчопар эшон “Аттанг болани шаштидан қайтардингиз. Агар индамай турганингизда ҳозир ўғлингиз биз каби юра бошлар эди”, дейди. Отчопар эшон яна отани ноумид бўлмаслиги учун: “Аллоҳдан шифо сўраймиз. Худо хоҳласа болангиз энди юриб кетади, бироқ бир оз оқсоқланиб қолади” деб далда беради. Чиндан ҳам кўп ўтмай Отчопар эшоннинг дуолари баракоти туфайли Мулла Ҳусайн оқсоқланиб бўлсада, юра бошлайди ва Отчопар эшонга қўл беради ва дами ўткир домла сифатида элу юртга танилади[225].

Шу ўринда дуолар барокатидан шифо топиш, айниқса табаррук зотлар дуосининг баракасига доир кўплаб ибратли воқеалар юртимизнинг бошқа алломалари ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини эслаш жоиз. Бинобарин, Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Аллоҳнинг қазойи қадарини дуодан бошқа нарса қайтара олмайди ва инсон умрини яхшиликдан бошқа бирор нарса зиёда қилмайди”, – дея, марҳамат қилганлар[226]. Мазкур ҳадиснинг шарҳида киши умрининг узун бўлиши ва унга келаётган балоларнинг қайтишига кўпинча солиҳ кишиларнинг дуоси сабаб бўлиши келтирилган ва бу гўё келаётган ўқни қалқон тўсиб қолгани кабидир, дейдилар. Умуман, Аллоҳ таоло хоҳласа ўзи истаган кишиларнинг умрини узун қилиши мумкинлиги айтилган[227].

---

[225] Дала тадқиқотлари. 2021 йил. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Калвак қишлоғида яшовчи Абдусалом Зайниддиновдан(1954 йилда туғилган) ёзиб олинди

[226] Сунани Термизий, 8-жилд, 278 б; Сунани Ибн Можа,1-жилд, 104-б.

[227] Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Ал-Муборакфурий. "Туҳфатул Аҳвазий шарҳи жомеъ-ут- Термизий". “Дорул кутуб ал-илмийя” Байрут. 6-жилд, 289-б; Ал-Мунoвий. “Файзул қодир шарҳи Жомеъ-ус-сағир» Миср, “Мактабат-ул-тижорийят-ул- кубро”1356-ҳ. 2-жилд, 332-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, дуо билан дам солиб императорнинг қизининг даволаган Халил Соҳибзода ҳазрат тўғрисидаги маълумотларга эътиборимизни қаратсак.

Тарихдан маълумки, Раббоний фарзандларидан бири Миён Муҳаммад Халил Соҳибзода ҳазрат Россия ва Қўқон хонлиги ўртасида 1831 йилдан тўхтаб қолган муносабатларни ўн йилдан сўнг қайтадан тиклашга муваффақ бўлган. Қўқон хонлигининг Халил Соҳибзода ҳазрат бошчилигида мўътабар зотлардан тузилган вакиллар гуруҳи 1841 йилнинг кузида Омскка, бу ерда бирмунча фурсат тургач, 1842 йилнинг бошида Петербургга расмий ташриф билан боради. Соҳибзодага берилган ҳужжатларда у олим, хоннинг ишончли вакили, авваллари ҳам Россияда бўлган, ҳатто, Қозонда маҳаллий мусулмонлар билан илоҳиёт илми юзасидан ўтказилган баҳсда қатнашган эшон сифатида таърифланади.

Бу ҳақда Раҳматилла Иноғомов "Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари" номли китобида шундай ёзади: "Соҳибзода ҳазрат Николай I саройи ва хонадонида обрў-эътибор қозонишининг расмий элчилар бошлиғи бўлишидан ташқари шахсий томонлари ҳам бор эди. Гап шундаки, Соҳибзода Петербургга ташриф буюрган пайтда Николай I нинг суюкли қизи оғир руҳий хасталикка учраган эди. Кўплаб табибларнинг зўр бериб қилган муолажалари фойда бермайди. Хасталик кучайгандан кучайиб борди. Подшо саройида хизмат қилувчи татарлар Николай I га: "Қизингизнинг касалини фақат Соҳибзода ҳазрат тузата олиши мумкин" — деб маслаҳат беришади. Николай I нинг шахсан илтимосига биноан илоҳиёт ва табиблик илмларининг ўткир билимдони Соҳибзода беморни тузатишга киришади. Асосан, дуо ўқиш йўли билан қилинган муолажанинг самараси кўп ўтмай сезила бошлайди. Қиз кун сайин соғайиб, бироз муддат ўтгач, касалдан бутунлай фориғ бўлади. Ҳазратга қойил қолиб унга



www.ziyouz.com kutubxonasi

муҳаббати ошган Николай I: “Соҳибзода жаноблари, сиз ўзига тўқ одамсиз, шунинг учун пул, мол-мулк билан сизни хурсанд қилолмайман. Нима иш ҳилсам рози бўласиз?" — дейди. Баайни шу сабабдан ҳам унча-мунча подшолару элчилар яқинлаштирилмайдиган қурол-яроғ омборхоналарию зарбхоналарнинг эшиклари Соҳизодага ланғиллаб очилади”[228].

Айтиш жоизки, валий зотлар боғлиқ бундай ҳодисалар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган[229]. Масалан Марғилоннинг машҳур уламоси, шайхул ислом Сайид Валихон тўрага (1812-1889) бағишлаб ёзилган روضة الأنساب “Равзат ул-ансоб” маноқибида[230] Валихон тўранинг отаси Саййид Подшоҳхон тўра (1771-1853) билан боғлиқ ҳикоятларда худди шундай воқеа баён этилган: “Баногоҳ дарвозадин бир жамоа халқ бир шални замбилга солиб олиб кирдилар ва бул нечанд вақт ва нечанд муддатдин бери қўл ва оёғини тутмас бўлуб ётқон эрди. Бу шалга Подшоҳхон тўрани муборак назарлари тушди. Эрса буюрдиларким: “Бери олиб келинглар” деб. Яқинроқ олиб келдилар. Занбил билан бирга ерга қўйдилар. Андин сўнг Худоҳа мутаважжуҳ бўлуб, ғайратлари жўш қилиб, илтифот қилиб айдиларким: “Тур ўрнингдин”, деб подшоҳлиқ қилдилар. Филҳол ҳаракат қилиб роси ўрнидин турди ва “занбилдин тушгин”, деб подшоҳлиқ қилдилар. Занбилдин тушди. “Уйингга бор” деб меҳрибончилик қилдилар. Асил қадамдек соғлом бўлуб юруб уйига борди...

Эрса, сифат валийликлари хуш қилиб, бениҳоят хушвақтликдин муборак юзлари гул каби очилди. Филҳол икки ракат намози шукурона бадаргоҳ бениёз адо қилдилар. Андин сўнг мулозимиға нечанд қўй ва сўқум тайин

---

[228] Иноғомов Р. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. –Т.:”Камалак”- “Хазина”, 1995. 43-б.

[229] Абдулаҳатов Н. Файзи зоҳир хонақоҳ. – Т.: “Tamaddun”, 2015.18-б.

[230] Ҳозирда қўлёзма Марғилон шаҳри, Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов (1944 йилда туғилган) хонадонида сақланмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилдиларким: “Дадамни мозор шарифларида оби оташ қилиб ва яна нечанд қориларини олиб бориб хатм қилдурғил” деб буйурдилар. Мулозим айтганидек, хизматни бажо келтурди ва нечанд қорилар онда хатм Қуръон қилиб, савобини Убайдуллахон тўрани руҳи покларига бахшиш қилдилар”[231].

Шу каби воқеа тўғрисида “Туркистон вилояти газети”нинг 1907 йилнинг 15 июлида чоп этилган № 52-сонида “Балиқчилик эшон” номли мақола чоп этилган.

“Таажублик воқеа бўлгон ҳодиса бўлса ҳам кўрмаган одам инонмайдур. Чунончи яқин фурсатларда Фарғона вилоятиға тобеъ Балиқчи қишлоқлик бир эшон Тошканд шаҳриға келиб, ҳазрат Шайхованд Таҳур навра марқада мазор шарифларини ёнидаги нақшлик масжидни айвони ёниға яна бир айвон таъмир айлаб, бир неча кун туруб ул эшонни масжид таъмир қилгонларини атроф жавонибдаги одамлар эшитиб келиб зиёрат қилиб, дуо фотиҳа ва тумор олим кетар эканлар. Хусусан ушбу кунлардин икки уч ҳафта муқаддам мазкур эшон баъзи чўлоқ ва шол ва фалаж ва гунгларга шифо берди деган шуҳрат тамоми шаҳрга шойе бўлуб, ҳар кун ўшал эшоннинг суҳбатларига ҳазрат Шайхованд Таҳурга эрта билан субҳдин то хуфтонғача беш юздин то минғга яқин эркак ва заифа жам бўлуб дуо олмоқ ва тумор олмоқ ва дам солдурмоқ ва чибиқ урдирмоқ учун мунтазир бўлуб турар эканлар. Ул борган бетобларнинг аксари сиҳат топиб хусусан, беш йил, ўн йилфалаж касалға мубтало бўлуб ўрнидан тура олмай ётган одамларға дам солиб, чибиқ уруб дарҳол ўрнидин турғазуб ва юрғузуб юборадур деган хабарлар мардум ораларига шойе бўлди. Камина муҳаррир эшитиб агарчи ул дуогўй эшон хусусида шак-шубҳа қилмасам ҳам ул хориқ одат тўғрисида маҳом ҳайратда эдим.

---

[231] Абдулаҳатов Н. “Равзат ул ансоб” маноқиби – муҳим тарихий манба // Ёш олимлар илмий тўплами. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. 62-69-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иттифоқа ушбу июлни 7 нчи кунида Хўқандин бизга меҳмон бўлуб келган Юсуфхон Мирзони ҳамроҳ айлаб ул эшонни зиёратлариға бордук. Дарҳақиқат, ҳазрат Шайхованд Таҳур жаворларидаги олтунлик масжидни саҳни ва айвони ва кўчалари ва томонлариға эркак, заифа ва ёш бола тўлуб, ҳаттоки, одамни кўблигидан кўчадин ўтмоқға имкон йўқ. Ул жамиятни кўруб камина ҳайратда қолиб, бир одамдин сўрадим: "Ҳазрат Эшонни зиёрат қилмоққа мумкин бўладурми?" деб. Ул одам жавоб берди: "Кўрдингизму бу жамиятни? Эшон илан суҳбат қилишмоқ ва сўзлашмоқ ҳеч бир мумкин эмас. Ҳар кун намоз жамоатдин бошқа вақт эртадин кечғача одамларга дам солмоқ ва чибиқ урмоқ ва тумор бермоқ илан машғулдурлар. Бирор дақиқа сўзлашиб ўлтурмоққа фурсатлари бўлмайдур" деб.

Бул сўзни эшитиб камина ҳайрон бўлуб туруб эдим. Бир мударрис домла бизни ўшал мазор ёнидаги меҳмонхоналарига таклиф қилдилар. Зиёратга келган уч-тўрт одамлар илан меҳмонхонага кириб ўлтурдук. Бир оз фурсат ўтгондин сўнг бир одам келиб хабар берди: "Ҳазрат Эшон шул меҳмонхонага келадурлар", деб. Оз фурсат ўтмай эшон келдилар. Ҳаммамиз туруб зиёрат қилиб ўлтурушдук.

Ҳазрат Эшон ўзларини саргузаштлари ва ҳазрат Шайхованд Таҳурга масжид солганларини баён айлаб, одамларни ҳужум қилғониға шикоятнамо қилиб айтдилар: "Бул жамият бизга обрў эмас ва бул одамларни ҳужум қилғониға ман хурсанд эмасман ва фахр ҳам қилмайман. Замона нозиклигин Худодин ҳам қўрқаман: "Сенга шул ҳожатбарорлик хосиятини ато қилсам. Сен бахиллик айлаб келган муҳтож, кўр, шолларни ҳожатини чиқармадинг" деган итобга қолурман" деб ноилож аларни иложиға машғул бўламан", деган иборатларини айтдилар.

Шул аснодаҳам илтимос дуо қилган одамлар бир сўм, икки сўм мундин кўб ҳадя келтуриб дуо олиб турдилар. Берган ҳадияни эшон масжлисдагиларга улашиб ва каминаға



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бердилар. Шул вақт Ҳазрат эшон бизларга қараб айдиларким: “Ижозат берасизларму. Ташқарида маътал ва мунтазир турган мафлужларга дам солиб келсам” деб ўрунларидин туруб меҳмонхона саҳнида ётган, уйидан занбилга тушиб келган, бир ўн икки, ўн уч яшар фалажни олдиға чиқдилар ва бизлар ҳам кўрмоқ учун биргалашиб чиқдук.

Ҳазрат эшон ул фалаж болани тепасиға келиб бирор дуо ўқуб, дам солиб қўлидаги толни барглик майда чибиқи илан болани бошиға,орқасига уруб: “Қўлунгни кўтар ва бошингға еткургил”, деб чибиқ илан уруб турдилар. Бир оз фурсатда бола фалаж қўлини кўтариб, бошиға еткурди. Андин кейин чибиқни оёғиға уруб: “Оёғингни торт” деганда неча йилдин буён оёғини жони бўлмай узотилиб қолғон оёғ ҳаракат қилиб олдиға тортиб олди. Шул вақтда ҳам эшон “Тур-тур” деб чибиқ илан уруб турган ҳолда фалаж бола турмоқға ҳаракат қилиб туролмай турган эди , ёнида турган қариндошлари болани қўлтиғидин кўтармоқ бўлганда эшон болага: “Тегма. Ўзи турсун” деб яна чибиқ илан урганда бола ўзи ўрнидан туруб беш-олти қадам босиб юргунча эшон орқасидин “Юргил” деб чибиқ илан уруб юргизиб юбордилар.

Шунга ўхшаш тўрт-беш бутун фалажларни чибиқ уруб юргузуб юборганларини ўз кўзимиз илан кўруб, таажжубда қолдук. Яна эшонни суҳбатида турган тошкандлик машҳур ва маълум инобатлик одамларни айтгонига қараганда ҳам эшон фалажни сиҳат қилғондин бошқа кўрни кўзини очиб ва гунгни сўзлатган эмиш.

Камина муҳаррир ҳамсуҳбатлари тошкандлик баъзи уламолардин эшонни аҳволотларини савол қилганимда айдиларким: “Ҳазрат эшонни ўзларини айтганларича ўзлари балиқчилик. Асллари ўзбек бағиш тоифасидин. Ҳазрат Шайхованд Таҳур жаворларидаги Қарлуғочбий лақаблик Кўкамбий деган катта гунбазда ётган бузрукворға авлод эканлар. Ўзи уламо ва ҳам адияларни хўб шарт ва шароит ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

қавоидлари илан таълим ва такрор қилгон эканлар. Инобат қилганларни аҳволиға қараб хоҳ нақшбандия ва хоҳ қодирия сулукиға тақвиз қилар эканлар ва саёҳатни кўб қилган саёҳ эканлар. Хусусан беш йил, ўн йил фалаж бўлуб ётганларни ўқуб уруб турғузуб юборганлариға ҳеч кимни ақли етмайдур.

Чунки" авлиёи муқаддинларимизда ҳам мундай ишлар кам вуқуъга келган эди. Билакс ул зотлар ҳар қанча авлиёи баҳақ расида бўлсалар ҳам мундай ишларни аҳёна изҳор қилар эдилар. Ҳаттоки мурдага жон бермоққа қодир бўлган авлиёлардин ҳам мунча иш зоҳир бўлгани маълум эмас. Бо вужул мазкур эшон айтар эмишларким: "Бул фалажларни яхши қилмоқ ва шифо бермоқ ҳеч бир иш эмас. Ҳаттоки ўшал ётган фалаж одамларга бирор ит даъфатан ҳайбат қилса ва ё ногаҳондин ўшал фалаж ўлтургон жойиға ўт тушуб яқинлашган вақтда ул фалаж ва ҳам ва хуф илан ўрнидин туруб юруб кетадур. Бизни ишимиз ҳам шунга ўхшашдур", деб қилғонлариға фахр қилмас эмишлар.

Камина мулоқот қилган куни кечқурун Тошканд шаҳрини полициямистри мени чақирибдурлар деган. Айдилар: "Ул эшонни чақириб, мундай йиғин ва жамият бўлмасун" деган экан. Лекин ул эшон одамларни келмаслигини иложини тополмай ўшал кечаси Тошканддин ўз вилоятлариға қараб жўнаб кетибдурлар"[232].

Айтишларича, Юсуфхон эшон замонида Косон дарёси, яъни Косон сойи устидан яна бир кўприк қуриш эҳтиёжи пайдо бўлади. Чунки сой атрофида қишлоқлар сони кўпайиб одамларни сойнинг у ёки бу томонига бориш-келишлари фаоллашган. Кўприкларнинг озлиги туфайли узоқдан бир неча чақирим босиб ўтишга тўғри келган. Кўприкнинг қурилиши Юсуфхон эшоннинг барча мурид ихлосмандлари ва чор атрофдаги барча қишлоқ аҳли баҳоли қудрат ёрдамга келган. Аммо қурилиш чоғида усталар кутилмаган муаммога

[232] Туркистон вилояти газети. 1907 йил 15 июл № 52.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дуч келганлар. Усталар томонидан йўл қўйилган ҳатто туфайли кўприк учун олиб келинган ёғоч харилар калтаклик қилиб қолади. Бундан хижолат бўлган усталар Юсуфхон эшон олдида мулзам туриб қоладилар. Воқеадан огоҳ бўлган Юсуфхон эшон барчага далда бериб: "Худо хоҳласа шу хариларни эртага кўприкка қўясизлар. Ҳаммаси бахайр бўлади", деб кун кеч бўлгач уйга қайтади. Эртаси куни усталар Юсуфхон эшоннинг айтганлари бўйича кечаги хариларни сой устига қўйсалар керагидан ортиқ узун бўлганлигини шоҳиди бўладилар. Ўша кўприк қурилишида қатнашганларнинг барчаси бундан ҳайратга тушган эканлар.

Шуниси ажабланарлики, XX асрнинг иккинчи ярмида Косонсойда сел келиши оқибатида шимол томондаги бошқа кўприклар батамом бузилиб кетса-да, Юсуфхон эшон қурдирган кўприк ҳеч қандай шикаст кўрмаган экан.

Ёзма манбаларда ёхуд асотирларда муршидларни ўз муридини олис масофада туриб мушкулини осон қилган авлиёлар тўғрисида кўплаб ривоятлар мавжуд.

Муршид ва мурид муносабатлари ҳақида XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб ўтган Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

Муршид бўлган суҳбат тутур мурид бирлан,
Ошно этар илму ҳикмат, тавҳид бирлан.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу борада шундай деганлар: "Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур.

...Муршид Аллоҳнинг марҳамати билан толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.

...Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки, биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамиз".

Нақл қилишларича, Юсуфхон эшоннинг муридларидан бири аравада юк олиб келаётганида арава ғилдирагининг ўқи узилиб кетган. Шунда аравакаш: "Ё пирим, мадад қилинг", дея Юсуфхон эшон қишлоғи томонига юзланади ва шу тарзда уйига қадар етиб келган. Қачонки у хонадонига кириб келганида арава ғилдираклари икки томонга думалаб кетган экан. У Юсуф эшон олдига келган чоғида: "Ҳадеб пирим мадад қилинг деявериб, елкаларимни арчиб юбординг", деб Юсуф эшон аравакашга танбеҳ бергандек бўлибди. Қарасалар, Юсуф эшоннинг елкалари араванинг вазминлигидан шилиниб кетган эмиш.

Яна бир ривоятга кўра Юсуфхон эшон муриди билан сафар қилган чоғларида Сирдарё бўйига келадилар. Дарёнинг мавж уриб оқаётганлигини кўрган муриди қайиқ топиб келиш кераклигини айтади. Аммо ўша вақтда қайиқ топиш амри маҳол бўлган. Шунда Юсуфхон эшон жойнамозини сув устига ёзиб муридига кўзини юмиб, жойнамозда ўтириши кераклигини таъкидлайди. Бир вақт мурид кўзини очса, улар жойнамоз устида дарёдан сузиб ўтаётган эмишлар.

Шу ўринда Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи тўғрисида. Зиёратгоҳ Фарғона водийсига хос анъанавий услубда қурилган панжара билан ўралган қабр, ҳовлига ғарб томондан тақаб солинган пештоқ – гумбазли зиёратхонадан (6,8х5 м.) иборат. Мажмуа ўз атрофидаги ям-яшил боғларга таркибан қўшилиб кетади.

Зиёратхонага кираверишда икки ёнига баландлиги 10 метрдан зиёд айлана минора гулдастаси ишланган бўлиб, ҳашаматли пештоқ томонли зиёратхона жойлашган. Зиёратхона гумбази юлдузсимон йигирма қиррали пойгумбазга ўрнатилган. Бундай шаклдаги пойгумбаз Ўрта Осиёдаги илк ёдгорликларда ҳам, сўнгги давр



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёдгорликларида ҳам учрайдики, бу анъана ва конструктив усулларнинг сақланиб келаётганлигидан дарак беради. Зиёратхона бурчакларида ривожлантирилган тўққиз қаватли шарафа ячейкалар бўлиб, улар гумбазга айланиб борадиган саккиз қирраликни ҳосил қилади.

Равоқ билан якунланган пештоққа меъмор алоҳида эътибор берган ва ёдгорликнинг бу қисмини ўйма безак билан ишлаган. Зиёратхонанинг меъморий - бадиий тузилиши Марғилондаги бир хонали салобатли Пир Сиддиқ мақбарасини эслатади. Ҳажмлар тузилиши, пештоқнинг тўғри бурчакли панноларга ажратилганлиги ва уларнинг ганчга ўйма шакллар ҳосил қилиб безатилганлиги жиҳатидан ҳам ҳар иккала ёдгорликда ўзаро ўхшашлик бор.

Аммо Марғилондаги мақбарада кўк ва оқ нақшлардан фойдаланилган бўлса, мазкур ҳолда безакда оч мовий ва қизил ранглар ишлатилган. Бурчак устунлари кўп учрамайдиган думалоқланган пой устунларга эга, улар эса тўғридан - тўғри ерга қўйилган бўлиб, узунлиги аста- секин кичрайиб бориб, безакли гумбаз мезаналари билан якунланади. Эшиклар сидирға ўйма нақшлар билан безатилган. Одми рангдаги гириҳ ва исломий нақшлар сомон сувоқнинг наввотранг ранги билан уйғунлашиб, меъморий ёдгорликни шинам кўрсатади[233].

Чиллахонанинг ташқи қисмида девордаги араб ёзувидаги қуйидаги битиклар мавжуд.

Ўнг томонда.

*Сипоси шукур бар халлоқи бечун,*
*Валийи порсои покдоман*
*Ато фармуд аз икроми ғайбаш*
*Ба асри хеш шайх нуктадони.*

---

[233] Азимов И.Архитектурные памятники Ферганской долины. – Т.: "Узбекистан", 1982. С.67-68.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазмуни: Холиққа ҳамд ва шукрлар бўлсинки, менга ғайбдан нуктадонлик, порсолик ва покдомонлик валийликдек мақомини ато этди.

Шу ўринда зиёратгоҳдаги айрим рамзлар хусусида тўхталиб ўтсак. Зеро, рамзлар муайян нарсанинг моҳияти ҳақида маълумот беради. Унинг қулайлиги шундаки, қисқа бир аббревиатура ёҳуд бир тасвир орқали кўплаб маъноларни қамраб олиш имкони мавжуд. Шунингдек, рамзлар орқали кишилар бир-бирларининг дунёқараши, эътиқоди ва қизиқишларини сўзсиз билиб олишлари мумкин.[234]

Пештоқнинг юқори қисмида офтоба нақши, ислими гуллар ва доира ичида нилуфар гулли саккизта тасвир туширилган.

Бу борада мазкур тасвир юзасидан айрим фикрларни келтириб ўтсак. Маълумки, Шарқда нилуфар гули, биринчи навбатда, қуёш рамзини англатган. Чунки қадимдан бу гулнинг ҳолати осмонда қуёшнинг йўналишига қараб ўзгариб туриши аниқланган. Офтоба бу сув идиши, яъни офтобада сув сақланган. Сувга халқнинг эътиқоди баланд бўлган. Сув-ҳаёт. Шунинг учун ҳам нақшдаги сув идиш ҳосилдорлик рамзи ҳисобланган. Бундан ташқари сўфийлар назди ҳаётнинг ўзи бир кўза. Бу ҳақда Паҳлавон Маҳмуд қуйидаги рубоийни битган:

Ҳаёт бамисоли бир зарин кўза,
Гоҳ ширин сувли, гоҳ аччиқ бўза.
Эй ғофил умрингга беҳад қувонма,
Қазойи муаллақ турар бош узра.

Пештоқнинг ўрта қисмида катак ичида чаҳорёрлар исми ёзилган.

*"Абу Бакр, Умар, Усмон, Али".*

Чап томонда қуйидаги сўзлар ёзилган:

---

[234] Нажмиддинов Ж., Алимқулов Э. Диний рамзларнинг мазмун- моҳияти ва талқини // ТИУ. Илмий-таҳлилий ахборот. 2014. №3. 11-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бувад асори олам лутфи тайибаш*
*Жавон муршид ки пир раҳнамо бувад.*

Учинчи қатор ўчиб кетганлиги учун ўқиб бўлмади. Девор қисмида "Мулло Самад Аҳмадхўжа" деган ёзув туширилган.

*Чиллахона ички қисмида девордаги араб ёзувидаги битиклар:*

*–"Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ;*

*– Аъзза ман қанаъа залла ман тамаъ;*

Шу ўринда ҳадиснинг тўлиқ матни ва таржимасини келтириш баробарида тамаъ сўзига изоҳ бериб ўтсак. "Аъзза ман қанаъа залла ман тамаъ кулла фажжин амиқин", яъни, кимки қаноъат қилса азиз бўлади, тамаъ қилган киши эса, энг паст даражада хор бўлади".

Маълумки, тамаъ биров қўлидаги нарсани меҳнатсиз йўл билан келишини исташ, яъни умид қилиш саналади. Исломда бу иллат қаттиқ қораланиб, ундан сақланишга чақирилган. Бунинг учун ҳар бир кишини қўл меҳнати билан шуғулланиб, ҳалол йўл билан нон топишга тарғиб қилинади. Айниқса, тамаъ илм аҳлига кўпроқ зарар бериши таъкидланган, чунки "Уламолар қалбидан илмини кетказувчи энг биринчи нарса бу тамаъдир", деб айтилган.

*Халойиқ ошу нонига кангулни боғлаган зоҳид,*
*Тамаллуқдан риёдан ўзга бир сўз деёлмайдур.*

Нақл қилишларича, қадим замонда эл орасида обрў-эътиборли бир бузрук шайх бўлган экан. У одамларни йўлдан оздирувчи шайтонни ўлдирмоқни ният қилибди. Алқисса, шайтонни яккама-якка жангда енгибди ва бўйнига пичоқ қўйибди. Шунда шайтон: "Эй, шайх! Мени ўлдиришдан сенга нима нафу, нима фойда? Агар мени озод қилсанг, ҳар саҳар ёстиғинг остига ўн дона тилло танга қўяман. Шу вақтгача тўйиб овқат емасдинг, яхши



www.ziyouz.com kutubxonasi

кийинмасдинг, бундан кейин бойиб, думоғинг чоғ яшайсан!” дебди. Шайх ўйлаб кўрса шайтоннинг гапида жон бор. Дарҳол уни озод қилибди. Бир ҳафтача ҳар куни ёстиғининг тайидан ўн донадан тилло танга олаверибди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб ёстиқ остидан тилло танга чиқмабди. Шайх қаттиқ ранжибди. Шайтон аввалгидан баттарроқ одамларни йўлдан ура бошлабди. Бундан шайх дарғазаб бўлиб, яна шайтон билан жанг қилиш мақсадида йўлга чиқибди. Яккама-якка олишув бошланибди. Негадир бу гал шайтон ғолиб келиб, шайхни осонгина йиқитиб, унинг бўйнига пичоқ қўйибди. Шайх унинг чангалида типирчилаб ётаркан: “Менинг кучим заррача ўзгаргани йўқ-ку? Нега аввалги ҳафта сени енгдим-у, бу дафъа мағлуб бўлдим?” деб сўрабди. Шайтон: “Эй шайх! Аввалги дафъа сен бетамаъ ният қилиб, жангга чиққан эдинг. Шу боис ғолиб бўлдинг, бу дафъа эса тамаъ юзасидан майдонга чиқдинг!” дея шайхнинг бошини танасидан жудо қилибди[235].

*Девордаги кейинги ёзувлар:*

– Таваккалту ал-Аллоҳ;

Мазкур битик “Агар бир ишга жазм қилсанг, Аллоҳга таваккул қил” ояти каримасига ишора. Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: “Агар банда Аллоҳдан унинг муборак исми билан  ёрдам сўраса, уни тўғри йўлга ҳидоят қилади ва уни барча диний ва дунёвий ишларида ёрдам беради, агар Унга таваккул қилса, У унга кифоя қилади ва унинг ҳимоячиси бўлади. Улуғлар айтганидек: “Таваккулни Худога айлағон эр, на талқону на қалқоннинг ғамин ер”. Бинобарин, ҳазрат Али (к.в.) айтганидек: “Тақводордан ҳам кўра Аллоҳга таваккул қилувчиларнинг қадри кўпроқдир”.

– Менким Умарали қори Ражаб Охунд;

– Менким Мулло Нишонбойдурман;

– Муҳаммадали қоридурман ушбу хатни ёздим.

---

[235] Аминов Н.  Бир аср ҳикояти. – Т.: “O’zbekiston”, 2016. 97-98-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Чиллахона ички қисмида девордаги крилл ёзувидаги битиклар:*

– 1951 йил 22 ноябр куни соат 10 да Турсунхон ва Мавлонбой билан келиб шу ерга ёзганмиз деб Хомидов Т;

– 2/VII-50 сентябр куни соат 5 да келиб зиёрат қилдик. Ишонхожаев.

Зиёратгоҳдаги меҳробнинг юқори қисмида геометрик нақшлар, яъни юлдузлар тасвири туширилган. Мазкур белгининг келиб чиқиши масаласида олимлар томонидан икки хил фикр билдирилади. Биринчисига кўра беш қиррали юлдузнинг ҳар бир қирраси Исломнинг беш фарзини акс эттиради.[236] Бу рамз орқали фоний дунёда ислом динини беш (яъни имон, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж сафарига бориш) устунига амал қилинсагина инсонни комилликка эришиши тушунилган.[237]

Иккинчисига кўра юлдузлар шарқ меъморчилигида беш кунлик дунё маъносини ҳам англатган. Мазкур фалсафий ғоя фақат ислом дини тарафдорларинигина эмас, балки ҳар қандай эътиқод вакилларини яхшиликка, эзгуликка даьват этади. Бошқача айтганда, буюк аждодларимиз бизга қолдирган чексиз маънавий бойликларимиздан бўлмиш тарихий обидаларнинг ички ва ташқи безаклари кишиларни фақат гўзалликни кўра билишга эмас, балки гўзаллик қалбидаги дониш ҳикматларни ўқий олишга ҳам ўргатади, одатлантиради ва ҳар бир кишини тафаккур сари ундайди.

Оқиллар айнан шу нақшлар орқали дунёнинг бевафолиги, бунда бирор кишининг абадий қола олмаслиги ҳақида аниқ-тиниқ хулосалар чиқарганлар. Айни чоқда, шу қисқагина умрни фақат эзгулик ва хайрли ишларга сарф қилиш энг катта оқиллик эканини ҳам англаб етганлар. Ораз

---

[236] Нажмиддинов Ж., Алимқулов Э. Диний рамзларнинг мазмун- моҳияти ва талқини // ТИУ. Илмий-таҳлилий ахборот. 2014. №3. 12-б.

[237] Булатов С. Меъморий обидалардаги тимсол ва рамзлар // "Мозийдан садо", 2015. №2. 6-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яғмур бу ҳақда шундай ёзади: "Қирқ ёшдан ўлимни ҳамиша ёдда тутиб яшаш керак, бир куни ўлишинг кераклигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Унда бу кайфиятни қандай тушуниш мумкин? Бу одамларни баттар тушкунликка туширмайдими? Бу ўзини ўлимга тайёрлаш эмас- микин? Одамлар нима учун "Ютганинг — ўзингники, чайнаганнинг — гумон" деган нақлни кўп такрорлашади? Йўқ. Бу борада Марказий осиёликларнинг ўз тушунчалари бор. Нақлни такрорлащдан мақсадлари ҳам ўзгача. Одам боласи ўлимни эсга олганида кўнгли юмшайди, қаҳр-ғазабдан тушади, нафсига ҳай беради, ёмонликларидан воз кечади. Яхши амалларни кўпроқ қилишга ошиқади. Рўпарангда турган одамнинг ҳам эртами-кечми ўлиши ҳақиқат эканлиги сенда унга нисбатан қисматдошлик туйғусини уйғотади".[238]

Кўпни кўрган тажрибали кишилар фарзандларига шундай насиҳат қилганлар:

"Ўғлим, умр беш кунлик эканини зинҳор унутма, эзгу ишлар қилиб қол!

Чунки, биринчи кун – сен дунёга келган кун – ўтди.

Иккинчи кун – сен уйланиб, оилали бўлган кун – ўтди.

Учинчи кун – фарзандлар кўриб, ота деган номга эга бўлган кун ҳам ўтди.

Тўртинчи кун – эзгу ишлар билан ном қолдириладиган кун – ўтяпти.

Бешинчи кун – сен дунёни тарк этадиган кун, бу сенга боғлиқ эмас.

Инчунун, ихтиёрингда бир кунга етар-етмас вақт қолган, шошил!"[239].

Бу ҳақда Жалолиддин Румий шундай демишлар:

Эй йўловчи, кундузинг шом бўлди, юр,
Чоҳ сари оғмоқда офтоби умр.

---

[238] Ораз Яғмур. Махтумқулинома. - Т.: " 0'ZBEKIST0N» НМИУ, 2016". 168-б.
[239] Маманов И. Отамдан қолган ўгитлар // "Тафаккур", 2008. №4, 69-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қолган ул уч-тўрт кунингни шайлагил,
Яхшиликка сен уни харж айлагил.
Қўлда уч-тўрт уруғ қолмиш холос,
Эк уларни, этгай умрингни дароз.
Ўчмасин ёнган чироғинг шу тоб,
Сен пиликни созла, сўнг ёғ қуй шитоб.
Эртага қолдирма, эрта ўтди кўп,
Фурсатинг ўтмай, яна бўлмоғи хўп.

Бир сўз билан айтганда геометрик нақшлар ибтидоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Улар ғорларда, қоя тошларда ўз ифодасини топган. Геометрик нақшлар даставвал коинот унсурлари: қуёш, ой, юлдузларни, шунингдек, коинот томонларини ифодалаган. Геометрик нақшларнинг мураккаблашиб бориши рамзий функция диапозонининг кенгайиб бориши билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Улар Худо, арвоҳ, коинот, борлиқни ифодаловчи диний тушунчалар; моддий шароитни яхшилашга доир: деҳқончилик, ов, ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик; фасллардан дарак берувчи: тақвим, табиатнинг уйғониши; одамийлик фазилатлари билан боғлиқ: эзгулик, фаровонлик, дўстлик, муҳаббат каби рамзий ифодалар билан боғланиб кетади. Айтиш жоизки, улар асрлар давомида турли элатлар, турли даврларда турлича рамзий ифодалар билан боғланиб, янгича маъно касб этади. Лекин аксарият ҳолда улардан айримлари дастлабки асосий йўналишини сақлаб қолади.

Ислом дини ўрнатилгандан сўнг кўпинча рамзий ифодалар ўз-ўзидан йўқолиб бориб, ўрнига янгича тушунчалар юзага келган. Хусусан, сўфийлар таълимоти асосида геометрик нақшларнинг аксарияти Қалб, Жисм, Руҳ, Моҳият, Идрок, Жон каби рамзий тушунчаларни ташкил қилади. Аллоҳнинг танҳолиги, Унинг Яқинликда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узоқликда туриши, Унинг Нафаси, Меҳри, рамзий маънолари ҳам геометрик тузилишидаги шакл ва нақшлар орқали ифодаланган. Шунингдек, эркак асоси, аёл асоси, ҳаёт кечинмалари билан боғлиқ кўпгина ҳиссиётлар ҳам турли геометрик нақш ва белгилар билан ифодаланган[240].

Юсуф ота зиёратгоҳида юлдуз нақши, япроқ, новдалар сингари ислимий нақшлар тасвирини кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр Саидаҳбор Булатовнинг "Нақш тили" мақоласидаги қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади:

*"Қадим юртимизда наққошлик санъати шунчалик гуркираб ривожланганки, усталаримиз чизган ва бўяган нақшлар орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олганлар. Ҳар қандай нақш бўлмасин, ислимийми, гириҳми унинг ҳар бир унсури ва ранги ўзига хос рамзий маънога эга бўлган. Наққошлик санъати тилини билиш учун эса ҳар бир нақш аломати ва рангларининг рамзий алифбосини билиш зарур эди. Наққошларимиз ҳар бир тасвирни табиатдан олиб, шакл ва ранглар асосида ўз фикрларини жонлантира олганлар. Усталаримиз борлиқни, воқеликни, гўзалликни яхшилик ва ёмонликни, айриликни, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини нақш тили билан ёзиб қолдирганлар"*[241].

Дарҳақиқат қадимий меъморий обидаларда ифодаланган жозибадор нақшлар халқнинг дарду андуҳининг тажаллисидир. Улуғ тиб олими Муҳаммад Солиҳ ибн Қутлуқбий "Рисолаи ҳикмат"да ёзишича, "Кўз нурини тўрт нарса бақувват қилар экан: тез-тез устоз, донишмандлар суҳбатида бўлиш, оқила аёлга уйланиш; душманларни камроқ кўриш; қадимий обидаларга кўпроқ тикилиш". Шу сабабдан шарқшунос олим Б. Веймар: "Нашқ кўз учун - куй", деган эди.

---

[240] Нозилов Д. Ўрта Осиё меъморчилигида одатлар, қоидалар ва рамзий ифодалар. – Т.: "Санъат" нашриёти, 2011.122-б.

[241] Булатов С. Нақш тили. Фан ва турмуш. 1991. № 4. 13-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҲАЗРАТ ШОҲ МАНСУР АВЛОДЛАРИГА ТЕГИШЛИ НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАР

Изланишлар давомида ҳазрати Шоҳ Мансур авлодларига тегишли нодир қўлёзмалар ва ҳужжатларни аниқлашга муяссар бўлдик. Ҳужжатларнинг бир қисми Фарғона вилояти Марғилон шаҳри Гумбаз маҳалласида яшовчи Назирахон Отабоева (1936 йилда туғилган) хонадонида сақланмоқда[242].

Ҳужжатларнинг иккинчи қисми Наманган вилояти Косонсой туманининг Сойча маҳалласида яшовчи Маҳмудхон Худойбердиев хонадонида сақламоқда[243]. Ҳужжатларга тавсиф беришда Марғилондаги ҳужжатларга – МҲ деб қисқартма шаклида, Косонсой ҳужжатларини – КҲ қисқартма шаклида беришни маъқул кўрдик.

## Марғилондаги Ҳазрат Шоҳ Мансур авлодларига тегишли ҳужжатлар тавсифи

Маълумки, Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлар ҳамда ислом оламидаги машҳур алломалар ҳаётида олиб борган машғулотлари туфайли вафотларидан сўнг ҳар бир ҳунармандчиликнинг ҳомий пирларига айланганлар. Бу ҳақда Усмон Турар қуйидагиларни келтиради: *“Тариқатларнинг валий пири бўлганидек футувват ташкилотида ҳар бир маслак арбобининг пайғамбарлардан иборат пири бор. Чунончи, ҳазрати Одам – деҳқончилик пири, ҳазрати Шис – пахтачиларнинг пири, ҳазрати Идрис – тикувчи ва ҳаттотларнинг пири, ҳазрати Нуҳ – савдогарларнинг пири, ҳазрати Иброҳим – сутчи ва дурадгорлар пири, ҳазрати Исмоил – овчилар пири, ҳазрати Исҳоқ – чўпонлар пири, ҳазрати Зулфикил*

---

[242] Бу ҳақда қаранг: Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Ашİрбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3. – 234 б.

[243] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: “ADABIYOT UCHQUNLARI”, 2016. – 60 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*– нонвойлар пири, ҳазрати Лут – тарихчилар пири, ҳазрати Узайр – боғбонлар пири, ҳазрати Илёс – тўқимачилар пири, ҳазрати Довуд – темирчилар пири, ҳазрати Луқмон – ҳакимлар пири, ҳазрати Юнус – балиқчилар пири, ҳазрати Исо – сайёҳлар пири, ҳазрати Муҳаммад боғбон ва савдогарлар пири*[244]*".*

Фарғона водийсида муқаддас мозорлар турли касб ва ҳунар соҳибларининг ҳомийлари сифатида аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Ҳазрат Айюб пайғамбар ипакчилар ҳомийси, Хўжайи Хизр – деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг ҳомийси[245], Савдо кушойиш ота ва Хўжа Алоиддин Аттор – савдо сотиқ билан шуғулланувчи аҳолининг ҳомийси[246], Қўчқор ота – чорва билан шуғулланувчи аҳолининг ҳомийси, Бобо Қамбар – йилқичилар ҳомийси[247], Саъд ибн Абу Ваққос- қассоблар ҳомийси[248], Мирош ота-ошпазлар ҳомийси[249], Ҳазрат Бурҳониддин ал-Марғиноний (Соҳиби Ҳидоя) – кулоллар ҳомийси[250], Биби Убайда, Зурайк момо – тикувчилик билан шуғулланувчи аёллар ҳомийси, Ҳазрат Али – йигитлар ва илм аҳлининг, дорбозлар ҳомийси ҳисобланган[251]. Шу боис ҳар бир ҳунар эгаси ўз ҳомийсининг мозорини йилда бир марта бўлса-да, зиёрат қилиши ва шу зиёратгоҳларга назр ниёзини атаб келганлар.

Биз юқорида Фарғона водийсида ипакчиликнинг ҳомийси Ҳазрат Айюб пайғамбар алайҳиссалом ҳисобланганлигини айтиб ўтган эдик. Шул сабабдан унинг авлодлари ипакчилик билан шуғулланувчи аҳолининг дуогўйлари бўлиб, улар

---

[244] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: "Истиқлол", 1999. 97 б.

[245] Дала тадқиқотлари. 2003 йил Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бўстон қишлоғи.

[246] Дала тадқиқотлари. 2005 йил Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Аввалбек маҳалласи.

[247] Басилов В. Н. Кўрсатилган асар. .55 -б.

[248] Дала тадқиқотлари. 2004 йил. Фарғона вилояти, Қува тумани, Толмозор қишлоғи.

[249] Дала тадқиқотлари. 2003 йил. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Оқбуйра қишлоғи.

[250] Рахимов М. К. Художественная керамика Узбекистана. – Т.: Издательство Академии наук. 1961. С. 23.

[251] Боровков. Дарвоз // Известия Средне-Азиатского комитета. Выпуск третий. – Т. Средазкомстарис. 1928. С.172 .



www.ziyouz.com kutubxonasi

ипакчиларнинг назр ниёзларини олишга ҳақли ҳисобланган. Ҳазрат Шоҳ Мансур авлодлари Марғилонда сақланмиш насабномада Пайғамбар Ҳазрат Айюб алайҳиссалом авлоди ҳам ҳисобланганлиги айтилади. Шу сабабдан уларнинг ўзига хос ваколатлари бўлиб у мазкур ҳужжатларда ўз ифодасини топган[252].

## Ипакчилик ҳақида сўз

Марғилон шаҳри азалдан ипакчилик маркази бўлиб келган. Бу ернинг аҳолиси қадимдан шойи тўқишга ихтисослашган ва моҳир усталар макони бўлган. Шу сабабдан ипакчилик билан шуғулланувчи ҳунармандлар ипакчилик билан боғлиқ ўзига хос урф-одат ва расм-русмларга амал қилганлар. Ипакчиларни ҳомийси ҳисобланган Ҳазрат Айюб алайҳиссаломнинг мозорини зиёрат қилиш ва унинг авлодларига керакли ҳурмат ва эҳтиромни кўрсатиш пиллакаш ҳунармандларнинг ахлоқ кодекслари сифатида эътироф этилган. Шундай экан, Ҳазрат Шоҳ Мансур авлодлари билан боғлиқ ҳужжатлар тўғрисида сўз юритишдан аввал ипакчилик тарихи, жумладан Ҳазрат Айюб алайҳиссалом билан боғлиқ айрим маълумотларга эътиборимизни қаратсак.

Тарихий маълумотларга кўра милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Хитой элчиси Чжан Цян Шарқий Туркистон орқали Туркистон ва Фарғонага Бақтриядаги юэчжилар ўлкасига саёҳат қилади. Шу саёҳатдан кейин Хитойда "Ғарбий ўлка" деган янги географик атама пайдо бўлди, Чжан Цян очган йўл бўйлаб савдогарлар, элчилар ва карвонлар қатнай бошлади. Шарқ ва Ғарб цивилизациясини боғлаган савдо йўлларининг барча тизими кейинчалик Буюк ипак йўли деб аталадиган бўлди. Худди шу номда шойининг

---

[252] Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: "Фарғона", 2007. 99–100-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

фавқулодда аҳамияти ўз ифодасини топган. Шойи тарихи сир-синоатларга бой. Шойи илк бор қаерда ва қачон ишлаб чиқарилгани ва унинг қай йўсинда тарқалгани ҳақидаги тадқиқотчиларнинг асослари ғоят чалкаш бўлиб, ҳатто, бир-бирини инкор этади. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ипакчилик қадимда вужудга келган деб ҳисобланади, бироқ бизнинг мамлакатимизда шойи ишлаб чиқариш қандай қилиб ва қачон бошлангани ҳануз мавҳумлигича қолмоқда.

Ипак қурти етиштириш ва пилладан ипак ишлаб чиқариш Хитойда, тақрибан, 5 минг йил муқаддам Шандун вилоятида бошланган, деб ҳисобланади, Узоқ йиллар ипакчилик сири бу ярим оролдан ташқарига чиқмаган. Аҳоли шойи мато билан ўлпон тўлаган. Милоддан аввалги XII асрдагина ипакчилик бутун Хитой бўйлаб ёйилди. Бу жиҳатдан иероглиф белгилар, шу жумладан “ипак қурти”, “тут дарахти” маъносини англатувчи белгилар туширилган фолбинларнинг суяк топилмалари (тошбақа косалари, қорамолнинг курак суяги) диққатга сазовор. Милоддан аввалги VI-V асрларда, яъни Конфуций даврида шойи ҳамма ерда маълум эди. Шойи билан солиқ ва ўлпонлар тўланган, савдо-сотиқда пул ўрнида шойи ишлатилган. Маълумки, Чжан Цян Ғарб мамлакатларига қилган дипломатик сафарларида совға-саломларнинг асосий қисмини шойи ташкил этган. Чжан Цян элчилиги ўтадиган ҳудудлардаги кўчманчиларга шойи яхши маълум бўлган. Кўрсатилган ҳарбий хизматлар, олинган от эвазига шойи билан ҳақ тўланган. VII аср бошларида битта от учун 4,5 кийимлик шойи берилган.

Бироқ Хитой шойи тайёрлаш усулини қаттиқ сир сақлаган. Мамлакатдан ипак қуртини олиб чиқишга уринган ёки пилладан ипак олиш технологиясини ошкор этган киши қонун бўйича қаттиқ жазоланган, ҳатто, қатл этиланди. Шойи асрлар давомида Хитойга катта фойда келтирди ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўғд, Фарғона ҳамда Чоч савдогарлари мунтазам Хитойдан шойи харид қилишган. Ғарб мамлакатларининг элчи ва савдогарлари тайёр шойи кийимликлари ва ипак калавасини олиб кетишган. Шойи сирини ўғирлаш ёки мустақил аниқлашга кўплар уринган. Зеро, Ғарбда шойига бўлган эҳтиёж тобора ортиб борарди.

Римда милоддан аввалги 46 йилдан шойи кийим кийила бошланганлиги тарихдан маълум. Шойи кийимлар зеб-зийнат ҳисобланган. Юлий Цезар ўз бойликлари билан ҳаммани қойил қолдириш мақсадида театрга шойи дарпарда остирган. Клеопатра эса меҳмонларни ҳайратлантириш учун базмларга шойи кўйлак кийиб келар эди. Шойига эҳтиёж доим ортиб борган Римда бир фунт шойи шунча оғирликдаги тиллага тенг бўлган. Рим сенати милоддан аввалги 16 йилда "шойи кўйлак кийиб ўзини бадном қилишни" ман этувчи фармон чиқарди. Рим адиби Плиний (милодий I аср) хитойлар Ҳиндистон ва Арабистон билан биргаликда Римдан ҳар йили 10 миллион маблағ олиб қолмоқда деб айюҳаннос солган эди. Шунга қарамай, император Тиберий (милодий I аср) аёлларни шойи билан кўпроқ таъминлаш учун эркакларнинг шойи кийим кийишини ман этувчи фармон чиқарган. Шунинг учун бўлса керак Александр Север ва Аверелиана сингари императорларнинг шойи кийишдан воз кечиши замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган.

Милодий IV асрда шойи арзонлашиб, оддий одамлар ҳам шойи кийим кия бошлашган. Эҳтимол, бунга Марказий Осиёнинг ипакчилик марказларидан Ғарб бозорларига кўплаб маҳсулотлар кела бошлаганлиги ҳам сабаб бўлгандир. Бунга археологик топилмалар шоҳид. Чунончи, Амударё кечувидаги Кампиртепадан топилган шойи матолар милодий II-III асрларга оиддир. Булар четдан келтирилган матолар ёки улардан тикилган кийимлар бўлиши мумкин. Бу ерда шойи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоралари



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрилганлиги, шубҳасиз. Бироқ маҳаллий усталар шойининг учта сирини қаттиқ сақлашган.Биринчиси - ипак қурти етиштириш ва пилла олиш. Иккинчиси - пиллани чуватиб ипак ҳосил қилиш.

Дарвоқе, Хитойнинг ўзида буни дарҳол уддасидан чиқа олишмаган. Дастлаб пиллани чуватиб эмас, балки капалак қуртидан ипак массасини сиқиб чиқариш йўли билан ипак олинган. Айтишларича, пиллани чуватиш усули тасодифан кашф этилган экан. Бу кашфиёт император Си Линг-Чига мансублиги айтилади.

Гап шундаки, император боғда чой ичиб ўтирганида унинг чойига дарахтдан пилла тушади. У пиллани олиб ташламоқчи бўлиб, пилладан чиқиб турган бир қатим ипакни бармоқлари билан ушлаб тортган эди ипак чувалиб чўзила бошлади. Ҳа, дастлабки ипак шундай олинган.

Ва, ниҳоят, учинчи сир - мато ёки ипакни бўяш, аниқроғи, ипакка бўёқ сингдиришдир. Суғдликлар дастлабки икки технологияни ўзлаштириб мато тайёрлашган, лекин улардаги суратлар ранги хитой матоларидагига қараганда тезроқ айниган. Иккала сир қандай олингани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Византия манбаларига кўра, шойи савдосида эронликларнинг қаршиликлари туфайли мушкул аҳволда қолган император Юстиниан ҳузурига икки монах келиб, ўз хизматларини таклиф этишган, яъни улар саёҳатлари давомида ипак қурти боқиб пилла. олиш усулларини яхши ўрганиб олишган эди.

Уларнинг бундан кейинги фаолияти саноат жосуслигининг илк мисоли бўла олади: улар ипак қуртини ҳасса дастасининг ички кавагига яшириб, Константинополга олиб боришган. Сўнг баҳорда тухумдан чиққан капалак қуртини озиқлантириш учун тут дарахтига қўйиб юборишган, маълум вақтдан кейин капалак қуртлари пилла ўраган. Шойи олишнинг сири шу тарзда ошкор бўлди. Бироқ монах ипак қуртини қаердан олиб келгани ҳануз номаълум.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки, Марказий Осиёнинг ипакчилик марказларидан олгандир. Аксарият тадқиқотчилар ипакчилик сирлари дастлаб Суғдга кириб келган, сўнг бу ердан Ғарбга тарқалган деган фикрда. Ривоят қилишларича, Кичик Ан (Бухоро) ҳукмдорига турмушга чиқаётган Хитой маликаси унга тўй туҳфаси сифатида баланд соч турмаги ичига яшириб олиб келган ипак қурти тухумини ва тут дарахти уруғини инъом қилган эмиш. Марғилон масжидида сақланган Александр Македонскийга тегишли қизил шойи байроқни XIX аср табиатшуноси А.Ф. Миддендорф Марказий Осиёда ипакчилик қадимдаёқ ривож топганлигига далил қилиб кўрсатади. Бу маълумотлар Ўзбекистонга ипакчиликнинг шимолий (Фарғона орқали) ва жанубий кириб келиш йўлларини кўрсатади.

Ҳар ҳолда кейинги асрларда Марказий Осиёда ипакчиликнинг кенг ривожланиши ҳар турли шойи ва нимшойи матоларнинг мавжудлиги, археологик ашёлар Марказий Осиё ипакчилигининг камида бир ярим минг йиллик тарихга эгалиги ҳақида сўзлаш имконини беради. Ипакчилик марказларининг айримлари Марказий Осиёдан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Зандана, Вардана ва Марғилон шулар жумласидандир[253].

**Айюб алайҳиссалом** — Қуръонда номи зикр этилган 25 пайғамбардан бири. Айюб исми Қуръонда тўрт ўринда зикр этилган: Нисо сураси 163-оят, Анъом сураси 84-оят, Анбиё сураси 83-оят. Сод сураси 41-оят. Айюб Мусо (ас)дан илгари яшаб ўтганлиги ривоят қилинган, баъзи ривоятларда эса, Иброҳим пайғамбардан юз йил илгари яшаган дейилади. Айюб ўта тақводор, камбағалларга меҳрибон, етим ва беваларга саховатли, меҳмондўст инсон ҳамда ўзи ниҳоятда бадавлат ва серфарзанд бўлгани ривоят қилинган. Шундай имкониятлар соҳиби бўлган Айюб бирон марта ҳам Аллоҳга осий бўладиган иши содир этмай, ибодатни тарк қилмаган,

[253] Богомолов Г. Ошкор бўлган уч сир // “Фан ва турмуш”, 2007. № 5-6. 13-14-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар доим шукрона айтиб юрган. Айюб катта бойлик эгаси бўла туриб, Аллоҳга бирон бир гуноҳ иши қилмаганидан шайтони лаин изтиробда эди. Чунки бошқа бойлар ҳар қадамда Аллоҳга осийлик қилишарди. Ва шайтони лаин ҳасад қилиб Аллоҳга хитоб қилади ва: "Бу Айюб сенинг берган молу давлатинг, фарзандларинг ва саломат қилиб қўйиганинг учунгина сенга ибодат қилиб юрибди. Мен кафиллик берурманки, агарда сен унинг молу дунёсини ва соғлигини кетказиб, имтиҳон қилсанг, албатта у куфрга кетиб, сени унутади" – дейди. Шу боисдан Аллоҳ Айюб молу-дунёсини, фарзандларини ҳалокатга учратиб, ўзини ҳам оғир хасталикка мубтало қилиб синайди. Лекин Айюб бошиига ҳар қанча мусибат етганда ҳам Аллоҳнинг зикрини тилидан қўймай, ибодатини асло тарк қилмайди. Айюб етган оғир хасталик оқибатида у жойидан қўзғала олмайдиган ҳолга етганида ҳам унинг вафодор аёли унга қараб, уни парвариши қилиб туради. Ниҳоят шунча оғир синовларни бошиидан ўтказган Айюбга Аллоҳ яна соғлиқ инъом қилади ва унга фарзандлару кўпгина молу дунё ато этади. Шу ўринда уламолар бир мулоҳазани қайд этадилар: Айюбга етган хасталик борасида турли ривоятлар келган, жумладан Айюбнинг танасини яра босиб, қуртлар еб, одамлар Айюбни даштга чиқариб юборган эмиш. Тавҳид уламолари қайд этадиларки, пайғамбарлар бундай жирканч хасталикка мубтало қилинмайдилар. Зеро, бундай ҳолатга тушишлик пайғамбарлик мақомига тўғри келмайди. Айюб қиссасида ва унинг бошига тушган мусибатлару хасталикда ҳамда Айюбнинг Аллоҳга дуо қилиши оқибатида унинг шифо топиб яна молу дунё соҳиби бўлишида мўминларга ибрат ва намуна бор. Зеро, пайғамбаримиз ҳам: "Синовнинг энг қаттиғи пайғамбарларга, сўнгра солиҳларга, сўнгра шуларга ўхшашларга бўлур..." мазмунида ҳадис айтганлар. Шундан маълум бўладики, бу дунёда мусибат етиши билан бўладиган синов бадбахтлик белгиси эмас. Зеро, бу фоний дунё



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган ишига яраша мукофот олиши ўрни эмас, балким имтиҳон ва охират учун заҳира тўплаши ўрнидир[254].

## №1. Шоҳ Мансур авлодларига оид насабнома

Марғилон шаҳрида XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ҳазрати Шоҳ Мансурнинг авлоди сифатида нафақат саййид, балки фиқҳ, тарих ва бошқа бир қатор диний илмлар билимдони бўлгани унинг ёзган асарларидан маълумдир. Олимнинг насаби нафақат Муҳаммад (с.а.в.)га, балки сабр бобида зарбулмасал бўлган Айюб (а.с.)га ҳам туташади. У "Қиссаи ранж ва ибтилойи Ҳазраг Айюб (а.с.)" номли асарида Айюб (а.с.) ҳақидаги қиссани ишончли манбаларга таянган ҳолда баён қилгандан сўнг ўзининг аждодлари ҳақида қуйидагиларни ёзади:

"Айюб (а.с.)нинг зикри, мадҳи, ҳолати, риёзати ва мўъжизалари баён қилингандан сўнг улуғларга маълум, муҳтарам уламоларга масмуъ ва хос ва авомга мафҳум бўлгайки, буюк Аллоҳнинг камтарин қулларидан бўлмиш камина, яъни Мирсаййид Муҳаммад Алининг насаби ота тарафдан Мирсаййид Қозихўжа ибн Мирсаййид Муҳаммад Аминхўжа ибн Мирсаййид Абдулалимхўжа Қозига, она тарафидан эса Хайринисо Ойим бинт Саййидул-ошиқин Саййид Юсуфхўжа Эшон Ошиқ ибн Ҳазрат Шайхул-машойих Амирсаййид Аҳмад Шайх Носуриддин бўлади.

Ва бу камина Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ҳар икки тарафдан, яъни ота ва она тарафдан Халили Раҳмон Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га уланади. Иброҳим (а.с.)нинг саккизта ўғли бўлган. Биринчиси Ҳазрат Исмоил (а.с.), иккинчиси эса Ҳазрат Исҳоқ (а.с.)дир. Исҳоқ (а.с.)нинг ўғли Ийс, унинг ўғли

---

[254] Бу ҳақда қаранг: Ислом эциклопедия. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. 42–43-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айюб (а.с.) бўлган. ″Мавоҳиб алайҳ″» номли тафсирда “Сод” сурасининг шарҳида айнан шундай зикр этилган. Улар бу каминанинг аждодларидан саналади. Тез орада бу янада равшанроқ баён қилинади. Инша Аллоҳ! Шунингдек, Ҳазрат Халили Раҳмон Иброҳим (а.с.)нинг қолган олти улуғ фарзандлари ҳам Аллоҳнинг тавфиқи билан зикр қилиб ўтилади. Бу фақирнинг ота-боболари шажараси Айюб (а.с.)га уланиши аниқ ва равшандир. Зеро, Қозихўжа ибн Муҳаммад Амин насаб жиҳатдан Саййид Бурҳониддин Қилич авлоди экани ишончли ҳужжатлар асосида исботланган. Шунингдек, Косон вилояти қозиси Фарҳат Тўламон мулла Муҳаммад Шариф ибн Мулла Раҳим Бобо қози ва Хон Хўжа қози ибн Хўжажон хўжа ва бошқа дин олимлари томонидан ўз тасдиғини топган. Шу боис бу нусха мазкур нусхадан кўчирилган. Бу борада ҳеч бир мусулмон хилоф ва инҳироф (қарама-қаршилик) қилмаган. Хусусан, кимга қозилик мансаби насиб этса, пок шариат ва тўғри мазҳаб - Ҳанафийа мазҳабига кўра, бу мактубни етказишнинг ўзи шариат аҳкомларини жорий қилишга кифоя қилади ва шу сабабли улуғ савобга сазовор бўлади.

Аллоҳнинг улуғ исмини ва ислом имомларининг сўзларини табаррук қилган ҳолда айтамизки, мазкур олимларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин, бу масаланинг таҳқиқи шуки, Мулла Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа Айюб (а.с.)нинг ворисларидан саналади. Шу боис ҳар қандай суратда ҳам мазкур Мулла Муҳаммад Алихўжага атаб Аллоҳнинг бандалари томонидан бериладиган назр ва садақаларни олиш фақат у зотнинг авлодларига лойиқ ва жоиздир, Шунингдек, бу каби садақа ва назрларни олиш у жанобнинг фарзандларидан бўлмаган бегоналарга жоиз эмас[255].

---

[255] Қаранг: Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа. Шажаранома / Қўлёзма. 1936 йил кўчирилган.

Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 76-77-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ва унинг ўғли Мирсаййид Маҳмудхўжаларнинг шажараси ҳозиргача сақланиб қолган. Ушбу икки саййидзоданинг насаби Расулуллоҳ (с.а.в.)га ҳам туташиши шажарада ўз исботини топган. Мазкур шажаранинг қўлёзма нусхаси (бундан кейин қўлёзма дейилади) мажмуа шаклида ёзилган бўлиб, ундан тўртта асар ўрин олган: Ўрама ҳолда сақланган узун-шажара. Ҳажми 1710х 27 см. қўлёзмага 148 та муҳр босилган. Ушбу муҳрларни босганлар:

Муфтий Мулла Абдулмўмин ибн Раҳмонқули.

Қози Саййид Комил ибн қози Саййид Осим.

Аълам Мулла Муҳаммадназар ибн Ашурмуҳаммад.

Қози райис Мулла Абдулазиз ибн Домла Холиқули.

Қуйида ушбу қўлёзмадан дан айрим парчаларни келтириб ўтамиз.

### *Мирсаййид Муҳаммад Али хўжа*
### *Қиссаи ранж ва ибтилойи Ҳазрат Айюб алайҳиссалом*

Қалбларимизни маърифат ва имон нури билан зийнатлаган, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни раҳмат ва жаннат эшигига далолат қилувчи қилиб қўйган ҳамда ***У*** зотнинг аҳли ва саҳобаларини бошқа инсонлару жинлардан фазилатли қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Илоҳий ҳамд ва рисолатпаноҳи дурудлардан сўнг диндош биродарлар ҳамда яқин дўстларга шу нарса маълум бўлгайки, Ҳазрат Қодири азал ва Маъбуди ламязал душманлардан азият чекиб малолланган Расулуллоҳ (с.а.в.)га тасалли ва шифо бериш мақсадида Айюб (а.с.)нинг мусибатга дучор бўлиши ва беморлиги ҳақидаги қиссани баён қилиб берган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яъни, Аллоҳ таоло айтадики, Эй Ҳабибим! Айюб (а.с.) ни эсланг! У Мусо ибн Розих ибн Рум ибн Ийс ибн Исҳоқ ибн Иброҳимнинг ўғли эди. Аллоҳ таоло унга кўп мол-давлат бериб, пайғамбарлик хилъати билан сийлаган эди. У Шом ерларида эрта-ю кеч тоат-ибодат билан машғул бўлган. Ва ўз навбатида Иблис (а.л.) унга ҳасад қилиб, Аллоҳ таолога муножот қилиб айтдики: "Илоҳим! Бу бандангг ҳозир офиятда яшамоқда, унинг давлати ва фарзандлари кўп. Агар ундан давлати ва фарзандларини олиб қўйсанг, Сенинг йўлингдан қайтади ва куфрони неъмат йўлига ўтади". Шунда Аллоҳ таоло айтди: "У сен айтгандек эмас. Айюб (а.с.) Менинг ростгўй ва содиқ бандаларимдан. Уни минг марта мусибатга гирифтор қилсам ҳам, ибодатни мукаммал бажаришдан тўхтамайди".

Кўплаб тафсирларда келадики, Иблис (а.л.) шундай деди: "Унинг давлати ва фарзандларини менга мусаллат қилиб (бўйсундириб) қўй. Шунда унинг ҳақиқий ҳолати зоҳир бўлади".

Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)нинг давлати ва фарзандларини иблис ихтиёрига топширди. Иблис эса унинг давлати ва фарзандларини ҳалок қилишга киришди. "Ҳақоиқ" асарида келишича, бу суҳбатга Қуръон ва ҳадисдан далил шуки, яҳудийларнинг хабарларида келишича, яъни Ваҳб ва Каъб (а.р.)лар ривоят қилишларича, ҳақиқат шуки, Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)га турли мусибатларни юборади. Натижада балолар ёмғирдек ёғилиб, дарё мавжларидек қуюлиб келади.

Ривоят қилишларича, Айюб (а.с.) туяларини чақмоқ ҳалок қилади, қўйларини сел олиб кетади, экинзорларини вайронкор шамол пайҳон қилади, етти ўғил ва уч қизи девор остида қолиб ҳалок бўлади, муборак таналарида яралар пайдо бўлиб, йиринглайди ва қуртлар пайдо бўла бошлайди, мўминлар муртад бўлади, қавми ҳайдаб юборади. Фақат хотини Афроҳим ибн Юсуф (а.с.) нинг қизи ёки Маниша ибн Юсуф (а.с.)нинг қизи Раҳима унинг хизматида қолди, холос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айюб (а.с.) етти йил, етти ой, етти ҳафта, етти кун ва етти соат, баъзи ривоятларда ўн уч ёки ўн саккиз йил машаққат ва мусибатда бўлди.

Аллоҳ таоло Ҳазрат Рисолагпаноҳ (с.а.в.)га тасалли ва мустаҳкам таълим бериш мақсадида мазкур қиссаларни зикр қилиб айтганки, Айюб (а.с.)нинг қиссасини эсга олинг! У Раббисига нидо қилди: "... (Эй, Раббим!) Менга мусибат етди. Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлирогидирсан ..." ("Анбиё" сураси, 83-оят). Аллоҳ таоло Айюб (а.с.) ҳақида шундай деган: "... Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик ..." ("Сод" сураси, 44-оят).

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, Айюб (а.с.) нега мусибатдан шикоят қилди? Ахир, Аллоҳ таоло у зотни сабрли дея мадҳ этган-ку!? Бунинг жавоби шуки, шайтон Айюб (а.с.)га қаттиқ озор етказган эди. Яъни, шайтон у зотга: "Менга сажда қилсанг, сени дарддан фориғ қиламан", деб васваса қилган эди. Айюб (а.с.) шайтоннинг бу васвасаларидан озор чекиб, Аллоҳга шикоят қилган.

"Ашароти ҳамида" асарида келишича, Айюб (а.с.)га имон келтирган мусулмонлар орасида шундай сўзлар тарқалган эди: "Агар Айюб (а.с.) яхши одам бўлганида бу дардга мубтало бўлмас эди. Аллоҳ пайғамбарлар ва солиҳларга мусибат юбормайди". Бу сўзларни эшитган Айюб (а.с.)нинг муборак қалби қаттиқ ранжиб, Аллоҳга юқоридаги шикоят билан илтижо қилган.

Яна бир ривоятда келишича, Айюб (а.с.) ибодат қилишга кучи етмай заиф ҳолга тушиб қолганида мазкур шикоят маъносидаги дуо билан Аллоҳга илтижо қилган. Бошқа ривоятда айтилишича, куртлар Айюб (а.с.)нинг тили ва қалбига етиб борганида қўрқиб кетади. Чунки бу иккиси зикр ва тавҳиднинг макони эди. Уларни йўқотишдан қўрққан Айюб (а.с.) Аллоҳга илтижо қилиб, юқоридаги сўзларни айтган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ҳақоиқ Сулламий” асарида Имом Жаъфар Содиқ (а.р.) дан ривоят қилинишича, қирқ кунгача ваҳий келмай қолганда Айюб (а.с.) мазкур дуони зикр қилган. Айтишларича, танасидаги қуртлар бир куни ерга тушиб кетади ва Айюб (а.с.) ўз ихтиёри билан қуртларни олиб яна ўз танасига қўяди. Сўнг ҳолсизликдан юқоридаги сўзларни айтади.

Айтишларича, ҳар куни саҳарда Аллоҳ таоло фаришта орқали хушхабар юборар ва: “Эй бизнинг беморимиз? Ҳолинг қандай?”, деб ҳол-аҳвол сўрар эди. Айюб (а.с.) завқ ва шавқ билан бу саволга жавоб берар ва бу сўзларни эшитиб беморлиги ҳам енгиллашар эди. Байт:

Агар бемор зиёратига келса дўсту ёринг,
Юз йил бемор бўлса ҳам, соғломдек сезарсан ўзинг.

Бир куни саҳар чоғида мазкур фаришта келмади. Шунда Айюб (а.с.) Аллоҳ билан алоқам узилиб қолди, деб ўйлаб юқоридаги  сўзлар билан дуо қилади.

Муҳаққиқ олимлар айтадиларки, Айюб (а.с.) Аллоҳдан эмас, балки Аллоҳга шикоят қилган. “Бахр ал-ҳақоиқ” асарида айтилишича, Айюб (а.с.) жисмоний зарардан нолиган, лекин руҳияти Аллоҳнинг жамолига камоли муштоқ бўлганидан мусибатни сезмаган. Шубҳасиз, Айюб (а.с.)нинг башарий тили «Менга мусибат етди”, деган бўлса, руҳий тили: “Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғисан”, деб тараннум этган.

“Латоиф Қушайрий” асарида зикр қилинишича, Айюб (а.с.) нинг бу сўзлари қазо ва қадарга эътироз маъносида эмас, балки инсониятнинг заиф ва ожизлиги сабабидандир.

Нақл қилишларича, Жаброил (а.с.) Айюб (а.с.) олдига келиб: “Нега хомушсиз?”, деб сўрайди. Айюб (а.с.): “Аллоҳнинг қазо-тақдирига розиман. Яна қанча қазо бўлса ҳам унга рози бўлишга тайёрман”, дейди. Жаброил (а.с.): “Аллоҳнинг хазинасида мусибат кўп. Сиз уларнинг барига тоқат қила олмайсиз. Шу боис Аллоҳдан офият сўранг”,



www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди. Шунда Аллоҳ таоло айтди: "Бас, Биз уни (яъни дуосини) ижобат қилиб, ундаги заҳматни кетказдик" ("Анбиё» сураси, 84-оят). Яъни, ундан машаққатни аритиб, рўшнолик бердик. "ва оиласини ва улар билан қўшиб, яна уларнинг баробарида аҳлу авлод ато этдик" ("Анбиё" сураси, 84-оят). Яъни, унинг фарзандлари қанча бўлса, ҳаммасини қайтардик ҳамда яна шунча фарзанд бердик: унга яна етти ўғил ва уч қиз ҳадя қилдик.

Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: "Айюб (а.с.)га фарзандлари, давлати ва чорвалари икки ҳисса қилиб қайтариб берилди. Ва қизил ёки оқ булут келиб, устиларидан тилла чигирткаларни ёғдирди". "Ҳақоиқ" асарида келишича, уч кунгача Айюб (а.с.) саройи атрофида шундай ёмғир ёққан.

Аллоҳ таоло шундай дейди: «(Буларнинг барчаси) ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилувчиларга эслатма бўлсин (деб қилдик)" ("Анбиё" сураси, 84-оят). Яъни, Айюб (а.с.)га берилган барча неъматлар Бизнинг унга бўлган раҳматимиз ва инъомимиз сабаблидир. Бошқа бандалар ҳам Айюб (а.с.)га ўхшаб сабрли бўлишлари ва у эришган савобларни қўлга киритишлари учун ушбу қиссаларни зикр қилдик.

Назм:

Ҳар кимки ҳақ йўлда сабрли бўлса,
Орзу қилган муродига етгай, албатта.
Сабр қилмоқ зарур, гарчи юз жароҳат етса ҳам,
Чунки: "Сабр - шодлик калити", деб айтарлар.

Шунингдек, "Сод" сурасида қуйидагилар зикр қилинган: "(Эй Муҳаммад!) Бандамиз Айюб Парвардигорига нидо қилиб: "Мени шайтон машаққат ва азобга тутди", - деган пайтини эсланг!" ("Сод" сураси, 41-оят) Яъни, шайтон Айюб (а.с.)га азоб, машаққат ва огриқ етказди. Шайтон Айюб (а.с.) нинг хотини ёнига келиб, васваса қилиб айтди: "Сен нима қилдингки, Аллоҳ сендан неъматларини тортиб олди?! Сенга қаттиқ азобларни юборди", деди. Шу тариқа шайтон Айюб



www.ziyouz.com kutubxonasi

(а.с.) нинг барча яқинларини васваса қилди. Ҳатто ҳолат шу даражага бориб етдики, одамлар касали юқиб қолмасин деб, Айюб (а.с.)ни **ўз** қишлоғидан қувиб чиқардилар. Сўнг "Анбиё" сураси тафсирида зикр қилинган юқоридаги ҳодисалар бўлиб ўтди.

Алқисса, Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)нинг дуоларини ижобат қилиб, Жаброил (а.с.)ни юборди. Жаброил (а.с.) у зотнинг ҳузурига келиб, шундай деди: "Оёғинг билан (ерни) тепгин!..." ("Сод» сураси, 42-оят) Айюб (а.с.) буйруққа бўйсуниб, ерни тепган эди, оёқлари остидан икки булоқ отилиб чиқди. Уларнинг бири иссиқ ва иккинчиси совуқ эди. Жаброил (а.с.) айтди: "... Мана шу чўмиладиган ва ичимлик совуқ сувдир" ("Сод" сураси, 42-оят). Яъни, иссиқ сув ғусл қилиш учун, совуқ сув эса ичиш учун эди. Айюб (а.с.) буюрилганидек иссиқ сувда чўмилиб, совуқ сувдан ичди. Иссиқ сув билан зоҳирий иллатлар ва совуқ сув билан ботиний касалликлардан халос бўлди. Баъзи ривоятларда айтилишича, чашмалар ичганда совуқ, ғусл қилмоқчи бўлганда иссиқ бўлиб қолар эди.

Аллоҳ таоло айтади: "Биз Ўз томонимиздан марҳамат кўрсатиб ҳамда ақл эгаларига эслатма бўлиши учун, (Айюбга) аҳли (оиласи)ни ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича (фарзанд) ато этдик" ("Сод" сураси, 43-оят). Яъни, Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)га барча неъматларни – фарзандлари, давлати ва чорваларини икки ҳисса қилиб қайтариб берди. Дарҳақиқат, ақл эгалари бирор мусибатга йўлиқсалар, шодликни интизор бўлиб кутишади. Чунки Аллоҳ таоло раҳмати илоҳийни сабрга боғлаб қўйган. Шундай экан, сиз ҳам сабр қилинг! Зеро, сабр шодлик калитидир.

Қитъа:

Сабр калити кимнинг қўл остида бўлгай,
Ҳар мусибат етганда муродига етгай.
Машаққатлар кўп бўлса ҳам сабр даркор,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки саҳар ҳам аста-секин ёришар.

Айюб (а.с.) беморлик чоғида хотинини юз дарра уришга қасам ичади. Аллоҳнинг инояти билан соғайгач, ичган қасамини бажаришни истайди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги ваҳийни юборади: "Қўлингга бир боғ (новдани) олиб, у билан (хотинингни) ургин-да, қасамингни бузмагин! ..." ("Сод" сураси, 44-оят) Айюб (а.с.) майда новдалардан юзтасини олиб, хотинини урди ва шу тариқа қасамини бажарди.

Аллоҳ таоло Айюб (а.с.) ни мадҳ этиб, шундай дейди: "...Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик. У нақадар яхши бандадир! Ҳақиқатан, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир" ("Сод" сураси, 44-оят). Айюб (а.с.) моли, жони ва оиласига келган мусибатларнинг шиддатига қарамай, сабр қилди, бор вужуди билан Аллоҳга қайтди, Унгагина талпинди.

Айюб (а.с.)нинг зикри, мадҳи, ҳолати, риёзати ва мўъжизалари баён қилингандан сўнг улуғларга маълум, муҳтарам уламоларга масмуъ ва хос ва авомга мафҳум бўлгайки, буюк Аллоҳнинг камтарин қулларидан бўлмиш камина, яъни Мирсаййид Муҳаммад Алининг насаби ота тарафдан Мирсаййид Қозихўжа ибн Мирсаййид Муҳаммад Аминхўжа ибн Мирсаййид Абдулалимхўжа қозига, она тарафидан эса Хайринисо Ойим бинт Саййидул-ошиқин Саййид Юсуфхўжа Эшон Ошиқ ибн Ҳазрат Шайхул-машойих Амир Саййид Аҳмад Шайх Носуриддин бўлади.

Ва бу камина Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ҳар икки тарафдан, яъни ота ва она тарафдан Халили Раҳмон Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га уланади. Иброҳим (а.с.)нинг саккизта ўғли бўлган. Биринчиси Ҳазрат Исмоил (а.с.), иккинчиси эса Ҳазрат Исҳоқ (а.с.)дир. Исҳоқ (а.с.)нинг ўғли Ийс, унинг зурриёти Айюб (а.с.) бўлган. "Мавоҳиб алайҳ" номли тафсирда "Сод" сурасининг шарҳида айнан шундай зикр этилган. Улар бу каминанинг аждодларидан саналади. Тез орада бу янада равшанроқ баён қилинади. Инша Аллоҳ!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунингдек, Ҳазрат Халили Раҳмон Иброҳим (а.с.)нинг қолган олти улуғ фарзандлари ҳам Аллоҳнинг тавфиқи билан зикр қилиб ўтилади.

## МИРСАЙЙИД МУҲАММАД АЛИХЎЖА
## АҲЛИ БАЙТГА ЭҲТИРОМ

Саййидимиз Муҳаммад (с.а.в.)ни инсонлар орасида азиз, қадрли, муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят қилиб қўйган фазл ва эҳсон соҳиби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Саййидимиз Муҳаммад (с.а.в.)ни ҳурмат қилишни имон ва исломи бор инсонларга фарз қилган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин!

Расуллар ва бутун инсонлар саййиди Муҳаммад (с.а.в.)ни бизларга неъмат ўлароқ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Муҳаммад (с.а.в.) буюк хулқ эгаси, мўминларга меҳрибон ва раҳмдил эдилар. Аллоҳ У зотга, оиласи ва саҳобаларига саловот, таҳийя ва салом йўлласин!

Бу зотлар буюк шариатда ҳаёт кечирдилар. "Саййид" – араб
ва ажамнинг гўзал хулқли улуғ Расули (с.а.в.)нинг авлодларидир. У зотга хизмат қилишни маромига етказиш билан диннинг мустаҳкамлиги камолига етади. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ (с.а.в.)ни улуғлаб, ҳурмат бажо келтирган ва У зотга истиғфор айтган инсонларнинг гуоҳларини мағфират қилади. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ (с.а.в.) ва У зотнинг авлодларини яхши кўрган бандаларинигина аҳли байтга хизмат қилишга даъват қилади.

Бу эса Аллоҳ таоло томонидан мазкур бандаларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг бир кўринишидир.

"Алавий" - Али (р.а.)нинг Фотима (р.ҳ.) онамиздан бошқа аёлларидан бўлган авлодларидир. Улар саййид (яъни



www.ziyouz.com kutubxonasi

фотимий) эмаслар, лекин уларни ҳурмат қилиш ҳуру қулга бирдек вожибдир.

Шунингдек, Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)ларниг фарзандларида ҳам комиллик ва баракотлар бордир. Зеро, Аллоҳ таоло уларга ҳасанот (савоб, яхшиликлар) ва даражаларни ато қилган.

Лекин бу мактуб Набий (с.а.в.) ва Али (р.а.)нинг авлодларини ҳурмат қилишни баён қилиб беради ва шу билан бирга унда Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)лар ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

Аммо баъд! Нурли қалбнинг таъсирли ойнаси бўлмиш хоқонлар, номдор шахслар ва олий султонлар, Аллоҳ уларнинг мулкини иқтидори мивдорича Қарор (Қиёмат) кунигача боқий қилсин, шунингдек, улуғ амирлар, буюк вазирлар ва дин олимларига паноҳ, орифлар дилидан огоҳ, Аллоҳга йўлиқишга ошиқ ва муштоқларга маълум ва равшан бўлсинки, мисол олами (дунё)да бандаларга ҳақли бўлмасалар-да, неъмат берувчи ва мутлақ неъматлар билан сийловчи Аллоҳнинг сифатлари иллатдан холидир.

Ишқ ва талабга ҳақли бўлган Муҳаммад (с.а.в.)нинг аҳли байтига яқин бўлишга жону дилидан муштоқ бўлган одамнинг садосини эшитинг!

Халил Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг авлодларига ошиқ бўлган инсоннинг нидосини тингланг! Баъзи аҳли имон ва ийқон (имонли ва ишончли) кишилардан "Аллоҳга солиҳ ва яхши инсонларнинг авлодларини ҳурмат қилинглар", деган буйруқнинг фазли ва эҳсони бизгача етиб келган. Шубҳасиз, саодат аҳли ва сидқ ҳамда сафо, аҳд ва вафо пешқадамлари бунга мувофиқ фикрдалар. Алавий инсон ҳар қанча фақир ва кучсиз бўлса ҳам азалий иноятнинг фазли билан ва лам язал (азалий) муҳаббатнинг луфти ўлароқ юқоридаги улуғ шарофатга эришади. Зеро, Аллоҳнинг лутфи ҳар нарсага шомилдир. Аҳли байтнинг асли бўлмиш Расулуллоҳ (с.а.в.) га хизмат қилишга ҳамма завқу шавқ билан ошиқади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёлғиз Холиқ ва Мусаввир Аллоҳ ҳадиси қудсийда Ҳазрат Маҳбубул-маҳмуд, яъни Муҳаммад мустафо (с.а.в.)ни мадҳ этиб шундай деган: “Агар Сиз бўлмаганингизда, фалаклар (еру осмон)ни асло яратмас эдим!” ва У зотнинг умматларига “Албатта, сизларнинг энг ҳурматлингиз энг тақводорингиздир”, деган неъматни ато қилган. Хусусан, умматнинг хос одамлари бўлмиш саҳобалар алоҳида мадҳ этилган: “Саҳобалар юлдуз кабидирлар. Уларнинг қай бирига эргашсангиз ҳам, ҳидоят топасиз”.

Бу фазилатлар таҳқиқ қилингандан (исботлангандан) сўнг шуни билиш лозимки, бу олий ва буюк хонадон, яъни алавий, ҳусайний, мусавий, ризавий, шунингдек, Ҳанафийа-мансурия хонадонининг Саййид Бурҳониддин Қилич авлодларидан бўлмиш Ҳазрат Қозихўжа Муҳаммад Амингача уланиши ҳужжатлар асосида ўз исботини топган. Бу борада ҳеч бир мусулмон хилоф ва инҳироф (қарама-қаршилик) қилмаган. Хусусан, қозилик мансаби тақозоси ҳамда пок шариат ва тўғри мазҳаб – Ҳанафийа мазҳабига кўра, бу мактубни етказишнинг ўзи шариат аҳкомларини жорий қилишга кифоя қилади ва шу сабабли улуғ савобга сазовор бўлади.

Аллоҳнинг улуғ исмини ва ислом имомларининг сўзларини табаррук қилган ҳолда айтамизки, мазкур олимларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин, бу масаланинг хулосаси шуки, саййид насаб ва насли саҳиҳ, эътиқоди ва амали соғлом бўлиши ҳамда сўзида, ўтириши ва юришида авом ва Ҳанафийа мазҳаби ва Муҳаммад мустафо (с.а.в.) шариатига ҳамда олимларга мувофиқ бўлиши вожиб ва лозимдур.

Саййид бўлмаган жоҳил ёки олим саййид билан суҳбатлашганда: “Мен сендан каттаман, сендан ёшим улуғ”, деса, бу сўз шунчаки айтилган тақдирда ҳам рад қилинган ва номақбул сўз ҳисобланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар бир киши саййидни ҳақорат қилиш, унга таъна ва ғазаб қилиш ҳамда обрўсизлантириш мақсадида: “Насабингни айтиб бер! Наслингни исботлаб бер”, каби сўзларни айтса, бу ишлар мазкур кишининг қайсарлиги ҳисобланади.

Биринчи суратда (“сендан улуғман”, дейиш) қозининг раъйига қараб таъзир белгиланади. Иккинчи суратда эса ҳад уриш лозим бўлади.

Агар бир одам: “Саййид фисқ-фужур амалларни бажарса, уни ҳурмат қилиш вожиб бўлмайди”, деса шариатдан (диндан) чиқади[256].

Агар икки хусуматчи жанжал қилиб, “муфта биҳ” ва «маҳкум биҳ» (фатво берилган ва ҳукм қилинган қарорлар)ни йиртиб ташласа, ерга улоқтирса, назарига илмаса ёки қабул қилмаса, бу сўзлар ва амаллар билан хусуматчи диндан чиқади ва хотини талоқ бўлади.

Имом Фахрул-ҳақ ва Фахруддин Розий (а.р.)нинг шарҳларида зикр қилинишича, инсонлар фақиҳлар наздида тўрт тоифага ажратилади. Уларнинг таъзири, яъни уларга бериладиган жазолар ҳам худди шундай тўрт турга бўлинади. Биринчилари “Ашрофул-ашроф” – шарафлиларнинг шарафлиси бўлиб, улар фақиҳлар урфида “Атрофул-атроф”, “Ихтиёрул-ихтиёр” ва бошқа шу каби номлар билан ҳам аталади. Бу тоифага фақиҳ алавийлар киради. Олимларнинг иттифоқига кўра, алавий (саййид)нинг шарафи (улуғлиги) фисқ ва маъсиятни такрор ва доимий қилиш сабабли йўқ бўлиб кетмайди. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шарафлари асло фоний бўлмайди. Бошқа оддий инсонларнинг шарафи эса қайтарилган ишларни қилиш

[256] Бу сўзларни “Саййидни ҳурмат қилмаса ҳам бўлади”, деган ақидада айтса, ҳаромни ҳалол дейиш маъносида сўзласа, диндан чиқиши мумкин. Аммо бепарволик ва жоҳиллик сабабли айтса, диндан чиқмайди, балки қаттиқ гуноҳкор бўлади. Бундан кейинги “диндан чиқади” мазмунидаги жумлалар ҳам айнан шу маънода, яъни ҳаром нарсани ҳалол деб эътиқод қилиш маъносида келади. Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 119-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан йўқликка юз тутади. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари далил бўлади: “Бас, уни олиб кетишгач ва уни қудуқнинг қаърига ташлашга келишиб олишгач (уни амалга оширдилар) (Биз) унга: “Бу ишлари тўғрисида уларга (кези келганда), албатта, хабар берурсан, ваҳоланки, улар (Юсуф эканингни) сезмайдилар”, - деб ваҳий қилдик” (“Юсуф” сураси, 15-оят).

Мазкур оят Юсуф (а.с.)нинг акалари ҳақида нозил бўлган бўлиб, билдириш, хабар бериш маъносида келган. Бу эса улар учун таъзир ўрнидадир. Чунки улар жиноятларни такрор-такрор амалга оширганлар. Жумладан, одам ўлдиришга қасд қилиш, озод инсонни қул қилиб сотиш, “бўри еб қўйди”, деб ёлғон сўзлаш, отага оқ бўлиш ва бошқа шу каби гуноҳларга қўл урдилар. Сўнг Аллоҳ таоло уларнинг бу қилмишлари ҳақида хабар берди.[257] Бу эса улар учун таъзир эканини билдиради. Таъзир билан насабнинг шарафи завол топмайди.

Абдуллоҳ Журжоний (а.р.) шундай дейди: “Агар алавий фосиқликка одатланиб қолса, алавийлар орасидан бир қози танланади. Шунда қози алавийни уришга амр қилишга ҳақли бўлади. Чунки алавийлар бир қабила бўлиб, бегона қози уларга ҳукм чиқариши жоиз эмас. Яъни, бегона қози эълон қилмасдан туриб, алавийга: “Эшитишимча, сен шу ишларни қилибсан”, деб айтиши жоиз эмас”.

Фақиҳ борасида турли фикрлар билдирилган. Баъзиларнинг айтишича, фақиҳ гуноҳни такрор ва доимий қилиш билан ўз шарафини йўқотади. Чунки олим илмга эргашсагина олим ҳисобланади. Баъзиларнинг фикрича, фақиҳнинг шарафи гуноҳ қилиш билан йўқолмайди. Чунки фақиҳнинг шарафи иллат сабабли ҳукм билан юзага келган. Иллат кетса, ҳукм қолади. Айтишларича, шарафли инсон - ҳаром нарсалардан ўзини тийган кимсадир. Ким ўзини

[257] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 120-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаром нарсалардан тийса, у суфий бўладими ёки йўқ, шарафли инсон саналади. Агар бир одам саййидга таъна қилиш мақсадида: “Насабингни исботла!”, деса унга ҳад урилади. Бу “Шарҳ ас-садот” асарида келган.

“Маймунат ал-фатаво” асарида айтилишича, бир киши: “Мен саййидман” деса, бошқа бири унга: “Сен саййид эмассан”, деса гуноҳкор бўлади ва унга ҳад урилади.

## Ҳазрат Одам (а.с.) ва Ҳавводан Расулуллоҳ (с.а.в.)гача бўлган насаб

Одам (а.с.), унинг ўғли Шис (а.с.), унинг ўғли Ануш, унинг ўғли Қайнон, унинг ўғли Махлоил, унинг ўғли Ярд, унинг ўғли Ахнух, яъни Идрис (а.с.), унинг ўғли Мутавашлих, унинг ўғли Ламк, унинг ўғли Нуҳ (а.с.), унинг ўтли Сом, унинг ўғли Арфахшад, унинг ўғли Шолих, унинг ўғли Обир, яъни Ҳуд (а.с.), унинг ўғли Фолиғ, унинг ўғли Ашруъ, унинг ўғли Арғун, унинг ўғли Ноҳур, унинг ўғли Торих, яъни Озар, унинг ўғли Ҳазрат Иброҳим (а.с.), унинг ўғли Исмоил (а.с.), унинг ўғли Қайзар, унинг ўғли Ҳамл, унинг ўғли Банат, унинг ўғли Ҳамиъ, унинг ўғли Уд, унинг ўғли Аднон, унинг ўғли Маод, унинг ўғли Низор, унинг ўғли Музорр, унинг ўғли Илёс, унинг ўғли Мудрика, унинг ўғли Хузайма, унинг ўғли Кинона, унинг ўғли Назр Қурайший, унинг ўғли Молик, унинг ўғли Фиҳр, унинг ўғли Ғолиб, унинг ўғли Луай, унинг ўғли Каъб, унинг ўғли Мурра, унинг ўғли Килоб, унинг ўгли Қусай, унинг ўғли Абдуманоф, унинг ўғли Ҳошим, унинг ўғли Абдулмутталиб, унинг ўғли Абдуллоҳ ва унинг ўғли Муҳаммад (с.а.в.).[258]

[258] Бу ҳақда қаранг: Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. 111-122-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## №2. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Эшон Юсуфхўжанинг тархонлик ери масаласига доир аризаси. Қўқон қоғозига форс-тожик тилида кўчирилган. Ҳажми 19,5х 12 см. Ариза сақланиш ҳолати қониқарчиз бўлиб, ариза матнининг асосий қисми ўчиб кетган. Шу сабабдан ариза кимнинг номига ёзилганлиги ҳам номаълум. Аризадаги "Жаноби олий ҳазратларига" сўзларидан эҳтимол ушбу ариза Қўқон хони Худоёрхон номига ёзилган бўлиши ҳам мумкин[259].

## №3. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Эшон Юсуфхўжага берилган васиқа ҳақида ҳукм. Иккита муҳр босилган бўлиб, муҳрлардан бирида "Хўжажон Қозикалон ибн Хўжажонхўжа" номи туширилган. Қўқон қоғозига форс-тожик тилида кўчирилган. Ҳажми 19х 10 см.

## №4. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Марғилон пиллакашлар раиси Зокир оқсоқол номига ёзилган хат. Хатда Ҳазрат Айёб алайҳиссалом авлодларидан бири бўлган Саййид Ғанихўжа, Саййид Жалолхўжа Тўрахўжага ўғлининг Марғилон пиллакашларини дуогўйлари эканлиги айтилади. Шу сабабдан Ҳазрат Айёб алайҳиссалом руҳониятларига пилаккашлар томонидан қилинажак назр[260] ва садақотларда мазкур авлодларини ҳам хотирлаб туриш лозимлиги таъкидланади.

---

[259] Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: Власть, политика, религия. – Т.: "YANGI NASHR", 2010. С.696.

[260] Назр (араб. - сўз бериш, ваъда қилиш, кучайиш) - ислом фиқҳида бирор савобли ишни бажаришга аҳд қилиш ва уни оғзаки ёки ёзма равишда ифода этиш (масалан, фалон ишимни битирсам ёки соғайиб кетсам, Аллоҳ йўлига бир қўй сўйиб, қурбонлик қиламан каби). Исломда назрга ташвиқот йўқ. Аммо, назр қилган одам уни бажариши шарт ҳисобланади. Агар бажармаса бир вожиб амални тарк этган ҳисобланиб, оғир гуноҳкор бўлади. Кейинчалик халқ ўртасида назр сўзи хайр, садақа, эҳсон қилиш маъноларида ҳам ишлатила бошлаган (масалан, масжид, мозор



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўқон қоғозига форс-тожик ва эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 19х 10 см.

### №5. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Мулла Муҳаммад Алихўжа Эшон Қозихўжа ўғлининг Ҳазрат Айёб алайҳиссалом авлоди эканлигини қозилар томонидан ривоятлар асосида тасдиқланганлиги тўғрисидаги ҳукми.

Қўқон қоғозига форс-тожик ва араб тилида кўчирилган. Ҳажми 34,9х 44,5 см. 7 та муҳр босилган.

### №6. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Ҳижрий 1304 йилнинг 22 шаввол ойида – милодий 1887 йили 13 июлда пилакашларга ёзилган хат. Хатнинг қисқа мазмуни қуйидагича: Пиллакашларга маълум бўлсинки, Мулла Муҳаммад Алихўжа Имом Муҳаммад ал Ҳанафийанинг авлодларидан экан. Қўлларида санад ва ёрлиқлари бор экан ва ҳам Ҳазрат Айёб алайҳиссалом назуротиға мустаҳиқ хусусидаги хатлари бор экан. Агар ҳар киши мазкур Ҳазрат Айюб алайҳиссаломға назуротлари бўлса, мазкурға берсалар. Керакли мазмундаги хатларига мувофиқ. Аммо ҳар ким ризоси билан назр қилғон бўлса, зўрлуқ билан эмас. Ҳар ишқа соҳиб санад турғонда бесанд олмаслиги керак.

Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 17х 22,1 см.

---

ёки тиланчига назр бериш каби). Исломга кўра, назр имкони бор киши учун вожиб. Моддий ёки жисмоний жиҳатдан бажаришга қодир бўлмаган одам назр қилмаслиги лозим. Назр ва унга вафо қилишнинг даража ва савоби улуғлиги ҳақида Қуръоннинг "Инсон" сурасида алоҳида қайд этилган. Бу ҳақда қаранг: Ислом эциклопедия. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. 350-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## №7. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Ҳижрий 1304 йилнинг 23 шаввол ойида – милодий 1887 йили 14 июлда пилакашларга ёзилган хат. Хатнинг қисқа мазмуни қуйидагича: Марғилон, Қўқон, Андижон ва Намангандаги жами пиллакашларга маълум бўлсинки, Мулла Муҳаммад Алихўжа марҳум Қозихўжа эшон ўғли ва Миён Ходихўжа эшон Баҳодирхўжа (?) ўғли Ҳазрат Айюб алайҳиссалом авлодлари ва мозорининг мутаваллилари бўлиб, уларнинг қўлларидаги мавжуд санад ва ёрлиқларига мувофиқ назр-садақотларни олишга ҳақли эканликлари ва бу борада қозиларнинг ҳукми ҳам борлиги айтилади.

Қўқон қоғозига форс-тожик тилида кўчирилган. Ҳажми 22,3х 16,5 см. Хатнинг орқа томонида 4 та муҳр босилган.

## №8. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Ҳижрий 1304 (милодий 1887) йилда ёзилган хат. Хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Киром фазиллик Мулла Муҳаммад Мусо охунд мутавалли ва Мулла Муҳаммадзиё охунд ва Муҳаммад Исҳоқ оқсоқол ва Муҳаммад Солиҳ ва бўлак ёрдошт филлакашларга шу тариқа маълум қилиб хат ёзамизки, авлод деб жаноб Ҳазрат Айюб пайғамбар (а) сиёдат паноҳи жаноб Муҳаммад Алихўжа сизларни дуо қилгани борадилар. Умид сизлардин шулким, ўшал ердаги тамоми филлакашларни жам қилиб, жанобларига олиб келиб, назрлари бўлса олиб бериб, дуоларини олиб берсалар. Керак не учунким, Марғинондаги тамоми уламо ва шайхлар ва қози аъламлар жам бўлуб, ривоят билан мазкур жаноб Муҳаммад Алихўжа эшонга (Ҳазрат Айюб алайҳиссалом) авлодлигини мусаллам қилдилар. Боқий ислом алам.

Хат Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 17,5х 11 см. Хатнинг орқа томонида 2 та муҳр босилган. Биринчи муҳрда "Мулла Муҳаммад Иброҳим бин



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мулла Муҳаммад Ғози” деган ёзув туширилган. Иккинчи муҳрда “Абдулқаюм раис ибн Азиз оқсоқол” номи битилган.

**№9. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма**

Пиллакашлар раиси Мулла Муҳаммад Зокир амин номига Муҳаммадхон тўра номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Алихўжа эшон томонидан ёзилган хат.

Хат Қўқон қоғозига форс-тожик ва араб тилида кўчирилган. Ҳажми 44,2х 11,1 см. Сана ва муҳр босилмаган.

**№10. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма**

Хат ким томонидан ёзилганлиги номаълум. Хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Бажаноб кироми оқсоқол ва ба абан вилояти Хўқанд. Баъд ҳад вусул паём... анжом сўнг эълом шулки, Марғинон ғаниён умаро ўртасида бир неча одамлар бир неча одамлар даъвои авлоди Ҳазрат Айюб алайҳиссалом мен деб муноқаша қилишдилар. Аммо бир ҳужжат кўрсатиб, ҳужжатлари нописанд бўлуб, билохир Мулла Саййид Ғани деган Шайх Носир алайҳир-раҳмани набиралари бўлур эканлар. Уламолар ўрталарида насаблари зоҳир ва ҳужжатлари собит бўлуб, мазкур уламолар сизларға фармойиш қилғанлиги сабабли биз сизларға маълум қиламизки, мазкур саййид мазкур вилоятға борсалар, иззат ва ҳурмат қилиб ва вожиб... билиб назр ва назуротларингизни мазкур саййидға берсалар деб зиёда ассалому алайкум.

Хат Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 27,2х 17,6 см.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## №11. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Ҳижрий 1320 йил рамазон ойида (милодий 1902 йил январ ойида) Муҳаммадхон тўра номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Алихўжа эшон томонидан ёзилган хат. Хатда баён қилинишича, Муҳаммад Алихўжа эшоннинг насаблари зоҳир ва ҳужжатлари собит бўлганлиги боис назр ва назуротлар учун ўзининг ишончли вакилини тайин қилинган.

Хат Қўқон қоғозига форс-тожик ва араб тилида кўчирилган. Ҳажми 17,3х 26 см. 2 та муҳр босилган.

## №12. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Васиқанинг қисқача мазмуни қуйидагича: Бузрук қишлоғида (жойлашган) бир қитъа ерни ғарби Зокирхўжа Валихонбой ўғлининг ериға пайваста. Жануби роҳи омға пайваста. Шарқи Қутбихўжа Бузрукхўжа ўғлининг ериға пайваста. Шимол томони жануб томони каби. Катталиги ярим таноб. Хавосиллари маълум. 1320 йил жумодил соний (милодий 1912 йил май-июн) ойида мазкур қишлоқлик мазкур Қутбихўжа дорул қуззотга ҳозир бўлиб, мазкур ҳудудни барча ҳуқуқлари ила Саййид Маҳмудхон ҳожи Муҳаммад Алихўжа ўғли ҳаққи ва мулки эканлиги иқрори сари саҳи мўътабари шаърий қилди.

Васиқа эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 19х 20,8 см. 1 та муҳр босилган.

## №13. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Қўқон инқилоб қўмитасига марғилонлик Саййид Маҳмудхон Мир Муҳаммад Алихўжа ўғли томонидан ёзилган ариза. Аризанинг мазмуни қуйидагича:



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Хўқанд инқилоб қўмитасиға**

Марғилон уездини Сегаза маҳкумасиға тобе Тоштефа қишлоқлик Мулла Ҳожи Саййид Маҳмудхон Мулла Муҳаммад Алихўжа ўғлидан

Ариза

Шул тўғрида ўтуниб сўрайманки, Хўқанд косиб ва касаба ва уездларини қадим ул айёмдан жорий бўлгон ҳадияларини оладургон хўжаларидурман. Ушбу аризада тамоми уламолардан хат мухр қилингон ҳужжатлари бор. Шул хусусда ўзларидан умид қилурманки, Хўқанд косиб ва касабаларидан ва бойларидан ҳадия олдуруб бермоқ учун маҳкамаи шаръийаға амр қилсалар. Ҳар қайса касаба ва косиблар оқсоқолини чақириб олуб, маҳкамаи шаръийаға ҳадяларини келтуруб берсалар... ва ҳам Хўқанд инқилоб қўмитаси тарафидан маънилик йўқ деб ушбу аризаға фечат уруб берсалар деб деб Саййид Маҳмудхон Мулла Муҳаммад Алихўжа ўғли.

Ариза эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 16,6х 26 см.

## №14. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Илтимос хати ҳижрий 1337 йил шаввол ойининг 7 куни (милодий 1919 йил июл ойида) ёзилган бўлиб, хатнинг мазмуни қуйидагича:

**Бажаноб биродар киромул қадар Чуст шаҳрининг ифак бозорини оқсоқолиға илтимос**

Аввал саломатликларини сўраб, баъд эълом шулки, Марғинон уламолари ўрталарида бир неча одам даъвои даъвои авлоди Ҳазрат Айюб алайҳиссалом мен деб муноқаша қилишдилар. Аммо бир ҳужжат кўрсатиб, ҳужжатлари

нописанд бўлуб, билохир Мулла Саййид Ғани деган Шайх Носир алайҳир-раҳмани набиралари бўлур эканлар. Уламолар ўрталарида насаблари зоҳир ва ҳужжатлари собит бўлуб, мазкур уламолар сизларға фармойиш қилғанлиги сабабли биз сизларға маълум қиламизки, мазкур саййид мазкур вилоятға борсалар, иззат ва ҳурмат қилиб, назр ва назуротларингизни мазкур саййидға берсарингиз деб Марғинон оқсоқоли Асомиддин Асадуллоҳ ҳожи ўғли муҳрим бостим.

Илтимос хати эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 20,8х16,4см. 1 та муҳр босилган. Муҳрда "Асомиддин оқсоқол ибн Асадуллоҳ ҳожи" деган ёзув мавжуд.

## №15. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Илтимос хати ҳижрий 1337 йил шаввол ойининг 7 куни (милодий 1919 йил 21 июл куни) ёзилган бўлиб, хатнинг мазмуни қуйидагича:

### Бажаноб бнродар кнромул қадар Хўқанд шаҳрининг ифак бозорини оқсоқолиға илтимос

Аввал саломатликларини сўраб, баъд эълом шулки, Марғинон уламолари ўрталарида бир неча одам даъвои даъвои авлоди Ҳазрат Айюб алайҳиссалом мен деб муноқаша қилищдилар. Аммо бир ҳужжат кўрсатиб, ҳужжатлари нописанд бўлуб, билохир Мулла Саййид Ғани деган Шайх Носир алайҳир-раҳмани набиралари бўлур эканлар. Уламолар ўрталарида насаблари зоҳир ва ҳужжатлари собит бўлуб, мазкур уламолар сизларға фармойиш қилғанлиги сабабли биз сизларға маълум қиламизки, мазкур саййид мазкур вилоятға борсалар, иззат ва ҳурмат қилиб, назр ва назуротларингизни мазкур саййидға берсарингиз деб Марғинон оқсоқоли Асомиддин Асадуллоҳ ҳожи ўғли муҳрим бостим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Илтимос хати эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 20,8х16,5см. 1 та муҳр босилган. Муҳрда “Асомиддин оқсоқол ибн Асадуллоҳ ҳожи” деган ёзув мавжуд.

## №16. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Илтимос хати ҳижрий 1337 йил шаввол ойининг 7 куни (милодий 1919 йил 21 июл куни) ёзилган бўлиб, хатнинг мазмуни қуйидагича:

### Бажаноб биродар киромул қадар Андижон шаҳрининг ифак бозорини оқсоқолиға илтимос

Аввал саломатликларини сўраб, баъд эълом шулки, Марғинон уламолари ўрталарида бир неча одам даъвои даъвои авлоди Ҳазрат Айюб алайҳиссалом мен деб муноқаша қилишдилар. Аммо бир ҳужжат кўрсатиб, ҳужжатлари нописанд бўлуб, билохир Мулла Саййид Ғани деган Шайх Носир алайҳир-раҳмани набиралари бўлур эканлар. Уламолар ўрталарида насаблари зоҳир ва ҳужжатлари собит бўлуб, мазкур уламолар сизларға фармойиш қилғанлиги сабабли биз сизларға маълум қиламизки, мазкур саййид мазкур вилоятға борсалар, иззат ва ҳурмат қилиб, назр ва назуротларингизни мазкур саййидға берсаларингиз деб Марғинон оқсоқоли Асомиддин Асадуллоҳ ҳожи ўғли муҳрим бостим.

Хат Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 20,8х 16,5 см. 1 та муҳр босилган.

## №17. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Хат Жалолобол қозиси томонидан ёзилган бўлиб, мазмуни қуйидагича:



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Марғинон ифак бозорини филлакашлари ва парчабофлар оқсоқолиға эълом

Марғинон оқсоқилиға қарашли ва барча мавзедаги филлакашларға ва халифалариға ва дурракашлариға ва парчабофлариға ва филла уруғинининг оватуб филла олғучиларға ва олиб сотқучиларға филла ифак олишға даст урғучиларға шу тариқа хабар қилиб ёзаманким, Андижон уламолари ва қози аъламлари ўрталарида авлоди Ҳазрат Айюб алайҳиссалломға мансуб маноқиб қилиб, ҳужжат кўрсаттилар Мулло Ҳожи Мирсаййид Маҳмудхонтўра Мулло Муҳаммад Али хўжа ўғли дегон Марғинонлик шайх Носуриддин алайҳи раҳма алризвоннинг набиралари бўлур эканлар. Уламолар ўрталарида насаблари зоҳир ҳар ва ҳужжатлари собит бўлиб, мазкур уламолар сизларға фармойиш қилғонлари сабаби шул тариқа маълум қилиб хат ёзаман, сизларғаким, мазкур хат олиб борғучи Ҳожи саййид Маҳмудхон тўра Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғли дегон ҳазрат Махдуми Аъзамға ва ҳазрат Айюб алайҳиссалломға насаблари борур экан. Чунки ҳар ишға соҳиб санад турғонда бесанадлар ололмаслари керак. Жаноб Ҳожи Саййид Маҳмудхон Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғли сизларни дуо қилгани борадилар. Умидимиз сизлардан шулким, ўшал ердаги мазкур юқорида ёзилган одамларни жам қилиб жанобларига олиб келиб назуротлари бўлса олиб бериб дуоларини олиб берсалар керак деб. Чунки, Андижонда тамоми уламо ва шайхлар ва қозилар ва аъламлар жам бўлуб ривоят билан мазкур Мулло Ҳожи саййид Маҳмудхонға авлодликни мусаллам қилдилар деб Жалолобод қозиси муҳрим бостдим.

Хат эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 22,2х17,5см. 2 та муҳр босилган. Муҳрларнинг бирида "Мулло Имомиддин Қози ибн Низомиддин" деган ёзув мавжуд.

.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## №18. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Марғилон пиллакашларига Саййид Маҳмудхон Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғлининг ҳазрат Айюб пайғамбарнинг авлоди сифатида назр ва назуротларни олишда ёрдам беришларини сўраб ёзилган хат.

Хат Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 22,2х 17,7 см. 1 та муҳр босилган.

## №19. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Қистакўз/Қиссакўз вилояти оқсоқоли ва аминларига Саййид Маҳмудхон Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғлининг ҳазрат Айюб пайғамбарнинг ва Маҳдуми Аъзамнинг авлоди сифатида назр ва назуротларни олишда ёрдам беришларини сўраб ёзилган хат.

Хат Қўқон қоғозига эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 22,2х 17,5 см. 1 та муҳр босилган.

## №20. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Саййид Маҳмудхон Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғлининг ҳазрат Айюб пайғамбарнинг авлоди эканлиги ҳақидаги қозилар фатвоси. Ҳужжатга 16 та муҳр босилган. Фатво ҳижрий 1340 йилнинг шаввол ойида (милодий 1922 йил май-июн ойларида) чиқарилган. Ҳажми 62,5х 51,7 см.

## №21. Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Ер сотилиши билан боғлиқ васиқа. Васиқанинг мазмуни қуйидагича:

Таҳдид бир қитъа боғ. Сегеза маҳкуми Қалъача планида. Миқдори икки таноб... Қибласи омма ариғига туташган. Кун



www.ziyouz.com kutubxonasi

юриш томони Марғилон фуқароси Мулла Маҳмуд Саййид ҳожи мулкига туташган. Кун чиқар томони Муҳаммад Исо Муҳаммад Шариф ҳожи ўғлининг мулкига туташган. Қутб томони Тўрашоҳ амин Ортуқшоҳ ўғлини мулкига туташган. Хавосиллари маълум. 1341 йилда муҳаррам ойининг 27 нчи куни мазкур Қалъача фуқароси Муҳаммадсолиҳ ҳожи Муҳаммадшариф ҳожи ўғли дорулқуззотга ҳозир бўлиб мазкур боғини Саййид Маҳмудхон Мулло Мирсаййид Муҳаммад Алихўжа ўғлига 150... сўмга берганлигини иқрор мўътабар шаъри саҳиҳ қилди.

Васиқа эски ўзбек тилида кўчирилган. Ҳажми 17,2х 21,3 см. 1 та муҳр босилган.

## Косонсойдаги Шоҳ Мансур авлодларига оид қўлёзма

Косонсойда изланишларимиз давомида қизиқ бир қўлёзмани аниқлашга муяссар бўлдик. Қўлёзманинг сақланиб қолган қисми 29,5х136,5 см.дан иборат бўлиб, қониқарсиз ҳолатда. Ундан фақатгина бир қисмидаги ёзувларни ўқиш мумкин. Қолган қисмини чап ва ўнг томонлари йиртилиб кетган. Мазкур яхши сақланган қисми қуйидаги сўз билан бошланади: "Коcоннинг Чуст кўчасидан муридлар". Бизнингча, бу қўлёзма Юсуфхон эшон муридларнинг рўйхати бўлса керак. Чунки, элшунос олима О.А.Сухареванинг маълумотига кўра, ҳар йил кузда ҳосил йиғини тугагандан сўнг эшонлар ўз муридлари яшайдиган қишлоқларга бориб, ҳосил ва меваларни ҳамда жониворларни олиб кетганлар. Ҳатто эшонларнинг бу иш учун тузилган махсус дафтарлари мавжуд бўлиб, эшонларнинг шу ҳаракати "ов" деб аталган[261]. Ушбу ҳужжат ҳам ана шу дафтарлардан бири бўлса керак. Изланишлар хулосаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳужжат Юсуфхон

[261] Сухарева, О. А., Ислам в Узбекистане, Ташкент, 1960, С.64.



www.ziyouz.com kutubxonasi

эшон муридлари орасида ўша даврида аҳолининг қайси бирлари қандай касб ва ҳунар соҳиблари бўлганликлари, шунингдек, Қўқон хонлиги даврида қандай мансаб-лавозимларда турганликларини аниқлашда муҳим манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Муридлар орасида қассоб, деворкаш, чўпон, ҳофиз, ҳамда мерган, ботур сингари мансаб соҳиблари бор. Қуйида мазкур ҳужжат матнини ҳавола этамиз.

### Косоннинг Чуст кўчасидан муридлар

Муҳаммад Холиқбой ва Мулла Муҳаммадризожон ва Мулла Собир охунд ва Мулла Шодимуҳаммад ва Бобомуҳаммад ва Муҳаммадзиё Мулла Қаро ўғли, Неъмат сўфи, Азимбой сўфи Тошкандий, Муҳаммадризо Муҳаммадамин мерган ўғли, Абдулазиз уста, Муҳаммадсиддиқ, Муҳаммадфозил, Шайх Муҳаммад, Муҳаммадниёз, Мулла Абдулраҳим, Қаландарча, Мўмин, Азимбой, Муҳаммадризо, Муҳаммадрозиқ, Йўлдош, Шодимуҳаммад, Мулло Ҳусан, Муҳаммадраҳим, Каримбой ва Муҳаммадсобир, Мўминбой, Мулла Ҳасан ҳофиз.

### Қалъахон кўчасидаги муридлар

Сотиболди, Ҳасанбой, Бадалбой, Боймуҳаммад, Муҳаммадкомил, Муҳаммадсобир сўфи, Мулло Умар, Муҳаммадниёз, Фозилшайх, Алибой.

### Миён кўчасидаги муридлар

Калонхўжа эшон, Ҳолхўжа, Подшоҳхўжа, Тиллохўжа, Орифхўжа, Ворисхўжа, Абдузоҳир махзум, Нуриллоҳхўжа, Валихўжа, Сотиболди, Муҳаммадзиё, Мулла Абдусаттор, Уста Ориф, Собитхон, Муҳаммадкарим, Йўлдошбой, Уста



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Мусо, Мулла Саримсоқ, Мулла Сўфи, Бадалбой, Тўхта, Отабой, Комилжон Махдум, Абдуқодир Махзум, Абдузоҳир Махзум, Муҳаммадкомил ва Абдулвоҳид, Муҳаммад Фозил, Муҳаммад Дамин, Абдураҳим ва Муҳаммадхолиқ, Муҳаммад Қосим, Косонбой, Йўлдошбой, Муҳаммадризо Баҳодир, Розиқ қассоб, Муҳаммад Носир, Ҳусанбой, Бозорбой, Шодимуҳаммад, Ҳожи деворкаш, Қодирхўжа, Муҳаммад Юсуф, Саримсоқбой, Зарифбой, Муҳаммадғози, Мулла Сўфи, Мулла Муҳаммад Носир, Муҳаммадрозиқ, Муҳаммад Ҳомид, Абдувосид, Муҳаммадназар, Абдурасул халифа, Қаландарбой, Жабборқул, Муҳаммадзариф, Муҳаммад Ғози, Олимхўжа, Муҳаммад Мусо, Ҳасанбой, Юсуф мерган, Жаъфархўжа, Уста Шамси, Файзимуҳаммад халифа, Ражаббой, Мулла Тожи, Муҳаммадраҳим, Муҳаммад Олим, Усмонали, Ҳасанали, Муҳаммадали, Уста Муҳаммад Юсуф, Бобожон, Розиқ девона, Муҳаммад Назар подачи, Уста Азим тароғчи, Муҳаммадхолиқ, Уста Мўмин, Муҳаммадёр, Бадалбой, Уста Бобо, Турсун Муҳаммад.

## Тагижардан муридлар

Муҳаммад Орифбой, Набижон, Маҳмудбой, Норкучак, Ҳасанбой, Муҳаммадюнус, Мулла Носир охунд, Ғойибназар, Муҳаммад Ниёзча, Муҳаммадризо, Абдулвоҳид, Каттахожа, Подшоҳхўжа, Мулла Оқсоқол, Абдужалилбой, Муҳаммад Зариф Косон Болокий, Саримсоқ дузанда, Уста Қудрат, Бой Муҳаммад Баққол, Муҳаммад Карим девона, Ортиқбой.

## Кафа Намангон мавзесидаги муридлар

Авлоди Қурбон сўфи, Мирзобой, Мақсудбой, Бўрибой, Ортуқбой, Қосимбой, Худойберди, Азимбой, Содиқбой, Каримбой Абдураҳим ўғли, Шарифбой, Холиқбой.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Хўқанд мавзесидаги муридлар

Олимжон, Муҳаммаджонбой, авлоди Дўстмуҳаммад халифа, Нор паҳлавон, Хидирали, Пирмуҳаммадбой, Ғойиббой, Каримберди, Имом паҳлавон, Шермуҳаммад халифа, Эш Полвон, Абулфайз.

Оддий кўз билан қараганда булар фақат икки аср муқаддам яшаб ўтган косонсойлик кишиларнинг рўйхати холос. Аммо тарихий жиҳатдан эътиборга олинса, мазкур рўйхатдагиларнинг исмлари орқали ҳозирда шу ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз ўз аждодларининг номини аниқлашлари мумкин бўлади. Шундай экан, ҳурматли ўқувчиларимиздан ушбу номларни бирма бир ўқиш чоғида эътиборли бўлишларини сўрар эдик. Балким бу номлардан бири сизга таниш бўлиб чиқар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХУЛОСА

Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” асарида шундай ёзади: “Келтирибдурларки, уч подшоҳ Нўширавон мажлисида ҳозир эдилар. Қайсари Рум, хоқони Чин, доройи Ҳинд. Нўширавон деди: “Яна қанча вақтда бундай йиғиламиз. Худо билади. Келинглар ҳар биримиз баҳоли қудрат сўз айтайлик, не учунким подшоҳлар сўзи сўзлар подшоҳидур. Биздан тарих саҳифасида ёдгор бўлиб қолсин. Агар йиғилишимизда бир ҳикмат айтмай, шу анжуманни зоеъ қилсак, кейин надоматдан фойда йўқ”.

Байт:

Мумкин бўлса яхши сўз қил ошкор,
Яхши сўздин хўб йўқдур ёдгор.

Аввал навбатни Нўширавонга бердилар. Нўширавон деди: “Ҳаргиз айтилмаган сўзга пушаймон бўлмадим ва баъзи сўзларники айтган эдим, надомат едим”. Ундан кейин Рум қайсари деди: “Ончаким демадим, хоҳлаган пайтимда дея олдим. Аммо деганимнинг ҳеч бирин қайтариб тасарруфимга киргиза олмадим. Ундан кейин Чин хоқони деди: “Ҳар сўзники айтмабдурман. Менга зери дастдур ва мен унга ғолибдурман. Ҳар сўзники айтибдурман, мен унга ғолиб бўлолмасман”. Навбат Ҳинд доройига етди: “Ҳар калимаки кўнгил саҳифасидан зуҳур арсасига келса ё савоб суратида жилва берур, ё хато хилъатида кўринур. Агар савоб сўз бўлса, айтгувчининг ўзи ҳам амал қилгувчи бўлиши керак. Агар хато бўлса, унинг зиёни ҳаммага аёнки, шарҳга ҳожат йўқ. Бас, икки ҳолатда ҳам хомушлик яхшидур”.

Ушбу китобимизнинг хулосасида Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ҳикматларидан бежиз сўз очмадик. Зеро, китобда айтилган ҳар бир сўзга жавобгарлик ҳиссини ўйлар эканмиз, келгусида бўлажак эътирозлар ва танқидлардан холи бўлиш учун китобни чоп этмаслик керакмиди деган фикру ўйлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

бизни сира тарк этмади. Китобни ёзишни аввалида Марғилон аҳлига саволномалар ҳам тарқатдик, керак бўлса, эринмасдан бирма-бир юриб ёши улуғ инсонлар билан суҳбатлашдик. Аммо ўйлаган режаларимиз тўла-тўкис амалга ошмай қолди. Афсуским, қаердадир биз учун жуда керакли маълумотларни айтиб берувчи инсонлар билан учраша олмадик ва муҳим манбаларни эътибордан қолдирдик. Шуларни ўйлаганимиз сари китобни чоп этишни атайин кечиктириб келдик. Қисқаси кутиб яшадик...

Ваниҳоят, Марғилондаги ҳазрат Шоҳ Мансур зиёратгоҳи ва Косонсой туманидаги Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи тарихини ўрганиш борасида илк қадамларимизнинг натижаси сифатида ожизоналик билан ёзилган ва тўпланган ушбу маълумотлар дунё юзини кўрса, эҳтимол келгусида мукаммал китоб учун асқотиб қолар деб, қўлёзмани нашр қилишга қарор қилдик ва ушбу китобни биринчи китоб эканлигига ишора бердик.

Китобда зеҳнимиз баҳсимиз доирасидан четда қолган мавзу юзасидан узрлимиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАЗАР ХАЗРАТ ШАХ МАНСУР

Известно, что в Центральное Азии представители суфийских братств уже в послемонгольский период расширили свою деятельность не только в политической, но и в социальной, экономической и культурной областях. Это касается братства ясавийа и накшбандия, которые в период правления династии Тимуридов (1370-1506) установило и укрепило свое политическое влияние на правящую верхушку государства.

Они смогли осуществить это, прежде всего, используя на свое сильное влияние на различные слои народных масс. Со временем внутри братства формируется традиция, согласно которой руководящий пост в нем (пишва-йи тарикат) становится потомственным.

В результате в истории Средней Азии появляются фамилии шейхов, потомственные кланы, которые в рамках данной статьи мы называем «святые семейства»[262], влияние которых не только на правителей, но и на народные массы было огромным, и они играли важную роль во многих сферах жизни. Из них наиболее влиятельными в истории Средней Азии и Казахстане были потомки Мухаммада ибн ал-Ханафийа. Этот род дал мусульманскому миру целую плеяду выдающихся деятелей в области духовной культуры. Среда ходжа - *кожа* имела огромное значение в разработке и распространении положений исламского учения, оказавшего воздействие фундаментального свойства на развитие казахской национальной культуры.

Потомки же самогоо, Мухаммада ибн ал-Ханафийа ставшие известными в истории под общим названием "Ходжа", "Кожа", проживали в територии всего Туркестана в

[262]Кавахар Яёи. Святые семейства» Маргелана в Кокандском ханстве в XIX веке // «Pax Islamica».2010. 1 (4). С.121.



www.ziyouz.com kutubxonasi

том числе городе Маргилана.

Город Маргилан являлся одним из крупных и важных городов Ферганской долины, также как и Коканд, Андижан, Наманган. Если столица ханства, Коканд, был сравнительно новым городом, то Маргилан является одним из самых древних городов, одним из больших культурных центров Ферганской долины.

Маргилане существует святое места, мазар хазрат Шах Мансур которое являются сыном Мухаммад ал-Ханафийа. Мазар расположено на кладбище квартале Шах Мансур и отмечено в документах архива тоже под именем Шах Мансур.[263] Мазар Шах Мансур является один из древнейших святых мест в Средней Азии.

Данное святое место хоть и пришло к забвению в постсоветское время, благодаря исследованиям проведённых в этой сфере ведуший ученым Казахстане востоковед, доктор исторических наук профессором Аширбека Муминова удалось уточнить историю и название место паломничество. Изучавший рукопись «Насаб-нама-йи Маулана Сафи ад-ддин Урунг-куйлаки» – сакральная история рода хаджа Аккурган профессор А. Муминов уточнил истории связанное хазрат Шах Мансуром.

По сведениям приведённых в «Насаб-нама-йи Маулана Сафи ад-ддин Урунг-куйлаки» Шах Мансур являют сыном Мухаммад ал-Ханафийа (умер 700 г.). Т.е. внуком Али ибн Аби Талиба (656-661). По данным «Насабнаме» в начале VIII века Шах Мансур возглавил поход на Фергану, и он погиб мученикам за веру.[264] По сведениям, данным в «Насабнама» можно понять, что хазрат Шах Мансур быль похоронен в Маргилане и почиталось населением в качестве места паломничества. За это время было забыто имя погребённого,

[263] ЦГА Уз. И-19, №1-Оп., Д.-34724.Л. 6

[264] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана// Подвижники ислама.- М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН. 2003. С. 123-125.



www.ziyouz.com kutubxonasi

люди не знавшие, чьим именем связано места паломничества, назвали «Шахид мазар» то ист. «Мазар мученика».[265]

По сведениям, в начале XIX века во времена Кокандского ханства над могилой хазрат Шах Мансур возведена мавзолей и мечеть. Были выделены вакуфные средства. Изображение этого мавзолея было нарисовано в 1938 году архитектором В.Ворониным изучавшийся тот время архитектурных памятником города Маргилана[266].

В конце тридцатых годов прошлого века при эпохе атеистических время мазар хазрат Шах Мансура, как и другие святые места Маргилана было разрушено.

Потомки хазрат Шах Мансура проживали главным образом в Ферганской долине. Они были вовлечены во все основные процессы социально-политической и культурной жизни региона. Потомки хазрат Шах Мансура имели огромное политическое и социальное влияние не только в Ферганской долине , но и в Туркестана в XVIII в., особенно в XIX веке. Один из ппотомок хазрата Шах Мансура Шайх Насреддин был наставником браства жахрийа, хуфийа, кубравйая, ишкийа. По словам Ходжа Хамид Андижани во всех территориях Туркестана были его последователи.[267]

По сведением кокандского историка Махмуд Хаким Яйфони (1850—1930) начале XIX веке Шейх Насреддин был духовный наставником Кокандских ханов, в том числе Алимхана (1800-1810). Шейх Насреддин конце свою жил в Касане по его завещанием её похоронили на кладбище Шах Мансур в Маргилане.

Во время наших исследование мы смогли найти несколько рукописей связанных с именем Шейх Насреддин Маргинани. Его труды «Силсилаи насбати машойих –

---

[265] Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: “Фарғона”, 2006. С. 31.(На.уз.яз)

[266] Воронина В.Л. Народная архитектура Ферганы // Архив ГлавНПУ ОИОКН при МКС РУз, ф. 1491/ II 34

[267] Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: “ADABIYOT UCHQUNLARI”, 2016. С.15. (На узб. языке).



www.ziyouz.com kutubxonasi

тазкират ул машойих» («Вереница происхождения Шейхов – воспоминания мудрых предков») хранится в фонде рукописей института Востоковедения Академии наук Узбекистана под номером № 11290/1. Рукопись написана письменностью «насталик» состоит из 47 листов.[268] В данном труде Амир Сейид Шейх Ахмад Насреддин ал Маргинаний старался дать сведения о каждом Шейха тариката накшбандия.

Фазли-йи Намангани (конец XVIII половина XIX вв.) в книге "Малик уш-шуаро" (Собрании поэтов) приводит стихотворения Каландар ходжа Касаний посвящённое к памяти Шейх Насреддина. По словам Каландар ходжа Касаний все достоинства и поступки Шейх Насреддина никогда не противоречили шариату и вся его жизнь достойна памяти предшествовавших святых и его современников. все ночи приводил в молитвах и в бдении. Народ призывал к честности. У него не было друзей и близких ближе, чем Господь и он был «кутб-ал-актоб» («полюсом полюсов») своего времени.[269]

Широко распространено еще одно предание о нем: «Его качество творить чудо было общеизвестно. Тогдашний кокандский хан захотел проверить это. Хан вызвал его во дворец и устроил пир. Во время пира хан решил угостить Шайх Насриддина пловом, приготовленным из кошачьего мяса. ʻШайх Насириддан произнеся: "Какой грешный хан!", провел рукой по тарелке. Тогда кот воскрес и убежал впрячь. Хану пришлось признать его чудотворцем». Можно предположить, что этим ханом был ʻАлим-хан (1798-1810), который по разным методам боролся против всесилия неугодных для него представителей сакральных семейств, в

---

[268] Нашқбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Муаллифлар: Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. – Т.: "Мовароуннахр", 1993. С. 96. (На узб. языке).

[269] Фазлий Намангоний "Малик уш-шуаро". Рукопись хранится частное коллекции С. Жабборова проживающего городе Маргилане.



www.ziyouz.com kutubxonasi

частности подвергая испытанию их чудотворные способности[270].

Как известно основу культурного мира кожа составляет сакральная история (насаб-нама), рассказывающая о происхождении определенного рода кожа и о том, как этот род переселился в Центральную Азию и основал локальные мусульманские общины. Ее различные версии сохранились и бытуют среди современных казахских кожа, узбекских хаджа, уйгурских ходжа, каракалпакских кожа и туркменских овлат в письменной и устной формах. В городе Маргилане сохранился родословная (насабнама) Шейх Насреддина. Объем данной родословная написанной в начале XX века состоит из 1710х27 см, в которой указаны и имена его предков.[271]

«Сын хазрат Имам Мухаммад ал Ханафия хазрат Шах Мансур. Его сын хазрат Мусалсил Занжирпо. Его сын хазрат Ходжа Амир Вали. Его сын Шах Амир Вали. Его сын Шейх Амир Вали. Его сын Ходжа Шах Шейх Азизон. Его сын хазрат Амир Сайид Али Садят. Его сын Амир Хусайн Садят. Го старший сын Амир Хусайн Садят, а второй сын хазрат Сайид Ахмад Шейх. Его сын Амир Хусайн Садате сани. Его сын хазрат хазрат Сайид Ахмад Шейх Вали, его сын Сайид Мухаммад Маъдан ус сахо, его сын хазрат Мавляна Шах Мухаммад шах. Его сын хазрат Мавляна Шах Мухаммад шах. Его сын Мавляна Бакибиллах Шейх. Его сын Мавляна Мухаммад шах. Его сын хазрат Амир Сайид Ибрахим. Его сын Мир Сайид Умар Азизон. Его сын Амир Саййид Ахмад Шайх Насириддин Маргинани.[272]

---

[270] Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: "ADABIYOT UCHQUNLARI", 2016. С.20. (На узб. языке).

[271] Об этом см: Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3.

[272] Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. С.83-88(На. узб.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сбор, упорядочивание памятников письменного наследия и их комплексное изучение в сравнении с данными материальной культуры (артефакты, нумизматический материал и др.), разнообразных историко-культурных (лингвистических, этнографических, фольклорных) материалов приобретают в настоящее время особую актуальность. Генеалогия, обнаруженная нами в Маргилане, дает важную информацию по этому вопросу. Она уточняет не только происхождение потомки Мухаммада ибн ал-Ханафия но и даст весьма интересные материалы История исламской культуры целом Центральное Азии.

## MAZAR HAZRAT SHAH MANSUR

It is known that in Central Asia, representatives of Sufi brotherhoods already in the post-Mongol period expanded their activities not only in the political, but also in the social, economic and cultural fields. This applies to the brotherhood of Yasaviya and Naqshbandiya, which during the reign of the Timurid dynasty (1370-1506) established and strengthened its political influence on the ruling elite of the state. They were able to accomplish this, first of all, using their strong influence on the various layers of the masses. Over time, a tradition is formed within the fraternity according to which the leadership position in it (pisva-yi tariq) becomes hereditary.

As a result, the names of sheikhs appear in the history of Central Asia, hereditary clans, which in this article we call "holy families"[273], the influence of which was not only on the rulers, but also on the masses, and they played an important role in many areas of life. Of these, the most influential in the history of Central Asia and Kazakhstan were the descendants of Muhammad ibn al-

---

[273] Кавахар Яёи. Святые семейства» Маргелана в Кокандском ханстве в XIX веке // «Pax Islamica».2010. 1 (4). С.121.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Hanafiyah. This genus gave the Muslim world a galaxy of outstanding figures in the field of spiritual culture. The environment of Khoja - leather was of great importance in the development and dissemination of the Islamic teachings, which had a fundamental effect on the development of the Kazakh national culture.

The descendants of Muhammad ibn al-Hanafiyah, who became famous in history under the general name "Khoja", "Leather", lived in the territory of all Turkestan, including the city of Margilan. Margilan city was one of the large and important cities of the Ferghana Valley, as well as Kokand, Andijan, Namangan. If the capital of the Khanate, Kokand, was a relatively new city, then Margilan is one of the most ancient cities, one of the large cultural centers of the Ferghana Valley.

Margilan there is a holy place, Mazar Hazrat Shah Mansur who is the son of Muhammad al-Hanafiyah. Mazar is located in the cemetery of the Shah Mansur quarter and is noted in the documents of the archive also under the name Shah Mansur[274]. Mazar Shah Mansur is one of the oldest holy places in Central Asia.

This holy place, although it came to oblivion in the post-Soviet era, thanks to studies conducted in this area by leading scientists of Kazakhstan, an orientalist, doctor of historical sciences, Professor Ashirbek Muminov managed to clarify the history and name of the place of pilgrimage. Having studied the manuscript "Nasab-nama-yi Maulan Safi ad-ddin Urung-kuylaki" - the sacred history of the Hajj Ak Korgan clan, Professor A. Muminov clarified the stories related to the Hazrat Shah Mansur.

According to the information cited in Nasab-nama-yi Maulan Safi ad-ddin Urung-kuylaki, Shah Mansur is the son of Muhammad al-Hanafiyah (died 700). Those. the grandson of Ali ibn Abi Talib (656-661). According to Nasabnam, at the beginning

[274] ЦГА Уз. И-19, №1-Оп., Д.-34724.Л. 6



www.ziyouz.com kutubxonasi

of the VIII century, Shah Mansur led a campaign against Ferghana, and he died to the martyrs for his faith. According to the information in Nasabnam, it can be understood that the Hazrat Shah Mansur was buried in Margilan and was revered by the population as a place of pilgrimage. During this time, the name of the buried was forgotten, people who did not know whose name the place of pilgrimage was associated with, called Shahid Mazar that ist. "Mazar of the Martyr"[275].

According to information, at the beginning of the XIX century during the Kokand Khanate a mausoleum and mosque were erected over the tomb of Hazrat Shah Mansur. Vacuums were isolated. The image of this mausoleum was painted in 1938 by the architect V. Voronina, studied at that time by the architectural monument of the city of Margilan[276].

At the end of the thirties of the last century during the atheistic era, the Mazar Hazrat Shah Mansur, like other holy places of Margilan, was destroyed.

The descendants of the Hazrat Shah Mansur lived mainly in the Ferghana Valley. They were involved in all the basic processes of the socio-political and cultural life of the region. The descendants of the Hazrat Shah Mansur had great political and social influence not only in the Ferghana Valley, but also in Turkestan in the 18th century, especially in the 19th century. One of the descendants of the Hazrat Shah Mansur, Shaykh Nasiruddin, was a mentor of the brotherhood of Jahriyah, Kufiyah, Kubraviyaya, Ishqiya. According to Khoja Hamid Andijaniy, there were followers in all territories of Turkestan[277].

According to the account of the Kokand historian Mahmoud Hakim Yayfoni (1850-1930) at the beginning of the 19th century, Shaykh Nasrid din was the spiritual mentor of the Kokand khans,

---

[275] Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана// Подвижники ислама.- М.: Издательская фирма "Восточная литература" РАН. 2003. С. 123-125.

[276] Воронина В.Л. Народная архитектура Ферганы // Архив ГлавНПУ ОИОКН при МКС РУз, ф. 1491/ II 34

[277] Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: "ADABIYOT UCHQUNLARI", 2016. С.15. (На узб. языке).



www.ziyouz.com kutubxonasi

including Alimkhan (1800-1810). Shaykh Nasiruddin lived in Kasan at the end of his will and she was buried in Shah Mansur cemetery in Margilan by his will.

During our research, we were able to find several manuscripts associated with the name Shaikh Nasiruddin Marginaniy. His works "Silsilai nasbati mashoyih - Tazkirat ul Mashoyih" ("A string of the origin of the Shaikh's - memories of wise ancestors") are stored in the manuscript collection of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan under the number No. 11290/1. The manuscript written in the Nastalik script consists of 47 pages. In this work, Amir Sayyid Shaykh Ahmad Nasiruddin al Marginaniy tried to give information about each Shaykh Tarik at Naqshbandi[278].

Fazli-yi Namanganiy (end of the 18th half of the 19th century) in the book "Malik Ush-Shuaro" (Collected Poets) cites the poems of Kalandarhodzha Kasani dedicated to the memory of Shaykh Nasiruddin. According to Kalandarkhodzha Kasani, all the merits and deeds of Shaikh Nasiruddin never contradicted Sharia, and his whole life is worthy of the memory of previous saints and his contemporaries. all nights brought in prayers and in vigil. The people called for honesty. He had no friends and relatives closer than the Lord and he was the "Qutb-al-aktob" ("pole of poles") of his time[279].

Another legend about him is widespread: "His quality of doing miracles was well known. The then Kokand Khan wanted to verify this. Khan called him to the palace and arranged a feast. During the feast, the khan decided to treat Shaikh Nasiruddin with pilaf made from cat meat. 'Shaykh Nasiruddin saying: "What a sinful Khan!", He ran his hand over the plate. Then the cat rose and ran away. Khan had to recognize him as a miracle

[278] Нашқбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. Муаллифлар: Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. – Т.: "Мовароуннаҳр", 1993. С. 96. (На узб. языке).

[279] Фазлий Намангоний "Малик уш-шуаро". Рукопись хранится частное коллекции С. Жабборова проживающего городе Маргилане



www.ziyouz.com kutubxonasi

worker." It can be assumed that this khan was ʻAlim Khan (1798-1810), who, according to various methods, fought against the omnipotence of representatives of sacred families objectionable to him, in particular, testing their miraculous abilities[280].

As you know, the basis of the cultural world of the skin is a sacred story (nasab-nama), telling about the origin of a certain kind of skin and how this genus migrated to Central Asia and founded local Muslim communities. Its various versions have been preserved and exist among modern Kazakh leather, Uzbek hoja, Uigur Khoja, Karakalpak leather and Turkmen ovlat in written and oral forms. In the city of Margilan, the pedigree (nasabnama) of Shaikh Nasiruddin has been preserved. The volume of this pedigree written at the beginning of the 20th century consists of 1710x27 cm, which also indicates the names of its ancestors[281].

"The son of the Hazrat Imam Muhammad al Hanafiya Hazrat Shah Mansur. His son is Hazrat Musalsil Zanzirpo. His son is the Hazrat Khoja Amir Vali. His son Shah Amir Vali. His son Shaykh Amir Vali. His son Khoja Shah Shaykh Azizon. His son is the Hazrat Amir Sayyid Ali Sodot. His son Amir Husain Sodot. Guo is the eldest son Amir Husain Sodot, and the second son is the Hazrat Sayyid Ahmad Shaikh. His son Amir Husain Sodoti Sani. His son is Hazrat Hazrat Sayyid Ahmad Shaikh Vali, his son Sayyid Muhammad Madan us Saho, his son is Hazrat Mulyana Shah Muhammad shah. His son is Hazrat Mulyana Shah Muhammad shah. His son is Mawlana Bakibillah Shaykh. His son Mulyana Muhammad shah. His son is Hazrat Amir Sayyid Ibrahim. His son Mir Sayyid Umar Azizon. His son Amir Sayyid Ahmad Shaykh Nasiruddin Marginani»[282].

---

[280] Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: "ADABIYOT UCHQUNLARI", 2016. С.20. (На узб. языке).

[281] Об этом см: Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3.

[282] Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. С.83-88(На. узб.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

The collection, ordering of monuments of written heritage and their comprehensive study in comparison with the data of material culture (artifacts, numismatic material, etc.), various historical and cultural (linguistic, ethnographic, folklore) materials are currently becoming particularly relevant. The genealogy that we discovered in Margilan provides important information on this subject. It clarifies not only the origin of the descendants of Muhammad ibn al-Hanafiyah, but also gives very interesting materials. The history of Islamic culture in whole Central Asia.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Илова.

## ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Аввало, ниятни тўғриламоқ: зиёратни холис Аллоҳ учун қилмоқ; ёрдамни, нажотни, ёлғиз Аллоҳдан тиламоқ лозим. Анбиёи изом (улуғ пайғамбарлар) ва авлиёи киромнинғ зиёратлари, шубҳасиз, фойдадан холи эмас.

Баъзи адно (мушкул) даражада қолган бандалар Аллоҳ таолодан ҳожатларини бевосита талаб этмоққа ўзларида лаёқат ва муносабат топмагани сабабли, баъзи дунё ва охират мақсадлари ҳосил бўлиши учун уларни восита ва васила айласалар, улар ҳурматидан ушбу талабни Аллоҳ ижобат қилиб, ҳожатлари раво бўлиши умид қилинади. Чунончи: “Ё Раббим! Шу зотнинг қурбу ҳурматини дарғоҳинғга восита ва васила айладим, менинг фалон мақсудимни раво қил!” деб дуо қилиши мумкин. Чунончи, бу “Ибодати исломия”да айтилган.

Ҳазрати пайғамбар ва азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилганда асар ва таассурот воқеъ бўлиши тажриба қилингандир, тажрибиёт ҳам тариқи илмдир. Бас, пайғамбарларни ва авлиёларни вафотларидан кейин зиёрат қилиш бефойда эмас. Лекин зиёрат қилинган зотга ҳам фойда етиши аҳли суннат вал-жамоат мазҳабида, шубҳасиз, бор масаладир. Фақат зиёратчи нияти ва ихлосини тўғри қилиши лозим. Уларни тирик деб эътиқод қилмаслик керак. Дуони ёлғиз Аллоҳға қилиши керак.

Сўрайдиган нарсаларини қабрдаги зотдан сўраш асло мумкин эмас. Бу ширк бўлади, ширкни эса Аллоҳ кечирмайди. Бирор кишида бундай хатолар ўтган бўлса, чин дилдан Аллоҳга тавба қилмоғи лозим.

Зиёрат пайтида таҳоратли бўлмоқ суннатдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айниқса, ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак қабрларини ва азиз-авлиёлар қабрини зиёрат этишдан олдин ғусл қилмоқ одобга мувофиқдир.

1. Қисқа муддат бўлса ҳам дунё машғулотини тарк этиб, охиратни ўйламоқ.

2. Икки ракат намоз ўқимоқ суннатдир.

Таҳоратли ҳолда (зиёратгоҳга яқин масжидда ёки намоз ўқиш жоиз бўлган жойда) икки ракат намоз ўқиб, ҳар бир ракатида "Фотиҳа" сурасидан сўнг бир марта "Оятул-Курсий"ни ва уч мартадан "Ихлос" сурасини ўқийди. Салом бергач, бу намознинг савобини марҳумга ҳадя этади.

3. **Зиёратгоҳда виқор билан, сокин юрмоқ.**

Зиёратгоҳда виқор билан, яъни ғоят сокин, вазмин, оҳиста юради. Беҳуда ва баланд овозда сўзламайди. Эҳтиёж бўлса, зарурий сўзларни оҳиста ва адаб билан гапиради.

4. **Қабр аҳлига салом бермоқ.**

Қабристонга борганда аввал қабристон аҳлига салом берилади. Масалан, бундай дейилади: "Ассалому алайкум, эй бу диёрнинг мўминлари ва мусулмонлари! Иншооллоҳ, бизлар ҳам сизларга келиб қўшилурмиз. Аллоҳ таолодан бизлар учун ва сизлар учун офият, тинчлик-омонлик тилайман!".

Бирор қабристон ёнидан ўтганда ҳам салом бериб ўтиш яхшидир.

Ҳадиси шариф: **"Кимики бирор қабр ёнидан ўтаётиб, қабр аҳлига салом берса, худди дунёда билганидек, маййит уни билади ва унга алик олади".** Бу жавоб қайтариш қол тили билан эмас, балки ҳол тили биландир. Ҳазрати Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) бирор қабр ёнидан ўтсалар, албатта, салом бериб ўтардилар.

**5. Оёқ томонидан бориб, маййитга яқин ва юзма-юз ўтирмоқ.**

Зиёрат қилганда белгили қабр ёнига оёқ томонидан бориб, аввал маййитга салом беради, ҳаётлик пайтида унга қандай



www.ziyouz.com kutubxonasi

яқин ўтирса, шу даражада яқин ўтиради. Маййитнинг юзи ва кўкраги тўғрисига келиб ўтиради.
Маййит, албатта, юзи қиблага қаратиб кўмилади. Шу боис зиёратчи юзини қиблага эмас, балки, аксинча, қабрга қаратиб, марҳумнинг бош тарафида, унга юзма-юз ва яқин ўтиради.
**6.Қабрни сийпаш, ушлаш ва ўпишдан қаттиқ сақланмоқ.**
Зиёрат чоғида асло қабрни сийпамаслик, айланиб тавоф қилмаслик, ушламаслик ва ўпмаслик керак. Бу адашганларнинг одатидир.
**7.Қабр бошида "Ёсин" сурасини ёки ўзи билган бошқа сура ёхуд оятларни ўқимоқ.**
Ўтиргач, 1 марта "Фотиҳа" ва 3 бор "Ихлос" сурасини ёки ўзи билган сураларни ўқиб, савобини марҳумга бағишлаш кифоя. Яна 10 марта салавот ва тасбиҳ айтмоқ савоб.
Бир марта «Фотиҳа» ва 11 марта "Ихлос" сурасини ўқиш афзал. "Ихлос"ни 10 бор ўқиш ҳам мумкин.
"Шарҳи Ширъатул-Ислом"да айтилади: "Қабристонда сураи "Ёсин"ни ўқиш мустаҳаб эканлиги машҳур ҳадислар билан собит бўлгандир".
Қабристонда "Оятул-курсий"ни ўқиш фазилати юқорида баён этилди. "Таборак"ни ўқиса ҳам яхши. Бир марта "Фотиҳа", "Ихлос", "Ал-фалақ" ва "Ан-нос" сураларини ўқиш ҳам тавсия қилинган. Бир марта "Фотиҳа", 3 марта "Ихлос ва 1 марта "Ал- ҳокуму-т-такосур" сурасини ўқиса, улуғ савоб ҳосил бўлади. Булар ҳаммаси тавсия қилинган савобли амаллардир.
Қабр бошида бирор фиқҳий масалани айтмоқ, айниқса, савоблироқдир. Бутун ер юзидаги маййитлар руҳи унинг савобини талашади.
Аммо Ҳазрати Имом Бухорий, ҳазрати Қусам ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо), Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким Термизий, Абу Ийсо Муҳаммад Термизий, Шайх Сўфи



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оллоёр мақбараларидек гавжум зиёратгоҳларда бошқа зиёратчиларга ҳам тезроқ навбат бермоқ одобдандир.

Зиёратчилар марҳумга бағишлайдиган нарсаларини олдиндан ўқиб тайёрлаб келсалар ҳам бўлади.

**8. Зиёратга пойабзални ечиб кириш суннатдир. Бу ҳақда ҳадиси шарифлар бор.**

**Изоҳ:** "Фатовиййи оламгирия"да айтилади: "Қабристонда ковуш ва этик билан юрмоқ бизнинг (Имом Аъзам) мазҳабимизда макруҳ эмас". "Сирожул-ваҳҳож" китобида ҳам шундай дейилган.

**9. Қабрни босмаслик лозим. Қабр усти маййитнинг ҳаққидир.**

Қабрни босиш маййитнинг қорнини босиш кабидир. Қабр устидан ёки қабристон ичидан ўтиш зарур бўлиб қолса, тасбиҳ ("Субҳаналлоҳ", «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи", "Субҳаналлоҳи вал-ҳамдулиллоҳи ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар" каби тасбиҳларни), таҳлил ("Ло илоҳа иллаллоҳ"), такбир, дуо ва истиғфор айтиб ўтса, бўлади.

Кимки қабристондан: "Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбару ва лиллоҳил-ҳамд" такбирини айтиб ўтса, қабрда ётган киши: "Кошки, шу одам қабрим ёнидан яна бир марта ўтса эди!" деб орзу қилиб қолади.

**10.Мўминларнинг яхши сифатларини эслаш суннатдир.**

**11.Зиёратдан беҳад сокин, вазмин ҳолатда қайтиш лозим.**

***Мирзо Аҳмад Хушназарнинг "Қабристон зиёрати одоби" рисоласидан олинди.***



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абдулахатов Н. Мазар Хазрат Шах Мансур // Materiały XV Międzynarodowej naukowi-praktycznej konferencji "Wykształcenie i nauka bez granic – 2019" , 07 - 15 grudnia 2019 roku.Poland.

Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Мўйи муборак. -Ф.: "Фарғона", 2000.

Абдулаҳатов Н. Зиёратгоҳлар ва ўзбек ментал тафаккурининг шаклланиши // Фарғона Давлат университети илмий хабарлари. Фарғона, 2006. № 4.

Абдулаҳатов Н. Марғилон зиёратгоҳлари // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005.

Абдулаҳатов Н. Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар зиёратгоҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 1.

Абдулаҳатов Н. Марғилондаги Хожа Порсо зиёратгоҳи // Мозийдан садо. Тошкент, 2007. 2 (34).

Абдулаҳатов Н. Мўйи Муборак // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2005. № 4.

Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2006. № 2; 25.

Абдулаҳатов Н. Этнограф А.К. Писарчик Марғилон ҳақида // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конфренция материаллари. Тошкент, 2007.

Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: "Фарғона", 2007.

Абдулаҳатов Н., Азимов В. Эл ва ер фарзанди. –Т.: "Шарқ", 2008.

Абдулаҳатов Н., Алишер Бек. Хожам подшоҳ зиёратгоҳи. - Ф.: "Фарғона", 2009.

Абдулаҳатов Н. XIX аср охири XX аср бошл.арида Марғилонда шаҳридаги Талаб борон маросими // Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари(Илмий тўплам). Тошкент: "Наврўз", 2013.

Абдулаҳатов Н., Аброров С, Тошқулов А. Сармозор зиёратгоҳи. –Т.: "Баёз" нашриёти, 2014.

Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: "ADABIYOT UCHQUNLARI", 2016.

Абдулаҳатов Н. Хожа Марғилоний. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT", 2017.

Абдулаҳатов Н. Ёшлар тарбиясида насабнома ва шажараларнинг аҳамияти // "Замонавий жамиятда инновацион тараққиёт ва ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси" республика илмий-амалий конфрения материаллари. Тошкент, 2019.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулаҳатов Н. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий мероснинг ўрни (XIX аср Марғилон маданий муҳити мисолида) // "Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари" мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. Нӯкис, 2019.
Абдулаҳатов Н. Тошқулов А., Қодиров В. Файзиобод файзлари. – Т.: "Kitobdornashr", 2019.
Абдулаҳатов Н. Марғилон ёрлиқлари ва вақфлари муҳим манба сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2020. – №2. – Б.58-60.
Абдулаҳатов Н Амир Олимхоннинг табиби // Тафаккур. Тошкент, 2020. – № 2.
Абдулаҳатов Н. Миллий қадриятлар Марғилон мулоқот маданияти мисолида // "Глобал ахборот муҳитида миллий, маънавий ва диний қадриятлар тизимини шакллантириш ҳамда реабилитация қилишнинг долзарб муаммолари" Республика онлайн илмий-амалий конференцияси материаллари *(2020 йил 26 июнь)* Фарғона. 2020.
Абдулаҳатов Н., Жамолов Т. Мозор кўҳна ва мозор кўҳналиклар . – Тошкент: «Qamar media» нашриёти. 2020. – 390 б.
Абдулаҳатов Н. Фаҳмий Марғинонийнинг нодир мероси // Шарқ алломалари ёзма меросининг илмий, фалсафий, маънавий тафаккурдаги ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2020.
Абдулаҳатов Н. Марғилон маданий муҳитини тарихий, ижтимоий ва адабий жиҳатдан ўрганишнинг долзарб муаммолари // Ўрта Осиё халқлари тарихининг долзарб масалалари. халқаро илмий конференцияси материаллари тўплами// Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Раҳмонали Ҳасанов – Т.: Турон ФА., 2021.
Абдулаҳатов Н. Марғилон алломалари илмий-адабий меросининг таҳлили // "Убайдулла Уватов – манбашунослик ва ҳадисшунослик дарғаси". Ёш тадқиқотчилар Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами.
Абдулаҳатов Н. Марғилонийларнинг маноқиб асарлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2021. Махсус сон.
Абдулаҳатов Н. Марғилонлик саховатпеша аёллар тарихидан // "Миллий ва маънавий қадриятларнинг юксалишида аёлларнинг ўрни" номли конференция материаллари тўплами / тузувчи Р. Матибаева. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021.
Абдулаҳатов Н. Марғилон вақфномалари тадқиқи // Ёш олимлар илмий-амалий анжуман тўплами II. – Тошкент: "Shafoat Nur Fayz", 2021.
Абдулаҳатов Н. Марказий Осиёда Холидийлар хонадони // Ислом цивилизацияси ривожида алломалар меросининг ўрни. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021.
Abdulahatov N. The Mazars of Women in the Ferghana Valley // Islamic



www.ziyouz.com kutubxonasi

Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007.
Абдулаҳатов Н., Қўлдошев Шерали. Мулла Шамсиддин Шавқий. Монорафия. “Ибрат медиа” нашриёти. 2022.
Абдулаҳатов Н. Ҳазрати Муоз зиёратггоҳи. – Фарғона: “Classic”нашриёти, 2023.
Abdulahatov N.The Importance of Studying the Mazar Dokuments of Fergana Region // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hinjiang.2007.
Абдураҳмон Рафъат Пошо.Тобеъинлар ҳаёти. (Нашрга тайёрловчилар Бобомурод Эрали, Баҳодир Карим) –Т.: “Sharq”, 2018.
Абдураҳмон Фаҳмий Марғиноний. Девон. − Т.: “COLD PRINT NASHR” нашриёти, 2018.
Абдусодиқ Ирис. Чаҳорёр // Мулоқот. Т., 1993, № 3-4.
Абу Мансур ас-Саолибий. Ажойиб маълумотлар. – Т.: ”Фан”, 1995.
Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. – Т.: “Фан”, 1977.
Абу Ҳомид Ғаззолий.Мукошафат-ул қулуб. II. –Т.: “Минҳож”, 2004.
Азимов И.Архитектурные памятники Ферганской долины. – Т.: “Узбекистан”, 1982. С.67-68.
Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий.Биринчи китоб. – Т.: “Оқ булоқ”, 1991.
Алишер Навоий. Лисонут тайр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат. Ҳикоятлар ва ҳидоятлар.– Т.: “O’zbekiston”.201-б.
Аминов Н. Бир аср ҳикояти. – Т.: “O’zbekiston”, 2016. 97-98-б.
Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. –Т.: “Шарқ”, 1999.
Арапов Д.Ю. Императорская Россия и мусульманский мир. – М.: “Наталис”, 2006.
Бабаджанов Б.М. Коканское ханство: Власть, политика, религия. – Т.: “YANGI NASHR”, 2010.
Балқиз Аладдин. Муҳаммад қиссаси // Сирли Олам. 1991. №2.
Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998.
Богомолов Г. Ошкор бўлган уч сир // “Фан ва турмуш”, 2007. № 5-6. 13-14-б.
Большаков О.Г. История халифата. В 4 т. Т.1. Ислам в Аравии (570-633). М., 2002.
Боровков. Дарвоз // Известия Средне-Азиатского комитета. Выпуск третий. – Т. Средазкомстарис. 1928.
Бородина И. Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальных мечети, медресе и мавзолеев) 1954. Ф. №1644. Ўзбекистон Республикаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармаси архиви.
Булатов С. Нақш тили. Фан ва турмуш. 1991. № 4. 13-б.
Булатов С. Меъморий обидалардаги тимсол ва рамзлар // "Мозийдан садо", 2015. №2. 6-б.
Валидов З. А. Некоторыя данные по истории Ферганы XVIII-столетия// Протоколы зседаний и сообшения членов Туркестанского куржка любителей археологии . Вып 2-й Т., 1916.
Валиев Ш. Чилмаҳрам ғорининг сири. –Т.: "Истиқбол", 2006 6-б.
Вахтин Ю. Б. Жизнь пророка Мухаммеда. –Т.: Литературно-художественное издание, 1991 С. 35.
Воронина В.Л. Народная архитектура Ферганы // Архив ГлавНПУ ОИОКН при МКС РУз, ф. 1491/ II 34
Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда). Том I. – Тошкент, 2012.
Дмитриева Л.В. Каталог тюрских рукописей института Востоковедения Российской академии наук. – М.: "Восточная литература", 2002.
Жавоҳир-ул ҳикоят / Тўплаб нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан – Т.: "Ёзувчи", 1993.
Ибрат. Фарғона тарихи.- Т.: "Камалак", 1991.
Иброҳимов Н. Ҳазрат Али. "Мухбир" журналининг 1990 йил. №10 сони.
Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари / Таржимон: Зокиржон Шарифов. Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
Исламизация и сакралные родословные в Центральной Азии: наследия Исхак Баба нарративной и генеалогической традициях. Том 2. Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложенияи указетели: А.Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимжанов, Ш.Зиядов. Алма-аты.: Дайк-пресс, 2008.
Ислом эциклопедия. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. 350-б.
Исломий Ҳ. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. – Т.: "Фан", 2005.
Кавахар Яёи. Святые семейства» Маргелана в Кокандском ханстве в XIX веке // «Pax Islamica».2010. 1 (4).
Камолиддинов Ш. Араб исмларидан ясалган қадимги жой номлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. –Т., 2006. № 1, 41-б.
Кастанье И. Археологические разведки въ Бухарскихъ владенияхъ // Протоколы заседаний и сообщений членов Закаспийского кружка любителей археологии и истории Востока. Том XXI . Т., 1915.
Каталог фонда института рукописи. I том. Т.: Фан, 1989.
Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. – С.: "Сўғдиён", 1994.
Коритов Н. П. Самозванец Пулатхан // Ежегодник Ферганской



www.ziyouz.com kutubxonasi

области. Том I. Г.Новый Маргелань. 1902.
Маллицкий Н. Г. Система наименования у коренного населения (гор. Т) // Известия Средне-Азиатского комитета. Выпуск третий. Т., Средазкомстарис. 1928..
Маманов И. Отамдан қолган ўгитлар // “Тафаккур”, 2008. №4.
Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018.
Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. II том / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. Т., 1961.
Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. “Хуллас ут-таворих” Қўқон адабиёт музейи. №70.
Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида. – Т.: “Фан”, 1972.
Мирзаев Б, Аҳматқулов К. Нурота тарихидан лавҳалар. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.
Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана // Подвижники ислама. М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2003.
Мухаммедходжаев А. Идеология Накшбандизма. – Д.: “Дониш”, 1991.
Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.5-б.
Муҳаммадумар Умидий. Тарихчайи Туроний. / Табдил, таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2013.
Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.
Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: “Фан”, 1973.
Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: “Фан”, 2021.
Нажмиддинов Ж., Алимқулов Э. Диний рамзларнинг мазмун-моҳияти ва талқини // ТИУ. Илмий-таҳлилий ахборот. 2014. №3. 12-б.
Нажмуддин ан-Насафий. Самарқандия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
Нашқбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. Муаллифлар: Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993.
Никонов В.А. Узбеки // Системы личных имен у народов мира. –М.: “Наука”, 1986.
Нозилов Д. Ўрта Осиё меъморчилигида одатлар, қоидалар ва рамзий ифодалар. – Т.: “Санъат” нашриёти, 2011.122-б.
Обид Сўфихон Ҳамид ўғли. Қорахон хўжалар шажараси.14-16-б. Китобнинг нашриёти, нашр қилинган йили кўрсатилмаган.
Ораз Яғмур. Махтумқулинома. - Т.: " 0'ZBEKIST0N» НМИУ, 2016”. 168-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Очилов С. Ҳазрат Али ва маънавияти. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998.
Рахимов М. К. Художественная керамика Узбекистана. – Т.: Издательство Академии наук. 1961.
Расулов М. Марғилон шаҳри тарихини ўрганишда меъморий ёдгорликларнинг ўрни // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2012.
Раҳматиллаев Ҳ, Жаборов М. XVIII-XIX асрларда Марғилонда бунёд этилган тарихий мажмуалар // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинар материаллари). Фарғона. 2005.
Салимий. Шайх Каъб ал-ахбор қиссаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
Семенов А.А. Исмаилитский панегирик обожествленному Алию Федаи Хоросанского // Иран. III. Л., 1929.
Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3
Синьцзян ва Фарғонада топилган мозор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аблиз Орхун, Сугавара Жун. Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти.2007. №2.
Стори Ч. А. Персидская литература. I-III том. - М.: “Наука”, 1972.
Сухарева, О. А., Ислам в Узбекистане, Ташкент, 1960,
Суюндик Мустафо Нуротоий. Хатирчилик табаррук сиймолар. – Т.: “Муҳаррир”, 2010. 7-б.
Тарихий манбашунослик. – Т.: “Фан”, 2006.
Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол”, 1999.
Фазлий Намангоний "Малик уш-шуаро". Рукопись хранится частное коллекции С. Жабборова проживающего городе Маргилане.
Фазлий Намангоний. "Мажмуаи шоирон" тазкираси қўлёзмаси. Мазкур қўлёзма Марғилон шаҳарда истиқомат қилувчи Сайидакбар Жабборовнинг хонадонида сақланади.
Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. 90-91-б.
Фасих Ахмад ибн Джалал ад-дин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмаил-и Фасихи / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой. Т.: “Фан”, 1980. С.110.
Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 2002.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019.
Ўроқхон (Раъфиддинхон) ҳожи шайх Назруллахон ўғли. Ибратли ҳаёт гулшани. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. 6-7-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Гафуров А. Имя и история. – М.: “Наука”, 1987.
Ғулом Сарвар Лоҳурий. Ҳазинатул асфиё. Лоҳур. I том. 1863
Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда [Матн]: нашрга тайёрловчилар: Ҳамидилло Лутфиллаев. Тадқиқот кисми ва изоҳлар муаллифи: Шерали Қўлдошев. –Т.: “Akademnashr”. 2016
Ҳазрат Пайғамбар ҳаёти. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Хожа Убайдуллоҳ Мулло Бозор Охунд // Меҳрибоним сен ўзинг. Наманган, 2006.
Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам / Тадбил қилувчи, нашрга тайёловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Рўзиматзода. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2011.
Evrim Binbaş., Devin DeWeese. A ‘Missing’ Source on Eighteenth-Century Central Asia Rediscovered: the Istanbul Manuscript of the Works of Sayyid Nāṣir al-Dīn al-Marghīnānī. // Journal of the E conomic and Social History of the Orient 68 (20 25)

**НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ**

# ШОҲ МАНСУР ЗИЁРАТГОҲИ

Техник муҳаррир : ***Рўзимурод Ахмедов***
Саҳифаловчи ***Мархабо Жуманиёзова***
Дизайнер: ***Ангелина Полуэктова***

Тасдиқнома № 495679. 21.11.2024.
Босишга рухсат этилди:20.11.2025
Бичими 60x84 $_{1/8}$. Офсет коғоз
“Times new Roman” гарнитурасида офсет усулида босилди
Шартли босма табоғи – 14,78125. Нашр табоғи – 29,5625.
Адади 100 нусха. Шартнома №0 .20.11.2025
Буюртма№380

Оригинал макет «Classic» нашриётида тайёрланди.
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,
Авиасозлар кўчаси 2-уй.
Телефон: (93) 507-52-72

“Poligraf Super Servis” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,
Авиасозлар кўчаси 2-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi